

АҲАД ҲАСАН

**Кўҳна Бухоро
қиссалари**

Қиссалар, бадиалар

404308

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2007 ЙИЛ

Ҳасан, Аҳад

Кўхна Бухоро қиссалари: Қиссалар, бадиалар. – Т.: «Шарқ», 2007. – 208 б.

Таниқли адиб Аҳад Ҳасаннинг «Кўхна Бухоро қиссалари» насрий тўплами мавзу жиҳатдан бир-бирига яқин икки қисса ҳамда бир неча бадиалардан иборат. Қиссаларда хикоя қилинган воқеалар XX асрнинг биринчи чорагида Бухоро амирлигида бўлиб ўтади.

«Сочи оқарган бола» қиссаси қаҳрамони Қаноат табиий офат – қишлоқни қум босиши туфайли касалманд онаси билан қум босган уй ичида қолса-да, тушқунликка тушмай, нажот топиш учун матонат билан курашади. Шу аснода бутун ҳаёти, марҳум отаси билан боғлиқ хотиралар кўз ўнгидан бир-бир ўтади. Алалхусус, оддий қишлоқ боласи ҳаёти ҳам мазмун ва ҳикматдан холи эмаслиги бадний тарзда акс эттирилган асар номи рамзий маъно касб этади.

«Ўткан кунлардан қолган эртақлар» қиссасида севгилисн Ҳанифа зўрлик билан амир ҳарамига олиб кетилган ёш йигит Темурнинг саргузаштлари тасвирланган. Йиллар ўтиб, замон эврилишлари натижасида қочиб кетаётган амир ҳарамн Темур бошлиқ аскарлар томонидан қўлга олинади. Бирок у ўз Ҳанифасини топадими? Қизиқарли саргузашт унсурлари қиссалар ўқимишли бўлишини таъминлаган.

ББК.84(5Ў)6.

ISBN 978-9943-00-129-9

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2007 йил.

СОЧИ ОҚАРГАН БОЛА

Хушнуд кунлар келади, инон!

А.С.Пушкин

БИРИНЧИ ҚИСМ

ТУЙНУК

Қиш қиличини яланғочлаб келди. Ер совукдан қамчиланган танадай ёрилиб кетди. Сурункали изғирин узок давом этди. Сахро этагидагилар қиш заптига чидаёлмай теварак-атрофдаги пастқам қишлоқларга – қариндош-уруғлари, ошна-оғайнилари қора тортиб, бирин-кетин дарбадар бўлиб кўчиб кетдилар...

Бепоеъ кумликлар этагида кўчмаган, тўғриси, кўчолмаган бир хонадон колди. Бу ғариб қулба Қумбосди қишлоғининг муъолишида мунғайибгина ночор турарди.


Бу хонадон ҳам кўчишга шай эди. Қаноатнинг жўралари келиб гапни бир ерга қўйиб кетишди: эртасига эшакарава топиб келиб, уларни қўшни Денов қишлоғига олиб кетадиган бўлишди. Бироқ бир йилдан бери ана кетди-мана кетди бўлиб ётган бемор она ўғлининг раъйини қайтарди.

– Қиш ўчоғи тор, тур уйингга бор, деганлар, болам, – деди онаси сандалда инқиллаб ётган кўйи. – Кўчганларнинг бирор илинжи борки, кўчган-да.

– Бизам кўчамиз, деб жўраларимга сўз бериб қўйгандим, – деди ўғил норози бўлиб.

Онаси нафасини ростлаб, тирсагига таянди.

– Сўз бериш хар хил бўлади... Ўша жўраларинг келганида: “Йўқ, кўчмаймиз”, деб айтгин. Ҳеч нарса йўқотмайсан. Баҳорни ўз уйимизда кутамиз. Қўрпаси йиртиқ мана шу сандалимиз ғанимат. Ўтинга зўр бер. Отангдан қолган ойболта, арра қўлингдан тушмасин. Мен билан сени сандалга босилган олов тафти қишдан омон олиб чиқади. Уқдингми, болам?



Бола маъюс бош эгди.

– Уқдим, онажон.

– Қалдирғочлар учиб келгач, қиш захмати унут бўлиб кетади. Унгача қўни-қўшнилар ҳам, жўраларинг ҳам қайтади. Бу шафкатсиз саҳронинг қаҳри баланд, меҳри ундан ҳам баланд. Кетганлар ўз жойини қўмсаб, ўз оёғида яна қайтиб келади.

– Тўғри. Кўчганлар ҳам ноилж кетишяпти. Икки кўзлари орқаларида...

– Туғилган ернинг меҳри аслида шунақа – оханраболи бўлади, – деди онанинг кўзлари анча равшан тортиб, ўғлига синовчан тикиларкан. – Нима дейсан, ўзимиз баҳоргача чидай оламизми, болам?

– Бўлмасам-чи, онажон, – деди ўғил маъқуллаб. – Чидаймиз!

Улар ғарибгина кулбаларида қолишди. Қўни-қўшнилар пайт топиб, улардан хабар олиб туришди. Кенгликларга ўрганган Қаноатнинг жўралари эса ора-сира келиб, қумликларда ўйнаб кетишарди.

Она-ўғил узоқ қиш қаҳрига чидашди, саҳро хуржларига бардош беришди. Қантал оғди, лекин қиш шаштидан тушмади. Хутдан олдин унинг безовта шамол ва тўзонлари лашкар тортиб келди, одамларни кўз очиргани қўймади. Ҳадеганда совуқ чекинмас, она кутган баҳор хали-бери келадиганга ўхшамасди...

Онанинг инграган овозидан Қаноат уйғониб кетди.

– Ҳа, онажон, яна мазайиз қочяптими? – Ўғил ғирашира қоронғи хонада уйку аралаш гарангсиб, бир оз аланглади-да, бош томонида хира милтираб турган қора пиликнинг “тили”ни хиёл кўтарди. – Нима бўлди, онажон?

Ташқарида шамол чийиллар, гувиллар, алланиманинг ваҳимали ўқиргани эшитиларди.

– Эшикка кара... Бизни худо урганга ўхшайди, болам.

Қаноат эшикка қараб, ҳеч нарса илғаёлмади: қоп-қоронғи. Жойидан туриб, эшик зулфинини ташлади, очишга уриниб, итариб кўрди. Эшик очилмади. Яна итарди, бўлмади. Эшикни ҳар итарганида, унинг тирқишларидан шиғ-шиғ қум сизиб кирарди. Қанча уринмасин, эшик очилмади – орқасидан худди тамбалаб қўйилгандай зил-замбил эди. Бола шундагина билдики... Уйни кечаси қум босган.

Қаноат довдиради. Қора пилик ҳам бу зимистон уйдан чўчигандай бир “лоп” этди-ю, ўчди-колди. Бола қоронғида энди тамом гангиди... Ташқарида бўрон қутурар, еру кўкни ютғудай ваҳима солиб, ўкиргани ўкирган эди.

Деворда лойшувоқ қилиб ўрнатилган шапалоқдай шиша-туйнук ортидан ҳар эрта тонг бўзариб, нур тушиб турарди. Ҳозир шишадан ҳеч нарса кўринмасди. “Уйимизни қум босган, – деб ўйлади бола. – Одам бўйи... Йўқ, том бўйи...”

Бола босиб келаётган ваҳмини, хавотир тўла хаёллари-ни чалғитиш учун тепага – қалдирғочга мўлжаллаб қўйилган туйнукка тусмоллаб қаради: зим-зиё. Ҳеч нарса кўринмади, туйнук берк эди. Ғадир-будур деворга қоп-қора тун тамом сингиб кетганга ўхшарди. Қаноат нажот қутиб яна эшикка термилди: ости қоронғи, қум сизяпти: эшикнинг устки тирқишларидан хонага хира, жуда хира, она-сининг товушидай заифгина нур тушяпти.

Қаноат бошини ҳовучлаб, эшик кесакисига беҳол суянди. Кўксини бўғиб, гижимлаб келаётган хўрлик кекирдагига қадалди: “Уйимизни қум босган, ташқарига чиқиб бўлмайди. Онамдан буни қандай яширсам экан?”

Сандалдаги тўшақда бир ҳовуч қоксуяк бўлиб ётган она жулдур кўрпани устидан нари итқитиб, қарийб инграган товушда ўғлидан сўради:

– Нега безовтасан? Уйимизни қум босган, мендан яширма.

Қаноат эшик кесакисидан бошини кўтарди. Онасига қаради, лекин саси чиқмади.

“Онамдан сир яшириб бўлмайди! – Таажжуб билан ўйлай бошлади бола. – Ичингдаги гапни устидан чимчилаб оладилар...”

Қаноат онасига яқин келиб тиз чўкди, устига кўрпани тортиб қўйди.

– Ша-а-мол бошланган қу-ни... – Онанинг нафаси бўғилди, кўкраги гоҳ чўкиб, гоҳ кўтарилиб, жуда қийналиб гапирди. – Отангни эски тел... Телпагини туй... туйнук-к-а...

Бола онасига эгилди. Қоронғида унинг на қўзидан, на юзидан бирор маъно пайқаслмади. Совиб бораётган лабларида айтилмай қолган бир оғиз сўз симобдай қотиб қолганга ўхшарди.

– Телпакни туйнукдан олиб ташлайми?

Қаноат онаси айтолмаган, лабида қотиб қолган ўша

гапни, афтидан, топди. Онаси хиёл кўзғалиб қўйди. Ўғил уй бурчини пайпаслаб, супрадан ўқловни олди-да, сандал устига чиқиб, эски телпакни туйнукдан итариб тунширди. Туйнукдан олдин энсиз тасмадай нур, кейин чангтўзон ёприлиб кирди. Онанинг нурсиз кўзлари хонага сизиб кирган тонг нури билан тўкнашиб, хиёл ўтмай шу зайлича қотиб қолди: танаси эгри-бугри бўлиб, кўкраги бирпас қўтарилиб-чўкиб турди, кейин бир “пуф” леганнича гавдаси тўғриланиб, боши ўнг елкаси томон қийшайиб қолди...

– Онажон, кўзингизни очинг, онажон! – Қаноат онасини узок таталади, совиб бораётган юзига, кўлларига, елкаларига лабларини босди. – Мени якка ташлаб кетасизми? Кўзингизни очинг, онажон!..

...Бола йиғлаш фойдасизлигини билди. Хона ўртасида шуурсиз чайкалиб турди. Алам ғазабга айланди. Ўзини эшикка урди. Эшик очилмади. Бир оз тисарилиб, яна ўзини эшикка урди, яна шундай қилди, яна... Боланинг кўллари эшик тахтасида сирпаниб, тиззаси билан чўккалаб йиқилди. Эшикнинг ёғоч дастагига чирмашиб яна турди; итарди, тепди, йўқ, эшик очилмади.

Қаноат орқасига ўгирилиб, онасига қаради: туйнукдан жасад устига тўзон аралаш тасмадай нур тушиб турибди, ташқарида бўрон ҳамон кутургандан-кутурар, еру кўкни ларзага солиб гувилларди. Она хира нур ортидан ўғлига бокиб: “Энди ҳаммасини ўзинг хал қил, болагинам!” деяётгандай эди.

Манглайи бир энликкина, қоп-қора қошли, афт-ангори унниқиб кетган ўн уч яшар Қаноат энди ҳаммасини ўзи хал қилиши – ўз тақдирига ўзи нажот излаши керак эди...

Бола энди йиғламас, тўғриси, йиғлаёлмас, унинг кўз ёшлари, дийдаси ҳам тошдай қотиб қолган эди. У она пойида чўккалаб, мик этмай мунғайиб ўтирарди. Унинг муштдеккина жуссасида тақдирга қарши аллақандай галаён ўйнар, танаси ёнар, лекин вужудини жунбушга солган, хаёлларини остин-устин қилган ўша жиловсиз туйғу унга асло тутқич бермас, ишни нимадан бошлашни билмасди. Қаноат ўзини шу чигал қисмат қаршисида лол ва ожиз сезарди.

Боладаги кўрқув, руҳий ожизлик узок давом этмади. Онасининг жасади устидан искирт кўрпани нари суриб, ўрнига бундан бир йил олдин дадасининг тобутига со-

линган эски чойшабни топиб ёнди. Кейин яна уйга аланглади – чикиб кетишга чора излади. Бутун хаёли энди фақат шу билан банд эди. Уйдаги бор-йўк “мулк” унга беш панжасидай аниқ: тўрт девор, бир сандал, уй бурчида ёнма-ён чўнкайиб турган, даққионусдан колган икки-та ёғоч сандиқ; устида уч-тўрт увада кўрпа-тўшак. Бери-роқда тўнтарилган эски сатил, устида қора пилик...

Дарвоқе, уйдаги иккала туйнук-чи? Булар ҳам шу хона “мулк”ига киради: шиша-туйнук орқасини зич қум босган, шифтдаги очиқ туйнукдан эса тўзон билан коришиб энсиз нур, бир чимдим бўлса-да, рўшнолик тўкилиб турибди. Қаноат нимкосадай туйнукка, туйнук орқали ёпирилиб кираётган қатимдай шуълага, рўшноликка минг қатла шукр қилди.


...Худди кечагидай Қаноатнинг хотирасида турибди: бу туйнукнинг қўйилишига раҳматли онаси сабаб бўлган эди. “Шифтида қалдирғоч ин қурмаган хонада ажина уя қўяди”, – дея онаси қўп хархаша қилганидан дадаси истар-истамас юқори девордан мана шу туйнукни очиб берган эди. Совук тушиб, қалдирғочлар инини тарк этиб кетганидан сўнг онаси туйнукка эски латта-путтами, тўзони чиққан телпакними, қасноқ босган бирорта дўппиними тикиб қўяди. Агар шундай қилмаса, бепоён сахро этагидаги бу уйнинг игнадай тешигидан туядай совук ёпирилиб кирар эди.

Қаноат туйнукка қараб, қўнгли баттар суст тортиб кетди: “Онажон, сиз суйган ўша қалдирғочлар яна қайтиб келади. Туйнукдан уйимизга кириб, чуғурлашиб сизни сўроқлайди, – дея унсиз бўзларди бола. – Сиз энди йўқсиз, онажон, қалдирғочларга нима деб жавоб берман?! Қани энди мен ҳам сиз суйган ўша қалдирғочлардай бўлсам-у, туйнукдан “пир” этиб учиб кетиб, қўшни қишлоқлардан бошингизга одам йиғсам, жўраларимни хабар қилиб келсам”.

Қаноат туйнукдан кўз ололмай, ташқарига илҳак бокарди...

МУЮЛИШДАГИ УЙ

Ховлининг тўрт томони ҳайхотдай очиқ. Сахрода вақт-бевақт қўзийдиган изғирин шамоллар, қум бўронлари, “афғон” гармселлари муюлишдаги мана шу қулбани “ялаб-



ямлаб” ўтар эди. Қаноатнинг дадаси шу боисдан: “Ўзинизга мазза-да, онаси, тўрт тарафимиз қибла!” деб ҳазиллашар эди. Ота меҳридан эрта узилиб, етим қўзидай бугун онасидан ҳам ажраган Қаноат бундок ўйлаб кўрсакки, дадаси ўша гапни ҳазиллашиб эмас, йўқ, балки қўли калталигидан нолиб айтган экан. Қаноат бу гапларнинг тагига энди етпти.

Қаноатларнинг уйи билан Вардонзе қалъа ораси узок эмас, бир-бир ярим чакирим чамаси. Қаноатларнинг ховлисидан бутун қалъа кўриниб туради. Қаноатнинг дадаси қалъа билан уйлари орасидаги бу бўшлиқни “Жилвоннинг очик дарвозаси” деб айтарди. Саҳронинг қутурган шамоллари шу “очик дарвоза”дан худди илондай ваҳимали вашиллаб ўтарди. Унинг йўлига мабодо туя кўндаланг келганида ҳам “Жилвон шамоли учуриб кетади”, дея қумбосдиликлар лоф қилиб гапиришарди. Қаноат бу гапга қизиқиб, бир куни дадасидан сўради.

– Шу гап ростми, дада?

– Андак лофлиги бор. Лекин ёлғон, деб шак келтириб ҳам бўлмайди, болам. Ўзинг ўйла, саҳрода нималар бўлмайди? – деганди дадаси ўшанда унга узок тушунтириб. – Саҳроликларнинг ибрат учун тўқиган ақидалари қўп. Қанақа ибрат дейсанми? Ибрати шуки, болам, саҳрода ҳушёр яша, эҳтиёт бўлиб қадам бос, сергак юр дегани. Бу ернинг андазаси бошқа ерга сира тўғри келмайди. Масалан, чанқасанг – сув изла, деган гап бор. Саҳроликлар ўгити бунга тамом тескари: “Саҳрода чанқасанг сув эмас, йўл изла”, дейди. Саҳрода яшайсанми, саҳроликлар ақидасига сира шак келтирма: саҳронинг ўзидай бешафқат даррандалари билан ошна тутин, паррандалари билан тил топ, дарахт ва гиёҳлари билан юзмаюз туриб сўзлаша бил, шамолларидан чўчима, бўронларини эгиб ол. Ана шунда сенинг қўлинг баланд келади. Ёнингда борманми-йўқманми – ана шу гапларимни унутма, ўғлим!

“... – Гапларингиз ҳақ, дада, то тирикман, унутмайман, – деб онасининг пойидан бош кўтариб турди Қаноат. – Лекин ҳозир нима қил дейсиз, дада? Ўгит айтиш, ўгит тинглаш пайти эмас. Она-ўғил бир қабрдамиз – бир ўлигу бир тирик... Айта қолинг, йўл кўрсатинг, дада, нима қилай?”

Қаноат волидаси пойига яна бош эгиб йиғлади, бўзлади, даласи рухига кўп илтижолар қилди. Боланинг увоккина елкаси анчагача силкиниб-силкиниб, ахири тинди. У шу зайл ухлаб қолди. Қанча ётганини билмайди. Совқотиб уйғонди. Сандалнинг оловхонасини титиб кўрди – бор чўғлари ҳам сўниб, кул бўлиб қолган. Хонага аланглади: анча ёришган, совукдан қиров босган деворлар сеҳрли йилтиллайди. Танқарида қум бўрони хали тинмаган. Лекин кун ёришиб қолган бўлса керак, туйнукдан мўл-қўл нур тўкилар, банорас чойшаб, чойшаб остидан чиқиб қолган онасининг қоқсуяк кутсиз кўллари кўзга яққол ташланиб турар эди.

“Хайрият, қуёш чикқанга ўхшайди. Лекин унинг менга нима нафи бор – уйдан чиқолмасам, – деб ўйлади Қаноат ва дарров ўзига-ўзи далда берди. – “Молингни сот, жонингни сот, рўшнолик ол!” – дердилар дадам. Ёруғлик бўлса, одамнинг мушқули осон кўчармиш. Дадам беҳуда гап айтмас эдилар”.

Қаноат яна туйнукка қаради. Болордаги қалдирғоч инига кўз югуртирди, онасининг қалдирғочлар келишини илҳақ кутганини эслаб, юрак-бағри баттар эзилиб кетди...

Нур тўкилиб турган туйнукка бир куш келиб қўнди. “Нахотки, қалдирғоч бўлса? – деб ўйлади Қаноат. – Хали эрта, қалдирғочлар қайтмайди. Улар баҳорда қайтади. Ие, кабутар-ку! Киргин, жонивор, киргин, совук котдингми? Кира қол, чўчима!”

Каптар мўридан уйга кирди, чарх уриб айланди. Қўндоғи синган, қалта милтиқ осиглик узун ёғоч миҳга бориб қўнди. Хадиксираб уйни кузата бошлади.

“Каптаржон! – деб ҳаяжондан энтикиб кетди Қаноат. – Хонаки каптарга ўхшайсан-ку, яхши. Давроннинг каптаримисан ё бегонами? Ие, оёғингда халқанг бор-ку, Давронникига ўхшайсан, чоғи. Э, айтмоқчи, Вардонзе қальасининг мутаваллиси ҳам каптарбоз, деб эшитганман. Билдим, оёғингдаги халқадан билдим. Бир оз исин. hozир сенга емиш топиб бераман...”

Қаноат жойидан туриб, дон излади. Супрадан бир ховуч кепак топди. Сандал устига тўкиб, кабутарни чакирди:

– Бих – бих... Чўчима, жонивор, кела қол. Келсангчи.

Куш энди хавотир тортмай сандалга келиб кўнди. Хафсала билан емишни чўқий бошлади.

– Бор экансан-ку, каптаржон! – деб яна пичирлади бола, кейин кўнгли суст кетиб дийдаси юмшади, кўзи ёшланди. – Жонимга энди ўзинг ора кирасан, хўпми? Сенга ёлвораман, каптаржон, ёрдам бер!

*Кўккина каптар келар,
Бўйи ерга қайрилиб.
Мен нечук тоқат этай,
Онажонимдан айрилиб?..*

Қаноат муштининг орқаси билан кўз ёшларини артди, ховучида қолган емиш юқини каптарга тутди. Куш бегонасирамай келиб қўлига кўнди. Шунда Қаноатда хат битиб, каптар билан ташқарига жўнатиш фикри тугилди: “Хатни кимга жўнатаман? – деб хаёлидан ўтказди Қаноат. – Кимга бўлса ўшанга! – деган қатъий қарорга келди. – Каптар мутаваллиники бўлса... ахир, мутавалли хам одам-ку... Аҳволимни билиб, нахот, ташқарида томошабин бўлиб ўтиради? Борди-ю, каптар Давронники бўлса, яна хам яхши!...”

Хат битиб жўнатиш фикри унинг бутун хаёлини камраб олди. Зич китоб жойлаб қўйилган сандиқдан қоғоз-калам олди. Хатда айтадиган гаплари хам беихтиёр қуйилиб келаверди:

“Уйимизни кум босди. Онам узилиб қолдилар. Ушбу хат кимнинг қўлига тушса, диёнатига хиёнат қилмай бизни кутқазишга шошилсин.

Қумбосди кишлоғи, муюлишдаги биринчи уй. Носир варанканинг ўғли Қаноат”.

Қаноат каптарни эҳтиёткорлик билан тутиб, бағрига босди. Унга худди шу топда ўзининг халоскоридай муомала қилар эди: қанотларини таради, силади, ўпди. Хатни тумордай қилиб, тўрт буклаб тугди-да, ип ўтказиб, каптар оёғидаги халқага маҳкам боғлади. Куш туйнукдан чиқиб кетганидан кейин унинг ортидан анчагача қараб қолди. Кўнгли алланечук бўлиб, баттар хўрлиги келиб кетди: “Сенга ўхшаб эркин куш бўлсам-у, мен хам бу қоронғу кулбадан учиб кетсам... Йўқ, онамни якка ташлаб ҳеч қаякка кетолмайман, ўзинг учавер, каптаржон!”

ИЛТИЖО

Қадимий Вардонзе қалъасининг етти пасха деворлари нураб, галвирдай илма-тешик бўлиб кетган. Дунёдаги жамики қушлар гўё шу қалъада – асалари инларидай сонсиз-саноксиз тешикларда жамланган. Эрта тонгдан кеч окшомгача бу ерда хилма-хил, ранг-баранг қушлар сайли, паррандалар бозори қайнайди: тустовук, киргий, пўпиш, майна, булбул, чумчук, қарқуноқ, каптар...

Қаноат тенгқурлари билан ҳар куни калъа пойига келиб, ана шу қушларнинг чуғурлашини, хонишини, “шоҳ ташлаб” парвоз этишини томоша қиларди. Улар ҳатто қушларнинг одамларга берадиган фойда-зараригача ўзаро муҳокама этишарди. Болалар тустовукнинг камалакдай товланиши, булбул хониши, киргийнинг абжирлиги хусусида баҳс қилиб турганларида, бошлари узра чит-так, зағизғон, гуррак, сариқ чумчук, қарқуноқ парвоз қилиб, “бизни нутманглар, болалар”, деяётгандай басма-басига учишарди. Тентакқуш бўлса тентаклигидан қолмай, ҳадеб болаларнинг жигига тегарди: у болалар олдига тушиб, ҳавасни қўзғатадиган даражада чиройли йўрғалар, улар қувиб етай-етай деганда “пир” этиб учарди-да, тўрт-беш қадам нарига бориб қўнарди; болалар яна унинг ортидан югуришарди, айна етай-етай деганда... туткич бермай яна учиб кетарди. Шунда жаҳли чиққан болалар:

– Тентак! – деб сўқинишарди. – Тентакқуш!

Қаноат тенгқурлари – Даврон, Карим, Саттор, Аҳмад билан қушлар ортидан толиқиб югуришарди, терлаб пишишар, кейин ҳаллослаганларича кўм-кўк ажриққа ён-бошлар, дам олишарди. Шу пайт узоқ-узоқлардан бойўғлининг “Қу-у-к” деган чўзиқ овози эшитилиб қоларди. Бирпасдан кейин бойўғлининг ўзи вайрона қалъа узра чарх уриб, ўркачга ўхшаган ўрта деворга келиб қўниб оларди-да, яна чўзиб:

– “Қу-у-ққ” – дерди.

Болалар “гур” этиб бойўғли томон қарашарди. Қаноат ўнг тирсагига тиранганича бойўғлини узоқ кузатарди, сўнг отасидан эшитган ривоятни ўртоқларига айтиб берарди:

– Жуда қадим замонда Кайқубод деган мамлакатда Бойўғли билан Япалоққуш яшар экан. Қунлардан бир куни Япалоққушнинг ўғли Қулонқир Султон Бойўғлининг қизи Гунашбонуни севиб қолибди. Унга Худхудни

совчи қилиб юборганида, биласизларми, жўралар, Бойўғли унга қанақа шарт қўйган?

– Йўк, билмаймиз, – деб жўралари Қаноатнинг оғзига қараб чўзилишарди. – Қани-қани, айт-чи, шартини эшитайлик.

– Минг битта вайрона чордевор тўлайсан, дебди!

– Вой-вуй, – дейишарди болалар уввос солишиб, – минг битта вайрона девор?

– Ана, кўрдингларми? – дерди Давроннинг билафонлиги тутиб кетиб, – Бойўғлини ана шу учун одамлар ёмон кўради. Унинг “ку-у-к” дегани, “Дунё хароба бўлсин!” дегани экан. Ха-а, бувам шунақа дердилар. Кушларнинг ичида аълоси – каптар! О, унинг кўкка тўш уриб чиқишини-ю, кейин кутилмаганда ерга “қалла” ташлашини томоша қилсанг. Бай-бай, лабинг кимирласа бўлди, ҳамма гапингга тушунади, ақлли куш!

– Бойўғли хақидаги таърифнинг унча ҳам тўғри эмас, – деб эътироз билдирарди Қаноат қизишиб. – Сен каптарни яхши кўрасан, биламан. Лекин Бойўғли ҳам каптардан кам эмас. Бойўғли захматкаш куш. Қанча зараркунандаларни қиради, дехкон ҳосилига барака киритади.

Ўртада яна баҳс қизиб кетарди.

– Кушнинг яхшиси, жўралар, пўпиш, – дерди Фозил тутмайизчининг невараси Карим, – то пўпиш келиб балхи дарахтини чўкиб уйғотмаса, тут пишмайди. Э, жўражон, тут пишмаса, илигинг қаердан тўлади? Тут пишмаса, тутмайиз қаердан бўлади, хўш, айт, қаердан бўлади? Ҳа, балли, бўлмайди! Бобом: “Пўпиш – кушларнинг пошшоси”, дейдилар.

– Бу ҳам тўғри, – деб маъқулларди Қаноат, – лекин кушларнинг яхшиси – қалдирғоч! Нега десаларинг, жўралар, агар қалдирғочлар учиб келмаса, мана бу Жилвонимизга баҳор ҳам келмайди!

...Дарвоқе, баҳор! Ҳар гал қалдирғочлар учиб келганида Жилвонга, бутун бошли сахрога баҳор нафаси уфурлади. Ўша қалдирғочлар Қаноатлар уйига ҳам баҳор олиб келарди.

“Кўклам кўкати, баҳор неъматини олиб келдингми? – дея қувониб кетарди Қаноатнинг онаси ҳар гал қалдирғочлар қайтиб келганида. – Чиркиллаган овозингга кокиндик, туйнукдан қира қол, ининг бўш турибди, сенга мунтазир!..”

...Қаноат ҳозир сандалда ўтириб, икки тирсагини тиз-

заларига тираб, иягини кафтларига босганича онаси айтган эртақларни эслар, бахор ва қалдирғочлар ҳақида ўйлар, онасининг руҳи билан гаплашаётгандай унсиз шивирларди: “Ўзийиз айтиб берган эртақларда қоронғи чўққанида ўлиб, қуёш чикқанида қайта тириладиган одамлар бўларди. Сиз ҳам ҳеч бўлмаса бир лаҳзагина кўзингизни очинг, ўша эртақлардагидай...”

У илтижо қила-қила сандалдан сирғаниб, онаси пойига йиқилди...

ТОШБИТИҚДАГИ ЖАРНОМА

Уйнинг шимол деворидаги иккинчи туйнукнинг ҳам қизиқ тарихи бор. Бу шиша – туйнук Вардонзе қалъасига юзма-юз қилиб ўрнатилган. Қаноатнинг дадаси шиша ортидан қалъага, унинг тепасидаги мўйсафид дўлана дарахтига қараб ўтиришни хуш кўрарди. Бунинг устига, туйнукдан бир чимдимгина нур хонага тўкилиб турар, Қаноатнинг дадаси бундан завқланиб: “Ҳарна, рўшнолик-да!” – деб қўярди.

Дадаси қўли ишдан бўшаган қиш пайтлари шу туйнук олдида жилмасди. Қаноат бундай пайтда кўпинча дадаси пинжида бўларди. Вардонзе қалъа ҳақида қизиқ-қизиқ ҳикоятлар, ривоятлар эшитиб, маза қиларди...

Дадасининг болалиги шу қалъа атрофида ўтган. Қаноатнинг ўзи ҳам остонадан ташқарига эмаклаб чиқибдики, тойчоқлиги шу қалъа билан боғлиқ. У гоҳ дадаси билан шу бугунгидай бирга чиқар, гоҳ тенгқурлари билан бориб, халта-халта исирик ёки ялпиз териб келарди.

Қаноатни қалъа тепасидаги дўлана дарахти кўпроқ қизиқтирар, бор меҳрини тортган эди. Дўлана кўк билан битта бўлиб осмону фалакка кўшилиб кетган. Кўрғонга қайси томондан қаралса – хоҳ узокдан, хоҳ яқиндан аввал шу дўлана дарахти кўзга ташланади. Қушлар юлдузларга қараб йўл топганидек, саҳрода адашган йўловчиси, чўпон-чўлиқми осмону фалакка елка тутиб турган мана шу дарахтга қараб кўпинча мўлжал олишарди. Дарахт бугун ўзгача бир латофатга бурканган: кўм-кўк баргига тўкилган шабнам ҳам ҳар донаси ўрикдай-ўрикдай келадиган дўланалари ҳам қуёш нурида жимирлаб ўйнар эди.

Қаноат қалъага яқинлашгани сари, назарида, дарахт-

нинг ранги ҳам ўзгариб, бамисоли тилла суви югуртирилгандай хилма-хил нурланаверади.

– Дада, қаранг, дўлана пишибди! – Қувончидан қичкириб юборди бола. – Пишибди, қаранг, дада!

– Қўряпман, – деди дадаси қўрғон пойига яқин келиб, пастдан дарахтга узок қараб турди. – Дарахт бошини ерга қараб эгдими, билки, мевасининг фарқ пишгани шу!

Қаноат дўланага қараб тамшанди. Дадаси кулиб қўйди.

– Олиб берайми?

– Майли.

– Бўлмаса юр, қалъага чиқамиз. Исирикни ўша ердан терасан. Мен дарахтга чиқиб, сенга дўлана териб тушаман.

Вардонзе қалъа хисори – чамаси, ўттиз метр баландликка олиб чиқадиган қирк тўққиз пиллапоя...

– Эҳтиёт бўлиб кадам бос, болам, аждодларимизнинг салкам уч минг йиллик ўтмиши сукут тутиб ётибди бу ерда, агар билсанг, – деди дадаси ўғлини юқорига бошлаб. – Бу қалъанинг турган-битгани тарих. Бундаги ҳар битта фишт, ҳар битта гувала деворнинг ўзи бир обида. Мана шу ерда, бешинчи зинапояда бир дақиқа тўхта, болам. Балли. Энди ўнг қўлга бурил. Ёнбошдаги мрамарга ўйиб битилган ёзувга бир кара. Мендан олган сабоқларингни бугун имтихон қиламан. Қани, ўқиб кўрчи, нима деб битилган мрамарда?

Қаноат белидаги нимдошгина белбоғини ечиб, ғубор ва чанг босган мрамарни тозалади, кейин арабий ҳарфни ҳарфга уриштириб, тутила-тутила ўқий бошлади: “Од-а-м-л-а-р бу фоний дунёдан дарёдек оқиб ўтаверадилар... Улар қилган яхшилиқлар сув остига чўккан олтин тангалардек абадий ярқираб тураверади”.

– Яхши, – деди дадаси маъқуллаб. – Илмингни синамоқчи бўлсанг, кўзинг омухта бўлмаган ана шундай сўзларни ўқишга уннаб кўр.

Қаноат ўнинчи пиллапоя ёнбошидаги битикни кўп урнаб ўқиёлмади. Мрамардаги ёзувнинг биринчи банди ўчиб кетган, қолган қисми ҳам анча хира тортган эди. Ҳатто дадаси ҳам уни ўқиёлмади, фақат: “...охирги ором маконидир”, деган жумладан нарига ўтолмади.

Қаноат жўралари билан мана шу пиллапоялардан ҳар кунни бўлмаса ҳам кунора баланд хисорга кўтарилиб, неча бор пастга тушган. Бу битиктошларни кўп кўрган,

лскин хар гал уларга болалик назари билан караб ўтиб кетаверган. Мана энди дадаси кўмагида бу ноёб битиклар мағзини чакиб, ўзидан-ўзи хижолат тортиб кетди.

Томининг талай қисми кулаб тушган, бир пайтлар бу хисорнинг энг кўркем хосхоналаридан бири саналган, чорзарб қилиб қурилган пойостонадаги кўшкка киришди. Қаноатнинг дадасида бор қадимий китоблардан унга шу нарса маълум эдики, Вардонзенинг биринчи подшоси Вардонхудо олий нуфузли меҳмонларни шу хосхонада қабул қилган. Салтанат ҳукмдори кўрган-билганларини, кечган-кечирганларини ўзи битган “Ёднома”сида шундай рақам қилган:

“Қалъа хисорини баландда – кўк елкасига тираб қурдим. Токи рақибим келиб осмонга туташиб кетган бурж минораларга қараганида, бошидаги кулохи ерга тушсин. Шундагина унда ҳайиқиш ҳисси кўзғалади. Боз устига, хисор пойостонасидаги хосхонанинг тўр деворида мана шу беомон байтларни нақшлатдим: “Қилич кўтариб келган душманга асло меҳр-шафқат қилмаймен.

*Бо дўстони мурувват,
Бо душманони мазорат!”*

Хосхона эшигидан кирган кишининг кўзи энг аввал рўпарадаги деворда битилган мана шу битикка тушади.

Бўлажак авлодларга бағишлаб битилган бу қобуснома – “Ёднома”нинг талай қисми Вардонхудо ва ундан кейин ўтган подшолар фармони билан шу хосхона деворларида, хисорнинг етти пасха қаср пештоқларида тошбитик қилиб ўрнатилган эди.

Қаноатнинг дадаси файзи кўчган, нураган бу чордеворнинг тошбитикларини кўп марта кўрган, уларни ўқишга неча бор уринган, баъзисини ўкиб, айримини ўқиёлмай, уларнинг қаршисида соатлаб қолиб кетган пайтлари ҳам бўлган. Ҳозир эса ўзи лозим кўрган битикларнинг мағзини ўғлига дона-дона қилиб чакиб берди:

– Яшаганда, ўғлим, меъерини билиб яша: хаддан зиёд ширин ҳам бўлма, еб қўйишмасин; хаддан ортиқ аччиқ ҳам бўлма – тупуриб ташлашмасин...

Ваҳм – қоронғида кўп изғийди. Шу боис кўнглингни равшан тут, хаёлинг доим нурафшон бўлади.

Шухратни излаб ортидан беҳуда от чоптириб юрма. Агар ақл-идрокка таянсанг, ўғлим, шухратнинг ўзи сени излаб топади.

Дарахт жазирама иссиқда туриб, ўзгаларга соя ва мева беради. Дарахтдан ибрат ол, ўғлим!

Ўғлим, ёшлигингда кўп хатолар қилурсен. Агар билсанг, бу ҳам фойдадан холи эмас. Бироқ бу хатоларни қаригунингча ҳаргиз судраб юрма.

Қаноатга битикларнинг бари маъкул бўлди, бироқ хосхона тўридаги тошбитикка тиши ботмади. Уни дадаси изохлаб берди:

– Юртингни кўз қорачиғидай азиз тут, кадрла. Унинг хоки пойига дўст бўлиб кадам қўйганга бағрингни кенг оч, дегани. Агар қилич кўтариб кирса, унинг кўзига дунёни тор қил – сўнгги манзили мазористон бўлсин:

*Бо дўстон мурувват,
Бо душманон мазорат...*

– Тушундим, – деди Қаноат, – англадим маъносини. Раҳмат, дада.

Ота-ўғил хосхонадан чиқишди. Пиллапоярлар уларни хисор саҳнига олиб чиқди. Қаноат қуёшда лов-лов ёнаётган қалъа саҳнига узок қараб турди. Жамики гиёҳ ва кўкатлар қовжираб қолган, қаршисида фақат дўлана дарахти кўм-кўк яшнаб турарди. Қаноат дарахтга қараб хосхонадаги тошбитикни беихтиёр эслади:

“Дарахт жазирама иссиқда туриб, ўзгаларга соя ва мева беради. Дарахтдан ибрат ол, ўғлим!..”

– Бу қанақа жарнома, дада? – деди Қаноат худди шахзода билан юзма-юз тургандай бутун вужуди жунбушга келиб. – Айта қолинг, дада.

– Айтаман, ўғлим, лекин ҳозир мавриди эмас. Бир фурсати келганда айтиб бераман.

– Йўқ, ҳозир айтинг, – деди Қаноат дадаси пинжига баттар тикилиб, унинг яктаги этагига маҳкам чирмашиб олди. – Дўлана олиб бермасайиз ҳам майли. Шу жарнома тарихини айтинг. Кейин-чи, дада, бир қоп десайиз ҳам исирик териб бераман.

– Э, э, шунақами? – деди дадаси ўғлининг елкасидан қучиб. – Бўпти, ўғлим, сенки шуни истадинг, унда айтаман. Аввал мана бу гапимни эшит. Менда кийик терисига қопланган бир хотира дафтари бор. Ҳали сен уни кўрмагансан. Дадамдан мерос. Дадамга дадаларидан қолган, дадаларига эса... Хуллас, ўтмиш аждодлар қасамёди шундай бўлганки, оталар шу хотира дафтарини кўчириб, ўз фарзандларига мерос қолдиришлари фарз санал-

ган. Шу тарика авлоддан авлодга ўтиб келаверган... Хо-тира дафтарида битилган бир ривоятда айтилишича... – Дадаси бир оз тин олди. Хикояни жуда узокдан – мо-зийдан бошлади...

– Эрон подшосининг ўгли Шопур отасидан аразлаб, Бухорхудот хузурига келади ва Бухоро фукаролигини қабул қилади. Шопур ов жинниси бўлган экан. Шу илинжда шикорга чиқиб, биз яшаб турган мана шу жой-ларга келиб қолган.

Ўшанда биз яшаб турган жойлар, ўғлим, Мосаф¹ во-ҳасининг энг кўркам гўшаси бўлган: кир-адирлар, ўтлок-яйловлар, боғ-роғлар, чорвоқлар... Бир-биридан гўзал паррандаларини, бир-биридан абжир даррандаларини айт-майсанми? Булбулу қумрилар, тўтию товуслар, майнаю зағизгонлар, мусичаю гурраклар минг хил нағмада хо-ниш қилган, минг хил мукомда хиром этган... Буларни кўриб келгинди шахзоданинг оғзи ланг очилиб қолган. У шу ерда муқим қолиб, бир хисор қуришга ижозат сўраб, Бухорхудотга чопар юборган. Шахзодага рухсати олий-нишон теккан кундан бошлаб, у қўлига қурол олиб, гўзал табиатга, унинг жонли ва жонсиз мўъжизаларига қарши суиқасд бошлаган – отган, чопган, топтаган... Ўшанда келгинди шахзода бунинг учун табиат келажак-да одамлардан қасос олишини билмаган-да!

Шундай қилиб, ўғлим, рўди Мосафдан арик казиб, сув келтиришган. Тўрт тарафдан одамлар кўчиб кела бошлаган. Қисқа фурсатда иккита кишлоқ қад кўтарган. Бири – Обавия, иккинчиси – Вардона. Бора-бора киш-лоқлар чўзилиб, кенгайиб, кўча ва расталари бир-бири-га тутшиб кетибди. Вардонани Шопур пойтахт қилиб-ди. Бухородан кейин дунёда иккинчи бир мўъжиза пай-до бўлибди. Шунинг учун ҳам мўъжиза деяпманки, ўғлим, мамлакатларни мамлакатларга боғлайдиган карвонлар, элчилар, савдогар ва сайёҳлар шу шаҳри азим – Вар-донзе орқали тўрт тарафга қатнаб туришган. Шу боис Вардонзе қалъаси “Ипак йўли”, “Шарқ дарвозаси” номи билан ҳам аталган. Араб лашкарбошиси Қутайба ибн Муслим бу шаҳарни забт этиш учун тўрт марта ҳужум қилган, лекин ололмаган. Халқ жон бериб, қон кечиб шаҳарни ҳимоя қилган. Қирғинбарот урушлар бир неча йил давом этган. Ахийри, Қутайба: “Бу пўлат қўрғонга

¹ Мосаф – Зарафшон дарёси ва воҳасининг қадимги номи.

404308

тишим ўтмади”, – деб лаш-лушларини йиғиштириб, қайтиб кетишга тараддуд кўрган. Шу пайт Қутайбанинг ноибни Хайёни Набатий¹ бир хийла ўйлаб топган. Бу хийла арабларга қўл келган... Бу хийлага шахзода лаққа тушган.

Қаноат дадаси айтаётган хикоят таъсирига шунчалик берилиб кетган эдики, у hozир ўзини ўша хоин шахзода билан худди юзма-юз тургандай ҳис этарди: сесканиб тушди, ижирғанди, қўллари беихтиёр мушт бўлиб турилди.

– Хонин! – деди товуши титраб. – Не-е-га шахзода бундай қилган, дада?

– Ақли суст, эътиқоди паст бўлган одамларни макр-хийла деган бало не қўйларга солмайди, ўғлим? – деди дадаси афсус билан бош чайқаб. – Бир донишманддан сўрабдилар: “Ичкилик деган оғу нега кекса кишининг оёғигаю ёшларнинг миясига тез таъсир қилади?” Донишманд жавоб берибди: “Чунки ичкилик деган оғу одамнинг суст жойини излайди-да!” Хийла ҳам, макр ҳам донишманд айтган ўша оғудай гап, одамнинг нукул бўш ва суст жойини излайди, агар билсанг, болам.

Қаноатга дадаси айтган бу ривоят ҳам маъқул бўлди, лекин шахзоданинг нега хоинлик қилгани уни кўпроқ кизиқтирарди.

– Айтаман, ўғлим, айтаман, – деди дадаси рози бўлиб, – буёғи энди бошқа ривоят...

ЖАЙҲУНА

– Араблар Вардонзе қалъа деворлари ортида, баланд майдонда дор қуришибди. Арғамчи устида дорбозлар басма-бас ўйнашиб, қалъа ичкарисидаги халойиққа юз муқомда томоша кўрсатишибди. Дорбозлар ичида гўзал бир қиз ҳам бор эмиш. У дор устида хиром этганида, учиб кетаётган қушлар ҳам йўлидан қайтиб, қалъанинг бурж минораларига қўниб олиб, уни томоша қилармиш. Қамалда ётган шахзода дор устидаги ана шу қизни бир кўришдаёқ севиб қолибди. У қизга шунчалик ошиғи шайдо бўлибдики, тахт ҳам, давлат ҳам кўзига кўринмай қолибди – туну кун дорга термилиб ўтирадиган одат чиқариб-

¹ Тарихий шахс.

ди. Аксига олиб, киз энди дорда кўринмай қолибди. Шахзода киз васлига илҳақ бўлиб турганида, бир куни етти пахса девор ортидан оёғи остига бир мактуб келиб тушибди. Шахзода хатни очиб кўрса... дорбоз киз – Жайхунадан экан! Киз хатда куйдим-пишдимлардан кейин шахзода билан кўришишга онт ичиб, учрашув жойини белгилаган экан. У шахзодани қалъа остидан ўтадиган лаҳим қопқасига таклиф қилибди. Эс-хушидан ажраган шахзода ер тагидан ўтган лаҳмга яширинча тушиб, темир қопқани очса... дорбоз киздан дарак йўқ, хийлагар Набатийнинг навқарлари қопқа оғзида саф тортиб турганмиш!

...Шахзода билан Жайхуна учрашибди, лекин жуда кеч – араблар шаҳарга бостириб киргандан кейин учрашибди. Бу учрашув бояги мактубда битилгандай, ошиқ-маъшуқалар ёки севишганларнинг висол учрашуви эмас, йўқ, алданганлар, хўрланганлар, таҳқирланганлар учрашувига айланибди!

– Гапир, эй, шахзода, мана уруғ-аймоғинг билан юзмаюз турибсан, – дебди киз нафрат билан унга қараб. – Нега ўз фуқаронгга, ўз тахтингга хиёнат қилдинг?

– Ҳаммаси сен туфайли бўлди, – дебди шахзода бош эгиб. – Сен туфайли бўлди ҳаммаси, маликам!

– Мен туфайли? – дебди киз таажжубга тушиб. – Яширин лаҳм қопқасини ўз қўлинг билан очиб бердинг...

– Сен битган мактуб туфайли шундай қилдим, – дебди шахзода йиғлаб. – Мени сархуш қилиб қўйди йўллаган мактубинг, маликам!

– Қанақа мактуб, эй, нодон шахзода? – дебди киз. – Эҳтимол, Набатий менинг номимдан сохта мактуб битгандир. Хўш, шахзода, лаҳм қопқасига сени Набатийнинг хийласи бошлаб келди, шундайми? Энди тўхтаб тур, қопқада қўлга тушиб, алданганингни билганингдан кейин нега яна хоинлик қилдинг?

– Қандай хоинлик?

– Шаҳар дарвозаларининг қалитини ўз қўлинг билан нега душманга бердинг?

– Бу ҳам сен туфайли бўлди, маликам.

– Ёлғон!

– Рост! – дебди шахзода. – Рост сўзляпман, сен туфайли бўлди. – Набатийнинг жаллодлари мени лаҳм қопқасидан суғуриб, Қутайба хузурига олиб бордилар. Мендан қалъа қалитларини талаб қилишди. Рад этдим.

Биламанки, лахмдан улар фойдалана олмайди. Сабабки, лахмнинг ичкари қопқасида қуролланган навқарларим турибди – улар борган душманни қиличдан ўтказди. Шунда Набатий қаршимдаги харир пардани кўтариб, сени кўрсатди. Сен рўпарамдаги майдонда – кўм-кўк майсазорда лолақизғалдоқ териб юрган эдинг.

– Калитни бермасанг, – деди ўшанда Қутайба, – кўз олдингда Жайхунани қатл этаман! Сени омон сақлаб қолиш учун, Жайхуна, калитни беришга рози бўлдим.

Шунда Жайхуна минг афсус ва надомат билан фарёд солибди:

– Агар шу гапларинг чин бўлса, бир кўришда севги туғилиши рост бўлса, дунёда бахти қаро, муҳаббати кемтик, севгиси чала қиз ҳисоблайман ўзимни, билдингми?! Қилган хоинлигингга сабаб чиндан ҳам мен бўлсам... Агар сотқинлигинг боиси чиндан ҳам менга бўлган муҳаббатинг бўлса, эй, шаҳзода, мана шу фуқарои жабрдийда олдида қасамёд қиламанки, мен ҳам ўзимни айбдор ҳисоблайман! Шунин бил, шаҳзода, қасосдан энди қутулолмаймиз – иккимиз ҳам жазога баробар маҳкумиз!

Қиз шундан кейин белидаги тилла ғилофдан олтин ханжарини сугуриб, боши узра баланд кўтариб, халойиққа қараб кичкирибди:

– Ҳе-е, мардуми аҳли Вардона, эшитмадим деманглар, эшитганлар жилманглар, дор устида ўйинларим билан сизларни ром қилган ўша дорбоз қизмен. Исми – Жайхуна. Жайхун¹ дарёси бўйидаги Тўхористон² мамлакатиданман. Шери Кишвар деган машҳур савдогарнинг кизи бўламан. Отам Чин³ мамлақати подшосининг жияни Малик Кўрмағон билан дўст тутинган эди. Шу туфайли Чини Мочин подшосининг саройида таълим олдим. Одамларга хушнудлик бағишлай, деб дорбозлик хунарини ўргандим. Чин мамлакатидан қайтиб, Тўхористон устида дор тиксам... Қутайба ноибни Хайёни Набатий дор остида кўкқисдан пайдо бўлиб, хўжаси хузурига бошлаб борди. Улар кистови билан дор устида кўп хунарлар кўрсатдим. Босқинчилар ғалабаларини нишонлаш учун кўнгилхушлиққа аввал дор тиктирган бўлсалар,

¹ Амударёнинг қадимги номи.

² Қадимда шу номда аталган давлат бўлган.

³ Хитойнинг Ўрта асрлардаги қадимий атамаси: Чин ва Чини Мочин деб аташган.

кейинчалик... Вардонзе мағлубиятидан сўнг улар ғалаба қозониш учун дор тиктирган эканлар. Набатийнинг бу хийласидан бехабар эдим. Дор устида Чин муқомида не-не рақслар ижро этиб, олдин шахзодангизни ром этдим, кейин шахзодангиз орқали сизларни – жабрдийда фуқарони, бутун шахрингизни душманга тобе қилиб бердим. Шахзода мени кўрмаганда, эҳтимол, шу ҳолатга тушмаган бўлар эди. Биримиз дорда туриб, биримиз ерда туриб ана шундай гуноҳи азимга йўл қўйибмиз, энди билсам. Бу хиёнатнинг мантиқий яқуни – ўлим! Марҳамат, шахзодам, – дебди Жайхуна, – мана ханжар, аввал сиз бошлайсизми ё ўзим бошлай қолайми?

Жайхунанинг ханжар узатган қўли ҳавода муаллақ осилиб қолибди: шахзода қиз оёғига йиқилиб, зор-зор йиғлаб, ундан изн сўрабди:

– Ўлишни истамайман, маликам! Мени кечир, кечир мени! Шундай яшагим келяптики...

– Мен кечирганим билан халқ сени кечирмайди, шахзода! – деб қиз ханжарни яна боши узра ялтиратиб, баланд кўтарибди. – Мен ўзимни жазолашни биламан, эй, мардуми аҳли Вардона, номардларни жазолашни эса сизларга қолдираман!

Жайхуна ханжарни кўксига санчибди. Унинг жасадини одамлар тахт пойидан қўлларида кўтариб олишибди.

Ривоятда айтилишича, ўғлим, шахзода ҳам жазосиз қолмаган. Одамлар катта бир қопни ковоғарига тўлғазиб, шахзодани ўша қопга мажбуран солишибди. Шахзода қоп ичида арилар билан талашиб-юлишиб, ахири ўлибди! – Дадаси чуқур бир тин олиб, Жайхуна ҳақидаги хикоясини тугатди. – Мармарда битилган жарнома битикнинг тарихи мана шу, ўғлим!

ГРАФ ТОЛСТОЙ ДАЪВАТИ

Носир варанка кўпинча керосинни Когондан – Янги Бухородан ташиб келтирарди. Бошқа ернинг ёнилғисини харидорлар ҳушламасди. Лағлақа, Вобкент, Галаосиёнинг керосини, одамларнинг айтишича, аллақандай ғуборли, чирокда тутаб ёнармиш!

Бу таъналар Носир варанкага малол келар, бунга гўё ўзини айбдордай сезарди. Шу боис Вардонзе қалба-

дан йўли канча узоқ бўлмасин, у кунора Янги Бухорога катнаб, қишлоққа керосин таширди.

– Муомала қилсанг, ўрис билан қил, – деб ўғлига тайинларди у, – савдо қилсанг, ўрис билан қил – инсофли халқ. Кўп олди-берди қилиб кўрдим-да. Биздаги баъзи мусулмонлардан чатоғи йўқ. Ё тавба, деб баъзан ёқамни тутаман: манглайини Қуръони каримга қўйиб туриб, қинғир ишга қўл чўзади. Покиза мусулмонмиз, дейди-ю, бир-бирини алдайди. Когондаги керосин омборида иккита ўрис ошнам ишлайди, борганинга ўзинг кўрасан ҳали, – бош бармоғини тик тутиб қўшиб қўярди: – Во, аломат, йигитлар! Сени таништириб қўяман.

Дадаси бу сафар Қаноатни Когонга олиб кетди. Отаўғил арава пештахтасининг икки томонида ўтириб, эшак юришига мос маромда оёқларини тебратиб, гурунглашиб боришарди...

Носир бор-йўғи икки йил Мир Араб мадрасасида сабоқ кўрган, аслида чала мулла киши. Дадасининг бевакт ўлиmidан кейин мадрасани тарк этди. Лекин у бир умр мадраса бўсағасига манглайини босиб, унинг хокини ялаган баъзи толиби илмлардан иктидорлироқ эди. Дадасидан унга кийик териси қопланган бир хотира дафтари, икки ёғоч сандиқ китоб мерос қолган, холос. Сандиқларнинг бирида Қуръон ва Қуръони карим шарҳлари; иккинчисида Хофиз, Фирдавсий, Навоий, Бедил, Машраб куллиётлари зич жойланган эди.

Носир дадасининг ўлими ҳақидаги шумхабарни эшитиб, Бухородан қишлоғига етиб келганида кўмиш маросими тугаган, ҳамқишлоқлари марҳумни ерлатиб, қабристондан қайтишганди. Сахрога туташган мўъжазгина ховли, деворлари паст, дарвозасиз, ғарибгина лойшувок уй: майишган, тиркишлари бармоқ сикқудек бир тавақали эшик мунг билан очилиб, мотамсаро етимни ичкарига олди.

У ўшанда йигирма ёшда эди. Уйда олтмишни қоралаб қолган ўғай онаси, ортидан эргаштириб келган қизи – бўйи чўзилиб қолган ўн етти ёшли Назокат...

Носир ўшанда Назокатни севармиди-йўқми, буни аниқ билмасди. Чунки Назокат тили билан айтганда, ўшанда Носир – ака; Носир тили билан айтганда, ўшанда Назокат – сингил эди. Улар бир сандал теварагида катта бўлишган, севиш-севилиш ҳақида ҳали ўйлаб ҳам кўришмаганди. Отасининг қирқи ўтар-ўтмас Носирнинг ҳеч

бир хаёлида йўқ мўъжиза юз берди: ўгай она кистови нагижасида Носир билан Назокат турмуш қуришди. Бора-бора ўртада меҳр-оқибат туғилди, севги-садоқат уйғонди ва ... ўн йиллар чамаси ўтиб, мана шу чакмоқдай ўғил – Қаноат дунёга келди!

Эр-хотин жуда тотув яшашди: кўпи ҳам, ози ҳам ўртада эди. Турмушда кўллари қанча калта бўлмасин, бориға ҳам, йўғиға ҳам чидашди. Улар суянган фақат битта таянч бор эди, у ҳам бўлса – Қаноат! Шу боис ўғлиға ҳам шуни лойиқ кўришди – унга Қаноат деб исм қўйишди.

Носир ҳар кунги ташвишга ўзини баробар тақсимлади: тирикчилик, қозон-товоқ ва Қаноат мутолааси. Олдин ўғлиға ҳарф ўргатди, кейин дадасидан қолган жамики мерос – икки сандиқ тирбанд китобни бир-бир танитди. Ўғлининг зехни ўтқир чиқди, дадаси берган сабоқ билан тайёр муллавачча бўлди-қолди.

Мана, ҳозир ота-ўғил арава пештахтасида ўтириб, унинг юришиға мос маромда оёқларини тебратиб, гоҳ китоблардан баҳс бойлашиб, гоҳ шеърятдан байт-барак айтишиб боришарди.

Айтишувни отаси бошласа, ўғил тугатарди:

*Навосиз улуснинг навобахши бўл,
Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл.*

Байт-баракни ўғил бошласа, дадаси яқунларди:

*Фақат яхшиликдан шиор келтиринг,
Магар қиш кўрсангиз, баҳор келтиринг...*

Адизободдан ўтгандан кейин арава йўли то Қогонга-ча темир йўл ёқалаб борарди. Қаноат поезд йўлиға яқинлашгандан кейин эшакнинг нўхтасини ҳам, юлғундан таҳланган қип-қизил халачўпни ҳам дадасиға қайтариб берди. У бора-боргунча ўтган-кетган поезднинг турнақатор вагонларини томоша қилиш ва уларни санаш билан овора бўлди.

Улар катта чошгоҳда темир йўл устидаги баланд кўприқдан ошиб, шимол томондан Янги Бухорога кириб боришди. Бу йўллардан қатнайвериб “қўзи пишиб қолган” эшак темир йўл бекатидан ўтгандан кейин тақир ялангликда қурилган керосин омбори ёниға келиб тўхтади. Носир аравадан тушиб, темир чамбарак билан ўралган, катта-катта ҳайбатли цистерналар кўриниб турган

ховлига кирди. Ундан нарида аэроплан қўниб учадиган тақир майдонча бор эди. Дадаси ишини битириб чиққунича, Қаноат хайбатли кумуш қушларни – аэропланларни томоша қилди. Шу орада дадаси эшак аравани ичкарига бошлаб кириб, икки идиш керосин тўлғазиб чиқди. Лекин ўғлига берган ваъдасини бажаролмай хижолат бўлди – Валерий билан Михаил деган рус ошналарини тополмади. Улар қизил аскарлар сафига ўз ихтиёрлари билан қўшилиб, омбордан кетиб қолишган экан. Қоровул камшир шунақа депти. Дадаси бу хабардан таажужбга тушган, ўзига-ўзи дерди:

– Амирнинг тагига сув кетганга ўхшайди-ку?! Қизил аскарлар дегани... Инкилобчилар дегани... Қизил аскарлар амирга қарши қурашаётган Ёш бухороликларни қўллаб-қувватламоқда. Афтидан, булар амирни омон қўйишмайди-ёв!

Қаноат дадаси ўзича пичирлаб айтган бу гапларнинг биттасига ҳам тушунмасди: “Амирнинг тагига қанақа сув кетиши мумкин?”

Бу ҳақда дадасидан қайтиб сўрамади.

Арава ортига қайтди. Шаҳардан чиқаверишда арава бир чуқурга “дўқ” этиб тикилди-ю, ўнг филдирак юзидagi темир халқа ёғоч филдиракдан ажраб чиқди, йўл четига бориб қулади. Носир аравадан тушиб, филдиракка қараб бошини қашиб қолди.

Аравани йўл четига чиқариб қўйди. Рўпарадаги тунука томли ховлига қаради. Сувсиз ариқчадан сакраб, йўлакка ўтди. Супада ток ҳавозасига миҳ қоқаётган сарик мўйловли чолга кўзи тушиб, пастак девор ортидан унга салом берди. Кейин темир эрганак олдида иккиси учрашди. Носир керосин омборидаги ошналаридан ўрганган бисотидаги бор русча сўзларини ишга солиб, мақсадини тушунтирмоқчи бўлди. Чол йўл бўйидаги аравага кўзи тушиб, “тушундим” деган маънода қулиб, мўйлови ни бураб қўйди. Носир унинг кўркам мўйлови, чиройли жилмайишини зимдан кузатиб туриб, кейин таниди – икки йил олдин темир йўл депосида тунукадан варанка ясаб берган оксоқ чол эди.

– Ҳозир гатов қиламиз! – деди. – Тўхта-тўхта, сен ўша варанка ясатиб олган керосинчи эмасмисан? Номинг, янглишмасам, Носир эди, шундайми?

– Шундай, Сергей бобо, янглишмадингиз, – деди Носир чол билан қайта кўришиб.

– Ие, аравадаги болакай ким бўлди? Жазирамада нима қиласан ўтириб? Қани, буюкка кел-чи...

Чол болани етаклаб, ховлига бошлаб кирди.

– Исми Қаноат экан, – деди чол хотинига болани таништириб. – Яхшилаб зиёфат қил, гилос компотингдан бўлса, қуйиб бер, чанқоғини боссин!

Бир соатдан кейин арава тайёр бўлди. Сергей бобо ховлидан сув, совун ва сочик олиб чиқди. Носирни обдан ювинишга мажбур қилди. Бир коса муздек гилос компотини ичириб, кейин жўнашига рухсат берди.

– Катта раҳмат сизга, Сергей бобо, – деди миннатдорчилик билдириб Носир, – мушқулимни осон қилдингиз.

– Э, қўйсанг-чи, бу дунё бирининг мушқули иккинчисига тушиб турадиган дунё. Сизларда қизик бир мақол бор-ку: қўл қўлни ювади, хар иккиси юзни, деб. Ким билади, менинг ҳам бир кун мушқулим сенга тушар, сенга тушмаса, мана бу азамат ўғлингга тушар. Қайтар дунё бу, иложини топсанг – бировга албатта ёрдаминг тегсин.

– Хайр, Сергей бобо, – дейишди ота-ўғил бараварига. – Омон бўлинг!

– Келганингда кириб тур, ўғлим. Уйдан тополмасанг, темир йўл депосида бўламан.

Арава катта йўлга чиққанидан кейин, Қаноатга жон кирди. Кета-кетгунча чолнинг узун мўйловини, белига гулли пешгир боғлаган кампирининг меҳрибонлигини, пиширган ширин таомини, умуман, дастурхонда неки кўрган бўлса, барини дадасига битта-битта гапириб берди:

– Момо овқатдан кейин уйга олиб кирди. Миша деган невараси бор экан: мен билан баравар. Қасал. Ётган жойида орқасига ёстиқ қўйиб, хадеб китоб ўқигани ўқиган.

– Ҳа, улар вақтни худа-беҳуда ўтказишмайди. Сенга китоб ўқи десам, китобни кўрпача қатига тикиб, ўйинга чопасан.

– Энди ундай қилмайман, – деди Қаноат. – Миша жўрам янаги келганингда сенбоп китоб топиб қўяман, деб ваъда берди.

– Улар билан дўст тутинсанг, ўғлим, сира кам бўлмайсан. Улар жуда билагон халқ.

Уч кундан кейин ота-ўғил яна Сергей бобо уйига келишди. Чол олдинда, Носир билан ўғли унинг орти-

дан уйга киришди. Тўрдаги уйда, темир каравотда Миша китоб ўқиб ётарди.

Қаноат дадасини Мишага таништирди.

– Таниш, бу киши – дадам, – деди. – Биз Миша билан дўст киришдик, дада.

Дадаси боши билан маъқуллаб, Мишага қўл чўзди.

Чол уларни ўтиришга қистади.

Носир думалок стол атрофидаги стуллардан бирига ўтирди. Чол чой қуйиб узатди. Столда оппок дастурхон ёзиғлик турарди: устида бурдалаб кесилган нон, пишлок, ликопчада тўрт дона ок канд.

– Қизим Евгения Масковда эри Василий билан тўрт йил ўқиди. Агроном. Ер, ўсимлик, дарахтлар илми бўйича билағон олим. Ҳозир чўл ва сахроларда тажриба ўтказяпти. Ишкилиб, эр-хотин боши омон бўлсин-да, қўллари ишдан бўшамайди. Мана шу биттаю битта бемор ўғиллари ёнида бир фурсат ўтиришга вақт топишолмайди. Ҳафтада бир келишади, ё йўқ. Бола бечора бир йилдан бери жойидан туролмайди.

– Нима бўлган ўзи Миша жўрамга? – деди Қаноат унга ачиниб.

– Белидан таёк еган, – деди чол хафа бўлиб... Ўз мувозанатини ўзи тутолмайди – жойидан турди дегунча йиқилиб тушади. Дўхтур келиб: “Қимирламай ётасан!” деб ана шу тўшакка михлаб кетган.

Қаноат Сергей бобонинг гапидан кейин Мишанинг безовта чехрасини кўриб, хайрон бўлиб колди: “Нима бўлди сенга, жўражон? – деб сўрагиси келарди Қаноатнинг. – Ўз қисматинг ўзингга шунча малол келяптими?”

Миша қўлидаги “Уруш ва тинчлик” китобини шартта ёпди. Бобосига бир лахза қараб турди-да, бармоғи билан босиб турган китоб бетини яна шашт билан қайта очди.

– Менга таёк тегмаслиги ҳам мумкин эди, одамларда бирлик, ахиллик бўлганида. Ишонмайсизми, гапимга, бобо? Мана, эшитинг, граф Толстой нима депти: “Мабодо виждонсиз одамлар бир ёқадан бош чиқариб иш тутар эканлар, виждонли кишилар ҳам айнан шундай қилишлари керак. Бу жуда осон иш...”

Миша бошқа ҳеч нарса демади, оғир-оғир нафас олиб китоб бетига қараб ўтира берди. Афтидан, у ёзувчи даъватига бобосидан аниқ жавоб кутарди.

– Сен ҳақсан, – деди бобо, – шу гапни ёзган граф

хам хақ. Лекин “Бу жуда осон иш”, деити граф. Йўқ, Бухорои шариф шароитида бу унчалик жўн иш эмас. Бу жуда машаққат. Бутун иш одамларнинг бир ёқадан бош чиқаришларида қолган, болам.

Ўртага оғир жимлик чўкди. Ҳар ким ўз хаёли билан банд эди: “Виждонсиз одамлар бир ёқадан бош чиқарганда нега виждонли одамлар айнан шундай қилмайдилар?..”

– Янаги келганимда сенга албатта исирик опкеламан, – деди Қаноат ўртадаги жимликни бузиб, Мишага узоқ қараб туриб. – Хокандозда озгина чўғ олов бўлади, исирикни майдалаб ўшанга соласан... Исирик тутайди. Унинг тутуни ҳам, хиди ҳам фойдали. Эртасига отдай бўлиб кетасан. Исирикни Ибн Сино деган улуғ табиб: “Минг дардга шифо!” деганлар. Ишонмасанг, мана, дамдан сўра.

– Рост айтяпти, – деди дадаси ҳам ўғлининг гапини маъқуллаб. – Исирик кўп шифобахш гиёҳ, сенга аскотиб қолади.

Миша ётган жойидан Қаноатга умидвор бир назар билан қаради.

– Опкеласанми?

– Албатта.

Носир совиб қолган чойни хўплаб, жойидан кўзғалди.

– Қизингизни... куёвингизни бир кўриб кетсам, яхши бўларди, Сергей бобо, – деди қайта омонат ўтириб. – Лекин вақтим зик. Биласиз, керосин одамларга ҳаводай зарур. Дунёда рўшноликдан азиз нарса йўқ. Қасбимдан қувонаман ўзим, Сергей бобо. Ҳар бир хонадонда нур, рўшнолик кўрай дейман!

– Тўғри, – деди чол, – рўшноликка не етсин. Вақтинг зик бўлса, Носирбой, ўзинг биласан, кутсанг ҳам майли. Мамашканг шаҳар чикувди, ҳозир кеп қолади, қайноқ борш қуйиб беради. Аммо-лекин қизим билан куёвимнинг қачон келиши номаълум.

– Раҳмат, – деди Носир жойидан туриб. – Илтимосим шуки... Бу фақат менинг эмас, бутун Вардонзе халқининг илтимоси, ўтинчи. Қизингиз билан куёвингиз биз томонларга ҳам бир ўтсалар, вақт топиб. Қизилқум этаги, Вардонзе қалъаси, Қумбосди қишлоғи деб айтинг. Топишлари осон бўлади. Хайр.

Чол меҳмонларни йўлгача кузатиб чиқди.

ЁНФИИ

Керосин солинган икки сопол хум эшак аравада тик ўрнатилиб, аркон билан маҳкам боғлаб қўйилар, хумлар оғзида эса ёғочдан копоқкоқ ўрнатишган бўларди. У эшак аравани кўчанинг гавжум жойида тўхтатиб, икки кафтини оғзига карнай қилиб, овози етгунича:

– Кеп қолинг, ке-ро-си-ин! – деб қичқирарди. – Кероси-и-н! Берган пулингиз қўймайди – уйингиз нурга тўла-ди-и-и! Кеп қолинг, уйингизни чароғон қи-ла-а-ди!

Вардонзе қалъада уни ҳамма “Носир варанка” деб атар эди. У арава пештахтасида уада кўрпачани икки қат тўшаб, оёқларини осилтириб ўтирарди. Харидор қўлидан тангани олиб, кўрпача қатига тикарди-да, кейин узатган идишига варанка қўярди.

– Бизнинг ишимиз варанкасиз битмайди, ошна! – деб қўярди жилмайиб. – Варанкани текин ишлатган керосинчи уада чопонидан ҳам ажрайди!

Қишлоқнинг казо-казолари эса унга кун беришмасди. Хусусан, дин пешволари ҳар замонда уни чув тушириб кетишарди. Улар мачит, мадраса, намозгоҳ ва хонадонлар учун ундан текин керосин талаб қилишар, бунинг эвазига унинг шаънига “этак-этак савоб ва дуо” қолдириб кетишарди. Шу боис Носир керосинчи варанка ишлатишда анча эҳтиёткор бўлиб қолган эди.

– Дуолари ўзларига сийлов, – дерди Носир мутавалли югурдагига кесатиб. – Домлангга бориб: “Носир варанка дуодан кечибди!” де. Тушундингми, шундай де.

Ҳаял ўтмай шогирдпешанинг ортидан салласининг пачини осилтириб, домланинг ўзи пайдо бўлар эди. Бугун ҳам шундай бўлди: югурдаги Дудук идишини тарақлатиб курук кетгач, бир оз фурсат ўтиб Вардонзе қалъа хонақоҳининг мутаваллиси Ҳоди кўрнинг ўзи келиб қолди.

– Ҳой, Носир баранка, – деди мутавалли таҳдидона охангда. – Савобдан ҳам, дуодан ҳам кечдим, дебсан. Шу ростми? Копур-попур бўлдингми, а?

– Ҳаммасидан кечганим йўқ, тақсир, – деди Носир кулиб, – пул ўрнига ишлатиладиган дуодан кечганман!

– Э, нодон, э, нодон, – деди мутавалли қўлидаги тасбеҳининг доналарини битта-битта ўтказиб, кейин кирот билан насихат бошлади: – Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми, деган машойихлар. Сен дуодан кечмагил, ўзингни хор қилурсен, нодон!

– Рост айтдингиз, таксир, дуодин кечсам-кечмасам, хор бўладиганга ўхшайман, – деди Носир алам билан. – Эрта тонгдан кеч хуфтонгача шу эшакаравада изгиганним изгиган. Хамкишлоқларимнинг чироғи ёнсин, қиттак рўшнолик кўрсин, деб кунора Когонга қатнаганим қатнаган. Шунча ташвиш, шунча азият чекиб олиб келган керосинларим, таксир, сувтекин кетяпти; мачитга бир қадоқ, сўфихонага бир қадоқ, хонақоҳга тагин улардан ошириброк бермасам, мутавалли жаноблари, сизнинг дуоларингиздан бенасиб қоламан...

– Кесатма, э, нодон! – деди мутавалли жеркиб.

– Пичоқ бориб суякка қадалганидан кейин айтишга мажбурман-да, таксир, – деди Носир товушига атайин шикаста оханг бериб. – Сизга ёлгон, худога рост, мана шу бечора эшагим ўн йилдан бери хизматимни килади: турсам туради, юрсам юради... Ўзида десангиз ўнта хачирнинг куч-қуввати бор. Лекин шу шалпангкулоқнинг уст-бошини қаранг, ночор, тўзиб кетган – нимдошрок бир эгар-жабдуқ олиб босолмайман. Қурғур қўл калта, таксир, қўл калта. Ана энди ўзингиз ўйланг, таксир, буёқда бечора эшагим, буёқда сизлар...

Носир худди шу жойда гапдан тўхтаб, “қочиримнинг тагига етдими-йўқми?” деган маънода мутаваллини зимдан кузатиб турди. Ходи кўрнинг ранги оқариб, қалин кошларининг ўртасида тугунча қавариб чикканини кўргандан кейин Носирнинг кўнгли бир оз таскин топди: “Хайрият, мабодо қочиримга тушунмай қолса, нима қилардим? Тушунди, хайрият...”

Мутавалли индамай орқасига қайтди. Ортидан керосин идишини кўтариб, хонақоҳ югурдаги Дудук эргашди.

– Т-таксир, к-керосин н-нима б-бўлди? Қ-коронғида ў-тирамизми, т-таксир? К-каптарларга к-коронғида к-кандай қ-килиб д-дон б-берамиз, т-таксир?

– Бизнинг хонақоҳни хазрати Хизрнинг нурли жамоллари ёритади, юр, Дудук! – деди мутавалли Носирга эшиттириб. – Каминанинг дуоибадлари бугун-эрта сен кофирнинг гирибонингдан тутади, иншоолло!

Носир ўша кўнгилсиз ўтган қуни кеч хуфтонгача керосин сотиб, эшак аравадаги ёнилғини зўрға яримлатди: фуқаронинг аҳволи унга маълум – тишининг кирини шимиб, зўрға кун кўради. Керосинга пулни қаердан топсин? Носир чор-ночор қўни-қўшнини чакириб, қолган

керосинни насияга бериб юбормокчи бўлди-ю, яна бу раъйдан қайтди. Агар шундай қилса, қўлида қайта харид қиладиган дастмойси қолмас эди. Юз хаёлга берилиб, маъюс тортиб, аравани хайдаб ховлисига келди. Керосин хиди уйга урмасин, деб ҳар кунгидай аравани супа четида қолдирди. Эшакни шотидан бўшатиб, арава ғилдирагига боғлади. Қаноат бир қучок ўт келтириб, эшак олдига ташлади. Ота-ўғил уйга кириб, овқатга ўтиришди. Дастурхон бошида Носир мутавалли билан бўлиб ўтган кўнгилсиз можарони хотини билан ўғлига айтиб берди.

– Дуоибад қиламан, иншоолло, бугун-эрта гирибо-нингдан тутади, – деб қарғади Ҳоди кўр. – Билмадим, хотин, бу кўрнинг қарғиши ёкамдан тутмаса бўларди.

– Ўзига урсин қарғиши, илоҳим! – деди хотини ўлак-са мутаваллини қарғаб. – Ёмоннинг қарғиши ўзига қайтади, дадаси!

Носир кечаси бир чимдим ухладими-йўқми, ташқаридаги шовқиндан – итларнинг вовиллаши, эшакнинг жонҳолатда ханграшидан чўчиб уйғонди. Кўзи тиниб кетди. Уйга эшик тирқишларидан ловиллаб ёнаётган аланганинг акси тушиб, хонага ваҳимали тус бериб турарди. У эшикка отилди. Ортидан хотини билан ўғли чиқди. Носир қай кўз билан кўрсинки, ўн йилдан бери тирикчилигини, оиласини бир амаллаб тебратиб турган бирдан-бир таянчи – арава аланга гирдобиди эди. Олов қўкка ўрлар, арава чархига боғланган эшак эса жизғанақ бўлиб ёнар, ўзини тўрт томонга уриб типирчилар, ер тепинар, жонҳолатда ханграр эди. Носир ҳеч бўлма-са, эшакни қутқазмокчи бўлиб алангага ташланмокчи бўлган эди, елкасига хотини, этагига ўғли маҳкам ёпишиб олди.

– Оловга яқинлашманг, дадаси. Кўрмаяпсизми, аланга хумларга урди, хозир портлаб кетади ҳаммаси. Яқин борманг!

Хотинининг гапи оғзида қолди – икки хум биринкетин портлади. Аланга тўрт тарафга сачраб кетди. Еру қўк бараваб ёна бошлади.

Нўхтаси куйиб, эшак ечилиб кетди, ўзини саҳрога қараб урди. Югургани сайин уни қоплаб олган аланга баттар ловиллар, жизғанақ бўлиб буруксар, ҳамма ерни қўланса хид қоплаб олган эди. Эшакни шу топда бирор куч тўхтата олмасди. Шу боис унинг ортидан ҳеч ким

чолмади. Қаноат жойидан кўзгалган эди, отасининг ўзи уни тўхтатди:

– Кўявер, энди фойдаси йўқ, болам!

Носир ёнғиндан узокрок – супанинг бир четида хотини билан ўғли раъйига кўниб, мунғайибгина қараб турарди. У кутилмаган бу фожиа олдида гўё хушсиз томошабин эди: тамом анграйган, холдан кетган. Ҳеч нарса ни кўрмас, боши, кулоқлари тўхтовсиз вағиллар эди. Кўкка ўрлаётган аланга кўзига худди шамчинокдай хира кўринарди. Энди оловга яқин бормас, боришга интилмас ҳам эди. Ёнғинни сўндириш учун тўрт томондан: “Ҳа, бўл, ҳа, бўл!” деб қум сепаётган жонсарак кўни-кўшниларнинг беҳуда ҳаракатларини шуурсизгина кузатиб турар, нукул кўз олдида мутаваллининг кечаги қахрли кийёфаси чарх урар, унинг халойиқ олдида қилган қарғиши қулоғи остида даҳшатли акс-садо берарди: “Каминанинг дуоибадлари бугун-эрта сен кофирнинг гирибонингдан тутайди, иншоолло!”

Носир бу ёнғин, барибир, хоин мутаваллининг иши, деб гумон қиларди. Лекин бу ҳали гумон эди. Дин пешволари шаънига айтиладиган ҳар қандай гумон ва таҳминлар асло қўр олмаслигини Носир яхши биларди. Шу боис унинг учун хозирча тил тишлашдан бошқа йўл йўқ эди.

Шу-шу, Носир варанка керосинчиликдан синиб, Когондан тамом узилиб қолди. Ўзини анчагача ўнглаёлмай, тирикчиликнинг не-не жинкўчаларида санғимади: гоҳ тол новдасидан сават тўқиб, маҳаллама-маҳалла сотиб юриди, гоҳ саҳродан қоп-қоп исирик ва ялпиз йиғиб, бозорга олиб чиқди. Эҳ, шунчаки тирикчилик ўтказиш ҳам қанчалар мушкул!

Сабоқ кунларининг бирида Қаноат дўсти Мишага берган ваъдасини дадасига эслатди.

– Ҳаммаси хотирамда, ўғлим, – деди дадаси ачиниб, – шундан кўнғлим хижил. Бошимизга бунақа кунлар тушиб қолди. Буёқда онанг не аҳволда ётибди – ёнғиндан бери оёққа туролмайди, қаттиқ қўрққан кўринади.

Ўғил бу яқин орада Когонга боролмаслик сабабларини дадасидан жимгина ўтириб эшитди-да:

– Биладан, дада, биладан. Лекин биттамыз уйда қолиб, биттамыз бориб келсак бўларди, – деди журъат қилиб. – Ўзийиз биласиз, дада, беморни умидвор қилиш яхши эмас. Исирик элтаман деб ваъда бердим. Миша

мени қутяпти. Агар рухсат берсайиз, бир халта исирик олиб, эртага йўлга чиқардим. Сергей бобога сиздан салом айтиб, бошимизга тушган қулфатларни айтиб берардим, агар йўқ демасангиз.

– Нега йўқ дейман? – деди ўғли айтган мулоҳазадан дадасининг қўнгли кўтарилиб, – майли, борақол, ўғлим. Сўз бергандан кейин унинг уддасидан чиқиш ҳам керак. Эҳтимол, сен элтадиган бу исирик унга наф қилмас, лекин тўғри айтдинг, ўғлим, беморни умидвор қилишдан уволи йўқ.

Ўғилнинг жўнашига ота-она рози бўлди. Онаси ётган жойида унга исирик соладиган сурп халта тикиб берди. Қаноат эртасига йўлга отланадиган бўлди. Бироқ, кутилмаганда, Бухорони титратган бир вокса содир бўлиб, уни уй остонасида тўхтатиб қолди...

БУХОРОНИ ТИТРАТГАН КУН

Эрталаб бир нотаниш одам ойна туйнукни қоқди.

– Носирбой, хой, Носирбой! – деб овоз берди. – Янгилликдан чамаси беҳабар қолибсан, ташқари чиксангчи! – У сўнги сўзини хушнуд бир товушда икки-уч такрорлади. – Айтаману кетаман, хой, биродарлар, айтаману кетаман!

Қаноат дадасининг ортидан югуриб ташқарига чиқди. Нотаниш одам ўнг қўлидаги калта халачўпини хавода ўйнатиб, мамнун бир кайфиятда бидирлаб гапирарди:

– Шунақа бўлди, Носирбой. Тахт ағдарилган, амир бўлса оёғини қўлига олиб кочиб кетган... Номаълум томонга кочган, дейишяпти, қаёққа кетганини ҳеч ким билмасмиш. Эшонжон¹ амир кетидан иккита аэроплан учирган, дейишяпти. Биласанми, Носирбой, аэроплан дегани хавода муаллак туриб, одамнинг изини беҳато топармиш.

Қаноатнинг дадаси бу хабарни эшитиб, аросатда қолди: суюнишни ҳам, йиғлашни ҳам билмасди.

– Қаердан эшитдийиз, Акрам ака? – деди хавотирга тушиб. – Яна... бу қуруқ гап бўлиб чиқиб, бошимиз балога қолмасин!

– Ие, кизикмисан, Носирбой, ёлғон айтиб, бошим

¹ Бу ерда Ёш бухороликлар сардори Файзулла Хўжаев назарда тутиляпти.

нечта? Ҳозир икки қизил аскар байроқча кўтариб, қишлоқма-қишлоқ, кўчама-кўча от суриб, шу хабарни жар солиб юрибди. Уларни Бухорои шарифдан Эшонжоннинг ўзлари юборган эмиш. Ҳа, аскарларнинг ўзлари айтди.

– Сиз кўрган ўша аскарлар қаёққа кетди?

– Қорахоний томонга. Эҳтимол, кайтишда яна шу йўлдан ўтар. Мендан кўра сен ўрисчани сал-пал биласан, тушунасан, йўлига чиқиб ўзинг сўра.

– Чиқаман, – деди Носир хаёлчан, – албатта ўзим чиқаман!

– Шу дейман, аравангга ўт тушганидан бери уйга тикилиб қолгансан-да, Носирбой, – деди дўсти яна унга тегажовлик қилиб, – курк товукдай тухум боси-иб ётибсан. Шундайми? Мана шунча янгиликдан беҳабар қолибсан. Тамоми дунёдан беҳабар қоласан бунақада, хой, Носир! – Акрам Носирни зимдан бир назар кузатиб чиқиб, кейин кўлидаги халачўп билан елкасидан туртди: – Хой, менга қара, тахтдан ағдарилган амирми, ё сенми, а? Эсинг нега оғиб қолди, гапирсанг-чи, забонинг борми ўзи?

Қаноатнинг дадаси чуқур тин олиб:

– Оғиб қолди эсим, тўғри айтдингиз, Акрам ака! – деди тўйиб нафас олиб, кейин Акрам акани қучиб, тўқимдан кўтариб бағрига маҳкам босди-да, гир-гир айлантирди. Айлантираверди-айлантираверди... Сўнг бор овози билан ўкириб йиғлаб юборди! – Эсим оғиб қолди, акажон! Хайрият, бизга ҳам рўшнолик кунлар келаркан!

Қаноатнинг дадаси дўстини бағридан бўшатган эди, хабарчи Акрам унинг панжаларидан сирғаниб, “шилк” этиб қумга ўтириб қолди. Шундан кейингина Қаноатнинг дадаси дўстининг икки оёғи ногиронлиги – тиззасидан пасти шол эканлигини эслади.

Акрам ўтирган жойидан зорланиб, тинмай бидирлар, кўлидаги халачўп билан Қаноатнинг дадасига ўқтин-ўқтин пўписа қилар эди.

– Хотиним бечора эрталаб, тўқимга зўрға кўтариб қўйган эди. Эшакка миндириб қўясан энди хой, боласи тушмагур, Носирбой!

Носир Акрамни тўқимдан қандай чаққонлик билан юлиб олган бўлса, билқиллаб ётган кип-қизил қум устидан ҳам ўшандай чаққонлик билан кўтариб, тўқимга қўйди. Кейин Қаноатни даст кўтариб елкасига олди-да,

туядай лўк-лўк югуриб, бор овози билан теварак-атрофга жар солди:

– Амир кочибди, амир кочибди, хой, одамлар!

Ота-бола эшик остонасида тўхтадилар. Қаноатнинг онаси тандир бошида ивирсиб, зоғора ёпиш билан овора эди. Дадаси воқеани онасига тушунтириб, ундан изн сўради.

– Сен зоғорангни ёпавер, хотин. Биз ота-ўғил Вардонзе йўлига чиқайлик. Қизил аскар келган дейишяпти...

Ота-ўғил Вардонзе қалъа томон жўнашди.

Улар узоқ кутишди. Аскарлардан дарак бўлмади.

– Хўш, ўғлим, мабодо аскарлар келиб қолса, нима билан сийлаймиз уларни?

Ўғил елкасини қисди.

– Билмасам...

Дадаси ўғлининг диккатини чап томондаги дўлана дарахтига қаратди.

– Шундан бир дўппи териб, йўлларига пешвоз олиб чиқсак... Нима дединг?

Ўғил маъқуллади.

– Хув, ана, кўряпсанми, кишлоқдан жўраларинг келяпти... Ўшалар билан сен бу ерда аскарларни кут. Каримни тез изига қайтар, онангдан зоғора опкесин. Унгача мен дўлана териб тушаман.

Дадаси Вардонзе қалъага кўтарилиб, абжирлик билан чирмашиб, дарахтга чиқди. Ҳадсиз-худудсиз сахро, ёнбағридаги яккам-дуккам кишлоқлар ҳам кўзга яққол ташланади: ўз ховлисидаги тандирдан кўтарилаётган тугунни Носир дарахт устидан аниқ кўриб турарди.

Йироқ-йироқдан, кўшни Қорахоний кишлоғи томондан отликлар қораси кўринди, чанг кўкка ўрлади. Носир дўлана териб дарахтдан тушгунча йўқ эди, аскарлар яқинлашиб келишди. Болалар қўлма-қўл ушлашиб, йўлни кесиб чиқишди. Аскарлар ноилож йўл муюлишида тўхташди. Болалар “гур” этиб уларни ўраб олди. Аскарларнинг уст-боши болаларни кўпроқ қизиқтириб қолди: ҳарбий кийимда, кўкракларига қалин қайиш тортилган, бошларида юлдузча қадалган пилотка, елкаларида милтик, қўлларида байрокча хилпирарди...

Носир қалъа пиллапояларидан ўқдек отилиб тушди. Бир зумда аскарлар рўпарасида пайдо бўлиб, берироқда тўхтади. Қўлидаги дўлана тугилган белбоғини Қаноатга берди. Ҳарбийча кийим хаёлини чалғитдими, авва-

лига отликларни танимади. Аскарлар Носирни кўриб, от жиловини болаларга топириб, унга қараб юришди.

– Танимадингми, Носир варанка? – деди Михаил хазиллашиб, кейин унинг елкасига шাপатилаб, маҳкам кучди. Валерий ҳам шундай қилди. Уч ўрток бир-бири билан қайта-қайта бағирлашиб, такрор-такрор сўрашишарди...

Носир уларни кўп қистаб, меҳмон бўлиб кетишга кўндиролмади. Дўлана солинган белбоғини кип-қизил қумга ёйди. Карим хозиргина олиб келган иссиққина зогораларни белбоққа ушатиб қўйди.

– Марҳамат, дўланадан олинглар, – деди Носир ҳамон хаяжонини босолмай. – Хушхабар олиб келган элчилар оёғи тагига, одатда, пойандоз тўшашган. Бунга бизнинг хозирча қурбимиз етмайди, лекин яхши дўстга кўксимиз хамиша пойандоз!

Аскарлар қайноққина қумга чўккалаб, дўлана ва зогорани мактаб-мактаб ейишди.

Вардонзе калъа муюлишидаги йўл бўйида хозир ажиб бир манзара ҳукмрон эди: сентябрь қуёши хали катта чошгоҳга кўтарилмай бугун мўл-кўл нур тўкарди. Ҳаммасидан болаларга мазза бўлди: улар бирига жилов, бирига қамчи текканига хурсанд. Даврон узангига осилса, Аҳмад отнинг ёлини силар, Саттор суви қуриб қолган ариқ бўйидан ўт юлиб келиб, отларга тутарди. Қаноат билан Карим бўлса, аскарлар нонушта қилгунча уларнинг байроқларини кўтариб туришди.

Қаноатни дадаси яқинига чорлаб, Когонда излаб тополмаган дўстларини таништирди. Бола улар билан қайта сўрашди. Аскарлар Қаноатни бағриларига тортиб, эркалаб суюшди.

– Когонда учрашганимизда сени борш билан сийлардим, – деди Михаил. – Буни кара-я, эсиз...

– Борш ичдим, амаки, – деди Қаноат сўзамоллик билан, – Сергей бобонинг уйида... Бобонинг Миша деган невараси жўрам бўлади. Ҳа, оти Миша... Танийсизми? Яқинда унга бир халта исирик элтиб бераман. Шифо топиб кетади, насиб бўлса...

– Бўлди, бўлди, танийман, – деди Михаил айтайми-айтмайми, дегандай бир оз иккиланиб турди-да, кейин кўшиб қўйди: – Мишанинг ахволи кейинги кунларда овирлашиб қолди. Сергей бобо хозир уни Москвага олиб кетган...

Қаноат бу нохуш хабардан хафа бўлди. Дадаси Мишага узоқ умр тилади.

Аскарлар жўнашга шайланаётганда, тепаларидан аэроплан гуриллаб ўтиб кетди. Ҳамма “ялт” этиб осмонга тикилди. Болалар сахрони бошларига кўтариб, чапак чалиб кийкиришди. Носир аэроплан ортидан узилиб қолган тутундан кўзини олмай:

– Аэроплан қочок амирни излаб юрганмиш, шу гап ростми? – деб сўради аскарлардан.

– Бунни учувчидан сўраш керак, ўша анигини биледи, – деди Валерий кулиб, – лекин амир қочгани рост... Аскарлар шошилишча отланиб, жўнаб кетишди.

МУТАВАЛЛИНИНГ ҚЎЛБОЛА ШАЙТОНЛАРИ

Қалъанинг кенг сатҳи тақир, заранг қотган. Эрта кўкламда ниш уриб, омонатгина бўй чўзган лолақизгалдок, арпахон, ажриқлар жавзо кирди дегунча ўз бутасида қовжираб, заъфарон куз рангига киради. Бу қадимий хисорда қуёш тафтига дош берадиган сеҳрли бир мўъжиза бор: ердан қирқ тўққиз пиллапоя баландда, қалъа сахнида барваста қад кўтариб турган дўлана дарахти...

Қалъа деворларида қандайдир жозиба, мунг бор: етти паҳса Кампирак¹ деворлари бугун мудрок, бутун бир тарихни кўксига тугиб ётибди. Ҳалқа деворнинг тўрт тарафида туркманча бўрк кийган пахлавонни эслатадиган бурж миноралари қад кўтарган. Миноралар оралигида қурол-аслаха учун махсус нишон туйнуклари – шинаклар қўйилган. Минораларда равоксимон мудофаа дарчалари ўрнатилган – соқчи навқар шу дарчадан пастки ертўлаларга тушиб чиқиши, шу дарчада туриб тўрт тарафни кузатиши мумкин. Ана шу салобатли мудофаа иншоотлари кўрғонни янада ваҳимали қилиб кўрсатар эди.

Қумбосди қишлоғининг оёқяланг болалари гоҳ исирик, гоҳ ялпиз териш баҳонасида, баъзан эса пода боқиш важдан қалъа пойидаги ўтлоқларга келишар, хисор тепасига чиқиб, кун бўйи “бекинмачок” ўйнашар эди. Баъзан болалар ўйини жиддий тус олиб кетарди: бир гуруҳи Қутайба жангчилари, иккинчи гуруҳи Вардонху-

¹ Кампирак – мудофаа йўсинида қурилган қалъа деворлар.

лот навкарларига бўлинарди-да, вайрона деворлар ортида “жанг” бошланиб кетарди. Бундай пайтда Қаноат Вардонхудо жангчиларининг саркардаси бўлиб майдонга тушар ва соткин шахзода устидан чиқарилган ҳукми ижро этиш маросимида ўқилган жарномани тантанали эълон қилар эди:

“ – Эй, мардуми аҳли Вардона, эшитмадим деманглар, эшитганлар колмангл-а-р... Соткин шахзода қовоғари тўлғазилган қопга мажбуран солинсин. Токи у арилар билан талашиб-юлишиб, қоп ичида ҳалок бўл-с-ин!!!”

Қаноатнинг дадаси кўпинча дўлана дарахти соясидаги тошда ўтирар, болаларнинг ўйинини узоқдан завқ билан томоша қиларди. Баъзан унинг хаёли мана шу қадимий деворлар қатида сарсари кезарди: мозийдан то шу кунгача келиб-кетганлар англаб билмаган бир сеҳрли мунг қотиб қолган бу деворлар тахламасида, деб ўйларди. Лекин ўша мунг нималигини ўзи ҳам аниқ билмас, қўлидаги хотира дафтарида ҳам жавоб тополмас эди. Бу мунгнинг на тили, на ранги, на бир сийратию на бир сурати бор – фақат мунг, абадий мунг эди!

Рўпарадаги бурж минора дарчасидан кутилмаганда “гурр” этиб бир гала каптар кўтарилди. Минора атрофини енгил чанг-тўзон қоплади. Бир лахзадан кейин чанг пардаси ортидан бир бола пайдо бўлди: аввал оппоқ тишлари, кейин илжайган юзию ёниқ кўзлари кўринди. Боланинг сочлари патила-патила, афт-ангори кўрimsиз эди. “Бу ҳам сеҳрли мунг, – деб ўйлади Носир, – қаердан пайдо бўлди – осмондан тушдими, ердан чиқдими?” Бола кўзига таниш кўринди. Кейин қаерда кўрганини эслади: мутавалли билан жанжал чикқан куни Ҳоди кўр ортидан керосин идишини кўтариб юрган югурдак...

Болалар ўйини тарқаб, бу орада Қаноат ҳам келиб қолди. Қаноат дадаси билан гаплашиб турган болани Дудуқ деб атади. Асли номи Содик, лекин мутавалли уни Дудуқ деб атар, шу-шу Дудуқ бўлиб кетган экан. Дудуқ Қаноатдан анча тетик кўринар эди.

– С-саломм, Қ-қаноат.

Бола Қаноатни кўриб очилиб кетди, дадаси билан қайта қўл бериб кўришди. Хаёли каптарларда экан, гапни шундан бошлади.

– Қ-қаноат, с-сенда ҳ-ҳам к-каптар б-борми?

– Йўқ, – деди Қаноат. – Давронда кўп. Сенда-чи?

– Шу-шу... Мутаваллиники м-меникида... Ққирқта... – деди у ўзи боя чиққан бурж минорасини кўрсатиб. – Х-хаммаси ў-ўша п-пастда... Х-хонақоҳда... Х-хаммасига х-халқа у-урилган. М-мутавалли ж-жаноблари у-уларга т-тумор т-тақиб у-у-учирадила...

Қаноат Дудукнинг гапига тушунмади.

– Нега? Қанақа тумор?

Гапга дадаси аралашди:

– Мутаваллининг қирқта каптарига қирқта халқа урилган. Улар ҳаммаси хонаки, одамдан чўчимайди. Гаҳ десанг, қўлингга қўнадиган бўп кетган. Савобталаб одамлар каптар оёғидаги халқага қистирилган туморни олади. Олганда ҳам кўзига суртиб-суртиб олади, мутавалли битган деб. Ўрнига хол-бакудрат, топганича пул қистириб юборишади. Мана бу Дудук бўлса пулларни йиғиб, мутаваллига элиб беради. Шундайми?

Дудук Қаноатнинг дадаси айтган ҳамма гапни маъқуллаб турди.

– Ш-шундай... К-кў-ў-п б-ўлади... – деди тирноқлари ўсиб, тесқари қайтиб кетган, кир-чир бармоқларини битта-битта букиб, пулларни гўё ўзича санаётган бўлиб. – Х-хаммаси м-мутаваллига...

– Ўзингга олмайсанми? Афт-ангорингга қара, – деди Қаноатнинг дадаси унга раҳми келиб. – Ўша текин пуллардан ўзингга ҳам ол. Уст-бошингга, кийимларингга қара, э нодон!

– У-уволл! – деди Дудук. – У-ундай д-деманг, а-амаки... У-уволл!

– Сира олмаганмисан? – деди Қаноат кизиқиб. – Олсанг, мутавалли билиб турибдими?

– Б-билади, – деди Дудук бир кўкка, бир хонақоҳ томонга чўчиганнамо қараб. – У-учиб ю-юрган ш-шайтонлар м-мутаваллига х-хабар б-беради...

– Учиб юрган шайтонлар мутаваллига хабар беради? – Хайрон бўлиб сўради Қаноат. – Мутаваллининг шайтонлари борми?

Дудук боши билан тасдиқ ишорасини қилди.

– Б-бор... Б-бир к-куни м-мана б-бу еримга п-пулни я-яширдим... – деди жулғунди кўйлагининг этагини кўтариб, кир-чир иштонбоғини кўрсатди. – М-мутавалли т-топиб о-олди. Ш-шайтонлари у-унга х-хабар б-берган...

Қаноатнинг дадаси болани узоқ синчиклади. Унга қараб раҳми келиб кетди. “Сен, гўр болани Ҳоди кўр

мутавалли адои тамом килибди-ку?! – ўйлади хафа бўлиб. – Бу не кўргилик эди? Уст-бошингни ит талаган десам, хайтовур, аклингни ҳам, фахмингни ҳам ит талабди-ку, сен бечоранинг?! Ғўрлигингча адо бўлибсан, болам! Сени бу Азроил кўлидан қутқариш керак!”

– Кимнинг ўғлисан?

– Қ-қаландар т-темирчини...

– Э, деновлик темирчи бобоними?

– У-уч йилдан б-бери д-дадам касал.

– Бу ерга қандай келиб қолдинг? Бориб отангга қарашанг бўлмайдими?

– Б-бўмайди... – деди Дудук асабий бир ҳолда бош чайқаб. – Б-бўмайди. Г-гуноҳ қилиб к-қўйганман... К-катта г-гуноҳ...

– Қанақа гуноҳ?

– В-варрак у-учирганман... – деди Дудук қўли билан осмонни кўрсатиб. – Х-худо қаргаган... В-варрак у-учирган к-куним д-дадам к-касал б-бўлдила. Б-бу е-ердан к-кетсам х-худо гуноҳимни кечирмайди. Дадам ў-ўлиб к-қоладила... Х-худо гуноҳимни к-кечирса, д-дадам с-соғайиб к-кетдила... М-мутавалли а-айтди...

– Мутавалли мутавалли бўлмай ўлсин, қўшмозор бўлсин! – деди Қаноатнинг дадаси ғазабдан титраб. – У Ҳоди кўр сени алдаган, дадангни эса лакиллатган. Туншундингми?

– Й-йўк, – деди Дудук бир қадам ортга тисарилиб, – м-мутавалли Х-хизр билан г-гапиришади к-кечалари... У-у я-яхши, з-зў-ўр о-одам..

– Хизр билан гаплашади?

Қанотнинг дадаси Дудукқа сўров назари билан қараб турибди-ю, лекин хаёли бошқа ерда кезар эди: бундан уч-тўрт кун олдин Фазли ҳалимпазнинг маъракасида бўлиб ўтган бир воқеани шу топда эслади...

Маърака тўрида Вардонзе қалъа хонақоҳининг мутаваллиси Ҳоди кўр ўтирарди. Носир ҳамқишлоқлари билан уй адоғида ўтириб, мутаваллини қузатарди. Мутавалли миқтидан келган, елкалари кенг, қирғийбурун, меъёрдан зиёд овқат еб, бадҳазм бўлиб кекириб ўтирар, бароқ қошлари кўзлари устига соя солиб турган хайбатли одам эди. Одамлар “Тақсир мутавалли!” деб унинг олдида сохта тавозе килсалар-да, ўнг кўзи тугма пучак бўлгани учун ортидан Ҳоди кўр деб аташарди.

Ана шу Ҳоди кўр маърака тўрида ўтириб, чап тирса-

ги билан парестикка тиришиб, хар замонда бир кекириб, ўтирганларга гап маъкуллатарди:

– Ухлаб ётган жойимда шундоқ кўзимни очсам, манглайимдан бир қаричча юқорида бир панжа муаллақ осилиб турибди. Уй қоронғи денг, на қўлнинг, на панжанинг эгаси кўринади. Панжа ўзи оппоқ, ял-ял нур сочиб турибди. Кўзимни очаман-юмаман, юмаман-очаман: уй зим-зиё қоронғи, тепада оппоқ панжа.. кўзимни чирт юмиб, таваккал қилиб қўлимни унга чўзсам... Эй мардуми ғофил, бу гапим эҳтимол сизларга ёлғон, лекигин худога ҳақ-рост, панжанинг бош бармоғи қўлимга илинди, ушлаб кўрсам – суяги йўқ. “Ё алҳазар! – дедим ётган жойимда ёқамни ушлаб – бу Хизрнинг бош бармоқлари-ку?!” деб юборибман. Шу пайт қоронғи уйнинг аллақайси ковагидан ғулдир-ғулдир товуш келди: “Эй, тақсир мутавалли, сиз бандаи ғофилга шу кундан эътиборан Хизр ҳазратларининг назарлари тушди. Бир ҳафтадан кейин ўнг елкангизни очиб кўринг – бошингизда муаллақ осилиб турган ўша муборак панжанинг муборак изини кўрасиз!” Уйғониб кетдим, кейин...

Маъракадагилар чуқур тин олди. Шивир-шивир бошланди, кимдир маъқуллади, кимдир захарханда қилди. Дастурхоннинг қуйисида ўтирган Носир варанка мутаваллига қараб:

– Тақсир, аслида уйқудан уйғонмай турсангиз бўларкан, – деди қулиб, – уйғониб ўзийизга ўзийиз жабр қилибсиз. Ўша суяксиз бош бармоқни маҳкам тутиш керак эди-да!

Носир варанканинг тағдор лўқмасидан кейин хонада босинки қулги кўтарилди. Мутавалли ҳам ноилож қулди.

Носир хонақоҳ йўлагиди хозир Дудуқ билан юзмаюз туриб, Фазли ҳалимпаз маъракасида бўлган ўша воқеани яна бир бор эслади.

– Мутавалли сени ҳам, дадангни ҳам роса лақиллатибди, ўғлим, – деди у Дудуқнинг елкасига кафтини қўйиб. – Хизрга дуч келдим дегани ғирт ёлғон. Варрагинг хусусига келсак... Биласанми, ўртоғинг Қаноат билан яқинда Қогон деган шаҳарга бориб келдик. Осмониди сенинг варрагингга ўхшаб аэропланлар учиб юрибди. Ишонмасанг, мана жўрангдан сўра, ўзи айтиб берсин.

Қаноат дадасининг гапини маъқуллади.

– Ўз кўзим билан кўрдим, жўра.

Дудук оғзини, кўзини катта очиб, бир Қаноатга, бир дадасига анграйиб қараб қўйди. У уларнинг оғзидан “аэроплан” деган сўзни илғаб олиб, товуш чиқармай ичида шуни такрорлар, тилини ҳадсб шу сўзни айтишга чархлар эди.

– Аэ.. аэ.. аэроплан к-каттами, ё м-мени в-варрагим к-каттами, Қ-қаноат? – деб сўради. – Қ-қайси б-бири катта?

– Сенинг варрагингни кўрмаганман, – деди Қаноат. – Аэроплан катта... Сенга қанча дей? Ана ўша Жайхуна мақбарасича бор катталиги.

Дудук жим колди. Анчагача бошини қўйи солиб ўтирди. Кейин кўзида ёш айланиб:

– Т-таксир м-мутавалли варрагимни к-қулфга с-солиб к-қўйган.. – деди товуши титраб. – Х-хонақоҳ и-ичида... Б-бари-бир, ўғ-ғирлаб к-кочаман в-варракни...

– Албатта шундай қил, – деди Қаноатнинг дадаси унинг гапини маъқуллаб. – Яккалик қилсанг, мана, ўртоғинг Қаноат ёрдамлашади. Ўртоғингни ўртоқлари бор, улар қўллайди сени.

Дудукнинг кўзи, юзи порлаб кетди. Оғзини катта очиб илжайди. Меҳри товлаб Қаноатнинг елкасига қўлини чўзган эди, унга жавобан Қаноат ҳам шундай қилди: иккиси бир-бирининг елкасидан маҳкам кучиб, бир-бирини синаётган полвонлардай силтаб-силтаб кўришди.

– Д-дўст б-бўламиз! – деди тутилиб Дудук.

– Дўст бўламиз! – деди Қаноат ҳам маъқуллаб.

Дудук уларни Жайхуна мақбараси томон бошлаб бо-раётган эди. Қаноатнинг дадаси хонақоҳ ёнидан ўтаётиб, бир лаҳза тўхтади. Супада, тахта сўрида орқасини офтобда товлаб мутавалли чўзилиб ётар эди. Қаноатнинг дадаси йўлидан қайтди, хонақоҳ сўрисига қараб юрди. Шу пайт Дудук улар йўлига кўндаланг бўлди:

– У-уёққа м-мумкин э-эмас. М-мутавалли о-офтобда о-ором о-оляптила...

Қаноатнинг дадаси “қўявер” дегандай унга бепарво қўл силтади. Дудук йўл берди. Улар сўригача оёк учида юриб боришди.

Қаноатнинг дадаси мутаваллининг нақ оёғи учида туриб, Дудукнинг кулоғига шивирлади: “Кўрайлик-чи, сенинг алдоқчи мутаваллинг қанақа ором оларкин?”

Тахта сўрига тўшалган икки қат кўрпачада мутавалли ярим яланғоч бўлиб, қорнини ерга бериб ётар, ўнг

елкасида... оппоқ қоғоздан қирқиб ёшиштирилган йирик “панжа” нусхаси бор эди! Сўрининг бош томонида чала йиштирилган дастурхон, овқатдан бўшаган сопол товок, пиёла ва сопол кўзача...

Қаноатнинг дадаси яна Дудукнинг қўлоғига энгашди: “Сопол кўзачадаги сувми, ё..”

Дудук секин шивирлади: “Ш-шароб...”

Май кайфи, офтоб тафти мутаваллини роса элитган эди: кўёшда сулайиб, пишиллаб ухлар, хатто танасига ғуж-ғуж ёпирилиб талаётган пашша, чивин ва ариларни кўришга ҳам мажולי йўқ эди.

Қаноат мутаваллининг елкасидаги қоғоз “панжа”ни кўриб хайрон бўлди: “Дада, у нима? Нега елкасига уни ёпиштириб қўйган?”

Дадаси секин шивирлаб, Қаноатга ҳам, Дудукка ҳам нзоҳ берди:

– Кўряпсанларми, мутаваллининг танаси офтобда куйиб, кўмирдай қорайиб кетяпти. Елкасидаги қоғоз “панжа”нинг жойи-чи? Йўқ, қоғознинг жойи онпоқлигича қолади. Шундайми? Мутаваллига ана шу сохта панжанинг изи керак. Унга фақат шу керак. Эртага муридларини хонақоҳга йиғиб, “Хизр назар қилган мутаваллиман!” деб яктагининг енгини ечиб, “Хизр панжаси”ни уларга кўз-кўз қилиб чиқади. Муридлар бўлса бу гапни ёйиб, довруқ қилишади. Қарабсанки, эртасига Ходи кўр мутавалли эмас, Хизр назар қилган пир! Ана кўрдинларми, сохта пирлар, каллоб эшонлар қандай пайдо бўлади?

– Тушундим, – деди Қаноат чуқур тин олиб. – Тушундим.

– Сен-чи, болам, – деди Қаноатнинг дадаси Дудукка қараб, – сен ҳам тушундингми?

Дудук маъюс бош эгиб турарди.

Қаноатнинг дадаси Дудукка қараб афсус билан шивирлади:

– Хали сенинг тушунишингга кўп гап бор. Эгри дарахтнинг кўланкаси ҳам эгри бўлади. Сен шу эгри кўланка паноҳида андак яшадинг. Лекин пайти келади, ҳаммасига тушунасан. Тушунишга ўзинг мажбур бўласан. Сабабки, – деди у мутавалли томонга кўлини бигиз қилиб:

– Бу эл эрур барча ёмондин ёмон.

Кимки йўқ андин ёмон, андин ёмон!

Мутавалли устида бир жуфғ кип-қизил ковоғари чарх уриб, финғиллай-финғиллай унинг бўталок ўркачидай

каварган гарданига келиб кўнди. Ариларни анграйиб кузатиб турган Дудук кутилмаганда кичкириб юборди:

– А-ари-ри!... Ч-чакади, т-таксир, т-туринг!!

Шу пайт мутавалли гарданига “тап” этиб шапатилаб, ариларни фикимлади-да, тиззасида туриб орқасига кескин қайрилди: ортида Дудук, Носир варанка ва нотаниш бола. Мутавалли уларни кўриб гангиди: кўзларини юмиб очди, очиб юмди, яна шундай килди... Оёғи учиди ўшалар – Носир варанка, Дудук ва нотаниш бола...

Мутавалли дастурхон четидаги сопол кўзачани олиб, Дудукка қараб қулочкашлаб отди. Сопол кўза Дудукнинг гарданига тегиб, уни ерга қулатди.

– Ҳе, аблах, бошимга одам йиғиб келдингми?! – Мутавалли яна олдинга ташланиб, дастурхондаги бошқа идишларга қўл чўзган эди, Қаноатнинг дадаси унинг елкасидан маҳкам босиб, сўрига қапиштирди.

– Тек тур! – деди у мутаваллига таҳдидли товушда. – Дудукда айб йўк. Биз ўзимиз ота-ўғил Жайхуна мақбарасини зиёрат қилгани кетаётган эдик. Дудукда айб йўк.

Оғзи наमतга қапишган мутавалли пипиллаб-пишиллаб зўрға нафас олар, Носирнинг панжаларидан кутулиб чиқишга уринар, алланималар деб гўлдираб, сўкинар эди.

Қаноатнинг дадаси мутаваллининг қоқ пешонасига тиззасини босиб туриб, орқасига қайрилди.

– Жўрангдан хабар ол. Нега уни ўчди? – деди ўғлини жеркиб. – Қара-чи, нима бўлди унга?

Қаноат Дудукни таталаган эди, кўзини очди. Очди-ю, яна юмди. Нафас олиши оғирлашди. Типирчилаб жон уза бошлади. Қаноат додлаб юборди. Дадаси мутавалли устидан туриб, Дудукка югурди. Бошини авайлаб тиззасига олди. Зарб теккан жойини синчиклаб чиқди, айтарли катта жароҳат йўк – чап қулоғининг остида тухумдай шиш пайдо бўлган эди. Дудук кўзини очмай:

– Қ-қаноат, – деди шивирлаб, – д-даданг қ-қани?

– Шу ерданман, – деди дадаси, – кўзингни оч, болам.

– Й-йўк, э-энди к-кўзимни о-очолмайман... М-мен в-варракдан б-бўлак я-яна б-бир к-катта г-гуноҳ қ-қилганман... А-аравангизга ў-ўт қ-қўйганман. М-мутавалли б-буюрган э-эди... К-кечиринг, а-амаки-и...

Дудукнинг чап қулоғидан икки томчи қон томди. Товуши тинди. Қаноатнинг дадаси уни маҳкам бағрига босди. Мутавалли болохонадор қилиб сўкинди.

– Уни тинч қўйинг, жон узаяпти... – деди Қаноат-

нинг дадаси Дудукни бағридан бўшатиб. – Рухига озор берманг, нари туринг. Оёғингиз тагидаги “панжа”ни олинг-е, рўдапо!

Мутавалли олишувда оёғи тагига тушган “Хизр панжаси”га эгилди...


НАЖОТ ТҲЙНУГИ

...Қаноат онаси пойидан бемажол турди. Шиша туйнук рўпарасига келди. Туйнукдан заррача ёруғлик тушмас, Вардонзе қалъа ҳам, қалъа тепасидаги дўлана дарахти ҳам энди кўринмас – шиша ортини зич қум босган эди.

Бола қорайиб турган шишадан кўз узмасди. Шу пайт хаёлида ўқтам бир фикр чарх уриб қолди: туйнукни кенгайтириб, бир амаллаб ташқарига чиқиб олишни мўлжаллади. Лекин бу фикрдан тез қайтди. Очиг мўридан хонага ёпирилиб кирадиган қум оқимини ҳеч қандай куч билан тўхтатиб бўлмаслигини дарров фахмлади. Шашти бир оз пасайди. Юқоридаги туйнукка қаради, шуни кенгайтириш маъкулроқ кўринди. “Бу девор ортидаги қум уюми шимол деворида тўпланган қумдан анча паст кўринади, – деб ўзича мушоҳада қилди бола. – Мана, туйнук очик... Тўпланган қум уюми туйнукдан пастда... Туйнукни тезроқ кенгайтириш керак”.

Бола сандални туйнук тагига судради. Сандиқни титкилаб, онаси рўзғорда ишлатадиган ошпичокни топди. Лекин у мўлжаллаган ишга дастаси синган бу ошпичок кўл келмади – туйнук йўғон икки қалама ўртасида ўрнатилган эди. Қаноатнинг ҳафсаласи баттар пир бўлди. Кўлидаги пичокни жаҳл билан эшикка отиб юборди. Пичок эшикка тарақлаб тегиб, кигиз устига тушди. Ҳар кун ўтин чопиб юрган ойболтасини излади. Лекин кеча намозшомда ўтин майдалаганида, ойболта билан аррани усти очик айвонда, ўчокбошида унутиб қолдирганини эслади. Эслади-ю, танаси ловиллаб ёниб кетди, бир лаҳзадан кейин вужудини шилта тер босди: “Энди нима қилай? Нега ҳамма ишим тескари кетяпти?”

Қаноат онаси ётган уй бурчагига қаради: чойшаб устида тўзон аралаш энсизгина хира нур ўйнайди: ташқарида ҳамон қум тўфони гувиллайди; боланинг тишлари орасида қум гижирлайди...



Бола кунни хам, тунни хам қарийб унутаёзди: неча кун бўлди ўзи саҳрода бўрон бошланганига? Бир кунми, бир ярим кунми, икки кунми? Яна неча кун давом этади бу бўрон – билиб бўлмайди!..

Қаноат наमतга тиз чўкди. Онасининг пойи томонга узала тушиб, муштчаларини ерга тираб, устига манглайини босди: у толган, толиққан; ўйлашдан, хаёл суришдан, умид қилишдан, хатто йиғлашдан ҳам тамом бези-ган эди.

Бола узоқ ётди. Бир маҳал уйғониб, бошини кўтарди. Кўзларини уқалаб туйнукка қадалди, саҳронинг “дил” тегишини гўё шу туйнукка қараб пайқарди: хонага тўзонсиз, ёруғ нур, мўл-кўл ойдинлик ёғиларди. Ташқарида бўрон тинган, саҳро ювош тортиб қолган эди. Қаноат равшан мўридан кўз ололмай, бутун вужудини қамраб олган яккалик ваҳмини ўзидан нари даф этмоқчи бўлди. Вардонзе қалъадаги хосхона деворларида ўрнатилган тош битикни, дадаси ўқиб берган тузукларни эслади: “Ваҳм қоронғида кўп изғийди. Шу боис кўнглингни равшан тут – хаёлинг доим нурафшон бўлади...”

Бола ваҳмдан қутулиш, кўнглини равшан тутиш учун: “Мен якка эмасман, ёнимда онам бор, меҳрибон онажоним бор!” деган гапни хадеб такрорлайверди:

– Мен якка эмасман, ёнимда онажоним, меҳрибоним борла!.. Мен якка эмасман, якка эмасман!!

У якка эмас эди: мана, нимдошгина чойшаб остида онаси ётибди. Панжакаш кўрмаган лойшувоқ девордаги ёғоч миҳда дадасининг милтиғи осиб қўйилган. Бери-роғда дўсти Миша совға қилган китоб. Қўлида... йўк, қўлида эмас, эшик тагида дастаси синган ошпичоқ ётибди...

Қаноат пичоқни яна қўлига олди. “Бу билан ишим битмайди-да, – дея афсус тортди, кейин ўз фикрини ўзи рад этди. – Нега битмайди? Битади, битиши керак. Дадам: “Зехнинг бутун бўлса, жуводиз билан битадиган ишни игна билан ҳам битириб бўлади”, дердилар. Нукул шу гапни айтардилар. Дадам бехуда гапирмасдилар. Ойболта бўлмаганидан кейин нима қилай, ана шу ошпичоқ ойболта-да!”

Бола ошпичоқнинг синган дастасига латта ўраб, уйнинг қайси деворидан иш бошлашни билмай тараддудда қолди. Дадаси берган сабоқ ҳали-хали хотирасида турибди: “Саҳро ва саҳроликлар ақидасига шак келтирма,

– деганди ўшанда дадаси. – Сахронинг ўзидай бешафкат даррандалари билан ошна тутин, дарахт ва гиёхлари билан юзма-юз туриб сўзлаша бил, шамолларидан чўчи-ма, бўронларини эгиб ол. Ана шунда сенинг кўлинг баланд келади. Ёнингда борманми – йўқманми, ана шу гапларимни унутма, ўғлим!”

Қаноат биларди, қум бўронлари, гирдибод тўфонлари, “афғон” гармселлари, одатда, сахронинг шимол қисмидан бошланади, жанубга томон шиддат билан беомон босиб келаверади, келаверади... Бўрон тинганидан кейин бир куни Қаноат сахрони чарх уриб, хайрон қолган эди: уйларнинг шимол деворини том бўйи қум босиб кетган, қулаган дарахтлар жанубга томон ёнбошлаб ётибди.

Қаноат: “Ишни жануб деворидан бошласам маъкулроқ бўлади, – деган қарорга келди. – Сабабки, девор ортида кам қум тўпланган”. Шундай қилди, кўлидаги пичоқ билан деворни бўйи барабар баландликдан хафсала билан теша бошлади. Кўп унади, узоқ ишлади, терлади – пишиди, ахири, минг азоб билан деворни ўзи сифадиган кенгликда тешиб, ташқарига чиқди!..

Бўрон тинган, сахро сокин эди. Барханлар салтанатида оғир сукунат ҳукм сурарди. Сахрони чанг ва ғубор қоплаб олган. Қуёш аввалгидай чарақламас, аллақандай хира парда ортидан боқаётгандай қутсиз эди. Бола шимол девори ортида тўпланиб қолган қум уюми орқали талпиниб, қумга ботиб-ботиб ўзини зўрға томга олди.

– Хо-о-й, одамлар, ёрдам беринглар! – Қаноат том бошида туриб, чақира бошлади. – Онам ўлиб қолдилар... Ёрдам беринглар, хо-о-й, одамлар-а-ар!!!

Сахро жимжит эди.

Узоқдан кўзи ниманидир илғагандай бўлди. Бола ўша томонга қараб, кўлини силкита-силкита яна қичқира бошлади:

– Хе-е-е! Буёққа келинлар!

Икки от терга пишиб, хансираб, Қаноатлар уйига яқин, том бўйи тўпланиб қолган қум уюмига келиб тўхтади. Тўриқ отдаги йўловчи телпак кийган, сариқ мўйловини қиров босган, елкалари кенг киши эди. Саман отдагиси эса аёл эди – у узангига оёқларини тираб, хиёл кад ростлади-да, қора пальтосининг ёқасини тушириб, ширин бир табассум билан:

– Салом, болакай! – деди.

Қаноат ҳамон том бошида дудукланарди.

– Онам ў... ўл-и-б қо-олдила...

– Ўлиб қолдилар, дейсанми? – Бегона одам ўзини отдан ташлади, этиги кўнжигача қумга ботиб кетди. – Қани, буёққа туш-чи, нималар деяпсан ўзи?

Унгача аёл ҳам отдан тушди.

Қаноат ўзини томдан барханга қараб отган эди, бегона одам уни бакуват қўллари билан маҳкам илиб олиб, бағрига босди.

– Хўш, гапир-чи, болакай, нима бўлди?

Юпун кийимда, бошланг Қаноат совуқда дилдираб, бошидан ўтганларни сариқ мўйловли амаки билан бегона аёлга айтиб берди.

Амаки телпагини бошидан олиб, аёл эса рўмолини елкасига тушириб, ярим белигача кўмилган уйга қараб бош эгишди.

Аёл бир лаҳзалик сукутдан бош кўтариб, болага талпинди: уни бағрига босди, совуқ қотган қўлчаларини иссиқ бағрига – пальтосининг қатига тикиб, маҳкам қисди. Унинг совуқдан кўкариб кетган юзини, кулоқларини ишқади, ҳадеб ишқайверди. Оналик меҳри баттар жўш уриб, унинг яланғоч бошидан ўпди... Шунда аёлнинг юраги бирдан зирқираб кетди – боланинг сочи оқарган эди!

Аёл эрига боланинг сочини кўз кири билан имлаб кўрсатди. Эри олдиндан буни пайкаб, ўзи тўлиб турган экан, бошидаги кулоқчинини болага кийгизди, ўзини тутиш учун лабини маҳкам тишлаб, отнинг эгар-жабдуғига уннаб кетди.

Аёлни фарзанд кўмсоғи тоза элитган эди. У болани бағридан бўшатмади, иягини унинг мўъжазгина елкасига маҳкам босиб, ўйларди: “Сен дунёга келиб нимани кўришга улгурдинг ўзи, болакай? Оғзингдан хали она сунинг ҳиди келиб турибди-ю, бошингда кексалик кирови – гўдак ёшингда сочларинг оқарибди. Эй, ғаддор фалак, бунчалар беаёв, бунчалар бешафқатсан? Раҳм қилсанг бўлмасмиди шу норасида болагинага! Увол эмасми, увол эмасми?!”

Аёл хаёлини тарқатиш учун болани гапга солди.

– Кишлоқларинг номини биласанми?

– Биламан. Қумбосди.

– Ие, Қумбосди бўлса, кепколибмиз-ку... Василний, кепколибмиз, буни қара-я... Дадам айтган кишлоқ. Биз

Когондан келяпмиз, болакай. Шунақа жойни эшитган-мисан?

Бола аёлга жавдираб каради.

– Бўлганман Когонда, – деди бола. – Дадам билан борганман. Когондан бўлсайиз, Миша жўрамни таний-сизми? Сергей бобонинг невараси...

Аёл ялт этиб болага қадалди.

– Қан... Қаноатмисан?

– Ха, Қаноатман! – деди боланинг овози титраб. – Мишанинг онасимисиз? Сергей бобонинг қизи, а? Бу киши Мишанинг дадаси... Билдимми?

– Билдинг! – деди аёл бўғзига тиралган йиғи аралаш. – Миша сени кутди. Соғайиб кетса, келмоқчи эди. Лекин келмади, келолмади... Мишагинам пешонамга сифмади, болам, сифмади! – Аёл ортиқ чидаёлмади, ўзини туюлмади йиғлаб юборди. – Ўша сен кўрган касаллик билан болагинам адо бўлди!

Қайғу устига қайғу, ситам устига ситам... Боланинг муштдеккина кўксига бунча ғам-алам қандай сифсин! Аёл келтирган бу нохуш хабар... йўқ, энди буниси хаддан ортиқ эди. Бола худди эси оғиб қолгандай аёлнинг оёғи тагига беихтиёр мук тушди. Аёл болани яна бағрига босди. У кўксига маҳкам босиб турган шу гўдакнинг юзида, илиқ нафасида Мишанинг рухсорини кўргандай, унинг кайноқ нафасини туйиб тургандай эди!

Қаноат дўсти Мишанинг ўлимини эшитиб, ўзини кечирилмас гуноҳга ботган ноқобил дўст тарзида хис этди.

У дўстининг ўлимига, аввало, ўзини сабабчи деб биларди. Когонга боролмай қолганига қанча важ излама-син, барибир, ўзини айбдор санарди:

– Кўп кулфатлар тушди бошимизга. Аравамизга ўт қўйишди. Дадамни ўлдиришди. Ёнғиндан кейин онам жойларидан қайта туropolмадила... Эҳтимол, исирикни элтиб берганимда, Миша жўрам ўлмас эди!...

– Ундай деб ўйлама, ўғлим. Қўй, беҳуда хаёлларга борма. Ўзим билардим, Мишанинг дарди бедаво эди. Бобоси Москвага элтиб, билагон докторларга кўрсатди, фойда қилмади. Таёқ еган жойи айниб, қорасонга айланган экан... Бу ҳаёт дегани шунчалик бешафқатки, болам, баъзан чигал тақдирингга тан беришга мажбур қилади. Мажбур қилган ўша куч олдида гоҳо оқиз қоласан. Тақдирга қарши исён қилгинг, дунёга **валаён** солгинг келади. Мана, сени топдим, қисматга қарши қилган исёнда

ғолиб чиққаним шу. Мишанинг ўрнига ўғлимсан, Қаноат, эшитяпсанми, ўғлимсан!

Қаноат етти ёт бегона аёл бағрида туриб, онасини ўйларди... Беш қадамча нарида, қум босган мана шу кўримсиз кулбада азиз онаси, меҳрибон волидаси нимдош чойшаб остида мангу сукут ила ётибди!

Фарзанд ҳеч бир кимсанинг меҳрини она меҳрига тенг тутмайди, тутолмайди. Лекин бу аёлнинг оналик муҳаббати Қаноат учун тамом бошқача...

“Бу аёл дўстим Мишанинг онаси, – деб ўйларди Қаноат. – Демак, менинг ҳам онам!”

– Барибир, сизни излаб топардим, аяжон! – Қаноат аёлнинг бўйнига маҳкам чирмашиб, ҳиқиллаб-ҳиқиллаб йиғлади. – Барибир излаб топардим, ишонинг. Сергей бобомни ҳам, Василий амакимни ҳам топардим...

Василий оғиб бораётган қуёшга қараб, ташвишга тушиб қолди. Қиш кунлари бир тутам. Ҳали тириклар гарданида марҳумани қум босган хонадан олиб чиқиш, уни дафн этишдек чигал муаммо турибди. Василий ана шуни ўйлаб қистанди. Отини дарров Қаноатга кўнданг тутиб, жиловни берди:

– Қўшни қишлоққа бориб, одамларга хабар кил. Айт, кетмон, белқурак олиб келишсин. Уйни қумдан тозалаб, онангни олиб чиқамиз. Йиғлама, болагинам, ҳали шундай ишлар қиламизки, қишлоқларни, уйларни, қабрларни қум босмайдиган бўлади. Мен билан аянг ана шу мақсадда бу ерга келганмиз. Ўксима, болам!

Қаноат кулоқчининг ипини ияги остидан маҳкам танғиб боғлади-да, Денов қишлоғига қараб от суриб кетди...

ИККИНЧИ ҚИСМ

ЕТИМ

Одамлар қабр бошидан тўғри Қаноатлар кулбасига қайтиб келди. Унғача Евгения билан Қаноатнинг ўртоқлари уйни, айвонни супуриб-сидириб, супа ва йўлакларни қумдан тозалашди. Қўшни кишлоқдаги тош қудуқдан эшакда икки меш сув ташиб келтиришди. Ташқарида самовар қўйиб, таъзияга келганларга чой дамлаб беришди. Одамлар онанинг руhini хотирлаб, фотиha ўқишди. Қишлоқ оксоқоллари етимча қисмати тўғрисида узок бахшашди.

Елкалари чикиб, мункиллаб қолган, калта соқолли бир чол етим болани уйига олиб кетиш учун ўтирганлардан розилик сўради:

– Фарзандларим қатори фарзанд бўлади, – деди чол. – Ўнта бўлса, ўрни бўлак, қирқта бўлса қилиғи... рози бўлиб, бир фотиha беринглар, шу сағиргинани олиб кетай, якка ўзи ғариб, хор-зор бўлмасин, яхшилар.

– Гапингиз тўғрику-я, – деди ғилай кўзли, ўнг қўли елкасигача дағиллаб турадиган иккинчи чол, – кўп фарзандлининг бағри чандон кенг бўлади, буни биламиз. Лекин бир қушга ҳам дон керак, ҳам сув. Сиз қийналиб қоласизми дейман, биродари азиз, яхшиси, мен обора қолай болани.

Василий билан хогини кишлоқ қариялари бахсига узок кулоқ тутиб туришди. Ахири, Василий икки чолнинг бахсига аралашди:

– Одатларингизни яхши биламан. Боладан оталик меҳрини, оналик мухаббатини сира дариг тутмайсизлар: туғишганми, бегонами барибир, – деди Василий мўйсафидларга қараб. – Анча-мунча урф-одатларингизни ўргандик. Россиядан келганимизга тўрт йилча бўлиб қолди. Бу киши рафиқам, Евгения хоним. Шу кунгача Қогонда яшадик. Қайнотам Сергей бобо ўша ерда, темир йўл депосида ишлайди. Қаноатнинг дадаси Носирбой билан Сергей бобонинг ошначилиги бор экан. Айтишларича, Носирга керосин қуйиш варанқасини ҳам Сергей бобо ясаб берган эканлар. Шундан кейин Носир варанка бўп кетибди, эшитишимча, Сергей бобонинг сўрови билан Носирбойдан бир хабар олайлик, деб келсак, мотам устидан чиқдик. Носирбой ҳам бир йил олдин қазо қилган экан.

– Ха-а, шунака бўлди, – хотирлашди одамлар, – рахматли Носир баранка бор эди, уйимиздан нур, рўшнолик аримасди. Ана энди бир чакра¹ керосинга зормиз.

Хонага оғир жимлик чўкди. Ўтирганлар уйнинг тўри-ни эгаллаб ўтирган Вардонзе қалъа хонақохи мутавалли-сига беихтиёр қараб қўйишди. Қаноат Евгенияга яқин жойда, Даврон билан ёнма-ён наматга мук тушиб ўти-рарди. Улар таъзияга келганларга навбатма-навбат чой қўйиб узатишарди. Қаноат мутаваллидан кўз узмай, унга ёвқараш қилиб ўтирарди. Мутавалли гурунг мавзуини чалғитиш учун ора-сира лукма ташлаб қўяр, жуда безов-та эди...

Қаноат қаршидаги деворда, мутавалли бош тепа-сида осифлиқ турган дадасининг милтиғидан кўз узмай, аса-бий бир кайфиятда ўтирарди: “Дудукка буюриб арава-мизга сен лаънати ўт қўйдирдинг. Дадамнинг умрига сен зомин бўлдинг. Дудукни кўз олдимда сен уриб ўлдир-динг... Ўша ёнғиндан кейин онам қайта ўзларига келол-май оламдан ўтдила... Бунга ҳам сен айбдорсан, котил! Яна ҳеч нарса кўрмаган бўлиб, бугун келиб уйимиз тўрида ўтирибсан...”

Қаноатнинг қўллари беихтиёр мушт бўлиб тугилди, увокқина танаси титраб кетди. Шу топда Даврон гулли сопол пиёлага чой қўйиб мутаваллига қараб узатган эди, Қаноат ўзини билиб-билмасга олиб, унинг тирсагига тур-тиб юборди. Пиёла мутаваллига етмай Давроннинг қўли-дан дастурхонга тушиб кетди. Ўтирганлардан кимдир сезди, кимдир сезмади, лекин ҳеч ким индамади. Дав-рон қизариб кетди, узр сўради. Бирок мутаваллига чой узатишга қайта журъат қилмади.

– Биламан, – дерди Василий мўйсафидлар билан гурунгда оғзи қизиб, – Қаноат ҳеч кимга ортикчалик қилмайди. Яхшиси, у биз билан қолсин. Ҳозирча мана шу кулбада, кейин яна ўйлаб кўрамиз. Биз иккимиз – рафиқамиз Евгения хоним билан бир хайрли иш бошлаб келганмиз. Бу ишни охирига етказиш учун юзлаб Қано-атлар, минглаб у тенги болалар керак. Ҳа, бу ишга бутун тумонат – катталар ҳам, болалар ҳам, хотин-халажлар – ҳамма баравар бош қўшиши лозим!

– Билсак бўладими, нима экан ўша хайрли ишн-гиз? – деди мутавалли чой тўкилганидан кейин ўртада

¹ Бухоро шевасида томчи маъносига.

пайдо бўлган ноқулаї вазиятни бир оз юмшатиш учун. – Қани, айтинг-чи, қанақа иш экан ўзи? Хайрли-пайрли дейсиз. Хойнаҳой, болани сарбозликка мўлжаллаясиз десам, ўртага хотин-халажни ҳам, ёшу қарини ҳам қўшяпсиз...

– Эҳтимол, вақти келиб Қаноат аскарликка ҳам яраб қолар. Ҳозир гап тамоман бошқа ёқда, тақсир мутавалли, – деди Евгения эри бошлаган гапни давом эттириб. У эрига нисбатан ўзбекчани “қоқинмай” гапирар, шу боис баҳсли масалалар чиқиб қолганида, ҳамиша ижронни Евгения бажарарди. – Ҳаммасидан вокифсизлар, замон чайқалиб турибди. Бухоро тўнтариши ғалаба қилиб, амир қочганига бир йилдан ошиб қолди. Ҳаёт ҳали-вери изга тушмаяпти: бир томонда очлик, танқислик; иккинчи томонда қизил аскарлар амир сарбозларига қарши ҳаракатини бошлаб юборишди. Бу йилги қиш ҳаммасидан ошиб тушди: тўксон кун сурункасига давом этган совук, басма-бас эсан “афғон” шамоллари, қум бўронлари Қизилқум этагидаги халқ жонини роса сиқиб олди. Бир ҳафтадан бери Жилвон, Қутчи, Кампирёл, Фозилбек, Варахша, Замон бобо дашт ва қумликларини отда кезиб чикдик. Қўмилмаган йўл, омон қолган ариқ ва қулба йўқ ҳисоби. Қанча одамлар уйсиз, ерсиз юрибди. Биз энди бир ёқадан бош чиқариб, қум бўронларининг йўлини тўсишимиз, экин ерларимиз, боғ-роғларимиз, ариқ ва булоқларимизни омон сақлаб қолишимиз керак, бошқа иложимиз ҳам йўқ. Яхши яшашни истаган ҳар бир инсон бунга бош қўшиши шарт. Бухоро Халқ республикаси ҳукуматининг қум қўчишларининг олдини олиш, ихоталаштиришни йўлга қўйиш, ўрмон хўжаликлари барпо этиш хусусида махсус қарори ҳам бор.

– Нима, нима, эшитмай қолдим? – деди мутавалли сирли бир илжайиш билан ўнг шапалогини қулоғи орқасига тутиб, Евгения томонга чўзилди. – Ҳукумат қар... қарори бор дейсизми, хоним? Қутурган саҳрони инсофга келтирадиган, қум бўронининг йўлини тўсадиган қанақа қар... қарор экан у, а? – Мутавалли қўлини қулоғи остидан шашт билан олиб, худди ўша қўлини Евгения хонимга қараб паҳса қилди. – Ў, хоним, шуни билиб қўйингки, Қизилқумнинг қутурган қум бўронларини Чинмочиннинг девори билан ҳам тўсиб бўлмайди! Эрингиз билан топиб келган бу чўпчакларни бориб бошқа одамларга – саҳро зарбини қўрмаганларга айтинг, ўшалар

ишонади. Бир бандаи мўминнинг ортидан бўзлаб қолган мана бу сағир хусусига келсак, унинг тақдирини сизларга ўхшаган етти ёт бегона ғайридинлар эмас, биз ўзимиз хал қилурмиз. Қаноат шу бугундан бошлаб Вардонзе қалъа хонақоҳи ихтиёрида бўлади. Хонақоҳ хизматини қилади Дудук ўрнига... Омин!

Мутавалли юзига фотиҳа тортиб, жойидан ярим қўзгалди, лекин ўтирганлардан ҳеч бири унинг фотиҳасига қўл кўтармаганини кўриб, жойига қайта чўкди.

– Бормайман хонақоҳга!.. – Қаноат жойидан шашт билан отилиб туриб, мутаваллига ўкталди. – Йўқ, хонақоҳга бормайман!

– Борасан, бўтам, – деди мутавалли авзойи ўзгариб турган бўлса ҳам илжайишга мойил сирли бир тусда. – Дин даъвати – оллоҳ даъвати, бўтам!

– Бормайман! Бормайман! – Қаноат бир сакраб мутавалли тираниб турган деворга яқин борди. У қандай шашт билан отилиб борган бўлса, ўша шашт билан милтиқни олди, кейин мутаваллига қараб ўкталди. – Йўқ, бормайман хонақонга... Дудукдай хор бўлиб ўлишни истамайман, қотил! Ҳозир отаман сени!...

Ўтирганлар шошиб қолди, баъзиси ўзини эшикка урди. Мутавалли кўрққанидан қўли қалтироқ чолнинг орқасига бекиниб, қапишиб олди. Евгения билан Василий Қаноатни маҳкам тутиб, қўлидан милтиқни тортиб олишга ҳаракат қилар, ялиниб-ёлворар, лекин уни удаблаб бўлмас эди.

Шунча олишув ва тортишувда ҳам, барибир, Қаноат милтиқ тепкисини босишга улгургани: темир затвор “чирқ” этди, мутаваллининг бахтига милтиқ ўқланмаган экан!

Бола беҳуш бўлиб йиқилди.

Наматга қапишиб, тошбақадай бўйнини ичкарига тортиб, жон ховучлаб ётган мутаваллини кимдир оёғи билан бикинидан туртиб:

– Вақт борида қочиб ҳолинг, таксир! – деди. – Қайтиб турса сизни ўлдириб қўяди.

Мутавалли кўрқа-писа жойидан турди, ўғри мушукдай аланглади, Қаноатнинг аёл қучоғида беҳуш ётганини кўриб, бироз дадиллашди.

– Сал бўлмаса ўлдириб қўярди, бадбахт етимча, – деб гоҳ кўксига тушуриб, гоҳ сўкиниб сунага чикди. – Сал бўлмаса ўлдириб қўярди, бадбахт сағирак!

Таъзияхонадан чиққанлар аллақачон тарқаб кетишган, борлари ҳам мутавалли жанжалидан узокрок турайлик, деб ўзларини пана-пастқамга уришган эди.

Мутавалли ҳассасини дўқиллатиб, йўлга тушди. Йўл бўйи милтиқ ўқталган “сархўр” етимчани қарғаб кетди.

– Мен камина қилган дуоибадлар гирибонингдан тутмаса, қараб тур хали... дадангдай илоҳим харом ўлгин!

Маъракадан чиқиб, мутавалли билан изма-из қайтаётган бир тўп бола кўча муюлишида уни тўхтатиб, танбех беришди.

– Қарғишларингиз ўзингизга урсин, таксир, – деди болалар орасида хиёл тетикроғи, ўн беш-ўн олти ёшлар чамасидаги Аҳмад. – Тилийизни тортиб гапиринг. Намунча қарғайсиз. Бўлди-да!

Ходи кўр очик кўзини чакчайтириб, болага қаради. Қоронғида танимади, сўнг товушидан тусмоллаб, кимлигини аниқлади.

– Сенга нима-а? Хе-е, тирранча-е! – Мутавалли жаҳл билан уни жеркиб ташлади. – Сен ҳам, ана шу жўраларинг ҳам ўша безорининг бири-да. Сал бўлмаса, отиб кўярди, аблах!

– Ўзингиздан ҳам ўтди-да, таксир, – деди Аҳмад, – Қаноатни хонақоҳ дастёрлигига элтаман дейсиз...

Мутавалли хайрон бўлиб баттар чакчайди.

– Нима бўпти, хонақоҳга элтаман десам? Хонақоҳга боришни орзу қилиб юрганлар камми? Бунинг нимаси ёмон?

Аҳмад кулди.

– Ёмонлиги шуки, таксир... Э, нима десам экан сизга, ундан кўра, яхшиси, сени кушхонага элтаман, деб Қаноатнинг бўйнига арқон солсайдингиз, орқангиздан индамай эргаши-и-иб кетаверарди.

Болалар хуфиёна, сўнг баралла кулиб юборишди.

– Отанг тенги одамни... Бунинг устига шундай табаррук хонақоҳ мутаваллисини калака қиласанми, даъюс! – Мутавалли урмоқчи бўлиб қўлини кўтарган эди, Аҳмад унинг тирсагидан маҳкам тутиб қолди. – Ё опангни хайдаб юборганим келиб-келиб энди алам қияптими, а? Шунинг учун орқамдан хира пашшадай эргашиб юрибсанми?

Аҳмад мутаваллининг учинчи хотини Хуринисонинг укаси эди. Хуринисо жонидан тўйиб: “Елкамнинг чуқури кўрсин ховлингни!” деб эридан ўзи ажраб кетган эди.

Лекин мутавалли ўртада бўлиб кетган можарони ҳозир тескари талкин қилиб, болалар олдида Аҳмаднинг жиғига тегди.

– Нима учун эргашиб юрганимизни кейин биласиз, тақсир! – деди Аҳмад мутаваллининг кўлини орқасига қайириб. – Қани, олдинга тушинг! Силтанманг... Бақирманг, фойдасиз. Йўқ, буёққа эмас, ху ана, барханга қараб юринг!

Болалар уни туртиб-итариб, йўлдан четга олиб чиқишди.

– Тунайсанларми? Вой-дод! – Мутавалли бир туп юлғун ўсиб, қорайиб турган барханга етмай, кумликка “тап” этиб ўзини отди. – Вой-дод, қароқчилар дастидан дод! Хо-й одамлар, қутқаринглар!..

– Бақирманг, фойдасиз, – деди Аҳмад қорини кумга маҳкам босиб ётган мутаваллининг белбоғидан тутиб, қаттиқ силкиди. – Қўрқманг, қароқчи эмасмиз, ҳар кун кўриб юрганингиз болалармиз.

– Йўқ, ишонмайман! – дод солди мутавалли. – Қароқчилардан баттарсанлар, йўлтўсардан баттарсанлар! Опанг ҳақ ундирилмай юрган эди, биламан, ўша ўргатган бу ишни. Ўша манжалаки ўргатган, ҳа, ўша ўргатган!

Аҳмад жаҳлига чидаёлмай мутаваллига бир мушт туширди.

– Қанақа бетамиз одамсиз ўзи? Пулингиз билан ишимиз йўқ деяпман-ку, ахир!! Сизга айтадиган гапимиз бор, қулоқ солсангиз-чи.

– Қанақа гап? – деди мутавалли шаштидан бир оз тушиб. Бошини хиёл кўтариб, Аҳмад томонга хавотирли қараб қўйди. – Қанақа гап? Гапир.

– Гапимиз шуки...

– Пулларимга ишларинг йўқми, ишқилиб? Чўнтақларимга тегмайсизларми?

– Айтган гапимизга қулоқ солсангиз, тегмаймиз.

Мутавалли жойидан туриб ўтирди. Лекин чўнтақларини маҳкам ёқимлаб, болага хавотирли назар ташлади.

– Айт, қанақа гапинг бор?

Аҳмад мутавалли қаршида мук тушди. Иккиси юзмаюз туришарди. Болалар уларни холи қолдириб, бир қадам орқага чекинишди ва сергак қузатиб туришди.

– Боя, одамлар қабр бошидан қайтаётганда, муридларингиздан бири сизга, тақсир, бир қоғоз келтириб топширди. Гапни чалғитманг. Ўзим қузатиб турдим: сиз

коғозни олиб, бархан ортига йўқолиб кетдийиз. Тўғри-ми? Тонманг, пулдан, қирк саккиз чўнтагингиздан умидвор бўлсангиз, тонманг.

– Қирк саккизталигини қаердан билдинг, а? – Тааж-жубдан баттар гангиди у. – Ўша манж... э, опанг Хури айтган-да, тўғрими?

– Опам ўз йўлида, – деди Аҳмад совукконлик билан, – лекин қирк саккизталигини аниқ биламан. Ўша коғоз шу қирк саккиз чўнтакнинг қай бирида? Шунини ўз кўлингиз билан чиқариб берсангиз... тамом-вассалом!

– Ҳеч бирида... Ҳеч бирида йўқ! – дея мутавалли шошиб-пишиб қўлтиғига қўл урди. – Мана, ҳеч бирида йўқ!

Аслида мутавалли қўлига илинган коғозни қўлтиғида ёғимлаб турар, чиқариб беришга ҳам, бермасликка ҳам журъати етмас эди. Ким-ким, мутаваллидай одам келиб-келиб бунга журъат қилолмасди: мактубни чиқариб берса – қилмишлари ошқор бўлади; бермай деса буёқда қирк саккиз чўнтагининг аҳволи не кечади! Мутавалли ўйлаб-ўйлаб, ахири, учинчи бир йўл топди – хатни ёғимлаб ютиб юбормоқчи бўлди. Шундай қилди. Қоғозни эзгилаб оғзига тикқан захоти Аҳмад мутаваллининг оғзига мушукдай чанг солди. Шу пайт болалар ҳам барабар ташланишди. Мутаваллини кумга босиб, уст-бошини, чўнтақларини қовлаб-титкилаб ташлашди...

– Падарингга лаънат, ғаламис! – деди Аҳмад мутавалли чайнаган бармоғини белбоғининг учи билан танғиб боғларкан. – Қўлимни ютиб юборай деди-я, касофат!

– Олдингизми, ишқилиб, Аҳмад ака? – деб сўради Карим.

– Олдим. Ўзиям нақ кекирдагидан суғуриб олдим-да!

– Кетдикми, Аҳмад ака? – деди кистаб Саттор.

– Қаёққа? – деди Аҳмад мутаваллининг биқинига оёғи билан ниқаб. – Тўхтаб тур, хушига келсин, хонақоҳига ташлаб ўтамиз.

– Буни хушига келтириш оппа-осон, – деди Карим Аҳмаднинг қулоғига шивирлаб. – “Таксир мутаваллининг қирк саккиз чўнтаги қайта қовланси-и-ин!” деб овоз беринг. Овозингизни мундай кўтариброқ айтинг. Агар мутавалли жойидан туриб кетмаса, Карим номимни бўлак қўяман! Қани, Аҳмад ака.

– Таксир мутаваллининг қирк саккиз чўнтаги қайта қов...

Ахмаднинг гапи оғзида қолди – мутавалли ҳушига келди, тепасида турганларга чақчайди, шоша-пиша чўнтакларини тимирскилай бошлади...

Болалар беихтиёр кулиб юборишди.

МУТАВАЛЛИНИНГ ҚИРҚ САККИЗ ЧЎНТАГИ

“Кўз ўнгингда содир бўлаётган воқеаларга, магарам ишонмасанг, бармоғингни ўзга бир кимсага тишлатиб кўр”. Бу аслида мутаваллининг писанда қилиб кўп такрорлайдиган гапи. У таажжуб оҳангида айтилаётган сўровларга ҳуда-беҳуда шу гапни кистириб ўтарди. – Нега ажабланасан, магарам ишонмасанг, ўзга бир кимсага тишлатиб кўр бармоғингни. Зора шу билан кўзинг очилса!..”

Хўш, содир бўлган бу воқеалардан таксир мутавалли ўз бармоғини энди қайси бир кимсага тишлатиб кўрсин?

Ишқилиб, мутаваллига қийин бўлди-да: кўз олдида одамлар ўзгариб, турланиб кетяпти-ей. Носир варанканинг керосин бермагани устига эл олдида уни эшакка тенг тутиб шарманда қилиши... Бандаи мўмин – ҳудожўй Дудуқнинг бирдан айниши... Бухорои шарифда бўлган ва бўлаётган алғов-далғовлар... Бу икки ғайридин эр-хотиннинг кутилмаганда бу ерларда пайдо бўлиши... Тирмизак Қаноатнинг унга қарши милтиқ ўқталиши... Худобехабар бир гуруҳ болаларнинг уни бу хилда қақшатиб, бошига мушт қўйиши... Ё алҳазар, таксир мутавалли бошидан кечган бу кўргиликларга ишонсинми ё ишонмасинми? Ишонмай деса, мушт еган – у; борйўғидан ажралган – у; таҳқирланган, хўрланган – у; хуллас, жабрдийда – у... Шунча можаролардан кейин ҳам кўз ўнгида содир бўлган воқеаларга ишониш учун бармоғини ўзгаларга тишлатиши шартми? Ўн бармоғини ўн кимсага ўн марта тишлатиб кўрганида ҳам гап шу: замона зайли экан, бўлгани бўлди, бўёғи кўчди, мутаваллилик қурби ўчди – тамом!

Мутаваллига ана шуниси тўхтаб-тўхтаб алам килар эди...

Ҳоди аслида болаликдан тентаккушдай кўним билмай ўсди: аввалига опаси билан икки йил отинойникига қатнади, алифни танимай кетди. Кейин мадрасама-мадраса

изғиди – ҳеч ерда муқим туриб ўқиёлмади. Каттани кўрса – қалтираб, кичикни кўрса – валдираб юрди. Отаси ҳам икки гапининг бирида: “Дунё сўзад-у, дег жўшад!”¹ деган нақлни такрорлагувчи эди. Отадан – ўғил, педдан – дакадак; Ҳоди кўр дегани қозоннинг бир қайнаши учун дунёнинг қуйиб кетишига кўнган, бир умр шунга кўниб яшаган ўша диёнатсиз отанинг тантиқ фарзанди эди-да!

У отаси раъйдан сира чекинмай яшади. “Бу фоний дунёда неки топсанг, ўғлим, хотиндан, – дерди дадаси. – Толенинг паст-баланди оладиган хотинингни бор-шудига боғлиқ кўринади, ўғлим. Иқтидоринг паст, мендан кейин ўз кунингни ўзинг кўриб кетишингга ақлим бовар қилмайдир... Хотин сени ё эр қиладир, ё қора ер қиладир. Мендан кейин қачон уйланмоқчи бўлсанг, рўзғори бут, лекин эрга мухтож аёлга уйлан – ёшу қариси билан ишинг бўлмасин!..”

Бу отасининг унга қилган ҳам насихати, ҳам сўнги васияти эди. У дадаси айтгандай қилди – бева аёлга уйланди. Аёлнинг эри Вардонзе қалъанинг там-там савдогарларидан эди. Унинг савдо қарвонлари йил ўн икки ой Қизил Ўрдага қатнаб, туяларининг қўнғироғи гоҳи Оренбург кўчаларида ҳам жаранглаб қоларди. Қароқчилар Қизил Ўрда даштида савдогарни чавақлаб кетишди. Хотини қирқ ёшида бева қолди. Савдогарнинг данғиллама ховлисига Ҳоди ичкўёв бўлиб кирганида, бор-йўғи йиғирма бир ёшда эди. Тенгқурлари “ақлини киритиш” учун унга кўп насихатлар қилишди. Йўқ, қор қилмади. У раҳматли дадасининг васиятини жонқуяр жўралари насихатига кўндаланг қилиб қўйди:

– Зарур бошад – раво бошад, – деб жавоб берди у ўртоқларига. – Ҳеч бокиси йўқ; ёши улуғ аёлга уйланиш бизга аждодлардан қолган мерос!

Ҳодига хотинидан катта мерос қолди: ичкари-ташқари ховли, сарҳадига етиб бўлмас беҳисоб мол-мулк...

Бор-йўғи уч йил турмуш кўриб, бечора хотин қазо қилди. Ҳоди кўр хотинидан қолган ховлида муқим яшадди. Шу ховлида тўрт марта уйланиб, тўрт марта тул қолди. Ҳар гал хотинлар уни ташлаб кетар, унинг ситамларидан қутулганига чандон шукроналар айтиб юришарди... Бирок тўртинчи хотин... Ҳоди кўрни эр эмас, қаро ер қилиб кетди!

¹ Дунё куйса куйсин, қозон қайнасин.

Ходи Суюнойга уйланганида у хали ўйинқарок, ушоккина қиз эди. Тўйдан олдин Ходи раўйига яна танишбилишлари кўндаланг келди:

“Эшитган кулоққа эриш эшитилади. Қиз жуда ёш экан, увол иш қилма!”

Суюной ёш бўлса-да, эрнинг барча зуғумларига чидади. Чидагани сари эрининг шафқатсизлиги ошиб борди. Рўзғорда “томоқдан ўтадиган емиш”ки бор, бари мисқолма-мисқол ҳисобда эди. Ёш жувон эри зуғумларидан тўлиб юрган экан, бир куни ховлида қизик бир портлаш юз берди...

Ходи гузарга рўпара, кунгурадор дарвозаси олдида ўтирар, хотини йўлакка шакароб сепар эди. Шу пайт йўлдан хотинининг ҳамкишлоқларидан бири – чўққи соқол, мункиллаган, доругар чол эшагининг икки биқинига пошнаси билан ниқаб ўтиб қолди. Чол Ҳодини кўриб, эшагини секинлатди, салом берди. Аёл бегона эркакнинг овозини эшитиб, ўзини дарвозахонага олмоқчи бўлган эди, доругар чол жувонни таниб, овоз бериб сўрашди:

– Э, яхшимисан, Суюн, қизим, омонмисан? Ховлинг шумиди хали? Мен бу ердан кўп ўтиб-кайтаман. Билганимда бирров тушиб ўтардим.

Аёл девор-дармиён кўшниси – доругар чолни дарров таниб, дарвоза остонасида тўхтади, бошидаги рўмолининг бир учини қия кўтариб, ота-онасининг ахволини сўради.

– Шукр, омон-эсон юришибди, шукр, – деди кўшни чол, – шу эрталаб отангни кўрган эдим. Эшагининг тўқимини сўраб, мана бу шалпанг кулоғимга босиб чиқдим. Хавотир олма, уйдагилар ҳаммаси соғ-саломат. Хайр, соғ бўл, Суюн қизим!

– Мехмон бўп кетинг, бобожон, – деди аёл тил учида бўлса-да, азбаройи мулозамат, кейин харракда хануз без бўлиб ўтирган эрига “Сиз ҳам таклиф қилинг” деган маънода зимдан ишора қилди. – Чой ичиб кетсайиз яхши бўларди, бобожон. Узок йўл, толикиб қоласиз.

Ходи хотини ишорасидан кейин номигагина таклифга оғиз ростламоқчи бўлган эди, йўк, чолнинг ўзи эшакдан “тап” этиб ерга тушди.

– Қизалоклигингда ҳам тилинг бийрон эди. Тўғри айтдинг, қизим, узок йўл, бир пиёла қайноқ чой ичиб чиқсам – ҳарна, мадор. Бу ишимдан ҳам сен хурсанд бўласан, ҳам эринг. – Чол эшакни етаклаб Ҳодига қараб

келаверди. – Хў-ўш, куёв тўра, эшакни қаерга боғласам бўлади?

Ходи жойидан эринибгина турди.

– Эшакними? – деди чолга истехзо билан, кейин остонада хижолат бўлиб турган хотинини кўрсатди. – Эшакни хотинимнинг тилига боғланг. Сизни таклиф қилган ўша, мен эмас!

Эр оркасига бурилиб, ховлига кириб кетди. Хотин меҳмон олдида бўлганча бўлди, чолнинг қўлидан арқонни олаётиб, бирдан йиғлаб юборди...

Шу-шу, хотини пайт пойлади: эри жума намози куни Вардонзе калъаси хонақоҳига кетганида, кўнгил бериб, кўз тагига олиб юрган қўшни йигитни чорлатиб, уйда қўлга илингудек бор мол-мулкини ўмариб, хайё-хуйт деб қочиб қолди...

Ходи, шу-шу, хотин оламан, деб оғиз урмади. Топган-тутганини энди ховлига ташимас (илон чакқан олампдан кўркади-да!), бор-шудини чўнтақларига солиб, ўзи билан бирга олиб юрадиган одат чиқарди. Қишин-ёзин устидан чакмон тушмасди. Унинг остида чопон, чопондан кейин яктак, яктак тагида эса пахталик нимча. Эгнидаги кийимларида жами қирқ саккизта катта-кичик чўнтақ бор эди: қоғоз пуллар, олтин танга ва кумуш чақалар алохида-алохида тахлаб қўйиларди. Ҳар кунги хайр-садақага тушиб турадиган майда-чуйдалар учун эса мутаваллининг махсус “бикин чўнтаги” бор эди.

Қаноат билан бўлган жанжал кечаси унга “хира пашша” бўлган болалар мутаваллининг ана шу қирқ саккиз чўнтагидан хабардор қўлбола “қароқчилар” эди...

Ўша кеча мутавалли инқиллаб-синқиллаб зўрға хонақоҳга чиқди. Хосхонасига кириб, эшикни ичкаридан зич тамбалади-да, устидаги бутун кийимларини ечди, қирқ саккиз чўнтагини бир-бир титкилади. “Бикин чўнтақ”лари ҳам қолмади, қовлаб қўрди. Анча-мунча танга-чақаларнинг “юки” қолганига шукр қилди, пулларини қайта дасталади. Олтин тангаларни эринмай битта-битта санаб чиқди. “Энг хатарлиси, – деб саросимага тушди у, – Аҳмад оғзимдан юлиб олган қоғозлар... Мана шу хатарли, жуда хатарли. Бу тирмизакка қоғозлар нечун керак бўлиб қолди ўзи? Ё муридим валақлаб айтиб қўйдими? Бир балоси бўлмаса шудгорда қуйруқ найласун...”

Ходи кўр кекирдагидан зўрға юлиб олинган қоғоз... Қаноатнинг ҳалқаланган каптар билан жўнатган хати эди.

Бир балоси борки, болалар мактубларни кекирдагимдан юлиб олишиди-да. Замон бизлардан юз ўгириб, уларга бокиб турган бўлса... Ўзи не арвохи бад урди мени? Хотинларим қарғиши тутдими ё? Ундай десам, мен уларни эмас, улар мени ташлаб... ташлабгина эмас, талаб кетишиди-ку?! Энди буёғига қандай йўл тутсам экан? Тўхта-тўхта, ақли ожизимча, камина учун омонлик йўли қолган – ана у икки ғайридинни ўз оёғида қайтиб кетадиган қилишим, магарам кетмаса... Унда асфаласофилинга жўнатишим керак. Кейин қароқчи болалар билан олишамен. Хусусан, Қаноат билан Аҳмадни тезроқ даф қилурмен!

ШАФҚАТСИЗ МУТАВАЛЛИ

Табиатга ранг кириб, сахро уйғонмоқда эди. Қалдир-фочлар ҳали ўз инларига қайтмаган бўлсалар-да, майса-ғиёҳлар, новда-ниҳоллар қўзғалиб, кўм-кўк осмон рангига мойил тусда товланмоқда, димоғларга ажиб бир бахорий хид гупуриб урмоқда эди.

Евгения билан Қаноат бир haftaдирки, эрта тонгда туриб, уй тараддуди билан банд бўлади. Қум уюмларини ховлидан нари суриш, супани кенгроқ очиш учун қўллари билан кетмон билан белқурак тушмайди. Кошки, бу ишнинг адоғи бўлса!..

Мутавалли билан бўлган ўша кунги жанжалдан кейин Қаноатнинг уч кунча мазаси қочиб ётди. Шу кунларда бир оз ўзига келган, анча-мунча “жон” кириб қолган эди. Барибир, жўралари ундан ташвишда, шу боис унинг ахволдан доим хабардор бўлиб туришибди: Карим, Даврон, Аҳмад, Саттор ва бошқа тенгқурларнинг оёғи ховлидан узилмай қолган – бири қўйиб, бири келади, бири кетиб, бири қолади. Бу эрта жўралари негадир бир пайтда ёпирилиб келди. Улар хашарга йиғилишган эди. Евгения болаларнинг бу ниятларини эшитиб, жуда хурсанд бўлди...

Василий ўтган бир hafta давомида икки марта Когонга қатнади. Бир боришида битта эшик, иккита дераза олиб келди. Иккинчи борганида отига учта сим каравотни ўнгариб қайтди. Хашарчилар кўмагида эшик ва деразалар уйга ўрнатилиб, ташқари-ичкари деворлари шуваaldi, охак суртилиб, оқартирилди. Ховли анча тартибга кирди, уй ораста бўлиб қолди. Қаноатнинг дадаси

қуриб кетган уйдаги шиша туйнук ўрнига ўрнатилган икки тавақали дераза узукка кўз қўйилгандай ярашиб тушди. Қаноатга ажратилган каравот ана шу дераза тагига қўйилди. Дераза тавақалари шундоқ очилса, у ёни Вардонзе қалъа – кўм-кўк яшнаб турган ўтлоқ, сал нарида туя ўрқачидай қумтепалар, ундан нарироқда ҳисор тепалиги, устида улкан дўлана дарахти...

Ҳашарчилар супа четидан узун қилиб гулзорга жой тахлаб, ҳар хил гул уруғидан экиб, гулзорнинг икки бурчида иккита дўлана ниҳоли ўтқазишди. Супага шолча тўшаб, шу ерда тушлик қилишди. Евгения пиширган қарам шўрвани мақтаб-мақтаб, маза қилиб ичишди...

Ҳамма гап дастурхон бошида очилди: Евгениянинг болалардан розилиги ҳам, норозилик сабаблари ҳам...

– Ҳамжихат, биродар бўлиб юришларийиз менга ёқади. Дўстликка нима етсин! – деди Евгения улардан миннатдор бўлиб. – Қум кўмиб кетган ана шу кимсасиз уйларни кўряпсизларми? Эшитишимча, эгалари қишдан омон чиқиш, жон сақлаб қолиш учун уйларини вақтинча ташлаб, буд-шудлик, ўзига тинчроқ қариндош-уруғлариникига кетиб қолган. Энди уй эгаларини қайтариб, қишлоқни сонга солиш лозим. Бу учун сизларнинг уларга ёрдамнингиз керак. Шу бугунгидай ҳашарга чиксак, уларга ёрдам берсак, ёмон бўлмасди, шундай эмасми?

– Шундай, – деди болалар бир овоздан. – Албатта ёрдамлашамиз!

Евгения бир зум болалардан кўз узмай қараб турдида:

– Хў-ў-ш, болалар, энди ўша кунги жанжал ҳақида гаплашсак... Мутавалли можаросидан... – деди гапни тагдор қилиб. – Мен сўрайман, сизлар жавоб берасизлар. Майлими?

Болалар олазарак бўлиб, бир-бирига қараб олишди. Ўша кунги жанжалнинг бошида турган Аҳмад эса Қаноатга яширинча кўз қисиб, бўшаган косаларни йиғиштириш баҳонасида жойидан турди. Лекин Евгения уни жойига ўтирғизди.

– Ўтир. Қозон-товоқни ювишга ўзим улгураман хали... Сизлар билан очикчасига гаплашиб олишимиз керак, – деди аёл қовоғини солиб. – Нима дединг, Василий?

Бу билан аёл эрига: “Мабодо яққалик қилиб қолсам кўллаб юбор”, демокчи бўлди. Василий хотинининг фикрини англаб, дарров маъқуллади:

– Болалар хаддидан андак ошиб кетяпти назаримда, – деб қўйди тапвиш билан. – Бу кетишда, билмадим, булар ўғри ё қароқчи бўп кетади!

– Тўғри, – деди Евгения, – тўғри пайкабсан, Василий. Бу кетишда ҳар нима кутсанг бўлади булардан. Қани, сўраб кўрайлик-чи, эҳтимол, ўзлари айтиб берар можаро сабабини...

Аёл болаларнинг ўзлари иқроп бўлишини кутди. Лекин болалардан садо чикмасди. Кутиб-кутиб, ахири, Евгениянинг тоқати тоқ бўлди.

– Айтмайсизларми? – деди такроп сўраб. – Мендан ҳам, мана Василий амакиларингдан ҳам гап яширасизларми?

Болалар ҳамон жим эди. Аёл яна кутди. Болалар бош эгиб ўтиришарди. Евгения бу сукутдан шуни пайкадики, болаларда сирни ошқор қилиш нияти йўқ. Уларнинг мурғак қалби, мурғак тили бир қарорда турарди: “Бир-бирини сотиш йўқ!”

“Эҳтимол, улар айтмасликка олдиндан келишиб, қасамёд қилиб қўйишгандир, – деб ўйлади аёл қимтиниб ўтирган болаларнинг серташвиш юзларини, олазарак кўзларини обдан кузатиб туриб. – Айтмай тўғри қилишди... Бир гапда қатъий туришлари яхши. Лекин бўлиб ўтган воқеани ўз тиллари билан айттиришим, иқроп қилдиришим керак. Эшитишимча, ҳозир мутавалли муридларини жамлаб, болаларга, уларнинг ота-оналарига, қариндош-уруғларига қарши катта фитна тайёрлаётган эмиш. Булар баҳонасида бизга ҳам осилиши аниқ. Улар бир кутурса, кейин тўхтатиш қийин бўлади. Болагиналарни бу одамхўр мутаваллининг шафқатсиз панжасидан омон сақлаб қолиш керак!...”

“Энг муҳими, – деб ўйларди Василий хотинининг ҳаёлчан кўзларидан кўзини узмай, – болалар не мақсадда ўлакса мутаваллини талашган? Шуни билиш керак. Бу бир. Иккинчидан, эҳтимол, бу кетишда болалар бундан каттарок ишларга қўл уришар... Бундан Қаноат ҳам хабардормикан? Нима бўлганда ҳам буларнинг тили бир. Агар шундай бўлмасайди, Қаноат нега ўша кеча мутаваллига милтиқ ўқталди? Биз катталар тушунмайдиган қандайдир бир сир бор бу ерда?”

“Бу болаларнинг кўксиди мутаваллига қарши қанақа қасос бор ўзи? – деб ҳамон ҳаёл сурарди аёл. – Билиб бўлмайди, лекин билиш керак!”

– Хўш, ўғлим, – деди Евгения ёнида ўтирган Қаноатнинг елкасига қўлини қўйиб, – гапни кимдан бошлаймиз? Қани ким айтиб беради?

Болалар ҳамон сукутда эди.

– Ўғил онадан гап яширса... Она айтар сўзини ўғлидан сир тутса... хўш, бу қанақаси бўлади, ўғлим?

Бу гинадан кейин Қаноат бир оз хушёр тортди. Болаларга бир-бир қараб олиб:

– Ая, гапнинг очигини айтсам... – деди тутилиб. – Очигини айтсам...

– Ҳа, ҳа, мен сендан очигини кутяпман. Очигини айтгин, болам.

– Очигини айтсам, ая, – деди Қаноат боядан бери айтолмай турган муддаосига ўтиб, – бу срда ҳеч ким ҳеч кимни сотмайди... Гапнинг очиги шу, ая. Сотишга ҳақки ҳам йўқ! – Қаноат бир оз ўйлаб туриб, гапини давом эттирди. – Майли, ая, сизга айтамыз, лекин ҳозир эмас...

– Хўш, қачон? – деди аёл ажабланиб, – қачон айтасанлар?

– Ишқилиб, ҳозир эмас.

Аёл жилмайди.

– Қачон бўлмаса? Бирор шартларинг бўлса, уни айтинглар.

– Шартимиз шуки... ўзи бир ҳисобда шартга ҳам ўхшамайди, – деди Қаноат торгина манглайини реза-реза тер босиб, – шундай оддий бир гап... Ҳозир биз билан бирга борасиз... Қайтишда ҳаммасини айтиб берамиз. Кейин... эҳтимол, айтишга ҳожат ҳам қолмас. Ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўрасиз... Юринг, ая, кетдик. Сиз ҳам юринг, Василий амаки.

Евгения билан Василий болалар қуршовида йўлга тушишди. Аҳмад олдинда йўл бошлаб борарди...

Улар Жилвон ариғи ёқалаб талайгина юришди. Узокдан хайбатли нортуюни эслатадиган тепаликдан ошиб, унинг ортидаги тақир ялангликда тўхтадилар. Ялангликнинг бир томони тепа, икки тарафи кум барханларига бориб тақалган, ўнг ёнбошидан эса шарқираб Жилвон ариғи оқарди. Ариққа туташ, чорзарб қилиб катта ҳовуз қазилган, атрофида қатор қора тол ниҳоллари экилган. Ҳовуз берироғида қурилиш майдончаси. Евгения бир қарашдаёқ тақир ялангликнинг жўғрофий ҳолатини дарров пайқади: ғарбда Денов, шарқ томонда Қумбосди киш-

лоғи. Бошқа маҳалла, қишлоқлар ҳам шу атрофда, дегарли узоқ эмас...

– Дадам тенг оралик, деб мактаб қурилишини шу ердан бошлаган эдилар, – деди Қаноат кўзида ёш халка уриб. – Хамма ёпирилиб хашарга чикди. Қўшни қишлоқлардан ҳам ёрдамга келишди. Биз болалар ҳам четда қолмадик, ая, сувига, чойига қарашдик. Одамлар елкаларида гишт қолип кўтариб келиб, куни билан лой қориб, гишт куйишарди. “Агар Носир варанка ўқитадиган бўлса, ўғил-қизларимизни шу янги мактабга берамиз!” дейишарди дадамнинг ҳамқишлоқлари. Биласизми, ая, хаммасидан ўзим хабардор эдим: ҳали унда ҳовуз қазилмаган эди. Мен мана шу ерда, – Қаноат ўзи турган ариқ кирғонини оёғи учи билан нуқиб кўрсатди, – шу ерда самовар қайнатиб, хашарчиларга чой дамлаб берардим. Бир ойда мактабга етгулик гишт тайёр бўлди. Энди қурилажак хоналар синчига (пойдеворига) пишиқ гишт керак, деб одамлар ўзаро пул жамлашди. Пишиқ гишт излагани кетишди. Қолган хашарчилар эса қазилган лой хандакни кенгайтириб, уни ҳовузга айлантиришди. Дадам қурилишдан кетмасдилар. Кеча-кундуз мана шу ҳовуз бўйида ётардилар. Ўша кеча, фожиа юз берган кунда, бир гуруҳ номаълум оломон дадамнинг устига бостириб келган...

Қаноатнинг товуши дарз кетиб, сўзидан тўхтади, чуқур хўрсинди.

– Бу йўлингдан қайт, деб олдин дадасини кўрkitишган, – деди Карим Қаноатнинг гапини давом эттириб, – дўқ-пўписа қилишган, уришган.

– Лекин Қаноатнинг дадаси: “Ўлдирсаларинг ҳам йўлимдан қайтмайман!” деб туриб олган, – деди Аҳмад бобосидан эшитган гапни такрорлаб. – Кейин... Ўша одамлар Носир амакининг тўққиз ерига пичоқ уришган, тилини кесиб... чўнтагига солиб кетишган!

Ўртага оғир жимлик чўқди. Ҳеч кимдан сас чиқмасди. Қаноат ариққа энгашиб, ҳовучлаб сув ичди. Сўнг юзини ювиб, қаддини ростлади. Аяси узатган оппоқ рўмолчани олиб, юзини артди.

Фожианинг қолган қисмини Даврон айтиб берди:

– Ўша ёвуз одамлар Носир амакининг бўйнига синган ёрғучокнинг иккита тошини осиб, ҳовузга чўктирган эканлар. Кейин ана шу ариқнинг бутун сувини гишт териб кўйилган тақир ялангликка оқизишган. Шунча гишт сув остида қолиб, нес-нобуд бўлди. Эрталаб бу ерга келганимда, тақир ялангликни сув босган эди.

– Дадамни уч кун излаб, ҳеч ердан топишолмади, – деди Қаноат қўлидаги рўмолча билан қизарган кўз жижяқларини артиб. – Уч кун излашди. Саҳрода изланмаган жой қолмади. Топилмади...

– “Ғанимлари бўлса, эҳтимол, ўғирлаб кетишгандир”, деб гап чиқаришди, – деди Аҳмад. – Бу гап мутаваллидан чиқди. Ҳамма ишонса ҳам, биз ишонмасдик бунга. Карим билан чўкинди сув бўйида турганимда, кўзим қатимдай узун қизил матога тушди. Каримга кўрсатдим. Сув кўм-кўк, тиник эди. Лекин матонинг охири кўзимга кўринмас, лой остида қолган эди.

– Олдин ажабландим, – деди Карим Аҳмаднинг гапини оғзидан олиб, – кейин кўнглим ниманидир сезди. Бевозта бўлдим. Бориб хашарчиларга айтдим. Уч киши сувга кириб, ўша қизил белгигача сузиб боришди... Қаноатнинг дадаси чўкинди лой остида экан...

– Бу ишни ким қилган? – деди Евгения дарғазаб бўлиб. – А, ким қилган бўлиши мумкин бу ваҳшийликни? Билдиларингми кейин? Бирор ерга хабар қилдингларми?

Болалар индашмади. Евгения саволини қайта такрорлаган эди, Қаноат кўзини олиб қочиб, Аҳмадга сир бой бермади, Денов орқали айланиб ўтадиган ёлғизоёк йўл билан уларни Қумбосди қишлоғига бошлаб кетди. Аёл билан эри саволларига аниқ бир жавоб ололмай, улар ортидан итоаткорона эргашиб боришарди...

Қош қораймоқда эди. Қаноат чирокни ёқди. Уйга жой қилиб дастурхон ёзишди. Евгения тушлиқдан қолган қарам шўрвани иситиб, болаларга ярим косадан сузиб берди.

Қолган гап дастурхон бошида давом этди. Аҳмад ярим кўзгалиб, тиззасига тиранди-да, чўнтақларини қоқиштириб, икки сикимдан зиёдрок олтин танга, белига резина ўтказилган икки даста қоғоз пулни дастурхон устига қўйди.

– Бир юз етмиш икки дона тилла танга! Мана буниси қоғоз пуллар... Мутаваллининг чўнтагидан олганимиз шу!

Евгениянинг ранги оқариб кетди. Василий нима қиларини, нима деярини билмай қолди.

– Ахир... Ахир, бундай қилиш яхши эмас, – деди тутилиб. – Бировнинг пули... Яхши эмас...

– Яхшими, ёмонми, шу ишни қилдик, – деди Аҳмад қатъий товушда Василийнинг гапини рад этиб. – Биз шундай қилишга мажбур бўлдик... Шундай қилдик!..

– Мажбур бўлдик, дейсанми? – деди Евгениянинг лаблари алланечук титраб. – Мажбур бўлдик дейсанми? Ким мажбур қилди?

– Ёмон одамларнинг ўзлари... – деди Аҳмад товуш пардасини тушпирмай. – Одамхўр мутаваллининг ўзи мажбур қилди! Бу хали хаммаси эмас... Тўхтаг, мана буни кўринг. – Аҳмад қўйин чўнтагидан ғижимланган иккита қоғоз чиқариб, Евгенияга узатди. – Марҳамат, мана буларни ўқиб кўринг.

Бадбахт кимса томонидан битилган бу хатни аёл кийнаиб, зўрға ўқиди. Ўқиб бўлиб дод деб юборишига сал қолди.

– Вой-й, хоин, мут... мутавалли-е! Вой-й, одамхўр-е!

Хатнинг мазмунидан бу ерда хозир фақат Василий беҳабар эди.

Евгения эрининг арабча ҳарфни чала-чулпа танисада, лекин эплаб ўқиёлмаслигини билар эди. Шу боис бир оз тин олаб, хатни ўзи унга ўқиб берди.

“Дахшат! – деб ўйлади Евгения хатдан гангиб қолиб. – Дахшат!! Аблах мутавалли одамлар кўзи олдида ўзини хонаки мушукдай беозор кўрсатиб, аслида тўқими тагида шунча макр-хийласи бор эканми? Вой, тўнғиз кўпгур мутавалли!”

Униққан, ғижимланган иккинчи хат Қаноатники эди. У не-не умидлар билан битиб, каптар оёғидаги ҳалқага кистириб жўнатган хат эди: “Ушбу хат кимнинг қўлига тушса, – шивирлаб ўқий бошлади аёл, – диёнатига хиёнат қилмай бизни кутқаришга шошилсин...”

“Кўнглим сезиб турувди, мутавалли ўшанда хатни ўқиб, Қаноатни кутқазишга шошилмаган, – дея ижирғаниб ўйларди Евгения. – Диёнатига хиёнат қилиб, Қаноатлар уйидан жаноза хабари келишини кутган... Аблах!”

– Каптарбоз каптарбоз билан тил топиб билади, ҳар ҳолда, – деб қулди Даврон. – Мутавалли билан ўрта-мизда ошначилик бор, шу каптарлар туфайли. Хат дарагини Қаноатдан эшитиб, бир куни хонақоҳга бориб, мутаваллидан шу гапни сўраб-суриштирдим. Йўқ, мутавалли пешонасини Қуръонга тираб: “Каломулло урсин, хат-пат олганим йўқ!” деб қасамёд қилди ўшанда... Қаноатнинг онасини кўмиш маросимида мутаваллининг муридани гапга солдим. Қаноат битган хат мутаваллининг чўнтагида, деб ўша мурид айтди. Ўзи хозиргина Тикай чўлидан қайтган экан. Кўрбошидан аллақанақа номами-

помами олиб келдим, деди. Нималигини ўзи ҳам билмас эмиш. Бу гапни Аҳмад акага айтдим. Шундан кейин халиги иш бошланиб кетди...

– Мутаваллининг кимлиги аён бўлди, – деди Евгения Давроннинг гапини кесиб. – Хўш, болалар, энди нима киламиз?

– Буёғи сизга боғлиқ, ая.

– Хатни тегишли ташкилотга элиб топширсак, – деди Евгения бирдан қизишиб кетиб. – Хусусан, Қаноатнинг дадаси хусусидаги маълумот уларга асқотади. Дудук масаласи ҳам ўз-ўзидан очилади. Улар аралашса, кўп нарса ошкор бўлади. Мутавалли хали хаммаси учун жавоб беради!

Болалар хатни топширишга кўнишди, лекин тангаларга колганда... бир тўхтама келишолмади!

– Тангалар хозирча сизда тура турсин, ая, – деди Қаноат.

– Уларни янги мактаб қурилишига сарфласак, – деди Аҳмад. – Бир мактабга етгулик гиштни мутавалли нобуд қилди. Шунинг ўрнига...

Болалар Аҳмаднинг таклифини маъқуллашди. Василий ҳам болаларга қўшилди. Ёлғиз Евгения уларнинг раъйига қарши чиқди.

– Болаларни бола десам, сенга нима жин урди, Вася? – деди у эридан ранжиб. – Қаноатнинг дадаси не-не орзумидлар билан бошлаган янги мактаб қурилишига мутаваллининг ҳаром-ҳариш пулларини ишлатамизми? Йўқ, бундай қилиш ярамайди. Кучимиз етмаган қисми бўлса, хашарчиларни кўмакка чақирамиз. Улар ишга яқдил бош қўшишса, мактаб тез битади.

Аҳмад аввалига ўз сўзида қаттиқ турди. Бироқ ўйлаб кўрса, Евгения айтган маслаҳат ҳам ёмон эмас. Кўнглига бир оз илиқлик югурди. Қолган болалар ҳам Аҳмаднинг раъйдан чиколмай, шу таклифга кўнишди.

ҲАШАР

Кунлар қизиб кетди. Явшон ва кавракка ранг кирди. Новда-нихолларда куртак ниш урди. Қиш запитдан кавракка кириб, диққинафас бўлиб ётган одамларнинг елкасига куёш тафти тегиб, кумурсқадай дала-даштга ёпирилиб чиқа бошлади. Евгения анчадан бери қишлоқ оксо-

колларини йиғиб, улар билан бақамти бир маслахатлашиб олишни мўлжаллаб юрарди. Мана, у кутган, у мўлжаллаган шундай кун келди...

Носир варанка фожиали ўлимнинг бир йиллиги арафасида Евгения оқсоқолларни ховлига чорлаб, хотира оши берди. Мехмонларга супада жой тахланди. Осмоннинг қош-қовоғи солиниб, бирдан шовуллаб ёмғир уриб берди. Маъракадагиларга ичкарида жой хозирланди: хонадаги ёзув столи, курсилар, сим каравотлар олиб чиқилиб, кўрпача солинди. Қариялар йиғинида Қаноатнинг жўралари астойдил хизмат қилди: бири елкасига сочик тутиб, яна бири самовар қайнатиб, мехмонларга қайноқ чой дамлаб берарди. Қаноат билан Аҳмад эса бел боғлаб, йўлакда тик турар, мехмон кутиб, мехмон кузатарди.

Хонақоҳ мутаваллиси маъракага хабар қилинмаган эди. Лекин у ҳассасини дўқ-дўқ уриб, қорнини ликиллаптиб, пешинга яқин ўзи келиб қолди. Йўлакда Қаноат билан Аҳмадга кўзи тушиб, бир лаҳза тўхтади, тарадудланди, афти тундлашиб чимирилди, лекин, дарров аслига қайтди: болалар ҳали салом беришга улгурмаган бўлса-да, икки қўлини ҳассаси билан қўшиб қорни устига қўйди:

– Ваалайкум ассалом! – деди мулойим жилмайиб. Кейин Қаноатга яқин келиб, жуссасизгина елкасини қучди. Унинг авзойи билан товуши бир лаҳзада турланиб, йиғига мойил бир тусни олди. – Яхшимисан, бўтам? Буни қара-я, дадангни ўлганига дарров йил тўлдими, а? Худди кечагидай кўз ўнгимда турибди-я! Вой-вой, ёш кетди, шахид кетди, ҳаммани қўйдириб кетди!.. Ўлим – боди хазон, бўтам, боди хазон... Умр – япроқ янглиф паришон...

Қаноатнинг кўксини нимадир ёғимлаб олди, кўздан тирқираб ёш окди...

Маърака тугаб, фотиҳа ўқилганидан кейин ўртадан дастурхон йиғиштириб олинди. Мехмонларга чой қуйиб чиқилди. Евгения аччиқ гап ва аччиқ таъналар ана шу аччиқ чой устида бўлса керак, деган хавотирда эди. У кўпроқ мутаваллидан чўчирди. Йўқ, мутаваллининг шашти олдингидан паст, муминни йўқотиб қўйган қосибдай саросимада эди.

Бугунги гурунгда мутаваллидан кўра қўли қалтироқ чол кўпроқ жиззакилик қилди, безовта бўлиб гапирди.

– Мен сизга айтсам, қизим, гапларийиз тамом ғалат – бу сахрога Пиримшоҳ¹ тирилиб келса ҳам бас келолмайди. Ҳа-ха, ишонинг, бас келолмайди. Оллоҳнинг ғазабига йўлиққан сахро бу! Ниманки қилсайиз, қизим, бари зое кстади, одамга панд беради.

– Ундай деманг, отахон, ҳар кимнинг кўз очиб кўрган, киндик қони томган жойи – ўзига азиз, ўзига муқаддас. Сиз уни худонинг ғазабига йўлиққан, деб камситяпсиз. Мана менда Носир акадан қолган “Хотиранома” дафтари бор. Яқинда буни Қаноат топиб берди. Носир аканинг айтишича, бу ажойиб хотирани аждодларидан қайси бири бошлаб ёзгани номаълум эмиш. Ҳар бир авлод янги авлодга шу дафтари қайта кўчириб, хотира қолдираверган-қолдираверган... Хуллас, рухсат этсангизлар, шу хотираномадан кизик бир жойини ўқиб берсам:

“Эрон подшосининг ўғли Шопур Бухорхудот хузурига сиғиниб келиб, Бухоро фуқаролигини қабул қилди. Шаҳзода ов жинниси эди. Шикорга кизикиб, биз яшаб турган мана шу жойларга келиб қолибди...”

Бу жойлар, ўғлим, ўшанда Мосаф воҳасининг энг кўркам гўшаси бўлган: қир-адирлар, ўтлоғу яйловлар, боғу роғлар; раста-раста чорбоғлар... Бири-биридан гўзал паррандаларини, бири-биридан абжир даррандаларини айтмайсизми? Булбулу қумрилар, тўтию товуслар, майнаю беданалар, мусичаю ғурраклар – минг хил муқомда хиром этган. Буларни кўриб, келгинди шахзоданинг оғзи ланг очилиб қолибди. У шу ерда муқим қолиб, ҳисор қуриб олиш учун рухсат сўраб, Бухорхудотга чопар юборибди. Бухорхудот шахзодага рухсати олийнишон берибди. Келгинди шахзода шу кундан эътиборан қўлига қурол олиб, гўзал табиатга, унинг жонли ва жонсиз мўъжизаларига қарши суиқасд бошлабди: отибди, чопибди, топтабди...”

Евгения кўлидаги чарм қопланган дафтари ёпиб, ўтирганларга чуқур разм солди: ўқиб бергани уларга қанчалик таъсир қилган-қилмаганини билмоқчи бўлди.

– Кўряпсизми, отахон, бу тарих, – деди қўли қалтироқ чолга қараб, – Носир ака ўйлаб топган чўпчак эмас. Одамлар суиқасд бошлаган ўша кундан бошлаб, йиллар, асрлар ўтиб табиатнинг ўз шуқуҳи, ўз латофати, бор файзу таровати кўчиб, аста-секин емирила бошла-

¹ Уддабурон, абжир қахрамон сифатида Бухорода сўзлашув жараёнида кўн ишлатилади.

ган. Одамлар дастидан инкирозга юз тутган табиат эса қилган шу гуноҳлари учун одамлардан қасос ола бошлаган.

– Йўғ-е, қўйсангиз-чи, – деди чол таажжубга тушиб, – табиат деганингиз тилсиз, фаҳмсиз бир... Йўғ-е, табиат қасос олишни қаердан билсин, қизим?

– Табиат қасос олишни яхши билади! – Аёл ўтирганларга қатъий, дона-дона қилиб гапира бошлади. – Рўпарангизда ястаниб ётган мана шу яйдоқ сахро... Сахронинг тез-тез қутуриб, одамлар бошига солаётган не-не кулфатлари: бўрон, “афғоний” гармселлар, изғиринлар, жазирамалар, сувсизлик... Мана шуларнинг бари, агар билсангиз, отахон, ўша қасоскор табиатнинг одамлардан олган ва олаётган қасослари... Энди одамлар табиат билан иноқ бўлиб яшамоғи керак. Аламзада табиат жароҳатларига инсон малҳам қўймаса, айтинг, бу марҳаматни бошқа ким қила олади? Албатта, инсон.

Евгения уй адоғида, эшикка яқин пастаккина курсида эри билан ёнма-ён ўтирар, ўрталарида Қаноат тик турарди. Аёл чолдан яна бирор эътирозли гап кутган эди, йўқ, ундан бошқа садо чиқмади. Мутавалли бўлса бўлиб ўтган шунча гапга на ха деди, на йўқ деди, бошини қуйи эгиб жим ўтирди.

“Йўқолган мактубларнинг хиди чиқиб қолармикан, деб икки ғайридиннинг оғзини искагани келган бу қасофат! – деб аёл кўнглидан ўтказди. – Эхтимол, мутавалли гапимнинг нозик жойини кутаётгандир... Агар чиндан ҳам шуни кутаётган бўлса, ҳали-замон ёввойи мушукдай бирдан оғзимга чанг солиб қолади”.

Мутавалли “чанг солиши”дан олдин Евгения ўртага банд солиб қўймоқчи бўлди. “Якка ва химоясиз эмасмиз, давлат муҳофазасидаги одамлармиз!” деган маънони мутавалли ва унинг тарафдорларига олдиндан уқтириб қўймоққа қасд қилди. Эрига “гапир”, деб секин шивирлади. Василий елкасини бир қашиб олиб, қўли қалтирок чолнинг оғзи бўшагини кутди...

Василий Жилвонга кўчиб келганидан бери ўтган қисқа фурсатда тирикчиликка зарур лаш-луш, ашқол-дашқолларини битга қўймай Когондан ташиди. Шу орада янги хукуматнинг қўлидан иш келадиган нуфузли раҳбарларига учраб, қурилажак ўрмон хўжалигига асқотадиган анча-мунча нарсаларни ундириб қайтди. Сахродан кўнгил узиб, ҳеч қаякка чиқолмай қолган Евгения эса эрининг

бу югур-югурларига “ўта абжирлик!” деб баҳо берди. Аёл эрини янги-янги ишларга ана шу йўсинда рухлантириб турар эди.

Василий чолнинг оғзи бўшар-бўшамас гапни ана шу курилажак янги хўжалиқдан бошлади:

– Ўрмон хўжалиги учун, ўртоқлар, ҳозирча ундирганим: икки бош туя, учта эшак, икки бош от. Бошқа ташкилий-маъмурий ишлар учун ҳам оз-моз пул ажратиб беришни ваъда қилишди...

– Ана, қўряписизларми, отахонлар, – деди Евгения эри берган ахборотдан кейин рухланиб, – бизни давлат ўз химоясига олиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Нимани талаб қилсак, ўшани мухайё қиляпти. Бизга энг зарури: ҳозирча одамлар мадади... кейин уруғлик масаласи... Хашарчиларни уруғлик билан ўз вақтида таъминлаб турмасак, ишимиз юришмайди. – Евгения оксоқолларнинг диққатини ўзига қаратиб, чўнтагидан бир ховуч уруғ чиқариб, боя даҳанаки “жанг” қилган қўли қалтирок чолнинг кафтига тўқди. – Мана бу саксовулнинг уруғи, отахон. Сизларнинг қакрок Жилвонда тоза яйраб ўсади. Мана буниси, отахон, – деди иккинчи чўнтагидан яна бир сиким уруғ чиқариб, кафтида ёйиб, тушунтира бошлади, – буниси Россиядан келтирилган ихота уруғи. Дарахти чидамли, чайир, баланд бўлиб ўсади. Эр-хотин иккимиз ҳам агрономмиз, буларнинг “тили”ни яхши биламиз. Бу уруғлар кумда ҳам, шўрхокда ҳам ўсаверади. Ана шу ихота дарахтлари билан кумнинг йўлини тўсамиз. Ҳозирча мана шу уруғдан Когонда ярим вагон бор. Ярим вагон черкез уруғидан бор. Ана шу уруғларни тезроқ ташиб келтиришимиз керак. Уруғ ет-маса яна олдирамиз.

...Эртасига, келишилган пайтда беш қишлоқдан жаммоа жам бўлиб, Қаноатлар ҳовлисига тўпланди. Бугун анча-мунча хотин-халажлар ҳам келишган эди. Евгения билан Василий тўпланган одамлар билан саҳрони ихоталаш, уруғ сепишни қачон бошлаш, хашарчиларни ишга жалб қилиш хусусида узоқ маслаҳатлашди.

– Жилвоннинг кум бўронига, кеча отахонимиз тўғри айтдилар, темир девор ҳам дош беролмайди, бу ҳақ гап. – Евгения товушига вазмин оҳанг бериб, якка-якка гапирарди. – Кум кўчишини тўхтатиш учун шундай бир салоҳиятли девор курамизки, бунинг номи бизнинг фаннимиз тилида “Яшил девор” ёки “Яшил қалқон” дейила-

ди. Бу “Яшил девор” машхур Хитой деворидан ҳам чандон мустаҳкам бўлади. Буни ҳамкишлоқларингиз Аҳмад Дониш бир умр орзу қилиб ўтган. Дониш кум кўчишини ихота деворлари билан тўсишни амирга таклиф қилганида, Бухоро ҳукмдори унинг хохишини рад этган. Аҳмад Дониш руҳини шод қиламан, деган ҳар бир шофирконлик бугун Жилвоннинг “Яшил девор” қурилишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоғи лозим!

Евгениянинг ишораси билан Қаноат уйдан қалин ўрам қоғозни – барпо этилажак ўрмон хўжалигининг хомаки чизгилар харитасини олиб чиқиб, хонанинг кунгай деворига осди.

Аёл кўрсаткич бармоғини харитадаги ранг-баранг белгиларга ниқаб-ниқаб йиғилганларга тушунтира бошлади:

– Мана бу, азизлар, Қизилқумга туташган Жилвон саҳроси. Мана булар сизлар яшаётган қишлоқлар, йўллар, ариқлар, ўтлоқлар... Булар эса қабристон белгилари, кўряпсизларми? Ўттиз учта қабристондан битта ҳам кўмилмагани қолмаган. Қайси марҳумнинг қабри қаерда ётибди, билиб ҳам бўлмайди, топиб ҳам бўлмайди. Қабристонларнинг йўқолиши, бу – даҳшат, ўртоқлар!

– Тўғри айтасан, қизим, бу кетишда биз тирикларни ҳам, ўликларни ҳам йўқотиб қўямиз, чоғи, – деди оломон ичидан новча бир чол товуш бериб. – Ўзинг айтганингдай, бир-биримизга шафе тушиб иш тутмасак, бунақада номимиз ҳам, жисмимиз ҳам ўчиб кетадиган кўринади.

– Балли, отахон, тўғри гапни айтдингиз, – деди Евгения чолнинг гапидан рухланиб, харита белгилари устига яна бармоғини чаккон югуртириб чиқди. – Бу бепоян саҳро ўқилмаган улкан бир китоб. Уни ўқий билиш, ўқигандан кейин эса уқиб ҳам билиш керак. Агар билсаларинг, бу саҳрода хозир тўққиз юзга яқин ўсимлик ўсади, қарийб уч юз эллик хил ҳайвон яшайди. Бу ерда мутгасил эсиб турадиган шамолдан баъзан нолиймиз. Агар билсайиз, шамолнинг ўзи ҳам бир бойлик. Қўлларингизни қабартириб ташлаган ўша ёрғучоқ, кемтик, яроқсиз ўша тегирмонлар ўрнига шамол қуввати билан ишлайдиган тегирмонлар қуриш мумкин. Бугун-эрта қура-миз ҳам. Қаловини топсанг, қор ёнар, деган мақолларингиз бор. Ҳақ гап. Аслида табиат инсоннинг беминнат дастёри. Ундан нечоғлик фойдаланиш, албатта, инсоннинг ақл-заковатига боғлиқ. Ўсимликлар орасида шун-

дай “аклли”лари борки, уларнинг “каромати”ни кўриб, баъзан хайрон қоламан: улар одамларни гоҳ яхшиликдан, гоҳ ёмонликдан огоҳ қилиб туради... Сахрода шувок деган ўсимлик бор. Маълумингиз бўлсинки, тагида олтин бор жойдагина шувок ўсади. Унинг гуллаши қизиқ. Митти-митти гуллари олтиндай товланиб туради. Наврўзгул деган ўсимлик бор, бу вулкон отилишидан дарак беради. Вулкон отилишидан бир ой олдин Наврўзгул ўсиб, гуллаб, эрта пишади... Пишган куни эса вулкон дахшатли куч билан отила бошлайди! Ана шунақа гаплар. Яқинда бир гуруҳ хорижий олимлар жўхори донига оз миқдорда олтин аралаштириб экишган. Униб чиққан жўхоридан кўп миқдорда олтин ажратиб олишганини хорижий мамлакатларнинг газеталари ҳозир шов-шув қилиб ёзишяпти...

Энди буёғига мутавалли чидаёлмади – бу “маҳмадона, беҳаё аёл”нинг бошлаб таъзирини бермоқчи бўлиб, ўтирган жойидан унинг тилини “чимчилаб” олди:


– Бу гапингиз, – деди ошқора кулиб, – Кенжа сарикнинг томорқасида тилла танга экканидай бир гап бўлди. Қих-қих-қих! Эшитганмисиз-эшитмаганмисиз, буёғини билмайман-у, хоним, Кенжа сариқ алдаркўсанинг алдоғига ишониб, отасидан мерос қолган бир хумча тилла тангани томорқасига “экиб”, устидан мола қилиб ташлаган. Кейин унинг кўкариб чиқишини кутган. Алдаркўса бўлса, кечаси келиб Кенжа сариқ сепган тангаларни битта кўймай териб, алдархалтасига солибди-да, олтидан чиққан одамга улашиб берибди. Қих-қих-қих!

Йиғинда баравар кулги кўтарилди.

Аёл хушёр тортиди. Ёнидаги эрига, ундан нарида саф тортиб тизилишган болаларга қаради: Қаноат, Аҳмад, Саттор, Карим, Даврон... Орқароқда, девор томонга чекиниб, қимтиниб ўтирган паранжили аёлларга зимдан кўз югуртириб чиқди: уларнинг ярим очик чимматларидан кўриниб турган ёқимли чехралари, умидвор, ёниқ кўзлари унга далда бергандай бўлди. Гапга оғиз ростлаган эди, мутавалли билан муридлари уни гапиргани кўйишмади – бир оғиз гапириб, ўн оғиз кулишарди...

– Ишқилиб, хоним, Алдаркўсага хеш-пеш эмасмисиз? Ха-ха-ха!.. Хи-хи-хи!... Қих-қих-қих!

– Ишонинг, таксир, – деди Евгения гап мавриди теккан захоти мутаваллига қарши ўқталиб, – Алдаркўса хеш ҳам эмас, дарвиш ҳам. Лекин нечукдир уни ўзимга



якин тутаман. Ўшанинг тилида хозир сизга бир жавоб қилмоқчиман: кулги меъёрини билмаган кулгувчи бемаҳал ханграгувчи хангидир! Маъқулми?

Йиғинда портлагудек кулги кўтарилди. Шундан кейин Евгения тамом ўзини тутиб олди.

– Кечагача давру даврон сизларники эди. Хайриятки, камбағаллар бахтига Афанди, унинг биродари Алдаркўса бор экан. Алдаркўса алдархалтасини елкасига ташлаб, сиздай қитмир курумсоқларни, Кенжа сарикдай калтафаҳмларни чув туширмаса, бошқа кимнинг хам тиши сизларга ўтарди?!

– Ҳўй, хотингина, – деди мутавалли ўтирган жойида хезланиб, – оғзингга қараб гапир, ҳўй, хотингина!

– Гапим малол келдими, тақсир мутавалли? – деди Евгения энди ошкора хужумга ўтиб. – Текин бир мирини кўрсангиз, мабодо қўлингиз баланд бўлса, кипригингиз билан ердан илиб оласиз... Ё ёлғон денг?

Бошида паранжи, чимматининг ярмидан кўпи очик, новча бир аёл икки қадам олдинга чикиб, Евгенияга талпинган кўйи тўхтаб қолди.

– Гапни онасини айтдингиз мутавалли ҳақида, дугонажон, – деди дадил. – Мен мутаваллининг учинчи хотини Хуринисо бўламан. “Кечаси ўнг қўлингизда ётиб ухлама, еганинг тез ҳазм бўлади”, деб ширин уйқуларимдан тепиб уйғотарди бу баттол. Мана, охир-оқибат, уриб-уриб майиб қилиб қўйди – уч йилдан бери белимни ололмайман. Шу баттолнинг тепкиларидан шунақа бўлдим, айланай, дугонажон!

Мутавалли ўтирган жойидан қўлини пахса қилиб, собиқ хотинини сўқди.

– Ҳўй, манжалаки, хасмимда бўлганингда тепган бўлсам, тепгандирман, урган бўлсам ургандирман. Ўшани энди айтасанми? Уйқунгда хуррак отганинг учун тепганман, ўша учун урганман! Кекиртагингга арра тортилгандай хириллардинг, энди унутдингми, лаънати?!

Эрининг сўкиш ва жазаваларидан азалдан дилгир бўлиб қолган аёл қутилмаганда бирдан маъюс тортиб, жойига жимгина бориб ўтирди.

Оломон тинчиб қолди. Лекин мутавалли билан муридлари тинчимасди.

– Ҳўй, хотингина, ҳаддингдан ошма! – дерди мутавалли таҳдид оҳангида бақириб. – Ҳаддингдан ошяпсан, иззатингни бил!

– Иззатини билмаган менми ё сизми, тақсир?

– Хўй, хотингина, сен ғайридин, эринг ғайридин... Икки ғайридин бир бўлиб мана бу чувринди болаларни ҳам диндан чиқаздинглар.

Аёл захарханда қилиб кулди.

– Майли, тақсир, сизнингча бўлсин: биз ҳаммамиз ғайридин, кофир бўла қолайлик. Шошманг-чи, хали, – Евгения кора чарм курткасининг қўйниданғижимланган иккита қоғоз чиқариб, одамларга кўрсатди. – Мана бу хатлар, ўртоқлар, мутаваллининг шафқатсизлигидан, қотиллигидан далолат. Сизларга бир умр рўшнолик ташиб юрган, болаларингизга зиё бериш умидида ёниб, куйиб яшаган Носир варанка фожиаси хусусида. Ўқиб берайми, ўртоқлар?

Йиғилганлар, айниқса, аёллар баравар чуввос солишди:

– Ўқиб беринг, дугонажон, ўтиниб сўраймиз. Рахматли Носир баранка уйимизнинг ўчмас чироғи эди. Уни ўлдирганни бўғиб ўлдирамиз! Ўқиб беринг, аниғини билайлик...

Евгения чўнтагидан қоғозни суғуриб олаётганида, можаронинг бу хил тус олиб, охири зил бўлиб кетишини хаёлига келтирмаган эди. У пўписа учун – мутавалли йиғинни бузиб қўймасин; тўғрироғи, хашарчиларни йўлдан оздирмасин, деб мана шуғижимланган қоғозларни пеш килган эди. На илож, Евгениянинг ўша дахшатли номани ўқиб беришдан ўзга чораси қолмаган эди!

Афсуски... аёл номани ўқиётганида, мутавалли билан муридлари йиғинни ташлаб, хонақоҳга қараб жуфтакни ростлаб қолишди...

Йиғиннинг бу хилда тугаши Евгениянинг етти ухлаб тушига кирмаган эди: “Жамоа мен айтмоқчи бўлган муддаони англадим, йўқми? Одамлар билан дурустрок гаплаша олмадим ҳам. Эҳ, баттол мутавалли, ҳаммасини чалкаштириб юборди-я!”

Эртасига эрталаб жамоат жам бўлиб, Қумбосди кишлоғининг муюлишидаги ўша оқ уй томонга ёпирилиб кела бошлади. Қаноат билан Аҳмад келаётган хашарчиларни хатто рўйхатга олишга ҳам улгуролмасди...

Евгения тавсияси билан хашарчилар икки гуруҳга тақсимланиб, хозирча икки хил юмушга банд қилиб қўйилди: экишга пайкал хозирлаш ва қамиш тўплаш.

– Қамиш тўплаш зарур, – деб қайта-қайта таъкид-

ларди Евгения, – экилган уруғни шамол учуриб кетмаслиги учун уруғ қадалган қаторнинг икки томонига қамишдан тўсиқ киламиз. Бу пастак “тўсиқ”, аввало, экилган уруғни мухофаза қилади, иккиламчи, қумдан намни қочирмайди, саксовул тез униб чиқади..

Василий от-улови ва араваси борларни тўплаб, уруғ ташиш учун Когонга олиб кетди.

Евгения қамиш ўримидан ортиб қолган ёш-ялангни қум барханларига қараб бошлади. Қиладиган ишларни режалаб берди-да, Қаноатни уларга ишбоши қилиб тайинлади.

ҚАЛДИРҒОЧЛАР ҚАЙТГАН КУН

Баҳор қулф уриб эрта сепини ёзди. Қир-адирлар, ўтлоқлар яшнаб кетди. Кўкда арғамчи солиб учаётган турналарнинг “қур-ей-қур-ей” деган ёқимли овози бутун саҳрони тутди. Пўпиш билан қизилиштон дарахт бутоғига қўниб олиб, узун тумшугини бир маромда уриб, дўқиллатгани дўқиллатган: тик-тик-тик...

Бу сеҳрли товуш табиат ҳукмидай жозибали туюлади: дарахтлар уйғонади, гулга киради, мева тугишга шошилади...

– Тик-тик-тик..

Бу мўъжизакор товушдан дарахтларгина эмас, одамлар ҳам ҳушёр тортади:

– Тик-тик-тик...

Бу қуш тилида айтилган нидо: буни тушунган тушунди – таржимони одамнинг ўз қалби:

“Яшашга шошил.. Яшашга шошил.. Яшашга шошил..” деяётгандай туюлади.

Қаноат уйда ёлғиз ўзи зерикди. Бекорчиликдан нима қиларини билмай, сандиқдаги кўрпа-тўшак қагида Василий амакиси яшириб кетган дадасининг милтиғини олиб (Василий милтиқнинг синган қўндоғини Когондаги бир ошнасига тузаттириб, пана жой деб шу ерга яшириб қўйган эди), охори тўқилмаган латта билан тозаломқчи бўлди. Сандиққа яқинлашган эди, тепасидаги миҳда осифлик сочикка назари тушди. Онасидан қолган сочик; икки четида волидасининг қўли билан тикилган қип-қизил лалақизғалдоқ. Бу онасининг аллақайси бўҳчасида фикрим бўлиб ётган эди, қайси куни Евгения аяси уни топиб,

дазмоллаб миҳга осиб қўйди. Ёнгинасидаги миҳда аясининг пардоз ойначаси осиблик турибди. Қаноат сочиқни айлантриб кўрди, гулларига қайта-қайта разм солди. Тавоф қилаётгандай сочиқни юзларига, кўзларига, лабларига босди. Ўпкаси тўлиб, кўзларига ёш халка урди. Нигоҳи бирдан ойнага тушди: “Бугун нега мунча йиғлоки бўлиб кетяпман? Яхши эмас, яхши эмас...” Сочиқнинг учи билан кўз ёшларини артди. Яна ойнага қаради: икки чаккасига оқ оралаган сочлари... “Бор-йўғи ўн учдаман. Шу ёшда ҳам соч оқарадими?” Бола қўли билан сочларини тўзғитиб, яна тузатиб, яна тўзғитиб, ойнага қараб хаёл сурарди. – Эртақлардаги болаларга ўхшайман десам, йўқ, уларга сира ўхшамайман. На дадам айтган, на онам айтиб берган бирорта эртақда сочи оқарган бола йўқ. Ўзим ўкиган эртақларда ҳам сочи оқарган болани учратмаганман... Эхтимол, менинг бу бошим эртақларда йўқ кулфатларни кўргани учун сочларим оқаргандир? Ха, шунинг учун оқарган. Хар тола оқ сочим чеккан кулфатларимдан нишона!..”

Қаноат ойна қаршисидан маъюс чекинди. Милтиқ ҳам хаёлидан кўтарилди. Каравотга чўзилди. Деразанинг бир тавақасини очиб юборди. Ташқари қоронғи эди. Вардонзе қалъасининг қора кўланкаси узоқдан ғира-шира кўзга ташланди... Хиёл ўтмай сахрода шаббода кўзгалди. Ортдан ёмғир шивалаб ўтди. Қаноат деразани ёпди, пардасини тортди. Чирокни ёкди. Ташқарида шамол кучайди. Ёмғир шитоб билан келиб деразага урилди. Томнинг аллақаеридан чакка томди. Қаноат хона шифтига аланглаб, чакка томаётган жойни топди. Эшикка яқин турган тоғорани олиб, чакка остига қўйди:

– Чак-чак-чак..

Қаноатнинг кўнгли ғаш тортиб кетди: “Кўзим очик, ҳаммасини кўриб турибман, тоғорага чакка томяпти, – деб ўйларди таажжубга тушиб бола. – Лекин нега мунча ваҳимали? Нега кўнглим ғаш тортиб кетяпти? Василий амакига йўлда бирор қор-қол бўлдимми ё?..”

– Чак-чак-чак..

Томаётган чакка кучайди. Деразани яна шамол аралаш ёмғир савалаб ўтди. Ёмғир зўрайгани сайин Қаноатнинг хавотири ошарди: “Аям билан амаким нега кечикди? Нима бўлди ўзи уларга?”

Эшик тақиллади. Қаноат югуриб бориб эшикни очди. Эшикда.. Қай кўз билан кўрсинки, мутавалли! Орқасида

Дудук ўрнига янги келган югурдак бола, унинг ёнида тақа мўйловли мурид.

– Бу бемахалда.. таксир мутавалли... Қандай иш билан келдийиз? – Қаноат уларнинг киришига монелик қилиб, икки қўлини эшик кесақисига тираб, остонада тик турди. – Бу бемахалда... яхши эмас! Ҳеч ким йўқ уйда...

– Сен бўлсанг, бўлди, бўтам, – деди мутавалли мешдай қорнини қарийб Қаноатнинг қорнига тираб туриб. – Файридин кофирлар билан бўлиб, мусулмончилик удумларини ҳам унутаёзибсанми, бўтам? Сўроқлаб келган одамга эшикни кенг очиб, мундоқ кутиб оладилар.. Мусулмончилик таомилида, меҳмон олдида дастурхон ёзадилар... Шундай эмасми, бўтам, ё ҳаммасини унутдингми?

– Ҳеч нарсани унутганим йўқ, – деди Қаноат, – ҳаммаси хотирамда турибди. Сиз қилган ишларни унутиб бўладими, таксир?

– Сен бола унотолмаган нима иш қилиб қўйибман, бўтам? Гапир-чи, арпангни хом ўрибманми?

– Э, таксир, кошки арпа бўлсайди, келаси йил яна униб чиқар эди.. Кеча йиғиндан кетиб қолмаганингизда, эшитардингиз ҳаммасини. Қайта такроллашга энди ҳожат йўқ.

– Аҳа-аҳа, энди ҳожат йўқ дегин? – Мутаваллининг авзойи ўзгариб, тажовузкорона тус олди: “Яхши гап билан бу тирмизак болани қайириб бўлмайди. Аврасанг, илон инидан чиқади, дейишарди. Лекин бу илонбаччани авраб бўлмайди”. – Аҳа-аҳа, ҳожати йўқ дегин? Хў-ў-ўш-ш, қачон ҳожати бўлади?

– Тегишли жой, тегишли одам топилганида-да, таксир!

Мутавалли бўсағада турган Қаноатни қорни билан каттиқ итариб юборди. Бола орқаси билан гандираклаб кетиб, уй ўртасига келиб қолди. Ортидан уччаласи ёпирилиб кирди. Эшикка зулфин солинди. Қаноат довдираб қолди. Мутавалли югурдаги билан муридини эшик адоғида қолдириб, ўзи уй тўрига чиқди, Қаноат билан юзмаюз турди.

– Тегишли жойга, тегишли одамга айтасанми хали? – деди мутавалли чап қўли билан боланинг иягидан маҳкам тутиб, ўнг қўли билан маҳси кўнжидан пичоқни суғуриб олди. – Мана шу тилингни... Мана шу тилингни дадангни тилидай қилиб кес-с-с-иб... Ни-и-ма дейсан?

Бола кўрқувдан оқариб кетди. Мутаваллининг қўли-

даги пичоқ боланинг лиқиллаб турган бўғзида олмосдек ярқиради. Қаноат мутаваллининг пичоқ тутиб турган қўли тирсагига чанг солди.

– Кетинг!.. – деди товуши титраб. Ҳозир унинг товушигина эмас, бутун вужуди титрар эди.

– Аха, кўрқингми, бўтам? – деди мутавалли боланинг кўрқувдан саросимага тушиб қолганини кўриб, кейин бир оз юмшади. – Кўркма, бўтам, мен сени ғайридин кофирлар панжасидан халос этгани келганман. Улар дадангни йўлдан оздирди. Тақдири шу экан, не илож, эрта кетди. Сен ҳам отангдай бўлма, дейман, бўтам. Магарам пичоқдан чўчиётган бўлсанг, мана... – Мутавалли қўлидаги ханжарни эшикни тўсиб турган тақа мўйловли муридига қараб ирғитди. – Ма, бу сабил қолгурни олиб қўй.

– Мендан нима истайсиз? – деди жавдираб бола. – Нима қил дейсиз?

Мутавалли тарадудланиб, боланинг кулоғига яқин энгашиди, паст товушда, қарийб шивирлаб сўради:

– Ўша нома... қаерда? Ўшани топиб берсанг! Уқдингми?

Бола талмовсиради.

– Қайси нома?

– Кеча ана у манжалақи... ана ўша кофир йиғинда шоён қилиб ўқиган нома... Энди уқдингми?

– Ҳа-а, уми? – деди бола бирдан эслаган бўлиб. – Аямнинг ўзларида.

Мутавалли боланинг кўзига қадалди.

– Қаерда у? – деб сўради.

– Уйда йўқлар, – деди бола энди ўзини анча тутиб олиб. – Саксовул эқкани одамлар билан Кампирёлга кетганла.

– Эри-чи? Сенинг ғайридин даданг...

– Уруғ ташигани Когонга кетганлар...

– Қачон келишади?

– Ҳозир кеп қолишлари керак.

Мутавалли бирдан хавотирга тушиб қолди.

– Номани ол.

– Кимдан?

– Ўзинг ҳозир айтдинг-ку, – деди мутавалли болага жазава қилиб. – Аямдами-паямдами деб... гапир, оласанми? Тузук йўли шуки, мен сенга айтай, секин билинтирмай...

Бола ўйланиб қолди: “бу аблах ўша номадан қўрқяпти.. Қотиллигини тан олмоқчи эмас, яширмоқчи... Аям билан амаким келгунча ёлғондакам авраб турайма ё?..”

Мутавалли бола олдига икки шарт қўйди: “Ё ха, ё йўк!”

– Йўк десанг... – деди мутавалли орқасига ўгирилиб, така мўйловли муридига қараб қўл чўзди. Мурид қўлидаги ханжарни унга қараб ирғитган эди, мутавалли чакқон илиб олди. Яна пичоқни Қаноатнинг кекирдагига тутди. – Йўк, десанг... Кейин ўзингдан қўр, уқдингми?

Мутавалли яна орқасига ўгирилиб, қўлидаги ханжарни така мўйловга қараб олди.

– Магарам шартимга кўнсанг, бўтам, ҳамма ташвишлардан кутуласан, ғайридин копирлар чангалидан сени халос этаман. Раҳматли даданг мен каминани билар эди, – мутавалли бурнини тортиб шикаста товушда дона-дона қилиб гапира бошлади, – биттагина тирноққа зор одамман. Худо шу кўйибадга солиб, каминани бисёр зориктирди. Ҳадсиз жазолади. Мен камина фақат шунга қасдма-қасд йўл тутаман: раўйимга кўндаланг келгани мен ҳам жазолаймен! Бир қанчасини жазоладим ҳам... Энди қанча умрим қолди, билмаймен, бўтам. Магарам айтганларимга кўнсанг, ана у ғайридин кофирларни уйингдан ҳайдаб чиқарсанг, бутун мол-мулким, топган-тутганларимни сенга қолдирамен. Ишон, еганинг олдингда, емаганинг ортингда бўлади. Отанг доғи ҳам, онанг ғуссаси ҳам тезда унут бўлиб кетади: атодин қолмаган ким бор, анодин қолмаган ким бор!.. Ота-онадан етим қолмоқ Муҳаммад алайҳиссаломдан биз умматларига қадимий меросдир, бўтам!

– Айтганларингизга кўнсам, – деди Қаноат мутаваллининг гапларига ўзини анча мойил тутиб, – кейин... кейин ҳазрати Хизр билан мени таништириб қўясизми?

– Қайси ҳазрати Хизр билан? – деди мутаваллининг нафас олиши тезлашиб. – Қайси Хизрни айтяпсан, эй, тирмизак бола?

Бола ўзини йўқотмади, устомонлик билан гапни хонақоҳда бўлиб ўтган “Хизр панжаси” можаросига бурди.

– Бош бармоғи суяксиз ошнангиз... ҳазрати Хизр-чи? Фазли ҳалимпазнинг маърақасида дадамга ўзингиз айтгансиз-ку... Иби, эслаёлмадийизми, таксир?

Мутаваллининг кўз олди тиниб кетди. Хонақоҳда бир

йил олдин Қаноатнинг дадаси Носир варанка билан бўлиб ўтган ғурбат хотирасига тушиди: офтобшувовқда узала тушиб ётгани, ўнг елкасига елимлаб ёпиштирилган сохта “Хизр панжаси”... Югурдаги Дудукни сопол кўзача билан уриб ўлдиргани...

“Бу тирранча нега менга ўтган гапларни эслатяпти? – Мутаваллининг хаёли чувалашиб кетди. – Бу тирмизак бола бир парча кемтик жони билан нега қўлига паншаха олиб, эски сомонни титяпти? Сизга ишонсам, раўйингизга кирсам, қисматим Дудукдай бўлмайдими демокчи, афтидан? Вой-й, отангга ўхшамай кетгур, захар-ей, захар!...”

Аяси билан амакисининг кечиккани болани баттар саросимага солиб қўйди: кўнглидаги хавотир энди умидсизликка айлана бошлади. Хануз улардан дарак йўқ. Ярим тун, боланинг якка ўзи. Рўпарасида мана бу сўлаҳмондай одам. Хаёлини чакка товуши бўлди. Чакка харгал томганида бола бечоранинг миясини худди пармалагандай бўлади: “Чак-чак-чак...”

Тоғорадан нарида сандиқ, сандиқ устида кўрпа-тўшак, кўрпа катида дадасининг милтиғи... Шундай қўлини чўзса, етади. Лекин қандай қилиб чўзади қўлини?

Қаноатнинг қаршисида қарийб уйнинг тенг ярмини эгаллаб турган мутаваллининг қўланкаси, пойгакда югурдаги, муриди... Қўлида ханжар!

Мутаваллининг жаҳли чикса, бурун катаклари очилиб-ёпилиб, тез-тез пишиллайдиган одати бор эди: хозир ҳам шу қўйга тушиди.

– Сен тирранча бола ўзи кимни калака қиляпсан: мен каминаними ё ҳазрати Хизрними?

Боланинг мутавалли раўйига кирмаслиги, бу чигал йўлга киролмаслиги аниқ эди. Шу боис мутаваллининг эртами-кечми кутуриши муқаррарлигини Қаноат биларди. Лекин сохта “Хизр панжаси” ўртада энди тикланаётган муносабатни бунчалик тез бузиб юборишини асло ўйламаган эди. Бола барига қўл силтади. Бўлгани бўлди энди. Буёғига таваккал қилади. У қандай қилиб бўлмасин, сандиқ томонга ўтиб, тезроқ милтиқни қўлга олишни мўлжаллар эди...

Мутавалли ҳам энди қатъий қарорга келиб қўйди: хонақоҳдан нимани кўнглига тугиб чиққан бўлса, ўша муддаони амалга оширмоқчи бўлди. Ҳозир боланинг бўғзига пичоқ тортади, кейин Кампирёлга бориб ўрис аяси билан ҳисоблашади, сўнг кофир амакисининг йўли-

ни пойлайди... Эрталабгача барини асфаласофилинга жўнатади!

Мутавалли орқасига ярим қайрилиб, эшикда турган тақа мўйловли муридга қўл чўзди: ханжарни сўради. Шу фурсатда Қаноат бир сакраб сандиқ томонга ўтди. Кўрпа қатидан милтиқни суғуриб олиб, хали ўзини ўнгариб олишга улгуролмаган мутаваллига қараб тўғрилади ва тепкини босиб юборди!

Хонада чакмоқ чакқандай икки бор ялт-юлт этиб аланга чиқди. Қаршидаги девор тешилиб, дераза чил-чил синди, чирок ўчди. Уйни димоқни ёргудай буруксаган тутун ва чанг-тўзон қоплаб олди. Қоронғи хонада олата-сир бошланиб кетди...

Хотима

... Эрталаб ховлига одам сиғмай кетди. Мутаваллининг жасадини эшак аравага ортаётганларида, харнечук Қаноат Евгениянинг бағрида кўзини очди. Василий Шофиркондан олиб келган докторнинг айтишича, Қаноатнинг жароҳати деярли оғир эмас экан: ўнг елкаси ва болдирини пичоқ ялаб ўтган, кўп кон кетган...

Евгения кўзига ёш олиб, Қаноатнинг манглайига хўл сочик босди. Қаноат ўзига келди, хушёр тортди. Аясининг қўлини сийпаб туриб:

– Қалдирғочлар қайтдими, ая? – дея сўради шифтга қараб.

– Қайтди, ўғлим, қайтди, – деди аяси юзини унинг юзига босиб. – Баҳор бу йил барвақт келди-да, қалдирғочлар ҳам эрта қайтди, ўғлим!

Бола қалдирғоч туйнугига илҳақ тикилди. Бир жуфт қалдирғоч хонага кириб, чарх уриб айланди-да, инига келиб кўнди...

Шофиркон. 1987–2006 йиллар.

ЎТКАН КУНЛАРДАН ҚОЛГАН ЭРТАКЛАР

БИРИНЧИ ҚИСМ

ЗЎРАКИ НИКОҲ

Яйловда бир пасда дув-дув гап тарқаб қолди: ҳукмдор дилхушлик истаб Ойдинкўл шикорини ихтиёр этмишлар!

Ҳукмдор шикорга чиқишидан уч кун бурун бу ишга мутасадди қилиб саройдан жўнатилган мулозим Қора Даванг туманнинг бирқулоқ қозиси билан от миниб, шошилинч яйловга чиқиб кетди.

Яйлов, қир ва адирлар кўм-кўк эди. Барханлар бағрида лолакизғалдоқлар ловиллаб, кўзни қамаштирарди.

Мулозим билан қози навкарлар қуршовида кун бўйи Ойдинкўлни қадам-бақадам кезиб, ҳазрати олийларига муносиб жой танлашди. Деволактепа қирида шоҳона хосчодир қуришди, овни қаердан бошлаб, қаерда тугатиш режаларигача обдон тузиб чиқишди. Мулозим саройдан мухофазага келган хоснавкарларни ҳукмдор ўтадиган йўл, адир ва сўкмоқларга – яйловнинг чор атрофига икки-уч нафардан тарқатиб юборди. Сўнг иккаласи – мулозим билан туманнинг бирқулоқ қозиси хосчодирга кириб: “Ҳазрати олийларининг шикорлари бароридан келсин!” дея, базми жамшид қуришди. Кечга яқин улар маст-аласт бўлиб, шоҳона дастурхон устида ўчиб қолишди...

Ярим тунда бошланган афғон шамоли эрталабгача Ойдинкўлни остин-устин қилиб ташлади. Қум барханлари тўфон зарбидан сувдай оқиб кетаверди: экинзорлар, йўл ва ариқлар, анҳор ва сойлар, даштдаги жамики кулбалар қум остида қолди. Мулозим билан қози хатто ўзлари ётган чодирнинг қум остида кўмилиб қолганини ҳам пайқашмасди: улар ўликми, тирикми – ҳеч ким билмасди!

Қум оқими бамисоли тошқин сув. Аслида тошқин-

нинг ҳам, тўфоннинг ҳам талафоти қарийб бир хил. Фарқи шуки, бири йўлига кўндаланг келган нарсани ювиб кетади; иккинчиси кўмиб кетади. Хукмдорга деб қурилган хосчодир белигача кўмилиб қолган эди...

Мирсолибойнинг Ойдинкўлдаги ерларида кетмон чопиб, чигит экаётган Темур ва унинг тенгқурлари эртага хукмдорнинг шикорга чиқишидан воқиф эдилар. Улар хосчодир бу кеча қум остида қолганини барханнынг нари томонидан кўриб туришарди. Лекин саройга дахлдор мулк бўлгани учун ҳеч ким чодир яқинига боришга журъат қилолмасди. Темур ва унинг ўртоқлари наздида чодир худудсиз денгиз қаърига чўкиб кетаётган кемага ўхшаб кўринар эди.

Темур чодирдан бирров хабар олсаммикан, деган хаялга борди. Бу гап ўртоқларига ҳам маъқул бўлди.

У қум бўрони туфайли одамлар бошига тушган кўргуликлар хусусида ўйлаб борарди:

“Ҳазрати олийлари бу жабрдийдалар холини ўз кўзлари билан кўрсалар, шояд фуқаро учун фойдадан холи бўлмас. Фақир-бечораларнинг кўзёшлари хукмдорнинг дийдасини зора юмшатса. Адолатпеша хукмдор бундай мусибат онларида ўз мурувватларини дариг тутмасалар керак, ахир?!”

Темур Деволактепага етиб, хосчодирни синчковлик билан айланиб чиқди. Қумга чўкиб қолган чодирнинг тепа қисмидаги арқони узилиб, босиб қолган эди. Чодирга киришнинг ҳам, ундан чиқишнинг ҳам имкони йўқ. Ичкаридан ўқтин-ўқтин инграган товуш чиқяпти...

Темур елкасидаги кетмонини чодир ёнига қўйиб, югуриб барханга чиқди, бошидаги дўпписини силкита-силкита тенгқурларига хабар берди. Бирпасда Аҳмад билан Ҳайитбой кетмон кўтариб стиб келишди. Чодирнинг устини ва атрофини қумдан бир оз енгиллатиб, ичкарига киришди. Бўрон пайти чодир тепасида тўпланган қум икки одамнинг елкасидан босиб, қорни билан наमतга қапиштириб қўйган, фақат уларнинг бўйнигина қумдан ташқарида, тошбақа бошидай қулгили бир алпозда жонсарак ғимирлар эди. Темур ўртоқлари билан уларни қум остидан зўрға суғуриб олди. Кейин бу икки давангининг фожиасти Темурга маълум бўлди: гулли наमत устидан дастурхон очик ётибди; унда шароб кўзачаси, қирмизи гулли қадахлар, ликопчаларда қазини-қарта... Сал нарида икки жуфт этик; пайтавалар билан саллалар бир-

бирига чувалашиб ётибди... Темур уларнинг мурдадан фарк қилмайдиган даражадаги ҳолатини кўриб, тамоm хайрон қолди: “Бундан чикди, бўрон қутурганида булар ақл-хушида бўлмаган...”

Темур туманнинг биркулок қозисини дарров таниди. Қўшниси Мирсолибойнинг ҳовлисида, унинг маъракаларида қозини кўп кўрган, ҳатто офтоба тутиб, қўлига сув қуйган пайтлари ҳам бўлган. Қозининг кемтик қулоғига қараб туриб, Темурнинг кулгиси кистади. Эшитгани бор: қози маст-аласт бўлиб бир тул хотинниқига кирган. Хотин ўлгудай ўжар ва тажанг экан. Қози қанчалик аврамасин, аёл барибир қўнмабди. Қози куч ишлатиб, ниятига етмоқчи бўлганида аёл қозининг ўнг қулоғига оғиз солган... Бу гап қанчалик рост, қанчалик ёлғон, аммо улус орасида шунақа миш-миш юрарди. Темур ҳозир шуни эслади. Қози билан мулозим йигитлар кўмагида анча ўзларига келишди. Сув ичишди, уст-бошларини қоқишди, тозалашди.

Қози қумдан тозаланган чодир орқасига ўтиб таҳорат қилди, қўлидаги офтобани шериги учун ўша ерда қолдириб қайтаркан, салласини бошига ўраётди:

– Хукмдоримизнинг энг яқин мулозимларидан Қора Даванг жаноблари бўладилар, – дея шеригини Темурга танитди.

Темур мулозимга қайта салом берди. Мулозим мулозим жилмайиб, Темурнинг елкасига миннатдор қоқиб қўйди:

– Жонимизга ора кирдинг, бола!

Темур индамай кулиб қўйди.

Қора Давангнинг асли исми шарифи Ҳожи ибн Мансур бўлса-да, хукмдор уни хамиша Қора Даванг деб атади. Саройнинг мартабаси баланд аъёнлари ўртасида ҳам у шу ном билан машҳур бўлиб, ҳатто Ҳожи Мансурнинг ўзи ҳам бунга қўниқиб кетган эди. Бу номнинг Қора Даванг ташқи қиёфаси билан қисман боғлиқ томони ҳам бор эди. Темур бир қарашдаёқ буни дарров пайқади. Юзи мумдай қора, қовоқлари шишинқираган, тақирбош, гўштдор юзига нисбатан кўзлари, қулоқлари кичик, чап кўзи билан қўшилиб тез-тез пирпираб учиб туради, бесўнақай бурни эса хиёл чап томонга қийшайган, қулоқларининг ичини қора тук босган, гавдаси йирик, хайбатли, қоп-қора мўйлови от тақасидай дўрдок лабининг икки чеккасига осилган...

Темур мулозимга қараб туриб, хаёлидан: “Исминг жисмингга мунча мос бўлмаса” деган фикр ўтди. Мулозим тахорат учун чодир оркасига ўтгандан кейин Темур бирқулоқ қозига юзланди.

– Мени танимадингиз чоғи, – деди Темур қозига қараб, – сизни ундарелик Мирсолибойнинг уйида кўп кўрганман. Бойнинг кўшниси Бадал ямоқчининг жияни – Темурман.

– Э, шундоқми? – деди қози ҳозир бировни танийдиган ҳолда бўлмаса ҳам. – Э, ха, Бадал бобонинг жияниман де?

– Мирсолибойнинг Ойдинкўлдаги ерларига бир ҳафтадан бери чигит экяпмиз, – деди Темур болаларча солдалиқ билан. – Ҳаммасини бўрон кўмиб кетди. Кечаси зўрға жон сақлаб колдик. Энди кишлокка жўнаймиз деб турганимизда, тонг отмай бойнинг ишбошиси келиб, оёғини тираб турибди, уни бой бобо жўнатибдилар, яна бир ҳафта қолиб, чигитни қайта экармишмиз.

– Бундан чиқди, Мирсолибойнинг қаролисизлар, шундайми? – сўради қози.

– Йўқ. Бой кишлокдаги йигитларни экиш тугагунча ёллаб олган.

– Яхши. Ишбошини юбориб, атай сўратган бўлсалар, бой отанинг сазасини қайтарманглар. Ҳозир салтанатда бой отанинг обрў-эътибори инчунин баландки, – деди қози қўлини салласидан анча юқори кўтариб, худди бойнинг мартабасини ўлчаётгандай, – саройдаги мана-ман деган казо-казолар ҳам у кишининг олдида довдираб қолади. Айтишларича, бой жаноблари саройга ташриф буюргудек бўлсалар, ҳукмдорнинг ўзлари пешвоз чиқаришлар. Шу боис бой отанинг сазасини қайтарма, кам бўлмайсан, бола!

Темур “маъқул” дегандай бош ирғаб қўйди. Аҳмад билан Ҳайитбой Деволактепанинг пастидан баланд юлғунзор панасида кишанлаб қўйилган икки отга эгар-жабдук босиб, етаклаб келишди. Қози билан мулозим ҳукмдорни кутиш учун Чорраҳага қараб от солиб кетдишди...

* * *

Мулозим билан қози бу кечаги бўрон халокатидан бир амаллаб қутулиб қолишди. Бироқ уларни ўзга бир шафқатсиз ажал гирдоби кутар эди: дилхушлиқ истаб саройдан йўлга чиққан ҳазрати олийларига улар энди

нима дейди? Ов манзилгоҳлари, хосчодир тикилган кўркам яйлов ва адирлар – бутун Ойдинкўл остин-устин бўлиб кетган бўлса?!

Қора Даванг кўз ўнгидаги фоже манзараларга шуурсиз тикилиб, карахт бир кайфиятда эгарда хаёл суриб борар эди: “Бу сурбет бирқулок қози билан оч бўридай ўлакса бўлиб ўчиб қолмаганимда, бошимга бунчалик касофат тоғи куламасди. Бир амаллаб тахти олийга етиб, фожиадан ҳазрати олийларини вокиф қилиб, шикорни қолдиришим мумкин эди. Водариф, энди қайси юз, қайси субутим билан ҳазрати олийларининг муборак йўлларига пешвоз чиқамен?! Ўзинг қўлла, эй парвардигор!..”

Хукмдор усти ёпиқ фойтунда катта чошгоҳда етиб келди. Ундарелик Мирсолибой хушсурат, арабий қора отини Чорраҳага олиб чиқиб, ҳазрати олийлари йўлига кўндаланг тутди.

Чорраҳадаги кутиш маросими пайтида Қора Даванг Ойдинкўлдаги қум бўрони хусусида шама қилиб ўтишга бир жазм этди-ю, лекин юраги дов бермади. Хукмдор беҳад шод ва аъло кайфиятда эди. У дастасига юпқагина олтин қопланган қамчини бой қўлидан олиб, аввал уни завк билан томоша қилди, бойнинг дид ва ҳафсаласига қойил қолди, отнинг қоп-қора ёлини силаб, мактади:

– Сарой синчилари отингиз хусусида каминага бисёр таъриф у тавсиф етказдилар. Бири Рустами Достоннинг Рахшидай хушсурат деса, бири ҳазрат Алининг Дулдудлидай етти газ қаноти бор деди. Шу боис Рахшингизни шикорда минишга майл қилдим, жаноб бой.

Бой “Бош устига”, деб бош эгди ва эгилиб туриб, от жиловини унга тутказди. Амир баланд пошнали этигини узангига тираб, эгарнинг тилла қошидан маҳкам тутди-да, ўзини чакқон эгарга олди. Шу пайт Мирсолибой қўлини фотиҳага очди:

– Илоҳи омин, етти кишварнинг назари тушган шахриёри олам ҳазрати олийларининг шикорлари бароридан келсин!

Тўпланганлар бараварига юзларига фотиҳа тортишди. Арабий тулпор Ойдинкўлга қараб шамолдай елиб кетди.

Яйлов хукмдор орзу қилган баҳорий қиёфада эмас, балки бойкушнинг вайрона ошёнига ўхшаб қолган эди. У ҳар қадамда фоже манзараларга дуч келаверди: экин еридан ажраган, яшнаб турган боғ-роғидан жудо бўлган,

арик ва қудуқлар қум остида қолиб, бир қултум сув илинжида зор-зор қақшаган жабрдийдалар сон-саноксиз эди. Хукмдорнинг шикорга келаётганини эшитиб, бутун фуқаро арз-лодини айтиш учун йўл бўйига чиққан эди. Униси у деб, буниси бу деб нола чекар, мўр-малахдай ёпирилган халойиққа бас келиб бўлмас эди:

– Кимга тўй, кимга аза!..

– Биз бандаи мўминларга мурувват қилинг, илоҳим овингиз бароридан келиб, парвардигори олам қўлласин, олампадох!

– Хукмдорга келган бало янглишиб бизни чалиб кетди, чоғи...

– Танаси бошқа дард билмас дегани шу-да, ё Раббий!

Хукмдор хоснавкар ва мулозимлари қуршовида отни гижинглатиб, шитоб билан ўтиб борар, йўлнинг икки четида бош эгиб, сукутда таъзим бажо этиб турган фуқарога қараб ора-чира бош силкиб қўяр эди. Халойиқнинг кўкка ўрлаган оҳ-фигони, қум қаърига чўккан кулбалар, томи босган ғариб хужралар, ярим белидан қўмилган дов-дарахтлар – табиатнинг мунг тўла бу нохуш манзаралари, афтидан, хукмдорни тамом дилгир қилиб қўйган эди. Ахири, унинг тоқати тоқ бўлди, эрталабки аъло кайфияти тарқаб, ўрнини қаҳр-ғазаб эгаллай бошлади. Фуқаро кўзидан пана – Деволактепа барханининг оркасига ўтгандан кейин хукмдор Қора Даванг билан бирқулоқ қозига бор ғазабини тўкди:

– Камина кўнгиш хушлагани келсам-у, сен малъунлар арз-дод кўтарган фуқарони йўлимга бошлаб чиқибсенлар. Бу фожиани каминага олдин нега хабар қилмадинглар, онкўрлар?!

У белидан тўппончасини суғуриб, Қора Даванг ва қози минган икки отни... манглайдан шартта отиб ташлади. Отлар жон талвасасида баравар кўкка сапчиди, кейин юмшоқ қум уюми устига ағдарилди.

– Аслида сен тўнғизларни отиш керак эди! – деди у қаҳр билан. – Қора малъунлар!

Қора Даванг от остида қолган ўнг оёғини эгар тагидан талвасада зўрға суғуриб олди-да, хукмдорнинг узангида турган баланд пошналарни этагига чаққон ёпишди.

– Бир қошиқ қонимдан ўтинг, олампадох. Гунохкори азим ман астам¹, давлатпадох!

¹ Бош гунохкор менман.

Хукмдор Қора Давангнинг зорланишларига эътибор бермай, чипор от тагида қолиб, тўнтарилган қўнғиздай чиранаётган қозига хиёл захархандага мойил бир қараш билан пича разм солиб турди-да, отнинг қуёш нурида ялтираётган қора бахмалдай сағрисиغا камчи урди. От булутдай бўлиб осмонга сапчиди. Қора Даванг узангига осилиб икки-уч одим судралиб борди-да, қумда чўзилиб қолди.

Шикорда омади чопмаган ҳукмдор шу кетганича тўғри Ундарега – Мирсолибойнинг ховлисига қараб жўнади.

* * *

Аросатда гангиб, ўзини йўқотаёзган мулозим билан қози отилмай қолганларига шукр қилиб, хириллаб жон узаётган отларга қараб, қўл ковуштирганча жимгина туришарди. Отларнинг танаси совиб, орадан анча вақт ўтгандан кейин мулозим қозига, қози мулозимга қаради:

– Хўш, энди нима қиламиз?

Хукмдор ўз қўли билан отларни отиб ташладими, демек, бунинг остида унинг яширинча, фуқаро олдида рўй-рост айтмаган амри ҳам яшириниб ётибди: амри подшоҳ – вожиб! Қора Даванг билан қози бориладиган манзилгача бўлган йўлни энди отсиз, пиёда босиб ўтишлари керак. Бу хил ситамларга Қора Даванг билан қози бўйсуннишдан ўзга йўл тополмай, иккаласи яёв йўлга тушди...

Қум бўрони йўлларни кўмиб, ҳар ер-ҳар ерда бўталоқ ўрқачидай уюм-уюм қумтегаларни уйиб кетган. Умрида пиёда юрмаган бирқулоқ қози, сарой юмушлари билан банд бўлиб, анчадан бери кўпқари ва от пойғаларига қатнамай қўйган хомсемиз мулозим бир чақиримча йўл юрмай қора терга ботиб, ҳарсиллаб қолишди. Уларнинг устидаги рўдапо кийимлари – узун чопон ва чакмон этаклари ҳар қадамда оёқларига ўралиб, илдам юришларига чандон монелик қиларди.

Темур билан унинг тенгқурлари амир қаҳрининг асорати туфайли отларидан ажраб, яёв кетаётган бу бақалок нусхалар ортидан эргашиб, уларга қизиқиш ва шавқ билан қараб, бир-бирини туртиб-туртиб боришарди. Темур қозининг кемтик қулоғи ҳақидаги хангомани айтгандан кейин йигитлар орасида паққос қулги кўтарилди...

Бу икки жабрдийда жонига яна Темур ва унинг тенгқурлари ора кирди. Даштда ўглаб юрган иккита эшакка тўким босиб, улар йўлига олиб чиқишди.

– Бунақада толикиб коласизлар, – деди Темурнинг уларга раҳми келиб.

– Йўл хали олис, тақсирлар, эшакка миниб олинглар.

Қози билан мулозим бир-бирига маъноли қараб қўйди.

– Қандок бўларкин, Қора Даванг жаноблари? – деди қози елкасини қисиб. – Мабодо бу гап хазрати олийларининг муборак қулоқларига етса... А, нима дедингиз, тақсир?

Темур қозининг иккиланишига таажжуб билан қараб турган эди, Қора Даванг ўзига маъқул йўл топди:

– Э, қизикмисиз, қози, – деди уни жеркиб, – хазрати олий бизнинг отимизни отдиларми, демак, отсиз борсин деганлари бўлади. Бу эшак-ку, эшак эшак-да, от бўлармиди сизга, тақсир?

Шу гапдан кейин қози ҳам эшак минишга кўнди.

Темур Қора Давангга қишлоқдан ўзи миниб келган хачирмонанд, бобоси Бадал ямоқчи отдан юз чандон афзал кўрадиган қора эшакни тутди. Қора Даванг арқон узангига оёғини: “Ё бисмилло!” деб қўйди-да, оғир гавдасини зўрға тўқимга олди.

– Бўладиган болага ўхшайсан, – деди мулозим Темурнинг елкасидан анчагача қўлини олмай. – Бошингга бирор иш тушганида каминани эслагин, иншооллох, тирки бўлсам, сендан ёрдамимни дариф тутмасмен!

Темур қўлини кўксига босиб: “Раҳмат, тақсир”, – деб қўйди.

Аҳмад бирқулоқ қози билан Қора Давангга Ундарегача пиёда эргашиб борди-да, кечга яқин эшакларни ортига олиб қайтди.

Хукмдор Мирсолибойникида кечгача дам олиб, кейин ёзги саройга жўнамоқчи эди. Эхтимол, у Сарагулни кўрмаганида, шундай бўлиши турган гап эди. Лекин Мирсолибойнинг олдиндан тайёрланган хийласи хукмдорни бу хонадонга михлаб қўйди...

Мирсолибой шикордан қайтганларни, ҳатто хукмдорга соядай эргашиб юриш нуфузига муяссар бўлган казозоларни ҳам дарвозахонага туташ қилиб қурилган ташқари ховлидаги мехмонхонага тушириб, хукмдорнинг яқка ўзини: “Бир оз ором олинг”, деб ичкари ховлига олиб ўтди.

Хукмдор чорзарб қилиб қурилган ўн бир ёғочли уйга кирди. Хона дид билан бежирим қилиб безатилган. Де-

ворларга туркман гиламлари қоқилган. Тўрда ҳукмдорнинг бўй баравар сурати осиб қўйилган. Давлатпаноҳ ўзининг бу хайбатли суратига диққат билан тикилди: тахтга янги чиққан пайти экан – либослари ўзига чандон ярашган, нақ манглайида – хаворанг салласига қадалган чўғдай гавҳар ловиллаб ёниб турибди, ўнг қўлида қилич...

– Маъкул! – деди у илжайиб, кейин остонада букилиб турган бойга ярим қайрилди. – Буни қаерда чиздиргансиз, жаноб бой?

– Питерда, хазрати олийлари, – деди бой таъзим қилиб. – Баъзи кимсалар бу хил ишлардан қусур ахтарурлар. Лекин менга қолса, ҳар бир мусулмоннинг уйида ҳам, дилида ҳам сиз давлатпаноҳнинг муборак сиймоингиз турмоғи фарз деб билурмен. Токи ул мусулмон чин мусулмон бўлса, бутун оиласи бирлан беш маҳал намозни сиз хазрати олийларининг сувратингизга қараб ўқимоғи даркор. Каминаи ғарибингизнинг пушти камаридан бунёд топган қизим Сарагул сўнги кунларда намозни нукул мана шу Юсуфмонанд сиймоингизга қараб ўқишни ихтиёр этмиш.

Бу гап давлатпаноҳнинг етмиш икки томирига малҳамдай ёкиб кетди.

– Ташаккур, бой – деди у, – Сарагулга айтинг, менадан тортиниб бугун намозни қанда қилмасин.

– Иншоолоҳ, айтурмен, деди бой соқолини силаб. – Мархамат, ўтирсинлар, мен hozир...


Бой эшикни ёпиб, чиқиб кетди. Ҳукмдор бундан етти-саккиз йил олдинги навжувон пайтидаги суратига қайта-қайта тикилиб, оёғи остидаги барқут қўрпачага аста чўкди. Бир жуфт парёстикни қўлтиғи остига тортди-да, хузур қилиб керишди.

“Ғийт” этиб эшик очилди. Ҳукмдорнинг хаёли бўлиниб, кўзларини эшикка қадади: остонада бошида зар уқали, шафтоли гули рангидаги рўмол, эғнида ёқаси зар жиякли, олди очиқ кундал камзули остидан хонатлас қўйлаги ялтираб бир қиз турарди; қўлидаги тилла патнисчада анор катталигича қирмизи чойнак, лабига олтин суви юритилган икки дона пиёла...

Қиз таъзимда хиёл эгилиб:

– Ассалому алайкум, аъло хазрат! – деди булбул хонишига монанд ёқимли бир товушда. – Муборак қадамингизга хасанот, хазрати олийлари!..

Ҳукмдор жойидан ярим кўзғалди, кўзларини қиз-



нинг ярим очик юзига қадади: кизнинг шохиста юзи, қон-қора туташ қошлари, икки чаккасидаги жингалак-жингалак зулфи, эндигина сабз урган майсага тўкилган шабнам катрасидай йилтираб турган лаблари – ҳамма-хаммаси фусункор ва жозибали эди.

Не-не номаъқулчиликлар билан кўзи пишиб кетган ҳукмдор ҳаяжондан эҳтиётсизлик қилиб, киз олдида “қилт” этиб ютинди. У бир лаҳза бўлса-да, хусн-малоҳат олдида довдираб қолган эди. Сарагул буни сизди, юзига хиёл табассум югурди. Ҳукмдор дарров ўзини кўлга олди.

– Келинг, – деди овози хиёл титраб, – яхшимисиз?

– Раҳмат, аъло ҳазратим, – деди киз. – Сояйи давлатингизда сиз киблагоҳимизга ҳамиша омонлик тилагида-мен!

Шаддод кизнинг жавобидан ҳукмдорнинг оғзи қуло-фига етди.

– Ташаккур, Сарагул. Салтанатим омонлигини сиз-дай малоҳатларнинг дуосидан деб билурмен. Қани, мархамат, бирпас ўлтиринг.

Киз хона ўртасидаги хонтахтанинг бери томонига – ҳукмдор рўпарасига келиб ўтирди. Чой қуйиб узатди. Ҳукмдор узатилган пиёлани кизнинг оппок билагига билан кўшиб ховучлади...

Амир кечаси бойникида тунаб қолди. Эртасига жўнаб кетиш олдидан елкасидаги заррин тўнни ечиб, уни ўз кўли билан Мирсолибойнинг елкасига ёпди. Бу – “куёв”-нинг ўз “қайночаси”га қилган шохона инъоми эди.

Ҳукмдор фойтунга ўтираётиб, бойга яна бир муруват қилди: белидаги олтин сопли қилични олиб, бойга узатди.

– Муллага айтинг, Сарагулнинг никоҳини мана шу қиличга қараб ўқисин!

Бой қилични икки қўллаб олиб, соқоли ерга теккудек эгилиб таъзим қилди ва қиличнинг даммини лабига босди. У ҳукмдорни Чорраҳагача кузатиб борар экан, якка-ю ягона қизи Сарагулнинг бахти шохона бўлиб очилганини ўйлаб, тангрига шукроналар ўқиди.

Мирсолибой эртасигаёқ Сарагулни ҳарамга жўнатиш тараддудига тушди. Зумда кишлоқнинг казо-казолари ҳа-бар қилиниб, тушда келиннинг фотиҳа ошииси тортилди.

Никоҳ хутбасини ўқимокка кишлоқ мулласи Қанд бобони чақирди. Эчкисоқол, ориқ ва новча бу мулла

хутбани бойнинг раъйи билан ичкари ховлида – келин билан куёв ковушган уйда ўқийдиган бўлди. Таомил бўйича кишлоқ оқсоқолларидан беш-олти киши маросимга таклиф этилди. Улар маросим охирида келин-куёв шаънига мадху сано ўқишлари керак эди. Мулла чинни косада сув келтириб, хонтахтага қўйди. Хонтахтанинг бир томонида – икки кайвони кампир ўртасида келин сузилиб ўтирар, хонтахтанинг иккинчи томонида амир қолдириб кетган олтин сопли қилични жиккаккина бир муллавачча тик тутиб турарди. Шу пайт бой уй тўрига ўтиб, харир шойи пардани очиб юборди. Маросимда ўтирганлар бошида тож, қўлида қилич тутиб турган ҳукмдорни қўриб, беихтиёр жойларидан қўзғалиб кетдилар ва дархол таъзимга эгилдилар.

Мирсолибой уларнинг безовталанганлигидан қахқахлаб кулиб:

– Ўтиринглар, жаноблар, бу олампаҳо ҳукмдоримизнинг сувратлари-ку! – деди қилган ҳазилидан ўзи завқланиб. – Ўтиринглар, хутбани бошланг, Мулла Қанд!

Мулла Қанд жойига ўтираркан, яктагининг ёқасини очиб, кўксига икки-уч марта тупуриб қўйди.

– Бунақа ҳазил қилманг, бой, юрагим чаппа-чиллик бўлиб кетди.

Сарагул ичида кулиб қўйди. Тумонатда ўзини казоказо деб юрганларнинг ҳукмдорнинг жонсиз суратидан шунчалик қўрқиб, довдирашлари унга зимдан нашъа қилган, танасини ифтихор туйғуси тамоман қамраб олган эди: “Билиб қўйинглар, менинг соҳибқироним мана шунақа зот!..”

Мулла Қанд бой ҳазилидан кейин ўзига келолмади, гоҳ тутулиб, гоҳ янглишиб хутбанинг арабча қисмини зўрға тугатди. Кейин бир ҳукмдор суратига, бир амир қиличига қараб, мурожаат қилди:

– Қиблагоҳи олам, бу хайрли ва файзли маросимда ҳозир бўлиб турган шу бокира қизни мусулмончилик никоҳи билан хотинликка қабул қилурмисиз?

Ҳукмдорнинг қиличини тик тутиб турган кўса муллавачча:

– Қабул қилурман... – деди минғиллаб.

Қиз муллаваччанинг ноўхшов, занчалиш товушини эшитиб, бирдан сесканиб кетди. Шу пайт Мулла Қанд қизга мурожаат қилди:

– Оқила ва бокира бўлганингиз ҳолда шу хайрли ва

файзли маросимда ҳозир бўлиб турган шу йигитга... – Мулла Қанд қиличга алоҳида ишора қилиб, яна келинга юзланди: – шу йигитга ўз танангизни топширишга розимисиз?

Қиз бир сапчиб тушди.

– Қайси йигитга?! – деди юзидаги чимматнинг бир учини кўтариб. – Вой-ой, ўлай, шу кўсагами?

Кайвонилар бир томон, оксоқоллар бир томон бўлиб кизни зўрга тинчитдилар:

– Таомили шунақа бўлади, кизим... Шу тилла сопли қиличнинг соҳиби, етти кишварнинг яктоси хазрати олийларига розилигингни сўраптилар. Розиман дегин, бўтам, розиман де!..

Қиз кўнгли жойига тушиб, нақ манглайида – рўпарасида тик турган ҳукмдор суратига қараб, юраги хаприк-киб:

– Розиман, – деди шошиб, – розиман!

Зўраки никоҳ маросими тугагач, бой қилични ҳукмдор сурати ёнига осиб, харир шойи пардани яна тортиб қўйди.

Таомилга кўра, сепли келин борадиган уйнинг пойостонасигача уни қавму қариндошларидан иборат хотинхалаж қудалар, келиннинг дугоналари узатиб бориши шарт. Келин ва қудалар тушган икки фойтун, уч арава-ни хос навқарлар Ундаредан ҳарамгача кузатиб борадиган бўлди. Олдинги фойтунда бойнинг энг севимли тулпори – ҳукмдор шикорга миниб чиққан қора арабий от қўшилган фойтунда келин ўтирар эди. Унинг ёнида Сарагулнинг ўзи тенги дугонаси – шундоқ девор-дармиён қўшниси Ҳанифахон бор эди. У келин узатгани жўнашга аввал унамади, лекин Мирсолибой унинг ота-онасини ўртага солганидан кейин, хусусан, Сарагулнинг дугонасига илтижо билан қилган обидийдаси кизни бир оз юмшатди. Қўшни қизнинг юраги зимдан нохушлик шарпасини сезиб турган бўлса-да, Сарагулнинг: “Истаса-истамаса, Ҳанифани ҳарамда ўзимга канизакликка олиб қоламан” деган махфий ниятидан у мутлақо беҳабар эди...

Ҳанифанинг қисмати Сарагул айтганидай бўлди: эртасига ҳамма қудалар изига қайтди, фақат Ҳанифа билан қора Рахш ҳарам хизматида қолди. Бегойимнинг хоҳиши шундай эди, бу хоҳишни ҳеч ким икки қилол-мади...

СЕВГИНИ ЯШИРИБ БЎЛАДИМИ?

Темур отасининг вафотидан кейин халоват кўрмади хисоб: кулбаларини қум босди, қуни дарбадарликда ўтди. Узоқ қариндошлари Бадал бобони қора тортиб Ундарега келди. Жигар – жигар-да. Темурнинг фиғонини эшитгач, чолу камшир роса йиғлашди. Кейин Бадал бобо арава топиб, уларни Қумбосди қишлоғидан кўчириб келди. Бобо Темур билан онасини ўзининг мўъжазгина этик-дўзлик дўконига жойлаб қўйди.

Ўшанда Бадал бобонинг кизи Ҳанифа ўн беш-ўн олти ёшлар чамасидаги кўркамгина киз эди. Ҳанифа уйлари-нинг орқасидаги ўрикка аркон ташлаб, қўшниси Мирсолибойнинг кизи Сарагул билан арғимчоқ учарди.

Сарагул Ҳанифага нисбатан тетикроқ, анча шаддо ва попуқдаккина киз эди. Бир куни кизлар чуғуллашиб, Темурни холи-жонига қўймай ўртага олишди:

– Арконни ўрикнинг хув анави баланд шохига ташлаб беринг, жон акажон, – деб ялинди Ҳанифа.

– Йўқ деманг, Темур ака, – деди Сарагул ҳам ёлвориб. – Биласизми, баланд шохга узун қилиб боғланган арғимчоқ узоқ учади, қандоқ маза... Йўқ деманг энди...

Темур кизлар баланд шохдан йиқилиб-негиб юрмасин, деб бир оз тихирлик қилиб турган эди, Сарагул бирдан тутаклиб кетди. Ҳанифани “сен жим тур” дегандай нари итариб, ўзи Темурга яқин келди.

– Қимайсизми? – деди у Темурга қутилмаганда пўнса килиб. – Йўқ десангиз, дадамга айтаман. Дадам буюрганларидан кейин шундай қиласизки...

Темур “ялт” этиб Сарагулга қаради. Кўнгли алланечук бўлиб кетди: “Ҳозирдан шунча димоқ-фироғу, шунча пўнсами?”

Шундай бўлса ҳам, кизлар раъйини қайтармади, улар айтган шохга аркон ташлаб тушди. Шундан кейин Темур ўзини иложи борича Сарагулдан узоқ олиб юрди. Ҳанифани ҳам: “Ундан нари юргин”, деб огохлантириб қўйди. Лекин Ҳанифа бахона Сарагулнинг қадами бу ховлидан сира узилмас, қачон қараманг, арғимчоқ учгани-учган эди.

Бир куни Ҳанифа қудуқ бошига сувга кетган эди, ховлига Сарагул кириб келди. Темур ўрик соясида маҳсига ямоқ солиб ўтирарди. Сарагул келибоқ арғимчоқка осилди-да:

– Арғимчокни силкитиб юборинг, Темур ака, – деди.
– Силкитмасам дадангизга чақмайсизми, ишқилиб? – деди Темур кулиб.

– Энди сизни сира ҳам чақмайман, Темур ака, – деди киз бирдан кўзлари жавдираб, йигитга суқ билан боқаркан. – Энди, биласизми, дадамга сизни мақтайман...

Темур яна кулди.

– Мени мақтайдиган нима борки, мақтайсиз, Сарагул? – деди йигит қўлидаги буришиб кетган маҳсини кўрсатиб. – Бадал бобомдан ўрганган ямоқчилик касбимни мақтайсизми? Нима қиласиз ёлғон гапириб?

– Ўлай агар, ёлғон эмас. Сизни... сизни энди мақ... – киз тутилиб, кўзлари порлаб, икки ёноғи лов-лов ёниб, деди: – Сиз... сиз... яхши одамсиз!

Сарагул юзини терс ўгириб, арқонга чирмашди. Йигит ўтирган жойидан ярим кўзғалиб, арғимчокни силкитиб юборди. Кейин ўзини четга олиб, иложи борича кизга қарамай ишини давом эттирди. Сарагул икки-уч арғимчоқ учиб, бирдан ўзини Темурга қараб отди. Йигитнинг елкаси аралаш бўйнига маҳкам чирмашиб, унинг ярим қайрилган юзидан чўлп этиб ўпиб олди!..

Темурнинг танаси чўғдай ёниб кетди. Бирдан ўзини кизнинг ловуллаб турган бағридан суғуриб олди.

– Бундай қилманг, уят бўлади... Уят бўлади! – деди Темур кизариб-бўзариб кизни ўзидан нари итараркан. – Дадангиз кўриб қолсалар, ахир... ёмон бўлади!

Киз этагини қоқиб ўрнидан турди: илк мухаббатини, биринчи ўпичини, бутун ёниқ кўксини унга бахшида этса-ю, балоғат остонасида турган бу норғул йигит унинг кўкрагидан нари итарса... Йўқ, бу йигит кишининг киз олдидаги гуноҳи, сира-сира кечириб бўлмас гуноҳи азимдир!

– Сиз дадамдан эмас, Ханифанинг кўриб қолишидан кўрқяпсиз! – деди Сарагул ичидан хуруж қилиб келган ғазабдан ҳам товуши, ҳам танаси титраб. – Сиз... номард... номард экансиз!

Сарагул юзига қўлларини босганича уйларнинг орқасидаги чорбокка югуриб кириб кетди...

Темур Бадал бобонинг этикдўзлик дўконида икки йилча яшади. Бобо Темурдан ҳеч нарсани дариф тутмади: ўзи нима еса, унга ҳам едирди, ўзи нима ичса, унга ҳам

ичирди. Темур онасининг жасадини ҳам шу хужрадан чиқариб, тупроққа топширди.

Ўшанда қахратон киш эди. Бадал бобо совук хужрада Темурни якка қолдирмай, ўзининг иссиқ бағрига олиб кирди. Энди тўрталаси – чол, кампир, Ҳанифа ва Темур сандалнинг тўрт бурчида ётишарди. Пастаккина сандалга тўрт жуфт оёқ кирганида, хусусан, уйку пайти оёқлар устма-уст бўлиб, қалашиб кетар эди.

Бир куни Ҳанифа уйқусираб қўлини Темур томонга чўзди-ю, алланималар деб эхтирос билан пичирлади-да, кейин ёнбошига ағдарилиб, яна пишиллаб ухлаб қолди. Темур анчадан бери шуни кутиб юрарди: киз уйғонгунча қўлини кўрпа остида меҳр билан силаб чикди! Ҳанифа уйғонганида қўли Темурнинг панжаларида эди. Қиз қўлини атайлаб тортиб олмади, йигит ўзидан билиб қўйвормади. Бармоқлар бир-бирига маҳкам чирмашиб кетди. Ёстиклар яқин сурилиб, лаблар бир-бирини излаганида... Киз секин шивирлади:

– Сарагулни нега хафа қилдингиз?

– Сабабини ўзи айтмадимми?

– Сабабини аниқ билмайман-у, лекин сиздан қаттиқ аразлаган.

– Дугонангиз учун, ишкилиб, сиз аразламайсизми мендан?

– Асло. Мен шундай бўлишини истагандим.

“Бу нима дегани? – деб ўйлай бошлади Темур. – Рашк қиляптими? Мени кизғаняптими? Нега?”

– Сиз шундай бўлишини истайсизми? – деди Темур анчадан кейин.

– Ҳа, – деб шивирлади киз. – Шундай бўлгани маъқул. У тантик киз сиздан аразлаганида... мен... мен бир оз тинчийман!


Темур нима дейишини билмай қолди. Жимлик чўкди. Анчадан кейин йигитнинг қулоғи остидан кизнинг бахор шабадасидай майин ва ёқимли товуши шивирлаб ўтди:

*Олма отдим ошириб,
Юрагимни тошириб...*

Нечукдир киз жим қолди. Йигит давомини кутди, сўнг киздан унинг якунини кистади.

– Энди у ёғини сиз айтдинг, – деди киз.

Навбат йигитга қолди. Қизга яна яқинроқ сурилиб, унинг қулогига секин шивирлади:



*Қачонгача юрамиз,
Севгимизни яшириб.*

Севгини яшириб бўладими?

ТАҚДИР ЧОРРАҲАСИ

Темур яйловдан қайтиб келганида, Бадал бобонинг уйи хувиллаб қолган, худди ўлик чикқан ҳовлига ўхшарди. Темур эшакни оғилга киритиб, охурда емиши бор-йўғига қарамай, шошилиб супага чиқди. Ҳар сафар даладан қайтганида, “Темур акам келдилар”, дея унга Ҳанифа пешвоз чиқар эди. Темур бугун ҳам шуни кутди, лекин Ҳанифадан дарак бўлмади. Ҳовли сукутда, супада на Бадал бобонинг, на кампирнинг қораси кўринади. Темур дурустрок разм солиб қараса, супа бу яқин орада супурги кўрмаган, шўр тупрок пўрсиллаб ётибди. У рўпарасидаги уй эшигига қараб турди – Ҳанифанинг чиқиши-ни яна бир лаҳза кутди. Йўқ, у чикмади. Темур қизга илҳак бўлиб, аслида унинг хумори тутиб келган эди. Келишига яна бир сабаб, Темур тонгга яқин туш кўрди: Ҳанифа бир гуруҳ қизлар даврасида рақсга тушаётган эмиш. Темур унинг хиромига бир дақиқа анграйиб қараб турибди-да, кейин шодон қийқириб, Ҳанифага овоз берибди. Белидаги белбоғини ечиб, бир учини Ҳанифага узатган экан... у Темурга юзини тескари ўгириб, қизлар орасига кириб, ғойиб бўлибди...

Темурнинг кўнглига гулғула тушди. Тушини ўзича таъбирлаб кўришга уринди – тиши ўтмади. Ҳайитбой билан Ахмадга айтди, лекин улардан ҳам аниқ бир гап чикмади. Ишбошидан бир кунга рухсат сўраб, йўлга тушди. Кела-келгунча туши ҳақида ўйлаб келди: “Ҳанифа нега мендан юзини тескари ўгирди? Нега бундай қилди, ҳайронман?..”

Супада тек, шуурсиз турган Темур уй эшигига қараб юрди. Остонада бир лаҳза тўхтади. Пойгакда Бадал бобонинг ўзи тиккан, Темур қишда ўз қўли билан сайқал берган икки жуфт кавуш. Ҳанифанинг кавуши негадир кўринмади.

“Демак, Ҳанифа уйда йўқ, – деб ўйлади Темур. – Қизик, қаерда бўлиши мумкин?”

Ичкари кирди. Уйга разм солди: тўрда сандал, усти-

даги кўрна наридан-бери йиғиштириб қўйилган. Сандалдан берида, намаатда ёнма-ён иккита кўрпача тўшовлиқ. Бирида бобоси, бирида бувиси – иккиси ҳам бемажол ётибди. Сас йўк, хона сукутда. Сандалдаги кўрпада барок мушук пихиллаб ётибди. Мушук одам шарпасини пайқаб бошини кўтарди, эринибгина миёвлади, кейин эгасини таниб, бир сакраб сандалдан тушди-да, Темурнинг оёғига суйкалди.

“Нега булар бемахалда ётишибди? – кўнглидан хавотир кечди Темурнинг. – Ўзи нима бўлган бу ховлида? Ханифа қаерга кетган бўлиши мумкин? Сандал нега шу кунгача уй тўридан олинди, ўрни саранжомланмабди, хайронман?.. Ханифа иккимиз баҳор келди дегунча уйдан аввал сандални чиқариб қўярдик. Қийин иш эмас бу, Ханифанинг ўзи саранжомласа ҳам бўларди-ку?”

Темур Бадал бобонинг бошига келиб чўнкайди, каткат ажин босган манглайига кафтини қўйди. Чолда иситма йўк, лекин бутун вужуди лохас, мажолсиз. Бобо кўзини очди.

– Э, бўтам, келдингми? – Бобо кадини ростлади. – Кампир, ўғлинг келди, тур.

– Нима гап, бобо? – деди Темур томоғига бир нарса тикилгандай. – Ховли тўзиб кетибди, сизлар мунақа ахволда... – Шу пайт ёнбошидан кампирнинг заифгина товуши чиққан эди, Темур унга томон қайрилди. – Сизга нима бўлди, ойижон?

Кампир Темур кўмагида туриб ўтирди. Йиғисини ичига ютиб турган экан, бирдан икки муштани кўкрагига уриб, уввос солди:

– Ханифадан айрилдик, Темуржон... Жудо бўлдинг синглингдан, болам!.. Хаммасига худобехабар анави беимон бой сабаб. Мирсолибой мен билан бобонгни авраб, бошимизни айлантириб, Ханифани Сарагулга қўшиб, харамга жўнатди. Қайтиб келмас қилиб жўнатди, болагинам!

Темур ҳеч нарсага тушунмас, хайрон ва лол, кўзларини пирпиратиб гоҳ кампирга, гоҳ бобосига қарарди.

– Бундок... тушунтириброк гапирсаларинг-чи... Ханифани Сарагулга қўшиб дейсиз... Ун беш кунда шунча хангома чикдими? Ахир, Сарагул харамда нима қилади?

Бадал бобо Темурни ёнига ўтқизиб, ўзи ёстикқа тирсагини тираб чўзилди-да, бўлган воксани бир бошдан айтиб берди.

– Бир хафтадан бери ахволимиз шу, болам. Бу сўқир кўзларимизда на ён колди, на нам... – деди охирида чол нафаси бўғилиб. – Гох кампир хушдан кетиб қолади, гох мен. Бечора Мулла Қанд хар куни икки маҳал кириб, холимиздан хабар олиб турибди.

– Ўлдираман бойни! – деди йиғи, хўрлик тикилиб келган бўғзига пичокни яқинлатиб. – Мана шундай қилиб нақ бўғзига пичоқ соламан!

Чол билан кампир Темурнинг этагига ёпишишди.

– Ундай қилма, болам, ўзингни нобуд қиласан, – деди Бадал бобо зорланиб, – бой жуда ноинсоф одам. Кампир билан иккимиз кўп ялиндик, оёғига бош уриб кўрдик. Битта гапни топиб олган баттол: “Қизларинг ўз хохиши билан ҳарамда колган”, дейди.

– Ёлғон! – деди Темур жаҳл билан. У худди бой билан юзма-юз туриб гапираётгандай қаҳр-ғазабга тўлган эди. – Қўйиб юборинг, бой билан ўзим бир гаплашиб кўрай.

Чол тиззалаб туриб, Темурнинг белбоғидан маҳкам тутди.

– Мени ота, мана бу кампирни она билсанг, бу раъйингдан қайт.

Шу пайт хонага Мулла Қанд кириб келди. У Темурнинг елкасидан қучиб, анчагача унга насихат қилди.

– Каминанинг ризқи одамлар устида: бойлар чақирса, бойларникига бораман, фуқаро чақирса, фуқароникига. Нимасини яшираман. Асли насабим фуқародан, осмондан чалпақ ёғилса ҳам ризқим яримта. Рост гап шу-да. Раъйимдан чикма, гапимга қулоқ сол. Мирсолибойга худо бас келмаса, Темуржон, бандаси бас келолмайди.

– Тўғри, эҳтимол бас келолмасман, – деди куйибпишиб Темур, – лекин бу кўргуликка жимгина қараб туrolмайман-ку, мулла бобо. Барибир, бойга юзма-юз бўлишим керак!

Мулла Темурни яна қучди, елкасини силади, юпатди.

– Кечикдинг, бола, гапимга ишон. Мирсолибой шу тонгда Қизил Ўрдага жўнаб кетди. Етти туя жун, ўн туя пахта олиб кетди. У ерда унинг қанча-қанча савдо дўконлари бор. Энди у бир ойдан кейинми, икки ойдан кейинми, савдо ишлари битса қайтади.

Темур бўшашиб, жойига ўтириб колди.

Шундан кейин Темурнинг фигони кўкка кўтарилди: бир хафтача ўтирса – олов, юрса – чўғ бўлиб юрди. Ахири, чидаёлмади – Ханифанинг бирор дараги чикиб колар, деган илинжда таваккал йўлга чиқди...

Тушга яқин Калта минорнинг ўнг ёнбошидаги пастаккина чойхонага кирди. Одам сийрак эди. Сири кўчган патнисда нон, сопол косада шинни олиб, чойхонанинг чеккароғига бориб ўтирди. Чойхоначи болага чой буюрди. Рўпарасида, мўъжазгина хонтахтанинг нариёғида қорачадан келган, қиррабурун, манглайи ўртасида бош бармоқнинг юзича келадиган аффон ярасининг доғи қолган, пилтаси чиққан дўппи кийган йигирма беш ёшлар чамасидаги йигит ўтирарди. Темур салом берди. Йигитдан сас чиқмади: боши эгик, бир нуктага тикилганча мик этмай ўтирарди.

Чойхоначи бола бир чойнак чой келтириб қўйди. Темур чойни уч марта қайтариб, бир пиёла ичди. Йигитга гапиришга истихола қилди, индамади. Дурустрок разм солса, йигитнинг кўзлари юмук: “Ё тавба, ўтирган жойида бемалол ухлайдиган одамлар бор-а, дунёда?” – деб ўйлади. Кейин у билан умуман кизикмай қўйди.

Анчадан кейин рўпарасидаги йигит чуқур бир тин олиб: “Таваккал”, деб пичирлаб қўйди. Ўз товушидан ўзи бирдан хушёр тортиб, қаршисида чой ичиб ўтирган нотаниш йигитга ялт этиб қаради. Темур шуни аниқ пайқадикки, номаълум йигит “таваккал” деганида танаси хиёл чайқалиб, хонтахта четида турган ўнг қўли бир лахза мушт бўлиб тугилди-ю, яна тезда очилди. “Демак, у нимадандир безовта!” – ўйлади Темур. – Негадир асабий!”

Темур йигитга бир пиёла чой қуйиб узатди...

– Чойингиз совиб қолди чоғи, ака, олинг, иссиғидан ичинг.

Йигит бир оз хижолат бўлди. Саросималик билан пиёлага қўл чўзар экан:

– Узр, ука, – деди андак қизариб, – бир оз хаёлга толиб...

– Зарари йўк, ака, – деди Темур уни хижолатдан чиқариш учун. – Хайрият, биз бечоралар шу хаёлни ҳам бировдан қарз олмаймиз. Хаёл сурганда бир оз фароғат топасан одам.

– Шундай, – деди йигит боши билан тасдиқлаб.

– Айбга буюрмайсиз, ака, бир оз безовта кўринасиз?

– Бўлса бордир, – деди йигит.

– Бирдан “таваккал” деб юбордингиз, мен ўйладимки...

Йигит бир оз сукутга толди, кейин Темурнинг синчковлиги кўнглига ботганлигини сездирар-сездирмас, секин деди:

– Бирор таваккал ишга бош кўшганманки таваккал деганман-да, – деди кўлидаги пиёлани қайтариб бериб. – Бунинг нимасига ажабланасиз?

– Ажабланганим йўқ, – деди Темур гапни бир оз юмшатиб, – сиз айтган ўша “таваккал” мен уйим остонасидан айтиб чиққан “таваккал”га ўхшаб кетяпти-да. Шу боис сўрадим, малол келмасин, ака.

Темурнинг бу гапидан йигитнинг кўнгли хиёл равшан тортгандай бўлди.


– Яхши йигит кўринасиз, гапларингиз бамаъни...

Кўнгил-кўнгилдан сув ичар: бир оғиз ширин сўз бирига майл пайдо қилди. Ўртадаги дастурхонни кўшдилар – бири шиннига, бири тутмайизга таклиф этди. Гапдан гап чиқиб, забун тақдир чоррахасида турган бу икки йигит ўхшаш кўргилик туфайли бир-бирига анча сирдош бўлиб қолди...

Сирож асли Кумушкентдан, Абдурайимбойнинг қўйчивони эди. Ёшлигида ота-онаси ўлиб кетган. Саттор амакисининг кўлида катта бўлган. Амакиси илми бор одам эди. Уйда оғзияга солгудек ҳеч бир вако топилмаса-да, ёстикдай-ёстикдай келадиган китоблар қалашиб ётар эди. Жияни Сирожга ўқиш ва ёзишни ўргатди. Иккисининг ҳам тирикчилиги бир ҳисобда одамлар устидан эди: амакиси фуқаронинг арз-додини қоғозга битиб берар, шу хизматидан неки тушса, шунга қаноат қилишарди. Амакиси раҳматли Сирожнинг пешонасига сифмади – бир кечада ўлиб қолди.

– Етим-есирларнинг бахти ўзи шунақа – бир оз чигалроқ келади, – деди Сирож Темурга қараб. – Бу хусусда амакимнинг қизик бир нақллари бор эди: “Жўжанинг толеи бўлсайди – товукқа эмчак битарди...” Қишлоғимизда Қомат бобо деган чорикор бор. Бобонинг Наврўзой деган қизини севиб, энди тўй қиламиз деб турганимизда, толсим чопмади. Иккимизнинг севгимиз ҳозир жар ёқасида турибди: эртага ё у ёқли, ё бу ёқли бўлади!

Темур ажабланиб сўради:



– Хўш, эртага бирор мужданинг дараги борми?
– Билмадим, – деди Сирож бошини чангаллаб, кейин Темурга яқин сурилиб, секин шивирлади, – рўпарангиздаги мана шу тош бино – козихона, кўряписизми? Наврўзой хозир шу ерда...

– Шу ерда? – деди Темурнинг кўзлари чакнаб. – Нега?

– Шунақа бўлиб қолди, иним, – деди Сирож вужуди ёниб. – Не қилай, кўргилик экан?!

“Қиз козихонага тушдимиз – тамом, – деб ўйлай бошладим Темур, – ё қозининг ўзи унга хуштор бўлган, ё олий нуфузли бирор кимсага пешкаш қилинади!”

Ўртага жимлик чўкди. Анчадан кейин Темур Сирожга тасалли бўлсин учун:

– Ҳарҳолда, сизники кўз ўнгингизда экан, – деди, – меники аллақачон машъум ҳарам гирдобига тушган. Ҳанифанинг фақат номигина менга хотира бўлиб қолди, ака!

– Ўзимдай дардманд кўринасиз, иним. Ҳанифа деганингиз ким ўзи?

Темур бутун саргузаштини айтиб берди. Сирож Сарагулнинг макр-хийласидан нафратланиб:

– Ўх, ёсуманни эмган шайтон-э! – деди сўкиниб. – Кўп қайғурманг, иним, мен билан сизга фақат битта бепул тасалли бор, у ҳам бўлса – умид!

– Тўғри айтасиз, умиддан бўлак қанақа таянчимиз бор бу дунёда!

– Янги гапни эшитдингизми?

– Йўқ.

– Водариф, – деди Сирож қўли билан тиззасини беихтиёр чангаллаб, – ҳукмдор яқинда туманда халойик билан катта йиғин – қурултой ўтказармиш. Туман қозиси итдай изғиб, сулув қизларни овлаб юрибди. Наврўзой ана шу овнинг биринчи қурбони бўлди.

– Нафасингизни иссиқ қилинг-э, Сирож ака, – деди Темур унга дашном берган бўлиб. – Ноумид шайтон, деганлар.

– Э, иним, нимасини айтай. Топган-гутганимни қозихона даллисига бериб тугатдим. Қизни қочириб бер, деса, кампир сира кўнмаяпти. Қўрқади. Қози теримга сомон тикади, дейди. Наврўзой фақат бир ўтинча турибди: Сирож акам мени бу зиндондан олиб қочсинлар, дермиш! Хўш, ўзингиз айтинг, бу мушкул ишни қандай уддалашим мумкин? Бу учун мендай бандаи мўминнинг

қўлида Аловуддиннинг сеҳрли чироғи бўлмоғи керак, иним!

Темур индамади, сукутда қолди. У ўша сеҳрли чирокни кўз олдига келтириб, болаларча тамшаниб, ичдан ўксиниб қўйди: “Аловуддиннинг шу сеҳрли чироғи менда бўлсайди, бошимдаги бу мушкулот, эхтимол, осон кўчармиди? Ўшанда Сирож акага ҳам ёрдамим тегарди...”

– Биласизми, иним Темур, – деди Сирож анча жимликдан кейин, – мен ҳозир ўшандай сеҳргар бир одамнинг этагидан тутганман.

– Йўғ-э, – деди Темур таажжуб билан, – сеҳргар дейсизми?

– Ҳа, – деди Сирож қатъий оҳангда, – фақат номи бўлак: Аловуддин эмас-у, Қора Даванг...

– Қора Даванг? Уни танийман. Ўн беш кун олдин ҳукмдор Ойдинқўл шикорига чиққанида, уни ўша ерда кўрганман, – деди Темур, кейин овда содир бўлган воқеалардан баъзи бирларини гоҳ мазах йўсинида, гоҳ кулиб айтиб берди. – Қизиғи шундаки, Сирож ака, яёв юрмаслик учун Қора Даванг ўзига ҳам, қозига ҳам маъкул йўл топди: “Ҳукмдор жаноблари отимизни отиб, бизни азбарои жазолаш учун отсиз қолдирдилар. Лекин эшак хусусида ҳазрати олийлари ҳеч нарса демадилар. Эшак эшак-да, бу махлуқ от бўлармиди?” – деди. Бирқулук қози билан иккисига эшак тутиб бердик.

– Ҳа, у ҳақиқий сеҳргар: ўзига ҳам, ўзгага ҳам йўл топишига ишонаман! – деди Сирож ўйга толиб. – Лекин... шарти оғир, жуда оғир, иним!

– Сўзланг, ака, қандай шарт?

– Бировга айтиб бўлмайди.

– Нахотки менга ишонмайсиз, ака? Такдиримиз бир бўлса, кулфатимиз бир бўлса...

– Ишонаман! – Сирож кўзларини номаълум нуқтага тикиб, паст, шивирлаган товушда дедди: – Ишонаман сизга, иним, биласизми, шарти қанака? Ҳукмдорга ўк узишим керак!

Темур сесканиб кетди.

– Нима? Ҳукмдорга ўк узасиз?

Ҳаяжонга тушган Темур ёниб-куйиб сўзларди:

– Ундай қилманг, ёлвораман сизга... Ўзингизни нобуд қиласиз. Ишонманг унақа сеҳргарга ҳам, унинг сохта сеҳрига ҳам!..

– Йўқ, энди бўлмайди, иним. Мен каломуллога мана шу шўр манглайинми босиб, қасамёд қилганман. Энди фойдасиз, иложи йўқ, Наврўзой учун ҳамма нарсага тай-ёрман, иним!

– Тўғри-ю, лекин... Хукмдор кайда-ю, сиз кайда? – Темур ҳам куюниб, ҳам ёлвориб деди. – Бу ишдан нақ дўзахнинг хиди келяпти. У қаллобнинг кўлига қандай тушиб қолдингиз, хайронман?

– Нимасига хайрон бўласиз, иним, – деди Сирож ташвиш тўла қиёфасини сохта осойишталикка мойил қилиб. – Касалнинг тузалгиси келса, табиб ўз оёғи билан келади...

Сирожнинг Қора Даванг билан учрашуви жуда қизиқ бўлган эди. Ўшанда Сирож яйловда қўй боқиб юрарди. Дарада хукмдор навкарлари ногаҳон пайдо бўлиб қолди. Қўй подаларини тўрт тарафга тум-тарақай қилиб хайдаб юборишди. Сирож анграйиб қолди. Уст-боши навкарлардан сал бошқачароқ – башанг кийинган, тақа мўйловли киши қўйчивон ёнига келди. Бу навкар эмас, хукмдорнинг энг ишончли мулозими Қора Даванг экан. Ўзини Сирожга шунака деб танитди. Кейин шерикларини чорлади: бирини Филай, бирини Чинок деб чақирди. Сирож қимиз қуйиб берди.

– Гап бундай, – деди Қора Даванг қимизни ичиб, косани чўпонга узатаркан, – қўйларингни бу яйловдан кўчирасан. Бу теварак-атрофда битта ҳам жонзот бўлмайди. Уч кундан кейин амирликнинг катта йиғини – қурултойи ўтади. Қурултойдан олдин бу яйловда кўпқари бўлади. Ҳазрати олийлари улоқ чопишини томоша қилиб, сўнг йиғинга борадилар. Кўпқари ўтиб бўлгунича бу ерга йўлама, бола, бўлмаса нақ бошинг кетади! – деди пўписа қилиб.

Сирож қўнди. Филай билан Чинок яйловни кўздан кечиргани от суриб кетишди. Қора Даванг яна қимиз сўради. Сирож коса тутди. У қимиз ичяпти-ю, Сирож бўлса унинг хайбатига қараб хаёл суряпти: “Наврўзой учун козининг устидан арз қилсам, арз-додим қўр олармикан? Ё амир хазратларига арзим бор десам, бирор ёрдами тегармикан бу хунасаннинг?” Хуллас, Сирож журъат қилиб, гап бошлади. Қора Даванг дам-бадам қимиз ичиб, Сирожнинг арзини охиригача эшитди, сўнг дарё томон от суриб кетиб қолди. На ха деди, на йўқ. Сирож

бемажол ўтириб қолди, ўзини-ўзи қарғади: “Арз-додинг-ни кимга айтиб ўтирибсан, эй, нодон!?”

Сирож мулозимнинг бу андишасиз хатти-ҳаракатидан қаттиқ ўксиди. Не хаёлларга бориб, не хаёллардан қайтди. Саттор амакиси бир пайтлар айтиб берган бағоят ситамли нақл беихтиёр хотирига тушди: “Фуқаро қозидан жабр кўрса – қозикалонга боради; мабодо қозикалондан жабр кўрса – кимга боради? Кимга борса борсин – бефойда, чунки барча ноҳақ ситамларнинг бошида ҳукмдорнинг ўзи турибди! Ситам кўрмаган одам бу гапни айтмайди, тўғриси, айтолмайди!” – деб ўйлади Сирож.

Сирожнинг хўрлиги келди. Хусусан, мулозимнинг ҳеч нарса демай кетиб қолгани туриб-туриб алам қиларди унга.

Анчадан кейин Қора Даванг яна от суриб, Сирожнинг ёнига қайтди. Отдан тушди. Сирожнинг тирсагидан тутиб, тўқайга олиб кирди. Кўкрагига бир мушт урди, йўк, оғритмай, беозоргина урди. Кейин унинг кўксига кўлини ниқтаб туриб, сўради:

– Бу ерда ўзи нима бор?

Сирож саволдан талмовсираб қолди, кўксини кўрса-тиб, сўради:

– Бу ердами? Бу ерда – кўкрак.

– Ичида нима бор?

– Ичида... юрак, ўпка, яна...

Сирожнинг пойма-пой жавобидан Қора Даванг кулиб юборди.

– Биладан, лекин ишқ-муҳаббат деган жонивордан нима бор? – деди тақа мўйловини бураб. Сўнг муштини яна Сирожнинг кўкрагига тақаб туриб, деди: – Бу юракдаги ҳавас хўрозқандга ўч бола ҳавасидай ўткинчи бир нарса эмасми, ишқилиб?

– Ҳақорат қилманг, тақсир! – деди Сирожнинг жаҳли чиқиб. – Мен Наврўзой учун ҳамма нарсага тайёрман. Жон керак бўлса, жонимни ҳам тикканман бу йўлга, тақсир!

– Яхши, – деди Қора Даванг, – журъатинг менга маъқул. Тоққа чиқмасанг, дўлона қайда, – деди хушнуд бир кайфиятда унинг елкасига қоқиб, – жон куйдирмасанг, жонона қайда... Энди гап бундай, сен учун битта йўл бор.

– Гапиринг, тақсир.

– Хукмдорни отишинг керак!

Сирож бир қат учиб тушди. Билиб бўлмасди: бу хунаса Сирожни синаяптими ё чин гапиряптими? Сирож унинг афтига қараб, ҳеч нарса англай олмади: юзи мумдаё қора, чап кўзи юзи билан қўшилиб тез-тез пир-пираб учиб туради, коп-қора мўйлови от такасидай дўрдоқ лабининг икки чеккасида осилиб ётибди. “Алҳазар, – дея ёқасини ушлади Сирож, – нахотки, бу одамнинг юзидан, кўзидан бирор нарсани англаб бўлмаса?! Тошдан тарашланган хайкалга ўхшайди, тавба!”

– Эҳ, нодон, – деди мулозим Сирожнинг чўчиганини сезиб, – шу яримта юрагу шу тиртиқ ўпка билан яна ошиқлик даъвосини қилиб юрибсанми?! Ҳақиқий ошиқлик, унинг йўлида жон фидо қилиш – Фарҳоду Мажнунлар билан ўтиб кетди. Сен хезалақдан на Фарҳод чиқади, на Мажнун. Мишиғингни артиб ол. Хукмдор қурултойга келган куни қози суйган жононингни амир ҳазратларига пешкаш этиб, худди қизил олмадай қилиб қўйнига солиб беради. Сен мишиғингни ялаб юравер, – деди Қора Даванг Сирожни мазах қилиб, кейин таҳдид товушида деди: – Гап шу ерда қолсин. Оғзингдан гуллаб юрсанг, билиб қўй, ёш жонингга жабр бўлади!

Мулозим шартта орқасига қайрилиб, отига миниб кетмокчи бўлди. Сирожнинг боши айланиб, кўзи тиниб кетди. Ўзини унинг оёғи остига қандай отганини билмай қолди. Чакмонининг этагидан маҳкам тутиб, ялина бошлади:

– Кетманг, – деди ёлвориб, – розиман. Лекин... қўйган шартингиз... мана бу савил қолгур калламга сизмай турибди, таксир!

Қора Даванг истехзоли қулди. Оёғи билан Сирожнинг бикинига туртиб, тур, деб имо қилди. Сирож турди.

– Бу ёғини менга қўйиб бер, нодон, – деди мулозим. – Амир билан сени ўзим юзма-юз қилурмен!..

– Ана шунақа гаплар, Темур иним. Туринг, қолган гапни ташқарида ганлашамиз, – деди Сирож юзига фотиха тортиб. – Бу ер димикиб кетди.

Темур чойхоначи бола эшитсин учун чойнак қопқоғини тақиллатиб, пиёлага танга ташлади...

ТАВАККАЛ

Хаво очик. Куёш тиккада. Чойхона остонасидан бошланган тақир яланглик ўргасида Калта минор гўё танасини куёш тафтига тутиб турган хайбатли пахлавонга ўхшаб, барваста қад кўтариб турибди. Ялангликнинг нариёғи козихона, пастаккина дарвозасининг бир табақаси очик.

Сирож козихона дарвозасига мунг билан қарай-қарай, Темурни у ердан эргаштириб ўтди. Иккиси минора орқасидан айланиб, жин кўчага кириб кетишди. Кўча ҳар хил чиқинди уюми билан тўлиб кетган жарликка келиб тугади. Улар жарлик ёқалаб козихонанинг орқа томонига ўтишди. Сирож рўпарасидаги баланд деворга ўрнатилган кийшиқ, занг босган темир дарча ёнига келиб тўхтади.

– Темуржон, – деди Сирож, – сиз хув анави қуриган дарахт панасида бирпас кутиб турунг мени. Андак юмушим бор бу ерда.

Сирож темир дарчани секин тортиб кўрди, очилмади. Яна тортди, чертди, кутди – тезликда ичкаридан жавоб бўлмади: “Ҳар дафъа келганимда далли кампир шу дарча олдидаги каравотда тикиш тикиб ўтирарди. Нега жавоб бермаяпти?” – деб хавотирга тушди Сирож. Нима қилишини билмай иккиланиб турганида, дарчанинг тирқишидан кимдир тўрт буклоғлик қоғоз узатди. Сирож қоғозни олди-да, Темур кутиб турган дарахт остига қараб юрди. У шошиб хатнинг қатини очди: қай кўз билан кўрсинки, хат у кутган хат эмас, балки далла кампир қўли билан битилган шумхабар эди!

“Йигит, энди мени тинч қўй. Иложим йўқ, ҳаммаси тугади. Таксир қози кизни менга ҳам ишонмай қўйди, уни ичкари уйга кўчириб, ўзи назорат қилиб турибди...” – Сирож хатнинг у ёғини ўқийлмади. Кўзи тиниб, боши айланиб кетди. Қўлидаги қоғозни беихтиёр вижимлади, кейин яна қоғоз қатини очиб, унга тикилди. Кўзлари қоғознинг бир жойига қадалиб тураверди:

“Иложим йўқ, ҳаммаси тугади...” – Яна қайтиб ўқиди, бу сафар овоз чиқариб, Темурга эшиттириб ўқиди:

– “Иложим йўқ, ҳаммаси тугади!...” Далли кампирнинг бу шумхабарини эшитяпсизми, иним? Бир ҳафтадан бери Наврўзойнинг қўли теккан, кўз ёшлари томган мактублари билан нафас олиб тургандим. Парвардигор

менга шуни ҳам кўп кўрди, иним! Энди камина билан Наврўзойнинг забун тақдиримизни ўша... фақат ўша – тақсир Қора Даванг қўйган шарт хал қилади!

Темур уни раъйдан қайтариш учун вазмин мулоҳаза юритиб:

– Сирож ака, – деди, – бу шартга кўниш ҳам, уни бажариш ҳам оғир, жуда оғир. Ёш бошингизни бундай таҳликага қўйманг, ўйлаб кўринг.

– Ҳаммасини биламан, билиб туриб барибир бажараман бу шартни! – деди ўртага бошқа гап сизмайдиган даражада катъий қилиб. – Бажараман, иним, бошқа иложим йўқ! Бир илинжим шу кампир эди. Бу нокас ҳам оладиганини олиб, нима қилай, энди юз ўгириб турибди.

Темур Сирожнинг қўлтиғидан қўлини ўтказиб, пастбаланд тақир яланглик бўйлаб аста-секин бошлаб келаверди. Улар кабристон сукунати чўккан тақирликда анчагача хангомалашиб бордилар. Тепа шохлари каллакланган, калтагина соя солиб турган гужум остида бир лахза тўхтадилар.

– Отишни биласизми? – деб сўраб қолди Темур бирдан.

– Милтиқ отолмаган чўпон чўпонми? Бўри бор, тулки бор... Мерган бўлмасам ҳамки, ҳарҳолда эплайман.

– Милтиқ кимники?

– Абдурайимбой берган, – деди Сирож, – Қора Давангнинг навқари кеча иккита ўқ келтириб, милтиққа жойлаб берди. Милтиқ тўқайда, яшириб келдим.

Темур хайрон бўлиб сўради:

– Иккита ўқ жойлаб берди дейсизми?

– Ҳа. Иккаласи ҳам захарланган экан.

– Захарланган?

– Филай шунақа деди.

– Амир билан қаерда тўқнашасиз?

– Эртага тушда яйловда кўпқари бошланади. Амир биринчи улоқни чавандозларга ўз қўли билан ташлаб берармиш. Кеча Қора Даванг Филай билан келиб, менга амир ўтадиган йўлни кўрсатди. Катта чошгоҳда амир Сарипул кўпригидан қайриладиган тўқай йўлига тушиб, дарё кирғоғи бўйлаб отда ўтади. Яйловга етар-етмас, йўлда бир букри жийда дарахти бор. Ана шу дарахт остида пойлаб ётаман. Қора Даванг отда амир билан ёнма-ён келаётган бўлади. Қора Даванг қўлидаги қамчи-

сини елкасидан ошириб, бошидан баланд кўтарган заҳоти... амирга қараб ўқ узаман!

– Ие-ие, Сирож ака, тўхтанг, – хайрон бўлиб Темур, – амирга рўбарў бўлиб ўқ узадиган сиз, хўш, бу ишда Қора Даванг қамчисининг нима дахли бор: кўтарадими, туширадими, кизиқ...

– Ким билади, – деди Сирож елкасини қисиб, – шартимиз шунақа. Ўқ заҳарланган, афтидан, бошқаларга шикаст етмасин дейдими, ишқилиб, иккимизга фойдали бирор тadbирни ўйлаган-да.

– Хўш, ўқ уздингиз, дейлик, амир йиқилди... Кейин нима бўлади?

– Кейин тўқайга қараб қочаман. Олатасир бошланади. Табиийки, ҳамма амир билан овора бўлади. Шунда Қора Даванг жаноблари мени тутиб олиш учун Ғилайни ортимдан юборади. У мени тўқайда тутиб олиб, хуфия йўл билан мана шу қозихонага олиб келади. Наврўзой билан иккимизни отда Хатирчига қараб қочириб юборади. Хатирчиди Қора Даванг жанобларининг одамлари бизни кутиб олади, кейин...

– Кейин... мурод-мақсадларингизга етасизлар, худди эртақдагидай. Шундайми? Афсус, эртакка ўхшамаган эртақ бу, чўпчак бу!

– Шундай, – деди Сирож Темурнинг кочиримини англамай. – Эҳтимол, бу қасоснинг сизнинг қисматингизга ҳам бирор фойдаси тегар... Амирнинг ўлимидан кейин ҳарам қопқаси ҳам очилиб қолар...

– Насиб, – деди Темур, – лекин ҳамма гапларингиз уйқу олдидан болаларга айтиладиган эртакка ўхшайди: ҳам лаззатли, ҳам даҳшатли, ҳам... Билмадим, яна қанақа? Ишқилиб, бир ишкали чиқмасайди. Ойдинкўл шикоридан кейин одамлар оғзида ҳар хил миш-мишлар юрибди: Қора Даванг шунақа бир сеҳргар мўлтонни эканки, хўкизнинг қаншарини силаса... жонивор бир пақир сут бераркан!

Сирож ўзини тутолмай кулиб юборди.

– Одамлар кизиқ, – деди анчадан кейин бир оз жиддий тортиб, – улар бировни ёмон кўришмасин, бировни яхши кўришмасин... Кўнгилларига ёқмаган одамга дарров дум тақадилар. Қап-катта одам каломуллои шарифни шафе келтириб, қасам ичса-ю, нахотки, яна сўзидан қайтса?!

– Нечукдир кўнглим така-пука, Сирож ака. Айтган

гапларингиз худди чўнчакдай. Бадал бобом айтадиган сиртига асал суртилган оғу хақидаги эртақларга ўхшайди.

Сирож ўзини тақдирга тан берган, вазмин бир қиёфага солиб, зўраки жилмайди:

– Ўйчининг ўйи битгунча, таваккалчининг иши битади. Мен сизга айтсам, Темуржон, таваккалдан зўри йўк!

Ўшанда бу гап Темурга ҳам анча маъқул тушди. Чунки унинг ўзи ҳам Ханифанинг изларини излаб уйдан чиққанида бир томонини таваккал қилиб йўлга тушган эди. Лекин Сирож таваккал деб босган қадам калтис, жуда қалтис эди. Шу боис Темурнинг кўнгли сира ёришмаётган эди.

– Бўйнингиздаги юмушни бажариб келгунингизча сизни шу чойхонада қутаман, Сирож ака, – деди Темур у билан хайрлашаётиб, – мабодо қайта учрашмасак, мен шаҳарга тушаман, мардикор бозоридан изланг.

Темур тақирдаги дўнгликка чиқиб, Сирожнинг орқасидан узоқ қараб қолди. Кўнгли нечукдир сушт тортиб кетди: кўзларига ёш келди...

ҚАСОС

...Сирож букри жийда остида писиб, милтиқ тепкисига бармоғини босиб, ҳукмдорни кутар эди...

Унинг қаршисида ҳар хил ўт-ғиёҳ билан қопланган эгри-бугри йўл. Йўлнинг икки ёни кета-кетгунча пастбаланд тўқай. Икки тиззаси ва тирсақларига тиралиб ёвжанақ бўлиб ётган Сирож букри дарахтнинг шох-новдалари орасидан тепага – қуёшга қаради. Вақт тушга яқинлашиб қолган эди. Ҳар бир дақиқа бамисоли йилдай чўзилиб ўтяпти, гўё тегирмон тошидай унинг кифтини эзяпти...

Шу пайт нарироқда бойкушнинг товуши эшитилди:

“Қу-у-қ”. Бирпас ўтмай қуш кўкка кўтарилиб, икки уч чарх уриб айланди-да, Сирож писиб ётган букри дарахтнинг қуриган шохига келиб қўнди. Яна чўзиб: “Қу-у-қ” деди. Сирожнинг ғашига тегди. Эшитгани бор, бойкуш сайроғини ёмонликка йўйишади. Ётган жойидан кесак кўчириб отди. Қуш учиб кетди, лекин товуши қаердандир анчагача эшитилиб турди...

Узоқдан от туёқлари дупури эшитилди. Ўн чоғли

аскар Сирож ётган пистирма ёнидан от солиб ўтиб кетди. Улар ортидан яна учга отлик ўтди. Улар кетгач, тўқайга яна сукунат чўқди.

Сирож йўлга қарашдан, рақибини кутишдан толиқди. Узоқдан яна отларнинг кишнагани эшитилди. Олдин элас-элас, кейин аниқ, яқиндан эшитила бошлади. Ху ана, тўқай муюлишида отлар тўдаси кўринди. Олдинда икки от – саман ва тўрик. Сирож саман отдагини амир деб тахмин қилди: зарбоф тўнда, белида олтин камар, тўқаси офғобда ялтирайди; ўнг томонидаги тўрик отда – Қора Даванг, ўзини ҳам, отини ҳам дарров таниди.

Сирожни кутилмаганда аллақандай бир хис – кўрқувми, хаяжонми босиб, тирноғигача музлаб кетди. Кейин танасини лоп этиб бирдан аланга қоплаб олгандай, тирноғигача ловиллаб ёниб кетгандай бўлди. У қўлидаги милтигини эпга сола олмай, дарахт ёнбошидан туртиб чиққан бачки шохга қўйиб, қўли титраб рақибини мўлжалга ола бошлади: бармоқ тепкида, фақат уни босиш қолди!..

Шу пайт... Ҳаммаси бир лаҳзада бўлди: пистирмага йигирма қадамча қолганда Қора Даванг камчисини бошидан баланд кўтариб... бирдан ўзини амир миниб келётган отнинг гарданига ташлаб, додлаб юборди:

– Эхтиёт бўлинг, олампадох, тўқайда қо-о-тил!

Қора Даванг саман отнинг ёлини маҳкам чангаллаб, бутун гавдаси билан амирни тўсиб, ўз кўксини қотил ўқига тутиб берган эди!

Амир довираб қолди. Назарида қулоғи остида нимадир “гарс” этди, кейин вишиллаган бир товуш тўқайга сингиб кетди.

Амирнинг кўзи тинди. Хоснавкарларнинг шов-шуви, отларнинг бесаранжом кишнаши уни баттар қарахт қилиб қўйди. Сарбозлар амирни дарров қуршаб олдилар.

Қора Даванг ўзини тезда ўнгариб, қотил ортидан тўқай ичкарисига қараб от солди. У йўлсиз, сўқмоксиз, қотил билан изма-из борар эди. Тўппончасини белидан суғуриб, қотилни икки марта отишга шайланди, лекин “бир оз ичкарироқ кирсин, ўша ерда гумдон қиламан” деган мақсадда қувиб бораверди. Бирдан қотилни кўздан йўқотди. Тўқай ичкарисидан отда юриш мушкуллашди. Юлғун, қора қамиш ва ёввойи жийда аралаш-қуралаш бўлиб ўсган, бирининг новда-танаси иккинчисига миниб-чирмашиб, йўловчига худди тўрдай тўсиқ солар эди. Қора

Даванг отдан кўра пиёда юришни маъкул кўрди: “Барибир узокка кетолмайди, – деб ўйлаб борарди у, – узокка кетолмайди...”

Кейин бирдан ўзининг отилгани эсига тушди, кўкрагини пайпаслаб кўрди, тўхтаб, банорас чопонининг ёқасини очиб каради. Отилган икки ўқдан бирортасининг ҳам унда асорати йўқ: икки ўқ амирнинг боши устидан ўтиб кетган эди!

“Ношуд, шуни ҳам эплаб отолмадинг-а? – деб Қора Даванг Сирождан аччиқланиб, алам билан кўкрагини чангаллаб кўйди. – Отиш қанақа бўлади, мен hozир сенга кўрсатиб кўяман. Шундай отайинки, зумда тилсиз гувоҳга айлангин. На бу дунёда, на у дунёда қайта тилга кирмай кетасан!”

Қора Даванг ўз хаёлларига ўзи фарқ бўлиб, тўппончасини олдинга ўқталганича, харсиллаб кетаётган эди, тарвақайлаб ўсган юлғун ортидан Сирожнинг ўзи товуш берди:

– Мен бу ердаман, таксир, бу ердаман!..

Қора Даванг тўхтади, уни кўриб вужуди титраб кетди:

“Падарлаънат, мен билан бекинмачоқ ўйнаяпсан-а?”

Сирож Қора Давангга қараб югуриб келаверди: ўнг елкасида милтиғи осифлиқ эди.

– Ассалом, таксир.

Қора Даванг индамади, уни аниқ нишонга ола бошлади. Мана, бармоғи тепки устида турибди...

– Амир... амир хазратлари ўлдими? – Нафаси тикилиб, харсиллаган товушда сўради Сирож. – Ўл-ўл-дими?

Бу сўроқдан Қора Даванг беихтиёр қалтираб кетди. Бутун вужуди бир лаҳза муз қотгандай бўлди: кўли ҳам, танаси ҳам, фикри ҳам...

Сирож ҳаммаси олдиндан келишганимиздай бўляпти деб ўйлар, шунинг учун ҳам Қора Даванг кўлидаги тўппончага қараб тикка келарди, Қора Давангнинг ортик сабри чидамади.

– Тўхта, қотил! – деди қазаб билан бақириб. – Сен амир хазратларининг ўлимини тилайсанми, газанда?

Қора Даванг тўппончани унга қарата устма-уст бўшатди. Сирож кўксини чангаллаб, ажриқ устига қулади.

– Не-е-га-а? Не-га? Қор-а-а Даванг жа-ноб-лари... бундай келиш-маган эдик-ку...

У икки-уч тўлғанди-ю, товуши ўчди.

Қора Даванг мурдани оёғи билан туртиб, жони чикканига тўла ишонч хосил қилгач, теварак-атрофга караб дод солди. Ҳаммадан олдин тўқайга Филай етиб келди. Келди-ю, бу ердаги қонли манзарани кўриб тамом гангиб қолди:

– Таксир, чўп... чўп-о-он болани отиб қўйибсиз-ку?!

Филайнинг афсус чекиб айтган норози оҳангдаги сўзлари Қора Давангни ўзига келтирди. Қўнгли бирдан гаш тортиди: унда негадир садоқатли навқари Филайни ҳам тилсиз гувоҳга айлангириш нияти туғилди. Агар тезроқ шундай қилмаса, чўпон бола билан ўртасидаги хуфия ишларнинг хашағи очилиб қоладигандай бўлиб туюлди.

Қора Даванг тўппончасини Филайнинг кўкрагига тиради.

– Чўпонга ачиняпсанми, соткин?!

Филай довдираб қолди.

– Ахир, таксир, унга ўзимиз...

– Ўзимиз?! – бўқирди Қора Даванг ва Филайнинг кўксига караб икки марта ўк узди. Кейин тўқайни бошига кўтариб яна дод солди. Энди чиндан ҳам йиғлаб, бўзлаб дод солар эди...

Мулозим ва сарбозлар қуршовида от солиб амир етиб келди. У икки навқар кўмагида отдан тушди. Чўзилиб ётган икки жасадни кўриб, қути ўчди. Қора Даванг амирнинг оёғига йиқилди:

– Бир қошиқ қонимдан ўтинг, олампадох.

– Гапир, – деди амир. – Тезроқ гапир, димоғимни қон хиди тутиб кетди!

– Қотилни орқасидан қувиб келиб, худди шу ерда тутдим. Қарасам, менга милтигини ўкताляпти... Ёнимда Филай турувди. Қотилнинг менга ўкталганини кўриб Филай чидаёлмади: бирдан унга ташланди, қўлидан милтикни тортиб олмоқчи бўлди. Қотил уни отиб қўйди. Бечора Филай тўлғаниб жон узяпти-ю, қотилни кўрсатиб: “Отинг!” – дейди. Кейин сабрим чидамади, давлатпадох, отиб ташладим!

Амир гарангсиб қолган эди. Саройда, ташқарида, ўзи оёқ қўйган теварак-атрофда тез-тез содир бўлаётган бу хунрезликлар унга қаттиқ таъсир қилган эди: “Бу қандай кўргиликки, етти кишварнинг назари тушган мамлакат аҳли фуқаросининг олампадохни бўлсам-у, каминага бирор осуда дам бўлмаса?! – Ранги қув ўчган, икки кошининг ўртасида паст-баланд бўлиб чимирилган амир ўз

тақдирига ўзи мунажжимлик қиларди. – Қадам боссам рақибим оёғим остидан чиқади, ишонган одамларим укув-сиз, телба-тескарни. Саройда фиску фасод, шикорга чиксам хунрезлик. Бирор сафолик кун бўладими-йўқми ўзи, эй, парвардигор?! Магарам, тахти олийга бирор нопок ғаламис аралашдими ё амирлик тахти кўзга кўринмас, нозик бирор еридан дарз кетган-у, бу фоний дунёдан каминанинг насибаси узилганми?! – Бу сўнгги фикрдан амирнинг вужуди титраб кетди: – Ё, алхазар, паноҳингда асра, эй кодири олам!..”

Амир Қора Давангнинг манглайи тираниб турган оёғини силтаб, унга тур, деб ишора қилди. У қаддини ростлади, худди гуноҳкорлардай яна таъзимга эгилди.

– Кўрдингизми, Қора Даванг жаноблари (амир биринчи марта унга шундай деб мурожаат қилаётган эди!), давлатимиз паноҳида юриб, кўзимизнинг ёғини ялаб, пис-тирмадан туриб ўқ узарлар, зимдан тил бириктириб, хар қандай қотилликка қўл урурлар, – деди бирдан амирнинг жазаваси тутиб, кейин ер тепиниб сўқинди. – Бундай онкўрларни аямаслик лозим – чопиш, отиш, осиш керак! Мана бу қотилга эса юртимиз хоки поки хайф. Кўммангиз, танаси бўриларга ем бўлсин! – Қутилмаганда амирнинг консираган катта-катта кўзлари навкар жасадига қадалиб, жим қолди: “Қотилнинг боя нишонга олиб отган ўқлари менга текканида, эхтимол, мана шу навкардай камина ҳам...” – У бирдан сесканиб, юзини терс ўгирди.

– Навкарнинг жасадини бу ердан олиб кетинг, – деб буюрди овози дарз кетиб. – Иззат-икромини қилиб ерлатинг!

Бош эгиб, амир харакатини хушёр кузатиб турган Қора Даванг четланиб, унга йўл берди. Амир шашт билан олдинга одимлаб, ўзига ўқ узган қотилнинг мурдасига яқин келиб:

– Билдингизми, Қора Даванг жаноблари, менинг коним бу иблисга нечун керак бўлиб қолибди? – деди ёнига ярим қайрилиб Қора Давангга қараркан. – Ё бирор калтафаҳмининг ифвосига учганму?!

– Йўқ, олампаноҳ, – деди Қора Даванг, – биринчи ўқдан кейин ўзи тилга кирди... Сиз ҳазрати олийларига қасоси бор эмиш...

– Қанақа қасос экан?

– Бу хунаса севган қизни қози жаноблари сиз олам-
паноҳга пешкаш қилиш учун...

– Тушунарли! – деди амир қўлини силтаб. – Шунга
шунча гавго-ю, шунча даҳмазми, нонкўр?! Ўзи қаердан
экан?

– Шу ердан – дарё бўйдан. Абдурайимбой деган
бойнинг қўйчивони экан, олампаноҳ.

– Бунақа бойни эшитмаганман, – деди амирнинг зар-
даси қайнаб. – Амирлик салтанати соясида фароғатда
яшаган бойнинг нонкўр бир чўпони амирга суикасд қила-
ди-ю, у билмайдими?! Бундайларнинг жазоси не, Қора
Даванг жаноблари?

– Тушундим, олампаноҳ, тушундим, – деди Қора
Даванг икки қўлини кўксига босиб. – Суриштирурмен...

– Суриштириш эмас, жазолаш даркор!

Қора Даванг яна таъзимга бош эгиб, Абдурахимбой-
ни зудлик билан жазолашни ўз бўйнига олди.

– Айтганингиздай қилурмен, хазрати олийлари!

Амир голибона кайфиятда ортига қайтди ва Қора
Давангнинг елкасига кафтини қўйди.

– Хўш, жароҳатланмадингизми?

– Толеимизга сиз омон колдингиз, шунинг ўзи бахт,
олампаноҳ!

– Сиз менинг жонимга ора кирдингиз, – деди амир
унинг елкасига меҳр билан қоқиб. – Ҳали сизни кўп
хушнуд этурмиз. Хотиранингизда, Қора Даванг жаноб-
лари, Ойдинкўл шикорида содир бўлган ўша кўнгилсиз-
ликдан кейин сизга бисёр ранж-алам ўтказган эрдик.
Ўша куни неча чақирим пиёда юргансиз, биркулоқ қози
билан? Ҳи-хи-хи... Неча чақирим дейсиз? Эшак минга-
нингизни ҳам эшитдик. Хи-хи-хи!.. – Амир кулгисидан
кейин бошқа мулозиму сарбозлар ҳам котиб-котиб ку-
лишди. – Ўша ранж-аламлар учун, боз устига, бугунги
жасоратингизга ярашиқ сизга шохона бир инъом ҳадя
этурмиз. Жаноб қози пешкаш қиладурган ўша нозанин
сизга бўлмай!

– Сизнинг ҳар бир инъомингизни биз фақирлар шо-
хона муруввату амирона тухфа деб билурмиз, олампа-
ноҳ! – деди Қора Даванг куллуқ қилиб ва югуриб бориб
амирнинг этагини ўпди...

ГИРДОБ

Эртасига тушдан кейин Калта минор чойхонасида дув-дув гап тарқаб колди: ҳукмдор хазратларига узилган ўққа сарой мулозими Қора Даванг ўзини қалқон қилиб, олампадохнинг азиз ва муборак жонларини асраб қолибди!..

Темур чойхонада энди бир дақиқа ҳам туролмаслигини билди. Ташқари чиқди. Кўча гавжум. Одамларнинг оғзида турфа хангома, эшитган қулоқни батанг келтирадиган миш-миш:

– Эшитдингизми, хазрати олийлари ўзларига пешкаш қилинган қизни ўз халоскори – Қора Давангга инъом этмишлар!..

Бу хабарни эшитиб Темурнинг фиғони фалакка чиқди, боши ғувиллаб, ўзини қўярга жой тополмай қолди:

“Хайхот, бу не кўргулик эди? Тамом, ҳаммаси тамом бўлди. Наврўзойнинг қисмати энди не кечади? Таваккал деб босган қадамнинг сени жарликка қулатди, Сирож ака! Алвидо, дўстим, биродарим, алвидо!!!”

Темур шошиб катта чоррахага чиқди. Шахарга олиб борадиган қайроқтош йўлга узок қараб турди, кейин чорғининг ипларини маҳкам боғлаб, йўлга тушди... Темур қайроқтош босилган йўлда пиёда юриш машаққатини биринчи бор кўрди. Йўл тор, бунинг устига, фойтун, арава ва якка от минган йўловчиларнинг “пўшт-пўшти” қулогини қоматга келтирарди. Бирор аравага илиниб оларман деган илинжда Чорбоғкентгача пиёда борди. Бахтига на бир бўш арава, на бир фойтун учради. Аравақашлар қамчисини боши устига айлантириб, унинг олди-дан шитоб билан ўтиб кетишарди:

– Чу, жонивор!

Темур шу алпозда Чорбоғкентдан ўтиб, катта кўприкка келиб тўхтади. Дарё шовуллаб гирдоб уриб оқяпти. Темур кўприк ёғочига тираниб, дарё оқимини узок томоша қилди: “Бадал бобом ёмон туш кўрсанг, тушингни оқар сувга айт, енгил тортасан, дердилар. – Темур дарёга қараб хаёл суларди. – Тушимда эмас ўнгимда кўрганларимни хозир сувга айтсам, дарё тўлганиб, тесқари оқди!”

Темур дарё лабига тушди: енгларини тирсагигача шимариб, яхшилаб ювиниб олди. Қоматини ростлаб, юзқўлини белбоғига артиб турганида, икки от қўшилган, усти ёпиқ фойтун кўприкка чиқиб келди. Дарё кўприги

тагига яқин тургани учунми, отларнинг туёқ товуши Темурга жуда дахшатли туюлди. Фойтун узун ёғоч кўприкнинг қоқ ўртасига етганида кўприк лапанглаб, акс-садо берди. Темур кўприк устига дурустроқ разм солиб қараса, фойтун ортида икки навкар ёнма-ён от солиб келяпти. Худди шу пайт Темурнинг кўзи олдида етти ухлаб тушига кирмаган ажиб бир воқеа содир бўлди: усти ёпиқ араванинг орқа эшиги қарсиллаб очилди-да, бир киз ўзини олдин кўприкка ташлади, кейин кўприк қирғоқидаги пастаккина ёғоч чамбаракдан ошиб, дарёга отди. Қиз ортидан семиз бир кампир аравадан отилиб тушди. Қизга чанг солди, лекин улгуролмади – қизнинг бошидаги рўмоли унинг қўлида ёғимланиб қолди...

Бу ёғини Темур билмайди: қандай қилиб ўзини дарёга отди, қандай қилиб қизни гирдобдан суғуриб олди? Йўқ-йўқ, ҳаммаси ғира-шира хаёлида, элас-элас кўз ўнгидан ўтяпти, лекин фарқ бўлаётган қизнинг у билан худди рақибидай олишганига ҳамон ўзи хайрон. Тавба, нега бу киз ўлимга бунча талпинади? Қизнинг дод солиб, Темурнинг юзига чанг солгани, қарғангани ҳали-ҳали қулоғи остида жаранглаб турибди: “Бу қора кузгунлар дастидан ўз ихтиёринг билан ўлолмасанг, бу яна қанақа ситаминг бўлди, эй, парвардигор!”

Темур бу ёғини аниқ билмайди. Кимнингдир кўмаги билан бир амаллаб қирғоққа чиққанини хиёл эслади. Сўнг оғзидан сув кетиб, беҳуш йиқилди...

ОҒИЗГА ОЛИБ БЎЛМАЙДИГАН ГАП

Темур кўзини очса, дарё қирғоқида, кўм-кўк ажрик устида ётибди. Ёнида на бояги киз бор, на фойтун, на семиз кампир. Боши устида Сарипул кўпригининг қоровули – кўринишидан ёшини чамалаш қийин, кўса башара, кекирдаги бўртиб, ўнг қўлининг бармоқлари кесилиб, чўлтоқ бўлиб қолган жиккаккина бир одам турарди.

– Кўзингни очдингми, йигит? Хайрият-э, кўрқитиб юбординг-ку мени, – деди Темурнинг манглайини қўлидаги белбоғи билан артиб. – Яктагинг билан белбоғинг нариги қирғоқда қолган экан. Олиб келдим. Ўзим ҳам ўйладим-а, бунақа ишни белида белбоғи бор йигит қилди деб.

Темур туриб ўтирди. Бошини настига осилтириб, ўзини икки-уч силкигиб кўрди, хаёлида танаси тик турадиган эмас – гавдаси бир томонга беихтиёр оғиб, кўзи тиниб кетяпти. Оёққа турган эди, калкиб кетди, қоровул тутиб қолди.

– Ичингда сув бор... Ўтиб кетади, болам. Юр, қоровулхонада жой қилиб бераман.

Қоровул йигитни хужрага олиб кириб, кўрпача солиб берди. Темур ёстикқа бош қўйиб, шифтга тикилиб сўради:

– Кетишдимми?

– Қизни зўрға аравага олиб чиқдик. Кушхонага кетишини билган эчкидай ўзини тўрт тарафга уради, тавба...

– Ким экан?

– Билмадим.

– Билиш керак эди-да.

– Сўраб ўтирмадим. Суриштирсанг ҳам балога қолсан бу балохўрлардан.

– Кампирни ҳам танимадингизми?

– Аравани танигандайман. Кўп ўтади бу ердан. Жуда зарур бўлса, хали қайтганида аниқлаб бераман.

Темур ёлворган товушда деди:

– Қизнинг кимлигини билиш керак. Билишим жуда зарур!

– Қутамиз, кечда қайтар... Аниқлаб бераман.

Темур ҳамон ўша қиз хусусида ўйларди: “Қизик, ким экан у қиз? Борди-ю... Наврўзой бўлса-чи? Нахотки, уни ўз қўлим билан кузеғун қўлига топширган бўлсам?!”

– Мен қирғоққа тортсам, тавба, у гирдобга тортади, – деди қоровулга бўлган воқеани изохлаб, қиздан норози бўлиб.

– Қиз жонидан тўйган кўринади, – деди қоровул афсус билан бош чайқаб. – Эҳ, қизи тушмагур. Сувда ўласанми, ўтда ўласанми, бекорга ўлиб кетаверасан – бу замонда кимнинг парвойи. Бу тўрт кунлик хуфтон дунёда сабр-қосангни тўлдирганлар қасдига сабр-қаноат билан яшамоқ даркор. Одам боласи биров ўтказган ситам билан ўладиган бўлса, рости гап, мен аллақачон ўлишим керак эди. – У панжасиз қўлини яктаги снгидан чиқариб, Темурга кўрсатди.

Темур ўзи сўрашга ийманиб турган эди, унинг чўлтоқ қўлини силаб, сўради:

– Нима бўлган, ота?

– Э, болам, бунинг тарихи узок.

Эшикка якин жойдан отнинг кишнагани эшитилди. Кимдир, афтидан, отда туриб қамчи дастаси билан қоровулхона эшигини каттиқ қоқди.

– Хой, кўса, кулофинг том остида қолганми? Чик, Қора Даванг жаноблари сўраяптилар.

Қоровулнинг гапи чала қолиб, шошилиб эшикка чикди. Темур Қора Даванг номини эшитиб, ирғиб жойидан турди. Қоровулхонанинг йўл томондаги деворига лойшувоқ қилиб ўрнатилган шиша туйнукка якин келиб, ташқарига қаради. Қора Давангни дарров таниди. Лекин у бундан ўн беш кун олдин Ойдинкўл шикоридан Бадал бобонинг эшагини миниб қайтган нотавон мулозимга ўхшамас, ҳозир эгарга сиғмай, от белини майиштириб, савлат тўкиб ўтирарди.

Темур туйнукдан қараб туриб, Қора Давангнинг Ойдинкўлда айтган гапларини беихтиёр эслади. Мана энди иккаласи юзма-юз турибди – ўртада фақат шиша кўзли туйнук... Ўшанда негадир Қора Давангнинг товуши ҳозиргидай эмас, шикаста ва мулоим эди: “Бўладиган болага ўхшайсан. Бошингга иш тушса, каминани элагин, иншооллох, тирик бўлсам, сендан ёрдамимни дариф тутмасмен!” Темур ўшанда кўлини кўксига босиб: “Раҳмат, тақсир”, деган эди. Энди-чи? Иккаласи юзма-юз турибди. Орадан бор-йўғи ўн беш кун ўтди. Ўтган фурсатда Сирожнинг фоже қисмати қиздирилган темирдай ловиллаб, Темурнинг кўксига ботди: “Сирож акага қилган хийла-найранглариңдан беҳабар бўлганимда, бошимга тушган ситамлар туфайли, эҳтимол, сендан бирор мадад кутардим... Йўқ, энди сен менинг наздимда одам қиёфасидаги шайтон, ҳа-ҳа, қари шайтонсан! Ёрдамнинг ўзингга сийлов. Сирож аканинг хуни туссин сени илоҳим!” Темур кўзини чирт юмиб, манглайини шиша туйнукнинг муздай пастки қиррасига босди...

Қоровул ҳамон Қора Даванг қаршисида қўл қовуштириб турарди.

– Ҳа, кўса, – деди Қора Даванг унинг саломига алик олмай, – бу фоний дунёда ҳамон нафас олиш билан оворамисен?

– Ҳазилингиз асло қолмади-қолмади-да, тақсир... – деди Мажид қоровул яна таъзим қилиб. – Бу фоний дунёда нафас олишни бас қилиб, боқий дунё рихлатига

тарадуд кўрсам ҳам бўларди-ку, аммо-лекин юртда ёмонлар кўпайиб кетди-да, тақсир.

– Кўпайса, кўпаяр, бунинг сен кўсага не дахли бор? – деди Қора Даванг боя бошлаган хазилини давом эттириб.

Мажид қоровул яна куллуқ қилди.

– Дахли шуки, тақсир, ёмонлар ичида яшаш қанчалик даҳшат бўлмасин, барибир яшаш керак. Машойихлар: “Яхшилар – ёмонлар риштасига тушган тиф”, дермишлар, тақсир!

Қора Даванг Мажид кўсанинг жавобидан кулиб юборди. Қамчининг учи билан кўсанинг елкасига туртди, яна хазил қилгиси келди.

– Теша тегмаган қайроқи гапларни топасен, калланг бигиз. Қўй-чи, кўса, халиги... олтин сопли пичоқни қайси қўлинг билан олган эдинг?

– Чап қўл билан, тақсир, – деди Мажид қоровул чўлтоқ қўлини енги ичидан чиқариб.

– Э, сенга жабр бўлган экан-да, ўшанда чапи қолиб, ўнги кетибди-да, а?

– Ха, тақсир, ўшанда кўзларингизни жаҳл пардаси шундоқ қоплаган эдики, на чапни кўрар эдингиз, на ўнгни.

Қора Даванг эгардан тошиб ётган қорнини силкитиб-силкитиб кулди.

– Энди... энди бу қўлингга эҳтиёт бўл, кўса!

Қора Даванг, киефаси бирдан тундлашиб, қоровулдан сўради:

– Абдурахимбой Сарипул кўпригидан қачон ўтди, кўрмадингми?

– Кўрдим, тақсир, офтоб эндигина ниш урган эди.

Қора Даванг гижиниб кўйди.

– Эшитдингми, кўса, амир ҳазратларининг муборак жонларига қасд қилмоқчи бўлган чўпонни бойнинг ўзи гиж-гижлаган экан.

Мажид қоровул афсус билан бош чайқади:

– Ким қилмагай – ким тортмагай. Ал-қасосу минал ҳақ, деганлар, тақсир!

– Балле, – деди Қора Давангнинг товуши кутилмаганда мулойим тортиб.

– Афсус, кўса, минг афсус, тўқайда бўлган отишма пайтида содиқ навқарим Филайдан ажрадим. Қотил кўз ўнгимда уни отиб ташлади.

– Эсиз, – дея чин дилдан афсусланди қоровул, – фариштадай бегуноҳ эди раҳматли!

– Нимасини айтасен, кўса, – деди Қора Даванг ово-зига синиқлик бериб, – энди илож қанча, жойи жаннат тўрида бўлсин!

– Айтганларингиз келсин, таксир! – деб қоровул юзига фотиҳа тортди. – Раҳматли уч кун олдин кўкнор уруғи сўраб хужрамга киргани шундоқ кўз ўнгимда турибди. Кунжут уруғи бўлса ҳам майли деган эди. Топиб бердим. Чўнтагидан иккита милтиқ ўқини чиқазиб, пистонига кўкнор уруғи аралаштириб жойлади-да, кейин...

– Кейин... кейин нима бўлди? – Қора Даванг қутурган шердай бирдан наъра тортиб, узангида оёққа турди. – Кўрдингми, чўлтоқ, сен манфур фариштадай бегуноҳ кетган марҳумнинг тобути ортидан ҳам бўхтон тошини отишдан қайтмайсен. Келиб-келиб, менинг содиқ навкаримга тухмат қилдингми, палид?! У кўкнор ёки кунжут уруғини бошига урадимми?!

Қора Даванг қоровулнинг елкаси аралаш қамчи тортиб юборди. Мажид қоровул тош йўлга юзтубан йиқилди. Қора Даванг бир қўлида қамчи, бир қўли билан эгар қошини маҳкам тутиб, қоровул устига энгашди.

– Яна қандай бўхтонинг бор, нокас!? Айт, гапир!

Мажид қоровул бошига, елкасига устма-уст тушаётган қамчи зарбидан ерда ғужанак бўлиб ётар, бош кўтармас, лекин бошида қонли қамчи осилиб турганини кўрқув аралаш ҳис этиб турарди.

– Кечиринг, таксир, Филай тўғрисида ёлғон гапирдим.

– Ёлғон дейсанми? – Мазох қилиб яна сўради мулозим. – Ёлғон дейсанми?

– Фирт ёлғон, таксир. Филай хужрамга киргани ҳам йўқ, кўкнор уруғи сўрагани ҳам йўқ... Ўқ тўғрисидаги гап ҳам ёлғон. Кечиринг, таксир!

– Тур ўрнингдан!

Қора Даванг эгарга ўрнашиб ўтираркан, қоровулнинг туришини кутиб турди. У қанча кутганини билмайди: қоровул турди, кир, чувалашиб титилган салласини ердан олиб қокди, бошига омонат ўрнатди, уст-бошини тузатиб, Қора Давангга қараб таъзим бажо келтириб, кутиб турди. У кўсага шуурсизгина тикилар, ҳеч нарса-ни кўрмас, фикрида нуқул қоровул айтган ўша икки

Ўқ!.. Қўрғошинга кўкнор уруғи аралаштириб тайёрланган сохта икки ўқ хаёлида чарх урар эди:

“Жойинг дўзахнинг тўрида бўлгай, Филай, келиб-келиб оғзи шалоқ бир кимса билан иш битирганмидинг, нодон? Энди қандай қилсам бу кўсанинг сассиқ оғзидан сохта ўқ хусусидаги хангомани йўкота биламен?! Йўқотишим шарт, йўқотмасам, кўса шу сассиқ хангомаси билан мени йўкотади. Агар бу гап оғзидан-оғизга ўтиб амирликка тарқаса, ҳазрати олийларининг каминага қилган шунча шохона мурувватлари, шунча амирона инъомлари бир пул бўлади. Ойдинкўлда юз берган хўрликдан баттар хўрлик тушади бу бошимга. У ерда-ку, саман отимдан ажраган эдим... энди... энди жонимдан ажрайман!”

– Кўса, – деди Қора Даванг анча сукутдан кейин босинки товушда, – оғизга олиб бўладиган гап бор, оғизга олиб бўлмайдиган гап бор, бировга айтиб бўладиган калима бор, инчунин, айтилмайдигани бор. Сиз бу хусусда анча омисиз. Куръони каримда битилганидай, марҳумлар гуноҳи бировга айтилмайдиган калима хилидандир. Шу боис ҳар қандай гуноҳи азимга дучор бўлган марҳуму марҳумани лаҳадга қўйгандан сўнг, ҳалойик: “Яхши одам эрди, раҳматли!” деб юзига фотиҳа тортадур.


Мажид қоровул Қора Давангнинг ҳар бир сўзини: “Шундай, таксир”, деб маъқуллаб, тез-тез эгилиб турди...

Икки отлик шаҳарга қараб от суриб кетишди. Мажид қоровул улар ортидан узок қараб қолди. Қайроқтош йўлда йўртиб бораётган отлар кўзга кўринмай қолди, туёқларнинг товуши ҳам тинди, лекин кўприк қоровулининг қулоғи остида Қора Давангнинг беўхшов овози ҳамон шанғиллар эди: “Оғизга олиб бўладиган гап бор, олиб бўлмайдиган гап бор...”

Қоровул Қора Даванг олдида не гуноҳ қилиб қўйганини тушунмади, тўғриси, тушунолмади, охири кифтини учуриб, зўраки: “Тушунарли!” деб қўйди-да, хужра эшигига қайрилди...

ТУЯНИНГ ДУМИ ЕРГА ТЕККАНДА...

Сарипул кўприги бошидаги мўъжазгина хужранинг лойсувоқ қилиб ўрнатилган шиша туйнуғи ортида тик



турган Темурнинг hozir na gashirishga, na eshitiishga, na eshitganini muhoxada etishga majohli etar edi. Qora Davangning yuvosh, itoatkor Majid qorovulga qilgan razilona munosabati soxta uq xususidagi soxta nayranglari Temurni tamom karaxt kilib kuygan edi. Uning boshida Badal bobosidan eshitgan ajib bir nakl gujgon yunar, yulamay desa ham faqat shuni yular, faqat shuning ma'ziga tiish urgisi kelardi: "Bir balosi bulmasa, shudgorde kuyruk na qilur? Qorovulning uklar xususidagi xangomasi Qora Davangni nega bunchalik kuturtirdi, nega?"

Qorovul hujraga kirganida Temur devorga ung elkasi bilan majolsizgina suyaniib, ikki kuzi eshikda, qorovulning kirishini kutar edi. U qorovulga kuzi tuishi bilan:

– Raх... raх-ма-а-т сизга, хақиқатнинг учини... фақат бир учинигина очдингиз, – деди нафаси тортиб-тортиб. – Сирож аканинг кулидаги милтик бойники булгани билан укларни Qora Davang jойлаб берган... Инонинг. Елгон гапирсам, тил тортмай улай. Сирож аканинг узи айтиб берган эди чойхонада. Суикасд бошида Qora Davangning узи турибди!

– Жим, жим, бунақа гапларни бировга айтиб булмайди! – Qorovul eshikdan кираверишдаги зах босган чоқкина дахлиздан наmat тушалган тахтага чиқиб, Темурни суяб курпачага етқизди. Тирсаги тагига естик куйиб берди. Елкаси қамчи зарбидан момоталоқ булиб кетган булсада, Темурнинг олдида узини вазмин тутиб, унга етиги билан тушунтирди. – Жим, болам, бировга айтадиган гап бор, айтиб булмайдиган гап бор...

Qorovulning бу itoatkorona мулохазасидан Темурнинг жахли чиқиб кетди.

– Боя Qora Davangdan eshitiib, энди менга сотяпсизми бу гапни? – деди йиғлагудек булиб. – Биров, биров дейсиз, мен сизга кунглимни очдим-ку?

– Барибир. – У хужранинг наридан-бери панжакаш қилинган гадир-будир қора деворини курсатди. – Куряпсанми, турт девор... Деворда ковак бор, ковакда сичкон, сичконда эса нима бор?.. Кулок! Бу гапларинг Qora Davangning кулофига етиб борса, на сен соғ қоласан, на мен, укдингми?

Temur indamay qoldi. Anchadan keyin:

– Hech bulmasa sizga... sizga aytishim mumkinmi-

йўқми? – деди зардаси қайнаб. – Ичингдагини бировга айтолмасанг, кўрганингни бировга гапиролмасанг, канақа замон бўлди бу ўзи?!

– Кўчага олиб чиқма, фойдаси йўқ, – деди қоровул дашно оҳангида. Сўнг оғзида нос борлиги учун “ш” харфини чўзиб деди. – Хўшш, гапир, нима демоқчисан?

– Гапирсам, гапим шуки... Амирга узилган ўққа Қора Даванг ўз кўксини тутиб беришига сира-сира ишонгим келмайди. У милтиқдаги ўқ сохта, ёлғондакам эканлигини олдиндан билган. Билмасайди... Боз устига Сирож ака мўлжални тўғри ололмаган.

– Бу шубҳангда жон бор, – деди қоровул оғзидаги носини тупуриб, бир қултум чой билан халқумигача чайиб ташларкан. – Амир хазратлари тахти олийдан мабодо сафарга чиқадиган бўлсалар, билгилки, Сарипул кўпригининг қоровулларига юмуш кўпаяди: амирнинг йўлга чиқишидан икки-уч кун олдин саройдан хали униси келар, хали буниси келар; хали уни буюрар, хали буни... Ўша кунлар Қора Даванг серқатнов бўлган эди. Икки ёнида икки навқари – Чиноқ ва Филай. Филай раҳматлининг мен билан бир оз ошначилиги бор эди, ора-сира яширинча мана шу хужрамга келарди, эзиб-эзиб кўкнор ташардик иккимиз, кейин хасратлашардик. Бир куни бир ховуч кўкнор уруғи сўради. Кунжут уруғи бўлса ҳам майли, деди. Топиб бердим. Мана шу хужранинг эшигини ичдан беркитиб, чўнтагидан иккита ўқ чиқазиб, ичидаги дорини дастурхон устига бўшатди, кейин қўрғошин доналарига кўкнор уруғини аралаштириб, қайта жойлади. Нега бунақа қиялпсан десам, гап бор, Қора Даванг тақсирларининг буюрганлари шу, деди. Эртасига Филайга кўкнорни эзғилаб, роса ичирганимдан кейин ўзи айтиб берди: агар ўққа кўкнорми ёки кунжут уруғини қўрғошинга аралаштириб жойланса борми, отилганда ўқ бетасир бўларкан...

– Демак, Филай тайёрлаган икки ўқ... Шу, Сирож аканинг милтиғига жойланган ўқ бўлган!

– Ким билади, – деди қоровул елкасини қисиб, – тепамизда Оллох, бировнинг уволига қолмайлик.

– Кўнглим аниқ сезиб турибди, ўша... ўша!

– Бу кўнгил дегани кўп нарсани сезади: яхшилиқни ҳам, ёмонлиқни ҳам. Лекин ундан не фойда? Ҳозир юртда Қора Даванг дамига кўндаланг келадиган одам йўқ ҳисоби. Ҳозир унинг раъйига бас келиб бўлмайди.

Янашни истасанг, замона зайлига караб замонасозлик кил, болам, ўшанда ютасан...

Темур коровулнинг бу гапларидан шашти синиб, узок сукутда колди. Анчадан кейин ковоғини солиб:

– Мендан яширманг, туйнук олдида туриб хаммасини эшитдим, – деди. – Қора Даванг билан муносабатларингизга хайрон бўлдим; бир караганда эскидан ошнага ўхшайсизлар, бир караганда... Қўлингизга нега бунча осилиб олди?

– Ха, қўлми? – деди Мажид коровул саросима ичида чуқур тин олиб. – Бунинг тарихи узок. Айтсам, эшитишга хозир сабринг чидамайди, болам.

– Чидайди, сўзланг.

– Юр, ташқари чиқайлик, хам кўприкни кузатамиз, хам... майли, айтиб бераман.

Ташқари чиқишди. Кўм-кўк чим устида иккаласи ёнмаён ўтиришди. Мажид кўса саргузаштини узокдан бошлади...

– Отам қишлоғимиздаги Зокирбой деган бойнинг қўлида чўпон эди. Болалар билан даштга ўтин тергани борганимизда, мен хам отамга қарашиб турардим. Даштда ўз кўзим билан кўрганман: қўйчивонларнинг холи хароб, усти юпун эди. Бир қуни отам чўпонларни тўплаб, бойга арзга борибди. Чўпонлар оёқларидаги тўзиган чорикларини, устларидаги йиртик чопонларини кўрсатиб, бойдан қиш олди мурувват қилишни сўрашибди. Бой чўпонларни отам бошлаб келганини пайқабди. У отамнинг қўлидан тутиб, четга олиб чиқибди ва йўлда лўкиллаб ўтиб кетаётган туяларни кўрсатиб, хамма эшитадиган қилиб, баланд овозда сўрабди:

– Булар нима?

– Туя, – дебди отам.

– Кимники?

– Бўйнидаги қўнғирокларига қараганда саройга қарашли чоғи, – деб жавоб берибди отам.

– Кўрдингми, – дебди бой отамнинг елкасига қўли билан шаппатилаб, мазах оҳангида, – амир хазратларининг лак-лак норуялари оёқлукчак¹ юрибди-ю, сенлар мендан иссиқ пойафзал талаб қиласанлар. Шу гапим қулоқларингга бўлсин: амир хазратлари туяларига иссиқ пойафзал кийдирган қуни хузуримга келинглар, ана

¹ Оёқяланг демокчи.

ўшанда сизларга чориқ эмас, баланд пошнаלי этик олиб бермасам, юзимга тупуринглар!

Чўпонлар индамай бош эгиб кетишибди.

Эртасига отам ўз қарамоғидаги бор қўйни йўл бўйига хайдаб чиқиб, тўғри келган одамга тарқатиб чиқибди. Қўйлар талаш бўп кетибди. Бой эшитиб, қўрага келибди. Отамдан қўйларни талаб қилибди. Отам бойни етаклаб, ҳозиргина ўзи миниб келган нортаю олдига, томошага йнғилган оломон олдига олиб келиб, ҳамма эшитадиган қилиб, ундан сўрабди:

– Бу нима?

– Туя, – дебди бой.

Отам туянинг думини бойга кўрсатиб, сўрабди:

– Бу нима?

– Дум, – дебди бой.

– Ниманинг думи?

Бой хайрон бўлиб:

– Туянинг думи, – дебди.

– Балле, – дебди отам бойнинг елкасига қоқиб, – ана шу туянинг думи ерга текканида келинг, бутун қўйларингизни ўшанда ошиғи билан топиб бермасам, юзимга тупуринг!

...Отам шу қилмиши учун амир зиндонда ўн йил ётиб чиқди.

Амир обхонасидан қайтганидан кейин бир кун мени чақириб: “Мана, бир йигит ёшини яшаб бўлдинг, лекин дунёга келиб, бирор рўшнолик кўрмай юрибсан: на хотин хузурини, на фарзанд ҳаловатини кўрдинг. Бу Дашти Тақирда (қишлоғимизнинг номи шунақа) яна эллик йил яшасанг ҳам икки қўлингни бурнингга тиқиб юраврасан, – дедилар. – Сендан ўтинчим, шаҳарга бор. Зиндондалик пайтимда бир ошна орттирганман. Ўзи Дашти Тақирдан, Қора Даванг деган ҳамқишлоғимиз. Зиндонбошининг қалитбардори эди. Эшитишимча, Малик чўлида бўлган қўпқарида жуда катта шуҳрат қозониб, амир назарига тушибди. Ҳозир саройга ўтибди, амирнинг энг ишончли мулозимларидан экан. Ўшани излаб топ. Қандай хизматга олса ҳам қўнавер, йўқ дема.

Отамнинг раъйдан чиқолмадим. Қора Давангни излаб топдим. Ҳовлиси шаҳарнинг Қоплон гузарида экан. Хизматкор қилиб олди. Данғиллама ҳовли. Хотин-боласидан бўлак ҳовлида битта чўри қиз, Наби деган ўн яшар югурдак бола. Қора Давангнинг танतिक бир ўғли

бор, Наби ўша билан овора. Чўри киз қозон-товоқ, мен бўлсам ташқари ховлининг юмушлари билан банд эдим.

Шу тарика бир йил ўтди. Бир куни Қора Давангнинг олтин соғли пичоғи йўқолиб қолди. Ховлида изланмаган жой, бармоқ урилмаган ковак қолмади. Топилмади. Бу гап Қора Давангнинг қулоғига етди. Негадир мени эмас-у, эр-хотин иккиси Набини ўғри тутдилар. Қора Даванг болани чунонам урдик, бечоранинг кўкармаган, ёрилмаган жойи қолмади. Чидаёлмадим. Ўзимни Қора Давангнинг оёғи остига ташладим.

– Таксир, бир қошиқ конимдан ўтинг, мени шайтон йўлдан оздирди. Пичокни мен олган эдим, – дея қўлидаги қамчисига ёпишдим. У бўшашиб кетди. Қамчини отиб юборди. Наби унинг оёғи остидан жон талвасасида туриб, қочиб қолди. Унинг оқсоқлана-оқсоқлана дарвозага қараб қочгани хали-хали кўз олдимга турибди!..

Қора Даванг гапимга ишонмай, анчагача менга тек қараб турди.

– Сени ўзимники деган эдим, кўса.

Йиғламсирадим.

– Шайтон раъйига кирдим, таксир.

– Пичоқ қаерда? – деди.

– Пичоқ... пичоқ узоқда. Бировга қарзим эвазига бериб юборганман, – дедим.

– Мухлат берсам, пичокни топиб келасанми? Қўркма, қарзингни ҳам ўзим тўлайман.

– Йўқ, таксир, – дедим қатъий қилиб, – сира иложи йўқ.

– Тур ўрнингдан, – деди.

Турдим. Саллам печидан тутиб, тўғри молхонага етаклади.

– Пичокни қайси қўлинг билан олган эдинг? – деди. – Тўғриси айт, қайсиниси билан...

Индамадим. Шунда кундани кўрсатиб, имо қилди:

– Қўлингни кундага қўй, – деди.

Айтганини қилдим. Белидан қилични суғуриб, мана шу ўнг қўлимнинг панжаларини шартта чопиб ташладим...

Беш кун ташқари ховлидаги хужрада ётдим. Намат куйдириб, қўлимга ҳадеб қоракуя босаман. Энди ховлидан бош олиб кетишим қолган эди. Хаёл-бехаёл бир кун дарвозадан чиқай деб тургандим, ичкари ховлидан чўри қизнинг додлагани эшитилди. Орқамга қайтдим. Қиз тут

устида туриб, ниманидир имлаб кўрсатар, ўлкасини тутолмай:

– Топилди, таксир, топилди! – деб чинкирар эди.

Қора Даванг деразадан бошини чиқариб:

– Нима топилди, зумраша, мунча қақиллайсан?! – деди қизни жеркиб.

– Пичок, таксир, – деди қиз шохга қадалиб қолган пичокни кўрсатиб, – тут ейман деб чиқсам, олтин дастали пичофингиз бу ерда экан, таксир.

Ичкаридан Қора Даванг, хотини ва тантиқ боласи чиқиб келди. Унгача мен ҳам дарахт остига яқин бориб қолдим. Бола пастдан дарахтга қадалган пичокни кўриб, чапак чалиб, хадеб ирғишлайверди. Дадасининг этагига ёпишиб: “Мен чумчукни пойлаб отган эдим, дада. Катта бўлсам, сиздай мерган бўламан, дада!..” – деди. Таксир ўғлини эркалаб, кифтига кўтарди. Бола дадасининг елкасида туриб чўзилиб, олтин сопли пичокни ўз қўли билан дарахт танасидан суғуриб олди!

Қора Даванг пичокни ўғлининг қўлидан олиб, у ёқбу ёғини айлантириб кўрди. Кейин менга қараб:

– Ёлғон ҳам эви билан-да, кўса, – деди гина қилиб. – Ўша тирранчани қутказаман деб ўзинга жабр қилдинг-да!..

Индаматим, ўртага бошқа гап сизмас эди. Чўлтоқ қўлимни қўлтиғимга тикиб: “Ховлингни елкамни чуқури кўрсин!” деб чиқиб кетдим. Ўшандан бери мана шу Сарипул кўпригида қоровулман.

Темур Мажид кўсанинг сабр-бардошига, итоаткорлигига қойил қолиб, жойидан турди. Унинг кўз олдидан кундага қўйиб чопилаётган бармоқлар, жон ховучлаб оксоклана-оксоклана қочиб кетаётган югурдак Наби сира нари кетмас эди...

– Набидан хабарингиз бўлмадимми кейин?

– Йўқ, кўп излаб тополмадим. Қора Давангнинг уйига ҳам қайтиб бормаган. Агар тирик бўлса, ҳозир сенинг ёшингда бўларди. Нечадасан, болам?

– Йигирмада.

– Агар умрим етса, Набини мана шу чўлтоқ қўлим билан елкасидан қучиб, бағримга бир босгим бор. Сен шохид.

Темур ўрнидан туриб, йўлга нигоҳ ташлар экан:

– Қаранг, амаки, арава келяпти, – деди. – Ўша усти ёпиқ аравага ўхшайди.

– Мен тўсинни ташлайман, – деб қоровул кўприкка югурди. Арава бир лаҳзадан кейин кўприк тўсинига келиб тўхтади. Кўсанинг аравакаш билан муомаласи пишмади – у соқов экан. Араванинг пардаси ташлаб қўйилган кичкина дарчаси очилиб, кампир ичкаридан бўйини чўзди.

– Нима гап? – деди у дағдаға билан. – Биз Қора Даванг жанобларининг фармонлари билан...

– Биламан, хоним, қанақа юмуш билан юрганингизни, – деди қоровул кампирни таниб. – Боя бир оғиз қуруқ “рахмат”ни ҳам насия қилиб кетдингиз. Ўзини сувга ташлаган ожизангиз жонига ора кирган йигит мана менинг ёнимда турибди. Хеч бўлмаса, ўзингиз оғзингиз билан бир оғиз “рахмат” денг, бошқа умидворлигимиз йўқ сиздан, хоним.

– Мендан умидвор бўлиб фойда кўрмайсизлар, – деди кампир биратўла икки елкасини дарчадан ташқарига чиқариб, мўлтони кўзларини уларга тикаркан. – Хурликонинг хузурини Қора Даванг жаноблари кўради, малзамати менинг бошимдами, хой одамзот? Ҳи-хи-хи...

Темур кампирнинг бачкана қочиримидан, беҳаё кулгисидан дарров тушунди: “Демак... демак у киз – Наврўзой экан. Бундан чиқди, мана шу қўлларим билан кизни ажал гирдобидан қутқазиб, шу қўлларим билан қора кузғун панжасига тонширибман-да!.. Бундан кўра гирдобда фарқ бўлиб, ўлиб кетгани яхши эмасмиди?!”

Арава жойидан жилди. Лекин Темур жойидан жилмас, тўғриси, жилолмас, кампирнинг мўлтони кўзлари кўз олдидан нари кетмас, унинг бачкана қочиримлари ҳамон қулоғи остида жаранглар эди: “Хурликонинг хузурини Қора Даванг жаноблари кўради, малзамати менинг бошимдами?!”

Темур қизнинг Қора Даванг панжасига тушишида нечукдир ўзини айбдор ҳисоблар эди:

– Мен учун бу не юз қаролик бўлди, ўзингиз айтинг, амаки?! Сирож аканинг тирик руҳи, Наврўзой шўрликнинг обидийдаси нечук мени тутмасин, ўзингиз айтинг, қандай бадбахтлик бу?!

Темур аламидан йиғлаб юборди.

БИР ҚАБРДА ИККИ МАРҲУМА

Бир куни, тўғриси, Темурнинг омади чопди...

Бу юртда иккита бозор, одатда, офтоб нур сочмай, эрта тонгда гавжум бўлиб кетади: бири мол бозори, иккинчиси мардикор бозори. Бу икки бозорнинг обдан рафторини олган корчалон харидорлар хамиша бухороча бир нақлга амал қилишади: эрта келсанг – бозор, кеч келсанг – мозор...

Нураган, пастак пахсаларда икки оёғини осилтириб ўтирган норғул, рустамнамо мардикор йигитларни харидорлар эрта тонгда танлаб олиб кетишар, кун ёришганда эса бозор тугаб, у ерларга мозорат сукунати чўқар эди.

Темур қарийб бир ойдан бери мана шу мардикор бозорига катнаш эди. Бир куни жуда қизиқ бўлди: новча, оппоқ соқоли кўксини тўлдириб турган, нуроний бир чол Темурнинг рўпарасида тўхтаб, унга узоқ синчков назар ташлади.

– Кетмонга тобинг қалай, йигит? – деди. – Лойчопик кўлингдан келадими-йўқми, ростини айт?

Темур бобонинг назаридан кўз узмай, кулиб жавоб берди:

– Бизнинг томонларда янги туғилган боланинг танглайини энагаси кетмоннинг сопи билан кўтаради, ота. Ирим шунана.

– Гапни-ку дўндиранкансан, – деди бобо мийиғида кулиб, – бир синай-чи, ишга нечук экансан.

Бобо мардикор йигитнинг кунлик иш ҳақини суриштириб ҳам ўтирмай, бир ҳафтага шартлашиб, ўзи билан олиб кетди.

Чол эшакда, Темур пиёда, шаҳар оралаб ўтдилар. Чолнинг қишлоғи – Шўристонгача анча йўл экан. Чақ-чақлашиб, ярим соатча йўл юришди.

– Мени амирлик сарҳадида Қовунчи бобо деб аташади. “Қовуни амирий”нинг таърифини эшитган бўлсанг, ўша навни камина яратган. – Бир оз керилганнамо оҳангда деди чол. – У пайтлар қовун уруғи деса, ўзимни томдан ташлардим. Раҳматли хотиним: “Нима бало, мен бу ёқда қолиб, сизнинг қўнглингиз қовун уруғига сушт кетганми?” деб куларди. У пайтлар уруғни ўзим саралардим, ўзим экардим, палагининг остини чуқур қилиб ўзим чопардим.

– Бобо, – деди Темур ийманибгина, – қовунни яра-

тишга яратиб, не боисдан “Қовуни амирий” деб атадингиз?

Қовунчи бобо ички бир хадик билан Темурга каради:
– Ундай дема, болам, амир номи билан боғланган ҳар бир нарсанинг саховати бор. Амиру уламоларга етти кишварнинг назари тушган. Ўз томоркамда етилган қовуннинг амирликда бунча машхур бўлиб кетиши не боисдан, болам? Агар билсанг, амир ҳазратларининг иноятларидан бу. Ҳа. Бир куни эрталаб амир Аҳадхон ҳазрати олийлари фойтунда сайрга чиққан эканлар. Узоқдан кўрдим-у, полиздан иккита қовунни қўлтиқлаб, йўлларига пешвоз чиқдим. Ёнларида қарчиғайдай амирзода – ўғиллари ўтирибди. Амирнинг кўзлари менга тушиши билан фойтунни таққа тўхтатдилар. Ерга тушдилар. Амирзода ҳам тушди. Таъзим бажо қилиб, икковларига иккита қовун тутдим. Қўлим қалтирайди, танам титрайди; тавба, вужудимни ваҳм босса бўладими?

– Ҳазрати олийлари, ўзим эккан қовун. Бир тилим татиб кўрсангиз, бошим осмонга етур эди, – дедим нафасим ичга тушиб.

Амир ҳазратлари қовунни айлантириб томоша қилдилар-да, от жиловини тутиб турган шотирчага кўз учи билан секин имо қилдилар. У қовунни амир қўлидан олиб, ёнидан пичоғини суғурди-да, бир тилим кесиб ҳазрати олийларига узатди. Бир тилим амирзодага ҳам берди. Амир ҳазратлари қўлларидаги тилимни мактаб, ишонсанми, ўғлим, бай-байлаб охиригача едилар. Яна бир тилим сўрадилар. Фурсатдан фойдаланиб, амирдан изн сўрадим:

– Агар рухсат берсангиз, ҳазрати олийлари, бу янги нав қовунга “Қовуни амирий” деб ном қўйсам.

Амир жаноблари рози бўлдилар. Шу-шу, каминанинг қовуни “Қовуни амирий” бўлиб кетди. Ҳозир “Қовуни амирий”нинг уч хилини – эрта, ўрта, кечпишар навларини яратдим. Ҳозир Шўристондаги амирлик ерларида эртанги нави тугунча тугаяпти. Агар шу полизни чуқур лойчопиқ қилиб берсанг, бир ойга қолмай қовунга ранг қиради, болам!

– Насиб қилса, – деди Темур бободан ҳафсаласи пир бўлиб. “Оғзи нуқул амиру умаролардан бўшамайди... Бу хил одамларнинг зоти жа қурумсоқ келади. Бировга нарса узатса, ҳам қўлининг, ҳам бўйинининг то-

мири баравар тортади. Мардикорлик хакини пишитмай келганим қизик бўлди-ку?!”

Улар Шўристондаги полизга яқинлашиб қолган эдилар. Эшак бўйинини чўзиб, думини хода қилиб, узок хангради. Полиз томондан тўрт ёшлар чамасидаги бола бобога қараб югуриб келди. Бобо эшакдан тушиб, бола-ни даст кўтариб, тўқимга ўтказди ва нўхта тизгинини қўлига берди.

– Онанг харамдан қайтдим, бўталоғим?

Бобонинг невараси бошини сарак-сарак қилиб:

– Йўқ, келмадила, – деди чучук бир тилда, кейин Темурга бир оз қараб туриб, бобосидан сўради:

– Бу киши ким, бобо?

– Ие, – деди чол йигитга қараб, – гап билан бўлиб отингни ҳам сўрамабман.

– Темурман.

Темурнинг хаёли ҳамон бобонинг неварасига берган саволи билан банд эди.

Темур “харам” сўзидан беихтиёр сеҳрланиб қолган эди. Сўрашга ийманиб турган эди, Қовунчи бобонинг ўзи гап бошлаб қолди:

– Сулаймоннинг онаси харамда дастурхончи қўлида ишлайди. Кечки юмушларини қилиб, эрталаб қайтар эди. Бугун негадир кечикди. Энди ширчайни ўзимиз пиширадиган бўлди-да, Темур ўғлим.

Ўчоққа ўт қалашди. Темур тутаб ёнаётган тезакни косов учи билан титиб, ҳамон ўйлар эди: “Сулаймоннинг онаси харамга кириб-чиқиб юрса, Ҳанифанинг холидан воқифдир, эҳтимол... Менга бундан ортиқ имкон бўлмайди. Қовунчи бобо бир умр полизида ишлатса ҳам розиман. Майли, текинга ишлаб бераман. Фақат менга мурувват қилиб, қизини Ҳанифа хусусида хабар топиб келишга кўндириб берса бўлгани...”

Темур билан чол бир косадан ширчай ичиб, энди полизга чиқишгани хамки, харамдан Сулаймоннинг онаси – Фотима келиб қолди. Бобо қизига тушликка мастава буюриб, Темурни иш тепасига бошлаб борди. Бобо йигитнинг кетмон чопишини анчагача томоша қилиб, завқланиб ўтирди. Кейин қўлига ўроқ олиб, полизни ўток қилишга киришди. Қуёш найзага келгунча иккиси ҳам дам олмай ишлашди.

Темур ичида тугиб юрган гапини тушлик дастурхо-

нида – мастава устида чолга айтди. Қовунчи бобо Темурнинг саргузаштини эшитиб, кўп афсусланди.

“Қора Даванг каби мулозимларга эрк бериб, амир хазратлари ҳам андак қусур ишларга қўл урибдилар чоғи... – деб ўйлай бошлади чол. – Сарой аҳли билан бўлиб, ўзим чикқан табақа – фукарони унутиб қўйибман”.

– Падари бузрукворим деб сизнинг этагингизни маҳкам тутаман, отажон, – деди Темур йиғлаб, – агар сиз буюрсангиз, қизингиз камина сўроғини инобатга олурлар... Ҳарамдан менга таскин бўлурли бир оғиз хабар олиб чиқсалар бас, у ёғини кейин тақдиримдан кўраман, бобожон!

Қовунчи бобо ҳаммасига кўнди. Қизини олдига чақиртириб, Темурга деди:

– Нима гапинг бўлса, мана опангга ўзинг айт.

Фотима пардаси ташлаб қўйилган дераза орқасида туриб, йигитнинг нолон ўтинчини тинглади...

Уч кундан кейин Фотима ҳарамдан хат олиб қайтди. Темур хат тугилган атлас рўмолчани қўйнига солиб, ўзига ажратилган хужрага отилди. Темур Ҳанифанинг қўли билан битилган, нафаси теккан, кўзёшлари томган хатни очиб, шунча сарсон-саргардонликлардан кейин унинг товушини эшитгандай бўлди:

“Темур ака, ассалом.

Шафқатсиз тақдир орамизга айрилиқ мухрини босди: сизни у ёққа, мени бу ёққа улоқтириб ташлади.

Мендан тапвишланманг. Ҳаётим, тўғриси, худди эртакдагидай: қўшимнинг қизи Сарагул малика-ю, мен ожиза унинг канизаги. Фотима опадан сизнинг дарагингизни эшитиб, кеча амирнинг онасига арзга кирдим. Арзимни эшитиб, унинг жазаваси тутиб кетди: “Онаси ўпмаган не-не барно қизлар ҳарамни орзу қилиб юрибди. Сен ношуқурнинг бўлса келганингдан бери обидийданг тугамайди”, – деб қарғади.

Энди мен ожизага битта йўл қолди: амир хазратлари ҳарамга ташриф буюрганларида ўзимни панага тортмай, пайт пойлаб оёқларига йиқилиб, арз қиламан. Парвардигор зора қушойиш берса, яқин кунларда дийдор кўришамиз”.

Темур хатни кўзларига суртиб, лабларига босиб, такрор-такрор ўқиди...

Темур яна бир ой полизда қолиб кетди. Бу орада

Фотима харам дастурхончисининг ишончини қозониб, бегойимларнинг пардоз-андозига қарашадиган бўлди. Фотима энди уйга кам келар, хафтада бир харам фойтунида шошилинч келиб, шошилинч кетиб қолар эди. У Темурнинг Ханифа хақидаги сўроқларига энди бир гап айтмас, парда ортида туриб мужмалгина жавоб қайтарарди.

Полиз пушталари тўлиб, Қовунчи бобонинг амирий қовунларига ранг кириб қолган кунлар эди. Ярим тунда икки сарбоз келиб, бобонинг дарвозасини қокди. Жавоб кутишга ҳам сабри чидамай, отини пахса деворга яқин суриб, бўйинини чўзиб, ичкарига товуш берди.

– Ҳо-о-ой, қовунчи чол, қулоғинг пахса остида қолганми?!

Темур дарвозахонага туташ хужрада эди. У от дупури, сарбозлар товушини эшитиб, жойидан турди ва бобога хабар бергани супага қараб югурди.

Чол невараси билан ишқом остидаги тахта сўрида ётар эди.

Темур келганида бобо энди уйғонган эди. У невараси устига кўрпани тортиб, настига тушди, оқ сурп яқтагини елкасига ташлаб, оёқяланг сарбозлар олдида чиқди.

– Кимда юмушингиз бор? – деди чол дарвозадан чиқиб. – Тинчликми ўзи, бемахалда...

– Нечун мунча имиллайсан, чол? – деди икки сарбоз барабар ўшқириб. – Олдинга туш!

Қовунчи бобо сарбозларни қоронғида яхши кўролма-са-да, уларни товушидан таниди: харам ташқарисидаги эшикка пойлоқчилик қилиб юрувчи, на сонда, на ўринда бўлмаган югурдак навкарлардан эди. “От минган отасини танимас, деганларидай, ё тавба, бугун қўлларига қамчи, нечук бўлиб оёқларига узанги текканида, буларнинг муомаласини кўринг” ўйлади чол.

– Қаёққа элтурсиз мени?

– Борганда билурсан, – деб тўнғиллади сарбозлардан бири.

– Рухсат этсаларинг, кийиниб чиқсам...

– Кийиниб нима киласан, эй нодон чол, сўнгра уни ечиши йўқми? – деди дарвозага яқин турган сарбоз ҳам кулиб, ҳам жеркиб. – Кафанинг бичиб-тикиб қўйилган ўзи. Юр, олдинга туш!

Чолнинг юраги орқасига тортиб кетди. Икки марта товуш чиқариб: “Ё алҳазар!” деб қўйлагининг ёқасини

ушлаб-ушлаб қўйди. Ёнида ғазабдан какшаб турган Темурга қараб:

– Сулаймондан хабардор бўлгин, – деди-ю, бош эгиб сарбозлар олдига тушди...

Қовунчи бобо шу кетганича эрталаб не ҳолатда – бўзлай-бўзлай дийдаси тош қотган, гавдаси чўккан, афтода бир ахволда қайтиб келди.

Чол кела солиб Темурнинг қўлидаги кетмонга ёпишди. Полиз тепасидан пишкириб оқаётган Шохруд ариғига қараб югурди, апил-тапил катта бир дахана очиб, полизга сув қўйиб юборди. Сув нишаби чуқур бўлгани учун анхорнинг чорак оқими полизга қараб оқди.

Темур лол эди. Қанчалик ялиниб-ёлвормасин, бобо на гапирар, на қилмишидан қайтар, худди қутурган қари айиқдай жазавадан тушмас эди. Темур даханага банд солмоқчи бўлиб сувга кирганида, чол унинг қўлидан кетмонни олиб, Шохрудга улоқтириб юборди. Ярим соатда полиз пушталарига сув тошиб чиқди.

– Бобожон, ахир, қовунлар сув остида қолиб, нобуд бўлиб кетади-ку?! – ялинарди Темур. – Шунча захматини чекдингиз, бунинг уволи йўқми, бобожон?

– Энди менга барибир! – деди қовунчи бобо Темурга қонга тўлган кўзларини тикиб. – Бу фоний дунёда на савоб қолди, на увол...

– Нега бундай дейсиз, бобожон, шунча ҳосил ирибчириб кетса майлими?

– Майли, майли! – деб ўшқирди чол полизни бошига кўтариб. – Бу бебако дунёнинг ўзи чириган бўлса, ишониб юрган салтанатим ириган бўлса, сен яна қанақа уволдан кўрқасен, эй нодон бола?! Ҳаммасига ўт қўй, ёндир, топта, сувга чўқтир, болам, сенда куч-қувват бор, афсуски, мен дармондан қолиб боряпман!..

Полиз тўлиб, сув энди чолнинг пастликда чўнқайибгина турган афтодахол ховлисига қараб оқа бошлади. Ховли бобонинг мунгли назари олдига аста-секин фарқ бўлиб борар, деворлар сувоғи тутдай тўкилиб, ёғоч ва қаламалари яланғоч мурданинг қовурғасидай дахшатли кўринарди!

Қовунчи бобо тамом холдан кетиб, қумга тиззаси билан чўқди. У сувда қалқиб турган ховлига қараб, бирдан чапак чалиб, дод солди:

– Сулайман, бўталоғим!

Темур ховлидан – ишқом остидаги тахта сўрида ух-

лаб ётган Сулаймонни бағрига босиб, бобонинг ишкомга илиб қўйилган салласини олиб чиққанида, чол тиззасини маҳкам кучиб, манглайини қумга босганича беҳуш ётар эди...

Темур ковунчи бобони бу ҳолда кўриб кўркиб кетди. Қўлтиғида уйқусираб ёнгиниётган Сулаймонни ерга қўйиб, бобони таталади – бўлмади; иссиқ қумга ётқизиб, ховучида сув олиб, юзига сепди. Бобо кўзини хиёл очиб, чуқур энтикди. Сулаймон уйғониб, дод солиб бобосига ташланган эди, у неварасини бағрига босиб, узок йиғлади.

Ковунчи бобо шу аллоҳ – қайноқ туяроққа бағрини босиб, бир соатлар чамаси ётди. Кейин аста қўзғалди. Ҳануз Темурга тик боқолмас, гапирмас, гунохкор одамдай сукутда бош эгиб ўтирар эди. Темур сарбозлар чолни олдига солиб олиб кетгандаёқ, нохушлик сезган, чол қайтганича юз бериши муқаррар бўлган дилсиёхликка ўзини тайёрлаб турган эди. Лекин чолни бунчалик кутуртирган – увол билан савобни фарқ қилмайдиган даражага келтирган кўргилик нима ўзи?..

– Иккисидан ҳам ажрадик, болам, – деди чол анчадан кейин ердан қўз узмай, вазмин, синиқ товушда. – Иккиси бир қабрда ётибди...

Темур бирдан қалкиб кетди.

– Иккиси бир қабрда ётибди? Бу нима деганингиз, бобо?

Чол жим колди. Қум ўйинига берилиб ўтирган неварасини: “Ўтлаб юрган эшакни қайтариб кел”, – деб жўнатди. Сўнг машъум ҳарамдан икки аёл қисмати ҳақида олиб келган шум хабарини Темурга бир бошдан сўзлаб берди:

– Суйган қизинг, болам, дилгир бўлиб, амир оёғига йиқилиб, кетарман бўлиб унга арз-додини айтган. Амир унинг ҳусн-латофатини кўриб... Биласан-ку, болам, кўзи, юзи, бутун вужуди ҳайвоний хирсга тўлган одамни на хаё жиловлай олади, на диёнат. Бундай одамлар ўз диёнатларига хиёнат қилишда устаси фаранг бўладилар... Фотима бу хабарни ўн беш кун олдин келтирган эди. Сендан яшириб юрган эдим. Номуси булганган киз бир куни Фотимани ҳузурига чорлатиб, сочини ювиш бахонасида ундан симоб сўрабди. Фотиманинг унга симоб келтириб берганини ҳарам дастурхончиси кўрган экан. Қиз симобни нима қилибди де? Амир маст уйқуда ётган

нида... унинг қулоғига қуймоқчи бўлибди, лекин қўли қалтираб, симоб амирнинг соқол-мўйловига тўкилиб кетибди. Амир уйқудан уйғониб, боши тепасида қалтираб турган қизнинг қилмишидан воқиф бўлибди. Қаҳр-ғазабга келган амир икки ожизани – Ханифани ҳам, унга симоб келтириб берган Фотимани ҳам ҳарам орқасидаги ташландик қудуққа тириклай ташлатиб, кўмдириб юборибди. Бир пайтлар одамзод учун обиҳаёт инъом этган қудуқ ҳозир икки марҳуманинг қабрига айланган. Ўз кўзим билан кўриб, мана шу қўлларим билан қабрни пайпасладим. Назаримда, қабр остидаги марҳумалар ҳозир ҳам тирик – юраклари тегиб тургандай туюлди менга. Бор гап шу, болам. Энди тақдирга тан бер. Агар мен билан борсанг, тур, йўлга туш. Биринг – ўғлим, биринг – неварам. Йўқ, дейсанми? Ихтиёринг. Лекин энди менга бу сарҳад ҳаром. Кўришгунча омон бўл, бошинг тошдан бўлсин, болам!

Қовунчи бобо эшакка тўқим босиб, неварасини унга миндирди-да, ўзи ортидан пиёда йўлга тушди. Чол билан невара қадимий Шохруд ариғи ёқалаб жўнашди.

Чол етказган жонўртлар хабар юрагига тиг бўлиб санчилган Темурнинг бутун танаси алам ва хўрликдан титраб кетди. Чол билан бирга боришга ҳам, бормасликка ҳам иккиланиб, уларнинг орқасидан узоқ қараб қолди.

“Қовунчи бобо кетди, унга эргашолмадим. Сабабки, киндик қоним томган бу азиз юртни ёмонларга ташлаб кетолмайман, — дея қўлларини мушт қилиб тугди Темур. — Кетмаганимга яна бир сабаб шулким, бугунми-эртами, Қора Даванг билан бир юзма-юз бўлгим бор!..”

ИККИНЧИ ҚИСМ

ФАЛАТИ ОДАМ

Темурнинг бошига яна сарсон-саргардонлик кунлари тушди. Мана бугун мардикор бозорида ҳам омади чопмади. Бозор касод бўлди: харидор чикмади.

Темур шаҳарга тушди. Қорни оч. Токи Саррофон рўпарасидаги кекса дарахтга чиқиб, тутга тўйиб тушмоқчи бўлди. Лекин бундан ҳам ёлчимасди. Шаҳар болалари хар куни бу дарахтга неча марта ёпирилиб чиқар, хар гал мўр-малахдай уни талаб кетишарди.

Темур дарахтга чиқиб, шохларнинг уч-учида қолган тут майинздай сарғайган тутларни териб еди, бармоқлари ширага беланиб, пастга тушди. Шилдираб оқаётган ариқчада ювинди, ховучини тўлдириб-тўлдириб сув ичди. Кейин тут ва сув хусусидаги эски нақл эсига тушди. Ўзича хиргойи қилиб, кекса тут рўпарасидаги кундага келиб ўтирди:

– Тут хўрди, об хўрди – бурди...¹

Қуёш ботмоқда эди. Кунгираддор баланд иморатларнинг пештокига офтобнинг сўнги, хира тортиб қолган нури бир лаҳзагина иниб, аста-секин сўнди. Шу пайт сипо кийинган, ўттиз-ўттиз беш ёшлар чамасидаги бир одам шошиб келиб, кекса тут остида бир дақиқа тўхтади. Атрофга аланглади. Қўлтигидан бир даста ўроғлик қоғоз чиқариб, тутнинг тепа қисмидаги ковакка ташлади. Орқасига шундоқ қайрилган эди, ўн қадамча нарида, кундада чўнкайиб ўтирган йигитга кўзи тушди. Сипо кийинган одам шошиб қолди.

– Нимани кўрдинг? – деди хавотирланиб, Темурнинг устига бостириб бораркан. – Сенга айтаяпман, нимани кўрдинг?

Темур ўрнидан туриб, аввал салом берди, кейин сирли жилмайди-да:

– Нима иш қилган бўлсангиз, ҳаммасини кўрдим, мулла ака, – деди.

Темурнинг ўзини бунчалик вазмин тутиши сипо одамни баттар хавотирга солди.

– Яхши, – деди таҳдидли товушда, – сени ким ме-

¹ Тут еб, устидан сув ичсанг, маза сеники.

нинг изимдан юборган бўлса, бор, айт. Еган бир парча куйик нонингни ҳалол қил. Югур!

– Мулла ака, – деди Темур босиқ товушда, – шундай бир нақл бор: дара задам, девор кафит¹. Мен нима ғамда ўтирибман-у, сиз бўлсангиз... Қани ўша сиз айтган бир парча куйик нон? Эҳ, мулла ака, ғалати одам экансиз... Хар куни фаррошу мешкобчилар кўзини чалгитаман-у, мана шу дарахтга чиқиб олиб, тутга бир тўяман. Гадонинг душмани гадо бўлади, дегандай, сиз тўғри келиб дарахтга ёпишганингизда: “Яна битта тутхўр кўпайди-да!” деб ичимни мушук тирмалаб турувди ўзи...

Сипо одам кутилмаганда кулиб юборди.

– Ў-хў, бало экансан-ку... Аста-секин менга ёқяпсан, лекин гапларинг шундок захар!

– Оч одамнинг оғзидан захар томмай, асал томармиди, мулла ака?

– Тўғри айтасан. Исминг нима?

– Темур.

– Меники Қосим.

Иккаласи қўл бериб, қайта сўрашишди.

– Хайронман, – деди Темур, – қишлоқда тутнинг шох-шаббаларига ҳаммамиз оч-наҳор малахдай баравар ёпишардик. Шаҳарда аҳвол дурустми десам, қишлоқдан бешбаттар экан-ку?!

– Амирликнинг ҳамма ерида хўроз бир хил кичкиради, укам, – деди Қосим. – Асли қишлоқданмисан?

– Ҳа.

– Қайси қишлоқдан?

– Ундаредан.

– Шопирком туманиданми?

– Ҳа.

– Нега шаҳарда бундай хор бўлиб юрибсан?

– Сизга сабабини айтганим билан қора қисматим енгил тортармиди? – деди йигит дағаллик билан. – Айтишнинг нима ҳожати бор, ё корним тўядими?

– Мана бу гапинг нотўғри, укам. Одам захрини одам олади.

– Менинг захрим танамда, хатто қонимга ҳам сингиб кетган, энди уни ҳеч ким ололмайди.

Қосим Темурнинг фожиясидан хабардор бўлиш, унинг ёшига номуносиб бунчалик кўрс ва серзарда бўлиб қолганини билиш учун кунда устида у билан узоқ суҳбат-

¹ Эшикни урсам, девор ёрилди.

лашди. Фоже қисматидан қисман хабардор бўлганидан кейин забун тақдирига нажот бўлсин учун, деди:

– Ундай бўлса, укам, сен шахарда бунақа санғиб юрмаслигинг, амир тожу тахтини ағдариш учун бизнинг сафимизда бўлишинг керак!

– Энди фойдаси йўқ, мулла ака, – деди Темур бирдан маъюс тортиб, чуқур ўксинаркан. – Ҳанифанинг қисмати фожиали тугади!..

– Мулоҳазанг жуда ноўрин, укам, – деди Қосим бир оз кизишиб. Марҳумларнинг руҳи сени безовта қилмай-дими?! Мухаббат деган туйғу сенинг мудрок танангни қасос олиш учун жунбушга келтирмайдими?!

Темур заҳарханда қилди:

– Қасос? Қасос оламан деб кумушкентлик Сирож ака Вобкент яйловида амирга ўқ узиб, не фойда кўрди? Бекордан-бекор ўлиб кетди, бечора. Унинг қўлига милтиқ берганлар, уни амирга қарши гижгизлаганлар ҳозир ҳам амир билан ҳамтовоқ бўлиб, айш-ишратини қилиб юрибди.

– Гапинг тўғри, – деди Қосим, – якка кишининг қасосидан ҳеч фойда чикмайди, ҳамма бараварига баҳамжихат бўлиб қўзғалиши керак. Бахт садақа эмас, уни биров бермайди, уни курашиб, жонни жабборга бериб, қон кечиб қўлга киритадилар.

– Баҳамжихат кураш дейсиз, қачон бўлади у, – туянинг думи ерга теккандами?

– Яқинда бўлади, укажон, – деди Қосим Темурнинг икки елкасига икки кафтини баравар босиб, – сен, мен, ҳаммамиз тик оёққа қалққан кунимиз бўлади. Сенга тут бўлиб кўринган бу дарахт, агар билсанг, бизлар учун ташвикот ва тарғибот дарахти. Дарахт ковагига боя мен одамларни курашга чақирувчи ҳар хил газета-журналлар, варақа ва хитобномалар ташладим. Сенинг кўзингга мешқобчи, фаррош бўлиб кўринган у “тутхўрлар” аслида Ёш бухороликлар бўлиб, ҳозир улар тут ковагидан ўша варақаларни олиб кетишади. Юр, уларни хур-китмайлик, бу ердан кетайлик.

Иккисининг гапи ҳали тугагани йўқ эди, бир новча йигит югуриб келиб, Қосимга мурожаат қилди.

– Айтаверайми, тақсир? – деди кундада ўтирган нотаниш йигитдан хавотирланиб, унга кўз қирини ташларкан.

– Айтавер, бу ўзимизнинг одам.

– Эргалаб берган варақаларингизни мешкобчиларга тарқатиб бўлдим, тақсир.

Қосим қулди.

– Яхши. Лекин тақсир деган сўзингни қачон ташлайсан?

– Ташлайман, тақсир.

Қосим яна қулди.

– Тақсир-пақсирингни қўй, жуда зарур бўлса, мулла ака деявер.

– Энди бундан буён мулла ака дейман, тақсир.

– Эх, сеними... – деди Қосим гижиниб. Кейин унинг эътиборини Темурга қаратди.

– Мана бу йигитни сафимизга киргин десам, қўнмаяпти. Курашдан фойда йўқ, дейди. Афтидан икковинг тенгкур кўринасанлар, гапир-чи, эхтимол сенинг гапинг кўр олар: ғоз бо ғоз, кабутар бо кабутар¹, деганлар-ку?!

Новча йигит Темурни бир сидра кўздан кечирди.

Сўнг Қосимга юзланиб:

– Сахройими? – деди. – Сахройига ўхшайди, тақсир.

Темур ўқрайиб қаради:

– Сенга нима, – тажанг бўлиб жойидан турди у. – Сахройи бўлиш гуноҳми?

Қосим ўртага тушди:

– Хай-хай, бекорга қизишманглар. Темуржон, ўзингни бос, ўртоғинг бу сўзни ёмон ниятда айтди, ани йўқ.

Новча йигит Темурнинг аччиғини кўзгатадиган қандай гуноҳ қилганини билмай, ҳамон кўзларини пирпиратиб, хайрон бўлиб қараб турарди.

– Охир, нима дедим, жўра? Қишлоқдан келганларни шаҳарда сахройи дейди... Мен шуни айтдим, холос.

– Нима, сахройи бўлиш гуноҳми? – деди Темур хўрлиги келиб. – Сиз билмайсиз, Қосим ака, булар сахройи деган сўзни ҳақорат ўрнида ишлатади. Булар дастидан дилгир бўлганман, акажон! Мардикорликка олиб боришади. Қуни билан эшакдай ишлатиб, иш ҳақиға келганда жириллашади, пишириб берган ёвғон мошова-сини пеш қилиб: “Сендақа сахройининг дод баҳонг – бир қорин мошова” дейди. Ишонасизми, қўлга бир чақа бермай хайдаб юборишади. Сахройи дегани – сўккани; сахройи дегани – бизни, қишлоқдан келганларни ҳақорат қилгани!..

¹ Ғоз ғоз билан, кабутар кабутар билан...

– Тўхта, Темуржон, – деди Қосим икки тенгқурни муроасага келтириш учун – аввало жўранг, бу гапни ёмон ниятда айтмади. Иккиламчи, сен қишлоқдан келиб қанча жабр-ситам қўрган бўлсанг, бу ўртоғинг ҳам шаҳарда туғилиб, сендан кўпроқ жафо чекканлардан. Агар сенга шу сўз ҳақорат бўлиб теккан бўлса, ўртоғинг сендан ҳозир узр сўрайди. Шундайми, Наби?

Наби гапга маҳтал турган экан, Темурга дарров қўл чўзди.

– Кечир, жўра.

Темур унинг қўлини сиқиб, бир лаҳза сирли тикилиб турди.

– Набимисан?

– Ҳа.

– Қора Даванг хизматида бўлганмисан?

– Ҳа.

– Ундай бўлса... Олтин соғли пичокни нима қилдинг?

Наби бир сесканиб тушди, қўлини дарров Темурнинг қўлидан торғиб олди.

– Ким айтди сенга бу гапни?

Темур унинг чўчиганини, бирдан талвасага тушганини кўриб, кулиб юборди. У шундай самимий кулди-ки, Қосим унинг гавдасини силкитиб-силкитиб кулишига қараб, беихтиёр яйраб кетди.

– Йўк, таксир, бу ёлғон гапиряпти, – деди Наби ўзини оқлашга тушиб. – Пичокни ўғирлаган бир саҳройи кўса эди. Ўшанда ўзи иқроор бўлган эди, худо ҳақки, мен эмас...

Темурнинг кўзига Мажид кўсанинг панжаси чопилган чўлтоқ қўли кўриниб кетди.

– Саҳройилар қандай мард бўлишини ўзинг биласанми? – деди Темур қалбида қандайдир ифтихор туйғуси жўш уриб. Кейин Мажид кўса қисматини уларга гапириб берди. – Ўшанда, баласанми, Мажид ака сени қутқариш учун ёлғон сўзлаган. Бу ёлғон унга қимматга тушибди. Қора Даванг қилич билан ўнг қўлининг бармоқларини чопиб ташлабди. Чўлтоқ қўлини ўз кўзим билан кўрдим.

Ўртага оғир сукунат чўкди.

– Мажид кўса ҳозир қаерда? – деб сўради Қосим.

– Сарипул кўпригида қоровул.

– Айтганинг яхши бўлди, – деди Қосим хурсанд бў-

либ. – Ҳар гал Самарқанддан келганимда, Сарипул кўпригида соқчилар тутиб, хуржунимни текширгани-текширган. Кўлига бир нима кистириб, зўрға кутуламан. Шунанча пайтларда сен айтган кишининг бирор кўмаги тегиб қолар.

– Тегади, – деди Темури ишонч билан, – албатта тегади. У билан учрашганингизда, хогирангиздан чиқмасин, ўрталарингиздаги ишонч белгиси мана шу жумла бўлсин: “Олтин сопли пичоқни Наби олган экан!” денг.

Наби бу гапнинг ҳазиллигини билиб, мулойим жилмайиб қўйди.

Қосим Набига янги топширик бериб, Темурни ўзи билан бирга олиб кетди.

ЧАПАҚАЙ МУЛОЗИМ ИЗИДАН

Икки ўрток бронепоезднинг темир зинапоясига ийманибгина оёқ қўйиб, ичкарига – қабулхона вазифасини ўтайдиган, икки чеккасида икки соқчи тик турган узун коридорга киришди. Эшикнинг ўнг томонидаги соқчи кўрсаткич бармоғини лабига босиб: “Тсс, секироқ!” – деб охиста пичирлади. Уларга вагон деворига тираб қўйилган ёғоч стулда ўтира туришни имлади. Ўтиришди. Лекин аскарларнинг бутун хаёли ичкарида – ўртадаги очиқ эшикка орқасини қилиб, аппарат ёнида тик турган Файзулла Хўжаевда эди.

Файзулла Хўжаев йигитларга уларни чақириш сабабини тушунтириб, дарров муддаога ўтди:

– Гап бундай, йигитлар: амир қочиб кетган. Ортидан фарзандлари – амирзодалар ва харамдаги хотин-қизлар, амирнинг онаси Пошшобиби ёзги саройдаги мол-мулк, қимматбаҳо олтин буюмларнинг бир қисмини фойтун ва араваларга юклаб, ғойиб бўлишган. Қочоқларни, биздаги маълумотларга қараганда, амирнинг чапақай, энг ишонган мулозими Қора Даванг бошлаб боряпти. Қочоқларнинг муҳофазасида инглиз курул-аслахалари билан курулланган амирнинг шербаччалари, сараланган хоснавқарлари бор, – деди Файзулла Хўжаев йигитларни столда очиқ ётган Бухоро харитаси ёнига бошлаб бориб. – Ҳозиргина янги маълумот олдик. Амир харам мана шу ерда, Вобкент чоррахасида амирнинг изини йўқотиб қўйишган. Амир Гиждувон томонга, улар эса Шопирком туман

нига қараб кетишган. Амир изидан махсус гуруҳ жўнатилган. Сизлар йўлларни, қишлоқларни, дала ва даштларни яхши биладиган маҳаллий йигитлардан танлаб олинглар-да, зудлик билан ҳарам изидан йўлга отланинглар. Шунни унутмангларки, йигитлар, сизлар учун энг хатарли ёв, бу – Қора Даванг!

– Сўрашга рухсат этинг, – деди Темур Файзулла Хўжаевга чуқур бир истиҳола билан юзланиб. – Қора Даванг тўғрисидаги гапингиз чин. Лекин қочоқлар ҳақида баъзи таҳмин, йўқ, мулоҳазаларим бор.

– Марҳамат, – деди Хўжаев ва Темурнинг гапига қизиксиниб, эътибор билан қулоқ солиб турди:

– Қани эшитайлик-чи?

– Айтадиган гапим жуда жўн, – деди Темур қизариб, кейин бир оз хаяжон билан мулоҳазасини ўртага солди. – Амирзодалар Шопиркомга тушишармикан ёки Вардонзе қалъаси орқали ўтадиган йўл билан тўғри Ойдинқўлга қараб...

– Ўзинг нима деб ўйлайсан? – деди Файзулла Хўжаев Темурнинг гапини бўлиб.

– Агар қочоқлар қарвонида амирнинг Сарагул деган хотини бўлса, – деди Темур, – у Қора Давангни ўз раъйига сола билса, албатта, Шопиркомга тушиб ўтишадди. Чунки Сарагул ундарелик Мирсолибойнинг кизи. Унинг феълени яхши биламан. У амирнинг онаси ва қундошларини ўша ёққа бошлаб бориши турган гап.

– Тўхта-тўхта, – деди Файзулла Хўжаев Темурнинг гапига қизикиб, – Сарагул дегани амирнинг хотини бўлса, сен унинг феълени қаердан биласан?

Темур нима дейишини билмай, гарангсиб қолди.

– Қўшни... қўшни турганмиз, – деди.

– Умуман, – деди Файзулла Хўжаев, – мулоҳазаларингда жон бор. Бундан чиқди, нишонни тўғри ундарелик бой хонадонига қараб олаверсанглар бўлади. Лекин бу жанговар вазифани фақат совуққонлик ва тадбиркорлик ҳал этади: қўлингдаги қурол билан биттасини забт этсанг, ақл ва тадбир билан юзтасини эг!

Темур билан Васька Файзулла Хўжаев ҳузуридан чиқиб, Самарқанд дарвозасига чиқаверишдаги ялангликда кўнгилилар полкидан Наби ва унинг ўртоқларидан ўн нафарча йигитни саралаб олиб, махсус топшириқ бўйича йўлга отландилар.

ОЛТИН КАМАРЛИ ҚОЧОҚЛАР

Агдарилган тахтдан кўра саройда қолиб кетган зебу зийнатлар, олтин тақинчоқлар аламига куйиб-пишаётган хотин-халаж, падари бузрукворининг изидан жон ховучлаб чиққан тилло камарли амирзодалар карвони Вобкент чоррахасига келиб, бир лаҳза тўхтади. Уларнинг фойтун ва аравалари йўл ўртасида турнақатор тизилиб турарди. Қочоқлар рўпарадаги йўлларнинг қай бирига бурилишга ҳайрон эдилар. Тўртинчи йўл – орқага қайтиш асло мумкин эмас. Чунки саройга, тахтга, ҳарамга олиб борадиган йўл бу аламзадалар учун берк эди!

Саройдан олинган мол-мулк, қимматбаҳо буюмлар, халта-халта олтин ортилган аравалар ҳамон йўл бошида олдинга соябонли икки фойтуннинг жойидан жилишини кутиб турарди.

Амирнинг онаси Пошшобиби ўзидан ортдаги фойтунда нозиккина хотин билан ёнма-ён ўтириб келаётган барзанги одамга ярим қайрилиб, такаббуруна оҳангда сўради:

– Қора Даванг жаноблари, ҳазрати олий бизни қайси манзилга элтишни буюриб эдилар сизга?

Қора Даванг сал қаддини кўтариб, бир қўлини кўксига босган ҳолда жавоб берди:

– Фаришталар хомийси Пошшобибимизга маълум бўлғайким, ҳазрати олийлари борадиган муборак манзилларини каминага уқтирмадилар. Зероки, уқтиришга вақт монелик қилур эди. Сабабки, олампадох афғон навкарларининг қуршовида туриб: “Ҳарамни ортимдан олиб кел!” деб каминага буюрдилар.

– Энди қайга борурмиз? – деди Пошшобиби икки елкасини баравар учуриб. – Афғон навкарлари хоснавкарлар эмас, ажал навкарларидир. Ҳазрати олийнинг пурақл бошини, пуридрок раъйини қайтариб, қаён бошлаб кетдилар экан, билмайман. Бу чорраха, нечукдир, Қора Даванг жаноблари, менинг кўзимга борса келмас йўл бўлиб қўринур, ҳайронман...

– Иншооллох, кушойиши йўлни берса, – деди Қора Даванг мулозамат билан, – олампадохнинг муборак изларига тезда етурмиз.

Амирзодалар чоррахада туриб ҳамон баҳслашишар эди. Бири падари бузрукворини Кумушкент йўлига бурилган деса, яна бири Шопирком тумани томон кетган

бўлса керак, деб тахмин қилар эди. Ҳар қайсиси ҳар хил ҳаёл, ҳар хил тахмин, ҳар хил илинжда йўл бошида турганларида, еру кўкни титратиб, тепаларидан – нақ бошларининг устидан вағиллаб аэроплан учиб ўтди. Олдинги фойтунга қўшилган қора от – Рахш ҳуркиб, қочоқлар қарвонини Шопирком томонга суриб кетди.

Аэроплан, афтидан, қочоқ амир изидан тушиб юрган бўлса керак, Вобкент минораси устидан икки-уч чарх уриб айланди-да, тўғри Гиждувонга қараб йўл солди.

Ҳарам қочоқлари юракларига ваҳм солиб ўтган аэропландан қутулганларига шукр қилиб, Пермас (Пирмаст) кўпригидан ўтиб, Шопиркомга қараб йўл олдилар...

Энг олдинги фойтунда рангпар, зардўзи яктаги устидан тилло камар боғлаган ўн-ўн икки ёшлардаги амирзода билан амирнинг Сарагул деган нозанин хотини ўтирарди.

Қарвон Ундаре томон бурилгач, Сарагул қочиш ташвишини ҳам, йўл азобини ҳам унутиб, кибр-ҳавоси чандон ортиб, ёнидаги амирзодага деди:

– Жонларингга, ахийри, дадам ора кирадиган бўлдилар-да, амирзодам! – У тожу тахтни ағдарган оломоннинг қўли отамнинг баланд девор билан ўралган қасрига етмайди, фақат отам ховлисида жон сақлаш мумкин, деб ўйларди. – Хайриятки, амирзодам, забун тақдиримизга падари бузрукворим соғ-омонлар. Бўлмаса, ким билади, қайси бир борса келмас манзилга санғиб кетган бўлардик.

– Билмадим, бегойим, билмадим, – деди амирзода кичик бегойимнинг сўзидан қаттиқ ранжиб. – Падари бузрукворимиз ҳам, биз ҳам – ҳаммамиз бугун борса келмас йўлдамиз, бегойим!

Сарагул бир сесканиб тушди.

– Нафасингизни иссиқ қилинг, амирзодам!

Амирзода алам билан бош чайқади:

– Афсуски, бошимизга тушган бу кўргиликлар камина нафасининг иссиқ-совуғига боғлиқ эмас-да, бегойим.

Сарагул амирзоданинг ёшига номуносиб, тик, танни зиркиратадиган бу нохуш жавобларидан кейин нафаси ичига тушиб, бирдан маъюс тортиб қолди. У йўртиб бораётган арабий айғир Рахшнинг қуёш нурида йилтираётган қоп-қора сағрисига қараб, дилига завқ бағишлайдиган бирор дилхуш саргузаштни хотирлашни маъкул кўрди.

Дарвоке, дилхуш хотира...

Ўшанда тўйдан кейин Сарагул билан Ҳанифани ҳарамга элтган мана шу Рахш эди. Келин кузатгани борган ҳамма қудалар эртасига изига қайтди-ю, Сарагул хоши ила Ҳанифа билан Рахш ҳарамда қолди. Мана бугун қочоқлар карвонининг пешкаши бўлиб қора Рахш ҳам қайтаётибди, Сарагул ҳам, фақат... Ҳанифа йўк!..

Улар кунботардан олдин Мирсолибойнинг қасрига етиб келдилар. Рахш нақшинкор дарвозани таниб, наъра тортиб кишнади...

Дарвоза очилгунча икки-уч лаҳза ўтди. Шу орада амирзода фойтундан тушиб, теварак-атрофга олазарак бўлиб қарай бошлади. Сарагул амирзодага яқин бориб, ўз уйларига туташ, чилимнинг сархонасидай қоп-қора курум босган, ёғочлари қуйиб, афтодахол бўлиб қолган Ҳанифа яшаган ҳовлини кўрсатди.

– Кўрдингизми, амирзодам, мана бу ҳовли падари бузрукворингизнинг азиз жонига қасд қилмоқчи бўлган худо беҳабар Ҳанифанинг ҳовлиси. Хотиранингизда, ўша симоб воқеасидан кейин отам амир ҳазратларининг кўнгиллари тасалли топсин учун Ҳанифанинг ота-онасини уйга қамаб, эшикларини орқасидан тамбалаб, ҳовлига ўз қўллари билан ўт қўйганлар!

Амирзода бу гапдан бир сапчиб тушди, кейин ялинган товушда деди:

– Қўйинг, бегойим... қўйинг... қувонманг... Бизнинг қасримизга ҳам қайси бир оёқяланг шу топда ўт қўйгандир. Қувонманг, бегойим!

Сарагул юрагини ваҳм босиб, кўзларини амирзодага чакчайтирди:

– Нега бундай дейсиз, амирзодам? Ҳеч бўлмаса, падари бузрукворингиз иноятдан кўркинг, амирзодам!

– Кўрқамен, лекин не илож, бегойим! Бизни тожу тахт сари олиб борадиган йўлга биз билан сиз назар-писанд қилмайдиган ўша оёқяланглар бугун кўндаланг бўлиб туриб олган, не илож!..

Бойнинг икки тавақали нақшинкор дарвозаси очилиб, Мирсолибойнинг ўзи уларга пешвоз чиқди. Қочоқлар ичкари кириб, дарвоза беркилди...

КЎПРИК ОСТИДАГИ МАРХУМЛАР

Харам қочоклари изига тушган отлик аскарлар гурухи Харгўшнинг ястаниб ётган ўтлоғу даштларини шиддат билан босиб ўтиб, айни кун қайтганда, пўртана отиб оқаётган Зарафшонга юзма-юз бўлишди. Улар дарё ўзанида бирпас тўхтаб, йўл гарчанд қисқарса-да, сувдан кечиб ўтишга ботинишмади: Сарипул кўприги оркали айланиб ўтадиган бўлишди.

Дарё ўзани кўприкка етгунча юлғун ва қамиш билан копланган бўлиб, от белига чайқалиб уриларди. Темур олдинда, эгарда хаёл суриб кетяпти. Ўша мудхиш воқеа – айни баҳор кулф урган паллада, мана шу Зарафшон тўлкинлари билан тиккама-тикка олишгани, Наврўзойни ўлим гирдобидан олиб чиққани худди кечагидай кўз олдида бетиним чарх уради: “Ажабо, ҳамон хаёлимда Наврўзойнинг қора қисмати... Мана шу қўлларим билан уни ўлим гирдобидан юлиб олиб, яна шу қўлларим билан Қора Давангдай қузғун панжасига топширибман. Мана, икки йил ўтяптики, шу гуноҳим юки остида эзиламан. Тўхта-тўхта, бу қанақа гуноҳ ўзи? Ўзини-ўзи ўлимга бевақт маҳкум этиб, ҳаётдан янглиш кетаётган бир бандани нотавоннинг тирик қолишига сабабчи бўлсам-у, бу қанақа гуноҳ бўлади, а? Нима бўлганда ҳам у ҳозир тирикдир? Шунинг ўзи менга тасалли бериши керак эмасми? Билмайман, тасалли берадими-йўқми, бу ишим гуноҳми-савобми, рости гап, ҳануз билмайман... Наврўзой ҳозир ҳам Қора Даванг хасмидамикин, ёки... Уларга хотин қахатми, кўнгли тусаса бас – ҳеч нарсадан тап тортишмайди...”

Тевага – қайроқтош йўлга чиқаётганда, Темурнинг хаёли бўлиниб, ногаҳон кўприк остига, тирсақдай туртиб чиққан ёғочда осилиб ётган одам танасига қўзи тушди. Сарғайган ажрик устида яна бир жасад ётибди. От тизгинини тортиб, ортидан келаётган Васькага қайрилиб қаради ва кўприк остини кўрсатди.

– Анавини қара, Васька! – деди вужуди зирқираб.

Васька отини тўхтатди.

– Бундай қолдириб кетсак бўлмас, – деди Васька, – ҳеч бўлмаганда кўприк соқчисига топшириб кетайлик марҳумларни.

– Тўғри айтасан, – деди Темур дўстининг гапини маъқуллаб. – Эҳтимол, соқчилар билар, бу марҳумлар фожиасини...

Йигитлардан бири ўздан юқорига – йўл чеккасидаги соқчи хонасига югурди. Икки-уч йигит отдан тушиб, ўликларни саранжомлашга шошилди. Соқчига кетган йигит бирпасдан кейин сўкиниб қайтди:

– Шундай тожу тахтни ташлаб амир қочиб кетганидан кейин унинг соқчиси колармиди, ўртоқ командир?! Хеч ким йўқ, кўприкнинг икки томонидаги қоровулхоналарга ўт қўйилган.

Йигитлар осилиб ётган жасаднинг шишиб, кўқарган бўйинини арқондан зўрға бўшатиб, кўтариб олишди. Ўликларни кўздан четроқ, кўприк остига – нур кўрмай саргайиб ётган ажриқ устига ётқизишди. Темур билан Васька марҳумларга яқин бориб, изтироб ичида видолашишди...

Шу пайт... Э-воҳ, Темурнинг нигоҳи беихтиёр гавдаси жиккаккина марҳумнинг чўлтоқ кўлига бир дақиқа қадалиб қолди!

Бу – Сарипул кўпригининг қоровули Мажид кўса эди...

– Наби, дўстим, – деди Темур кўзига жиққа ёш олиб, – сен учун ўнг қўлини Қора Даванг қиличининг дамига тутиб берган одам, мана, ажриқ устида ётибди!

Наби келиб жасад устига эгилди, мурданинг қотиб қолган ўнг қўлини узоқ силади, кейин... лабига босиб, йиғлаб юборди:

– Учрашган жойимизни қаранг, отажон... Халоскорим эдингиз менинг! – У ўксиб-ўксиб йиғлади. – Алвидо, отажон!

Иккинчи жасаднинг қимлигини аниқлаш жуда мушкул эди. Унинг ёшини чамалаб бўлмас, лекин оёғидаги булғор қавуш-маҳсиси, бўйнига чувалашиб, титилиб кетган сурмаранг шойи салласи, танасидаги у ер-бу ери чок кетган банорас чопонига қараганда нуфузли ва эътиборли одамга ўхшаб кетар эди. Арқонда қаттиқ бўғилиб, юзига қора қон силқиб қотиб қолганидан унинг қиёфасини аниқлаш қийин эди.

– Ўртоқ командир, – деди қиррабурун, чувак юзли аскар Темурга мурожаат қилиб, – фаҳимча, мусулмончилик, шариятда номаълум мурда жасадидан бирор нишона ахтариш ва унинг қимлигини аниқлаш тириклар бўйнидаги қиёмат қарз. Рухсат этинг, марҳумнинг у ер-бу ерини қавлаштириб кўрай, зора...

– Рухсат, – деди Темур қовоғини солиб, – озор

бермай қарагин. Сендан олдин ҳам амирнинг ғаламисларини бунинг қўнжигига тушиб чиққан кўринади.

Васька чуқур тин олиб, Темурга қаради:

– Сезиясанми, мархумлар танасининг димикиб кетганига қараганда, улар кеча ёки ундан олдинги кун қатл этилганга ўхшайди. Қизик, не сабабдан буларни шундай кўйга солишиб, одамнинг назари тушмайдиган пасткам ерга осиб кетишибди?

– Сабабини сизларга айтайми? – деди чувак юзли аскар, ўлик узра эгилган қоматини тиклаб, унинг бир қўлида сатин рўмолча, бир қўлида икки кат қилиб буланган аллақандай ялтироқ қоғоз... – Мана бу қоғозни маҳсисининг қўнжидан топдим. Ўқинг-чи, Темур ака, нима деб ёзилган?

Темур қоғоз катини очиши билан димоғига босмаҳона бўёғининг хиди гупиллаб урди.

“ – Шу-уъ-лаи инкилоб”... – деди Темур хаяжондан нафаси бўғилиб. – Ахир, бу Самарқандда чиқадиган журнал-ку, Васька?!

Васька журнални Темурнинг қўлидан олиб, у ёқ-бу ёғини айлантириб кўрди. Муқовасини очди.

Дарҳақиқат, бу юпкагина ҳафталик журнал Самарқандда босилиб, бир йилдан бери бутун Бухоро амирлигига яширинча тарқатилар эди.

– Темур, бу ўзимизнинг Қосим курьеримиз-ку?

– А? – Темур хаяжон ичида югуриб бориб мархумнинг танаси узра энгашди, юзини, тақир бошини сийпаб кўрди:

– Рост, бу киши ўша – ўзимизнинг акамиз Қосим курьер! Мана, ўнг кошенинг устида тилинган доғи бор. Эсингдами, Васька, Когон темир йўли устида бўлган найзабозлик жангида ўнг қовоғининг устидан жароҳатланган эди. Қара, мана изи...

Ҳарбий зарурат ҳамиша хоҳиш ва истакдан устун келади. Темур билан Васькада оташин Қосим курьер, Мажид бобонинг жасадини ўз қўллари билан тупроққа топшириш хоҳиши ҳарчанд баланд бўлмасин, қўмондонлик топшириғи уларни шошилтирар эди. Жанг – жанг-да. Улар кўприк остидаги мархумлар билан сўнги бор видолашиб, йўлга отланишди. Қарийб икки километрча юргач, Чорбоғкент кишлоғига киришди. Темур тўғри келган бир ҳовлининг эшигини қамчи дастаси билан қоқди:

– Ҳо-о-ой, ким бор?

Ичкаридан салласининг пичи елкасигача тушган, анча сипо кийинган бир муллавачча шошилиб чиқди-да, азбаройи хурмат юзасидан отликларга тавозе билан салом берди.

– Мархамат, афандилар, – деди қўлини кўксига бошиб, – уш кўрдик.

– Рахмат, таксир, – деди Темур муллаваччанинг муомаласидан хурсанд бўлиб. – Агар монелик қилмасангиз, сизга бир муслмончилик юмушини тошдирайман. Шунн бизнинг кўнглимиздагидай қилиб бажо этасиз, таксир.

– Жоним билан, афандим.

– Сарипул кўпригининг остида, кишининг назари тушмайдиган пасткам жойда бизнинг дўстларимизнинг бирини осиб, бирини чавақлаб кетишибди. Бу қотиллик қачон бўлгани номаълум. Сиздан илтимосимиз шуки, таксир, икки-уч киши билан бориб, марҳумларни дафн этишга бошчилик қилсангиз.

– Бош устига, афандим. Агар сир бўлмаса, кимларни дафн қиларимни билсам бўладими?

– Албатта. Бирн самарқандлик Қосим Жаъфар ўғли деган киши, иккинчиси...

– Э вох, – деди муллавачча бирдан инграб, кейин кўксини чангаллаб, ранг-кути бўздай оқариб, деворга суяниб қолди. – Қосим курьер афандими?

– Танийсизми, мулла акани?

– Таниш ҳам гапми, афандилар. Биз Самарқанддан бирга чиқиб, беш кун давомида Хатирчида, Карманлада, Фиждувон ва Вобкентда бўлдик. Йўлда мени беэгак тутиб қолди. Қосим афанди мени мана шу танишларининг ховлисида қолдириб: “Тез соғайинг, кайтишда бирга кетамиз”, деб бундан уч кун олдин ўзтари Бухорон шарифга жўнаб кетган эдилар.

– Мулла ака отдамидилар?

– Отда эдилар, афандим.

– Ўша “Ташвиқот хуржуни” эгардамиди?

– Ха, таксир, хуржун тўла ташвиқот варақалари, газета ва журналлар эди.

– Бундан чиқди, Сарипулда мулла ака билан Мажид қоровулни қўлга туширишган... Мана бу журнал, – деди Темур қўлтиғидан “Шуълан инқилоб”ни олиб кўрсатаркан, – мулла аканинг маҳсилари соғисидан топилди.

– Мулла аканинг айтган гаплари хали-хали қулорим

остида турибди: “Худо қўлласа, Сарипул кўпригининг қоровули Мажид ака аввалгидай мадад берса, хуржунни мешкобчи болаларга топшириб, тезда изимга қайтамен”, деган эдилар. – Шу пайтгача пинхона инграб турган муллавачча энди ошқора йиғлаб юборди. – Эҳ, билганимда борми, безгак тугул ўлат тугганида ҳам бирга борган бўлардим. Эҳ, мулла ака, акажон!..

– Бирга борганингиздан нима фойда чиқарди...

– Марг ба ёрон сурур аст¹. Назаримда, Қосим қуръердай одам билан бирга ўлишнинг ўзи бир бахт!

– Қўйинг, йиғлоки бўлманг, дийдангизни қаттиқ қилинг, йиғит кишисиз. Ўзингизни қўлга олинг. Бутун қишлоқни оёққа турғизинг, мулла акамизнинг, Сарипул кўпригининг қоровули Мажид бобонинг иззат-икромини жойига қўйиб кўмдилинг.

Аскарлар отланишди. Улар Вобкентга қирмай, уни айланиб ўтиб, Мўғиён қишлоғи ёқалаб Шопирком йўлига тушдилар.

“ҲАРАМ ҚОЧОҚЛАРИ” ОПЕРАЦИЯСИ

Темур бошчилик қилаётган гуруҳ Ундаре томон илгарилаб борар эди. Отда ёнма-ён кетаётган Темур билан Васьканинг хаёли “Ҳарам операцияси” билан банд эди. Уларнинг қайси бири нимадан гап бошламасин, барибир, амирнинг ишончли, чапақай мулозимига келиб тақалар эди: Қора Даванг билан бошланиб, Қора Даванг билан тугарди...

– Кўрамиз, – деди Васька Темурга қараб, – Қора Даванг бизга қанақа хийла ишлатаркин?

Гуруҳ қишлоққа яқинлашиб келганида қош қорайиб қолган эди. Аскарлар Ундаре чеккасига – Қайроқтепа пастига жойлашишди. Темур бу ерларни қадамба-қадам билади. Унинг болалиги шу маҳаллада ўтган, қишлоқнинг кўрки бўлиб то саратонгача кўм-кўк яшнаб турадиган шу Қайроқтепада тенгқурлари билан қанча-қанча ўмбалок ошиб ўйнаган. У ўша лахзаларни ўйлаб, Васькани тепага бошлаб чиқди. Тепалик заранг қотган, қайроқдай тақир эди. Эҳтимол, номини ҳам шу боис Қайроқтепа аташгандир. Ўт-ўланлари жазирамада қовжираб

¹ Дўст билан бирга ўлиш – бахт.

қолган. Шу ердан туриб қишлоқни кузатишди. Мирсолибойнинг баланд девор билан ўралган кўрғони бутун қишлоққа қора кўланка ташлаб ётибди...

Икки қуролдошнинг бой кўрғонига қараб олган илк таассуротлари шу бўлди: Қочоқлар аллақачон жойлашиб, бойнинг ховлисини ўзлари учун мустаҳкам истеҳкомга айлантириб олишган. Шу топда Қора Даванг қандай тадбир қўллаётган экан? Энди бу истеҳкомни қатта хунрезлик эвазига забт этиш мумкин.

Лекин уларнинг хунрезлик қилишга асло ҳақлари йўқ эди. Бунинг устига вақт зиқ, кучлар тенг эмас. Агар хужум пайсалга солинадиган бўлса, амирни кузатиб чиққан шербаччалар галаси ёки сараланган афғоний навқарлар амирзодаларнинг бу ердалигини пайқаб қолишса, ана унда тангадай яра туядай бўлиши турган гап. Хўш, нима қилиш керак?

“Дарвоқе, нима қилмоқ керак? – ўйлай бошлади Темур Мирсолибой кўрғонидан кўз узмай. – Нимадан бошлаш керак? Тўппа-тўғри бостириб борсак... Йўқ-йўқ, бошқа чора топиш керак. Қандай чора?”

Икки ўртоқ анчагача тепада туриб, вазиятни аниқлаб, имкониятларни чамалаб чиқиб, қатъий қарорга келишди:

“Вақтдан ютиш керак, вақтдан. Тонггача саранжомлаш, бунинг учун эса теварак-атрофдаги қишлоқлардан келаётган кўнгилли йигитлар мададига таяниш керак!”

Темур Наби новчага гуруҳни топшириб, Васька иккиси пиёда қишлоққа кетди.

Қишлоқ уйғоқ, лекин бесаранжом, одамлар ташвишда. Нураган, пастак деворларни миниб олган болалар, том бошига чиққан ўсмирлар, пасткам дарчалар ва эгрибугри эрганаклар ортидан яширинча пойлаётган хотинхалажлар қарашида ташвиш, хатти-харакатларида саросималик ҳукмрон эди...

Темур паст кўча билан айланиб ўтиб, Ҳанифалар уйи олдидаги ўрик ёнига келиб тўхтади. Рўпарасида вайрона кулбанинг ёнғиндан жизғанақ бўлиб, култепага айланган ўрни даҳшатли кўринар, дилга қабристон сукунатини солар, фақат Мирсолибой молхонасига туташ мўъжазгина хужранинг қоп-қора деворигина сўппайиб турар, чала куйган ёғочлари осилиб ётарди.

– Бундан ҳам даҳшатли кўргилик бўладими, Васька? – деди Темур ичидан хуруж қилиб келаётган хўрлик-

дан товуши бўғилиб. – Булар хаммаси Ханифа қасдига қилинган....

Ҳозир Васьканинг қайғуси ҳам Темурнинг алаmidан оз эмасди: дўстининг ним қоронғиликда унсиз бўзлаётганини юракдан хис этар, ич-ичидан эзилиб, бағри тигла нарди.

– Ўксима, Темур, – деди изтироб билан, – ўксима, дўстгинам! Биламан сенга осон эмас, лекин... Ахир, кўрмаяпсанми, Бадал бобога ўхшаган камбағаллар уйига тушган ўт... ха, мана шу ўт алангаси осмону фалакка ўрлаб, бутун амирлик тож-тахтини кунпаякун қилиб юборди-ку! Сен билан менга мана шу тасалли бермайдими, дўстим?!

– Васька, сенга ўхшаган дўст, Қосим қурьерга ўхшаган биродар топмаганимда, билмайман, ҳолим не кечар эди?!

Васька Темурнинг қўлтиғидан олиб, йўлга бошлади. Икки дўст жим, оғир сукунатда аста-секин кишлоқ ора-лаб, яна Қайроқтепа томон қайтдилар. Тепага етар-етмас уларнинг атрофини йигитлар ўраб олишди. Буларнинг кўпчилиги кишлоқ ўсмирлари бўлиб, ҳарам қочоқларини қувиб келган аскар дарагини эшитиб, теварак-атроф киш-локлардан йиғилиб келишган эди. Улар Темур билан Васькани ҳоли-жонларига қўймай, ўзларини ҳарбий гу-руҳга қабул қилишни сўрашарди...

Ундарега туташ кишлоқлардан – Чандир, Хўжаориф, Пирмаст, Мирзокул, Боғиафзал, Вардонзе, Лабирўддан йиғилиб келган йигитлар Шўробод ариғи кўприғидан ўтиб, Темур билан Куликовга эргашиб, тўғри Қайроқтепага – ҳарбий қўналға жойлашган пастқамликка жўнади-лар. Бу йигитлар орасида Темурнинг энг яқин дўстлари ва тенгқурлари Аҳмад билан Ҳайитбой ҳам бор эди. Темур Васькага Аҳмад билан Ҳайитбойни таништириб, Ойдинкўл шикорида Қора Даванг билан содир бўлган воқеани гапириб берди.

– Ўша мулозимни – Қора Давангни ҳозир кўрсанг танийсанми, Аҳмад? – деб сўради Темур.

Аҳмад йигитлар орасида бир оз ийманиб, чаккасини қашиди.

– Кўрсам, эҳтимол, танисам керак.

– Сен-чи, Ҳайитбой?

– Танирман, эҳтимол.

– У шу ерда – Мирсолибойнинг ҳовлисида.

– Йўё-э? – Ахмад билан Хайитбой таажжуб билан Темурга қарадилар, – йўё-э?

– Ха, унга кўз-қулоқ бўлиб туришимиз керак.

Темур йиғилган ҳамқишлоқларини харбий гуруҳдаги йиғитларга, аскарларни эса қишлоқдошларига тезгина таништирди-да, кейин кўнгилли ўсмирларни сафга тизилишга буйруқ берди:

– Хохиш ва истакларингизни инobatга олиб, сизларни сафимизга қабул қиламан. Мен бугун сизларни қўмондонлик номидан қизғин табриклайман!

Темур, Куликов, Наби новча ва бошқа аскарлар йиғитларни сидкидилдан қутлашди.

– Қолган гапларни, – деди Темур сўзига яқун ясаб. – бу кеча “Харам қочоқлари” операциясини муваффақиятли бажариб, шаҳарга қайтганда гаплашамиз.

Темур йиғитлардан ўн-ўн беш чоғлисини Ахмад билан Хайитбойга топшириб, Мирсолибой қўрғони томон жўнатди. Улар пастқам ерларга пинхона жойлашиб, бой ховлисини халқадай ўраб олишди...

АМИРДАН КЕЛГАН “ЧОПАР”

Тун алламаҳал бўлган. Осмонда бир тилим бўлиб ой сузиб юрибди. Узоқ-узоқларда бўри улиди, унга жавобан Ундаре қишлоғининг чеккасида ит эринибгина вовуллаб қўйди. Шўробод ариғининг камиш босган ўзанида қурбакаларнинг бири қўйиб, бири қуриллайди.

Бой қўрғонининг якка табақали эшиги – чорвоқ томонга қараган дарчанинги занжири “ширк” этиб тушди. Эшик очилиб, қўрғондан новча бир одам чиқди. У Шўробод ариғи ёқалаб бораётган эди, Ахмад билан Хайитбой рўпарасидан чиқишди ва уни “ғип” этиб бўғиб олишди. Ахмад унинг оғзига латта тикаётганда бирдан таниб қолди: қишлоқ мулласи – Қанд бобо экан.

– Йўл бўлсин, мулла бобо? – деб сўради Ахмад. – Сизга шафқат юзасидан латтани мана бундоқ қилиб олтирдим-да, оғзингизни ланг очиб қўямиз: шарт шукки, овоз чиқарманг, дод солманг!

Мулла талвасага тушиб қолди:

– Мени нима қилмоқчисизлар? Ахир, мен тангрининг беғуноҳ бир бандаси, пайғамбарнинг художўйи бир уммати бўлсам...

Мулла йигитлар олдига тушиди.

– Мана, бойнинг битта айғоқчисини тутдик, – деди муллани бошлаб келган Аҳмад Темур билан Куликовга уни топширар экан. – Бой кўрғонининг орқа дарчасидан нипҳона чиқиб, лўкиллаб қочиб кетяпти...

Темур муллани дарров таниди. Аҳмадга жавоб бериб, муллага мурожаат қилди.

– Ие-ие, Қанд бобо, – деди кулиб, – муллаликдан бўлак айғоқчилик касбингиз ҳам бор экан-да? Шу гап ростми?

Мулла Темурга бир оз тикилиб турди, кўзи хира тортиб бўлса-да, товушидан унинг кимлигини пайқади.

– Темуржон? Бадал бобонинг Темуримисан?

– Ҳа, ўшаман.

Темур мулла Қанднинг қўлини олиб, хол-ахволини суриштирди, кайфиятини сўради. Темурнинг мулоим муомаласи бир томон, бояги йигитларнинг дағал муносабати бир томон, бобонинг бирдан хўрлиги хуруж қилиб келди.

– Раҳмат, болам, холбакудрат юрибман, – деди. – Мана, кўриб турибсан, тупроқдан ташқариман. Буларингга айтгин, болам, мени бунақа ном билан атамасин.

Темур чолга Аҳмаднинг “айғоқчи” дегани малол келганини дарров пайқаб, мулланинг кўнгли учун:

– Парво қилманг, сиз учун ўзим қулоқларини чўзиб кўяман уларнинг, – деди.

Чол бир оз тинчиди.

– Бу йигитлар сени лачайник – бошлиқ бўлди де-йишяпти, шу ростми, болам?

– Кўриб турибсиз-ку ким бўлганимни, Қанд бобо. Эшитгандирсиз, – деди Темур аста-секин муллани гапга солиб, – кеча тахт ағдарилди, амир қочиб кетди...

– Эшитдим, болам, эшитдим.

– Қаердан эшитдингиз?

– Бойникидан.

– Ким айтди?

– Пошшобиби... Ишонасанми, Темуржон, каломулло урсин, шу ёшга кириб амирнинг онасини кўрмаган эдим, бечора қариб қолган экан.

– Амирзодаларнинг ахволи нечук, Қанд бобо?

– Ростми гап, – деди чол норози бир кайфиятда бошни анчагача сарак-сарак қилиб, – амирзодалардан ихлосим қайтди, тоза йиғлоқи экан. Эҳ, хом сут эмган бан-

да... Уч амирзода бир-бирининг елкасидан кўлини ўтказиб, худди отасининг жанозаси устида йиғлаётгандай бўкириб йиғлашади, тавба...

– Йиғлоқи экан дейсизми? – деди Темур яна гапни айлантириб. – Тожу тахт кўлдан кетгандан кейин аламидан йиғлайди-да!

– Лекин мен сенга айтсам, Пошшобибининг дийдаси тошдай қаттиқ экан, – деди мулла амирнинг онасига қойил қолиб. – Йиғлоқи амирзодалару хотин-халажни шундай урушиб бердики, асти сўрама. Ораларида Қора Даванг деган бир бевурд одам бор. Эскидан таниш.

– Харамнинг тақдири шу Қора Даванг кўлида-да, бобо? – деди Темур.

– Эҳтимол, – деди чол елкасини учириб, – лекин... Пошшобиби билан иккисининг гапи бир ердан чиқмаяпти, чоғи.

– Нечун? – Ҳайрон бўлиб сўради Темур. – Қандай билдингиз, мулла бобо?

– Бойнинг ертўласи олдида иккисининг қаттиқ тортишганини эшитдим.

– Ертўла олдида дейсизми? – Темур Бадал бобоникида яшагани туфайли девор-дармиён кўшни – Мирсолибойнинг ховлисини миридан-сиригача биларди. У дарров хаёлан чамалаб кўрди: дарвозахонадан кейин ташқари ховли, сўнг ичкари ховли; сўлда, ўттиз-қирқ газча нарида молхона. Ана шу молхона супасида ертўла бўлиб, устига йигирма бир ёғочли узун айвон қурилган эди. Ертўланинг эшиги – қайрағочдан ишланган бўлиб, жуда оғир очилиб, ёпилар эди. Темур амирнинг онаси – Пошшобиби бойнинг ичкари ховлисига тушмай, ертўла атрофида ивирсиб юрганидан таажжубда эди.

– Қизиқ, Пошшобиби ертўлада нима қилади?

– Аравалардаги юкларни туширишди, – деди чол. – Ҳаммасини ертўлага жойлаб қўйишди.

– Энди тушундим, мулла бобо, – деди Темур хушнудлик билан. – Эслаб кўринг-чи, иккиси нима хусусда айтишиб қолди?

– Фикри ожизимча, Қора Даванг харамни Вардонзе қалъаси усти билан аллақаякқа олиб кетмоқчи, лекин кампир кўнмади: “Сен ноқасни аравалардаги олтинлар васвасага соляпти. Шунинг учун бизни хазрати олийнинг изидан узиб, йўлимизни атайин чалғитиб қўйдинг!” – деди Пошшобиби Қора Давангни қарғаб.

Аравалардаги халталарни ертўлага жойлаб бўлгандан кейин Пошшобиби негадир яна Қора Давангни чакириб, елкасига шапатилаб эркалатади: “Хазрати олийдан бирор умидли хабар келгунча ертўлани кўз қорачиғингдай кўриқла!” – деди. Қора Даванг таъзим қилди. Шундан кейин иккиси ярашиб олди.

– Қизик, бу кампири тушмагур, қандай илинжга кўз тикиб, яна қаердан нажот кутяпти ўзи?

– Амирга кўз тикяпти, болам, амирга, – деди мулла товушини пастлатиб, Темурга томон энгашаркан. – Ҳар қандай таҳликада ҳам амир бизни ёлғиз қолдириб кетмайди, деди. Агар онасини унутиб кетса, худо шохид, бу дунёи у дунё боламга берган оқ сутимга рози эмасман! – деб Пошшобиби ер муштлаб қасам ичди.

Мулланинг бой хонадонидан олиб чиққан ва ўзи билмаган ҳолда Темурга гурунг қабилида сўзлаётган гаплари бир чеккада кулоқ солиб турган Васькани қаттиқ ўйлатиб қўйган эди: “Дарвоқе, амир... Пошшобибининг сўнгги умиди ўринли: амир ҳар қандай таҳликали дамда ҳам буларни ташлаб кетмас, ахир?..” Куликов Пошшобибининг мана шу сўнгги илинжидан бир “қармоқ” ясаб, шу “қармоқ”ни ичкарига – бой хонадонига устомонлик билан ташлашни ўйларди: “масалан, дейлик: амирзодаларни олиб кетиш учун амирдан чопар келса... Чопар учун дарвоза сўзсиз очиладим, очилади, кейин... қизик, шу топда Темур нима ҳақда ўйлаётган экан?!”

Темур эса бирор бир муҳим гап чиқармикан, деган умидда ҳамон мулла Қанд билан овора эди:

– Қанд бобо, амирзодалар бойникига келиб тушганида сиз қаерда эдингиз?

– Бойникида хатми Куръон тушириб тургандим. Бирдан дарвоза тараклаб очилди-ю, ховлини фойтуну арава босиб кетди. Ташқари чиқай десам, савил юрак бетламайди, мехмонхона эшигидан мўлтираб қараб ўтирибман. Бойнинг хотин-халажи, хизматқору чўриларининг қўли-қўлига тегмайди: бирови офтобага югурса, бирови сочикка чопади; бирови отларни аравалардан бўшатяпти, бирови беда қирқяпти... Ана шу пайт менинг ўрним билинди. Бой чакириб қолди. Борсам... ёлғон гапирсам каломулло урсин, борсам, Сарагул беҳуш ётибди. Унинг бош томонида иккита канизак, оёқ томонида иккита канизак: ким дам-бадам елпиётган, ким қўл-оёғини уқалаётган, ким таталаётган... Уларга қараб довдираб қолибман. Сиз-

га ёлгон, Темуржон, худога чин, “куф-суф” дея дам уриб нимани ўқиётганимни ўзим билмайман: бошидан бошласам охири қолади, охиридан бошласам боши қолади...

– Э, яшанг, Қанд бобо, – деди Темур мулланинг гапларидан завкланиб. – Ичкарида навкарлар кўпми?

– Чамаси кирктача бор-ов, – деди мулла, – аравакашларга, бойнинг хизматкору қаролларига ҳам қурол беришди. Пошшобибининг фармони шунақа бўлди. Амирдан хабар келгунча, улар шу ерда шай бўлиб туришармиш...

– Амирдан бирор хабар келгунча денг? – Темур шу ҳақда ўйларкан, хаёлига “лоп” этиб янги бир фикр келди: “Пошшобиби кутаётган хабарни “чопар” борди-ю шу кеча олиб келса-чи? “Чопар” келгандан кейин кўрғон дарвозаси очиладимми – очилади, кейин...”

Икки дўстнинг фикри бир ердан чиққан эди. Темур билан Васька “чопар” хусусида ўзаро муҳокама қилиб олишди.

– Жуда маъқул режа бўларди, – деди Васька, лекин биласанми, Темур, ўртада Қора Даванг кўндаланг бўлиб турибди. Пошшобиби ўйлагандай, ростдан ҳам у олтин васвасасига тушганми ёки амирга бўлган сидку садокатини яна бир қарра кўрсатмоқчимми?

– Ҳар икки ҳол ҳам бўлиши мумкин...

– Мен “чопар” хусусида ўйлаяпман, Темур!

– Жуда тўғри. Наҳотки, бутун бир гуруҳдан битта “чопар” чиқмаса?

– Чиқиши мумкин, лекин вақт зиқ. Чопарни танлаб, кўпроқ машқ қилдириш лозим. Сўзидан қиттак янглишса, қоқ манглайдан дарча очиб қўйишади.

– Васька, менга қара-чи, наҳотки мендан чопар чиқмайди? – Темур Васька билан Наби новчани ўзига қаратиб, завқ билан гапира бошлади. – Қулок солинглар, олдин мана бундоқ қилиб, қамчи дастаси билан дарвозани тақиллатаман. Кейин ичкарига товуш бераман: “Ҳой, ким бор, дарвозани очинглар. Қиблагоҳи сохибкиронимиз амир хазратларидан фармони олийшон олиб келдим...” Қалай, бўладимми?

Куликов қувонч ва ҳаяжон билан дўстининг елкасидан маҳкам қучиб олди.

– Қойил, худди чопарнинг ўзгинаси-я!

– Агар дарвозани очмай, тихирлик қилса, дарров пўписага ўтиб, сўкиб ҳам юборишим мумкин...

– Ҳаддингдан ошма, – деди Куликов дўстини хиёл жеркиб, – бу қўрғонда амир салтанатининг казо-казола-ри борлигини унутма!

– Борди-ю, дарвозани Қора Даванг очса-чи?

– Бармоғинг тўппонча тепкисида турсин, – деди Васька, – биринчи навбатда Қора Давангни гумдон қилишинг керак!

Улар гапни бир ерга қўйиб, амалга оширадиган хуфия режани обдон муҳокама қилиб чиқишди. Чопарликка Темурни эгарланган отдай қилиб шайлашди...

* * *

Шу пайт бойнинг ҳовлисини чеккадан кузатиб, соқчилик қилаётган Аҳмад харсиллаганча югуриб келиб, Темурга мурожаат этди:

– Ҳайитбой билан иккимиз Шўробод ариғи бўйида ёнбошлаб ётган эдик. Бир... бир оз гафлатда қолибмиз. Бойнинг Бадал бобо ҳовлисига туташ молхонаси томонда бир қора... қора кўланка пайдо бўлиб, харобалар ичидан ўтиб, йўлга чиқди. Шеригим Ҳайитбойни орқасидан кузатиб боравер, деб жўнатдим-у, ўзим бу ёққа югурдим.

– Ким бўлиши мумкин, ўша қора кўланка? – ўйла-ниб қолди Темур. – Ҳарҳолда, Қора Даванг эмасдир, ахир, у ҳарамни ташлаб кетмас... Бунинг устига хотини-ни якка қолдириб... Йўқ, у эмас.

Васька Темурнинг гапини бўлиб, ўртага катъий мас-лаҳат солди.

– Ким бўлса ҳам ортидан кузатиш керак, – деди у Аҳмадга топширикни дона-дона қилиб тушунтираркан, – хушёр бўлинглар, зинҳор-базинҳор у сизларни пайкамасин, – қулай жой танлаб, панада пойлаб ётинглар. Биз бойнинг қўрғонини эгаллаганимиздан кейин тезгина изларингга тушамиз. Югур, Ҳайитбойга етиб ол, югур!

Аҳмад келган изидан югуриб кетди.

Командир топшириғига мувофиқ бой қўрғони тевара-гида соқчилар сафи янада кўпайтирилиб, “Чопар опера-цияси”ни тезроқ амалга ошириш ҳаракатига тушишди...

* * *

Тун ярмидан оғанида ҳарбий гуруҳ ва кўнгиллилар тўдаси Васька Куликов бошчилигида секин ер бағирлаб боришди-да, Мирсолибой дарвозасининг икки томонига

тизилишиб, ичкарига ёпирилиб киришга шай бўлиб туришди. Шу пайт от чоптириб “чопар” келди ва ички бир хаяжон билан дарвозани қоқа бошлади:

– Ҳой, ким бор, дарвозани очинглар, қиблагоҳи соҳибкиронимиз амир аъло хазратларидан фармони олийшон олиб келдим!

Ичкаридан, нақ дарвоза ортидан уйқусираган кимсанинг дўрилдоқ товуши эшитилди:

– Кимсан ўзи, нобакор?

“Чопар” ўшқириб берди:

– Нобакор дейишга қандай журъат этдинг, тўнка? Мен амир хазратларининг чопаримен. Пошшобибини ёки амирзодалардан бирини чақириб бер!..

– Фармон бўлса, дарвоза тирқишидан узатавер. Пошшобиби билан амирзодалар ичкари ховлида, – деди қоровул яна тўнғиллаб.

– Қора Давангни чақириб бер бўлмаса, канақа безбетсан ўзи?

– Қора Даванг ертўлада. Дарвозани ташлаб кетолмайман, тушунсанг-чи, галварс!

Бу гапдан “чопар” шуни аниқ билдики, Қора Даванг эртақлардаги етти бошли девдай кўксини олтин тўла халталарга босиб ётибди: “Дарвозани очса, биринчи хужумни ертўладан бошлайман, шунда Даванг қопқонга тушади!”

“Чопар” бир лахзадан кейин амирона дағдағага ўтди:

– Амир хазратларининг шу кунги мусибатлари, қил устида турган тақдирлари сени ташвишлантирмайдими, нокас?! Аъло хазратларининг жаннат фариштасидай пок онаизорларининг, пушти камарларидан бунёд топган зурриётлари – амирзодаларнинг, шоҳистаи замон – жуфти ҳалоллари бўлмиш бегойимларнинг қисмати бамисоли бир коса сувдай липиллаб, тўкилай-тўкилай деб турган бир пайтда, сен худбин амир чопарига на дарвозани очурсен, на йўқлаган кимсаларни чақириб берурсен. Ахли мусулмон амиримизнинг қутлуғ изидан озодлик деб жангга отланиб чиққанида, сенлар курк товукдай уйда беркиниб ўлтурурсенлар. Мен Пошшобиби ва амирзодаларни хозироқ амир хазратлари изидан олиб кетишим керак. Агар дарвозани очмасанг, бу гуноҳи азим учун тахти олийга қайтганларидан кейин амир хазратларига ўзинг жавоб берурсен!

Қоровул “чопар” дағдағасидан довдираб қолди, чоғи:

– Ҳозир, жилмай тур, дарвозани очамен, – деди.

Темур ва пинҳона жангга шайланиб турган йигитлар қоровулнинг жавобидан кейин чуқур тин олишди...

ВАСВАСА

Бойнинг нақшинкор дарвозаси очилганда, “чопар” ортидан Васька Куликов бошлиқ гуруҳ ва кўнгилдилар ховлига ёпирилиб кирди. Ҳаммаси бир лаҳзада – кўз юмиб-очгунча содир бўлди...

Душманнинг асосий кучи – амирнинг хоснаварлари жойлашган ташқари ховлига Васька Куликов бошлиқ йигитлар ҳужумга ўтди. Темур эса дарвозахонанинг чап томонида – тахминан ўттиз метрча нарида жойлашган молхона тарафга ўтиб, ертўлани ўраб олди ва унинг эшигига бир неча соқчи қўйди.

– Гап бундай, йигитлар, – деди Темур ертўлани ўраб олган қишлоқ ўсмирларига тайинлаб, – эҳтиёт бўлинглар, қўлдан чиқазманглар!

Шундан сўнг Темур йигитлардан бир қисмини бойнинг ичкари ховлисига кирадиган дарвозага соқчиликка қўйиб, ўзи Васьканинг кетидан ҳужумга ўтди.

Ташқари ховлида душман пароканда кайфиятда эди: қарийб бир ҳафтадан бери тахт ташвишида елиб-югурган, на уйқуда ҳаловат, на ейишда фароғат кўрган, тинка-мадори қуриган кўпчилик навкарлар бой ховлиснинг деворлари тагида милтиққа суяниб, кундадай қотиб қолишганди. Васька бошлиқ йигитлар уларга шердай ташланишди. Шу пайт Темурнинг йигитлари етиб келди. Ҳар бир навқара икки-уч йигит тўғри келар эди.

Ховлининг чеккасида – анор ва анжир буталари остида мудраб, қарахт бўлиб ётган бир қисм навкарлар тўполондан ҳушёр тортиб, бирдан ҳамлага ўтишди: бир хиллари йирткичдай рақибига ташланди, бир хиллари жони бўғзига тикилиб, девордан ошиб қочишга чоғланди... Тўс-тўполон, қий-чув, қурол-аслаҳаларнинг акс-содоси бутун қишлоқни босиб кетди. Жанг шу тахлит ярим соатча давом этди. Охири, навкарларнинг шашти синиб, қуролларини ташлаб, таслим бўлишди. Аскарлар мағлубларни молхона томон хайдаб, бойнинг катта сайисхонасига¹ қамаб қўйишди.

¹ Қишқи молхона.

Энди навбат ертўлага келган эди...

Йигитлар бойнинг ташқари ховлиси билан молхона ва ертўласини ажратиб турадиган пастак девордан ошиб, Темур боя колдириб кетган соқчилар сафига келиб қўшилишди. Ҳамма командир буйругига мунтазир турар эди.

Темур билан Васька ертўла устига қурилган узун айвонни айланиб чикиб, ертўла эшиги олдига келиб тўхтади. Темур эшикни итариб кўрди. Эшик ичкаридан там-баланган эди. Яна итарди, фойдасиз, очилмади. Темур орқасига ўгирилиб, таслим бўлган навкарларга соқчилик килаётган мулла Қандни имлаб чақирди. Қулоғига нимадир деди. Мулла югуриб бориб “чопар” га боя дарвозани очиб берган, оғзига латта тиқилган, узун мўйловли қоровулни елкасига туртиб-туртиб, сайсхонадан бошлаб келди. Темур қоровулнинг оғзидан латтани суғуриб ташлади, кўкрагига тўппончасини тиради.

– Жим, сасингни чиқарма!.. Яшашни истасанг, мен нима десам, шуни ертўла эшиги олдида туриб баланд овозда такрорлайсан. Тушундингми?

– Тушундим, таксир, тушундим.

Васька қоровулни ертўла эшигига олиб келди. Темур унинг ортида туриб, баланд ва кенг елкасига бўйи етиб-етмай, аста-секин пичирлаб турди. Қоровул эса қари тўтиқушдай у айтган сўзларни битта қолдирмай такрорлай бошлади:

– Қора Даванг таксирлари, ташқарига чиқинг. Навкарларимиз қўли баланд, душманларимиз мағлуб бўлиб, қочиб кетишди... Чиқинг энди. Пошшобиби сизни сўроқ-ляптилар... Суюнчи беринг, хазрати олийдан чопар келди!

Ичкаридан ҳеч қандай сас чиқмади. Бир оздан кейин эшик орқасидан енгил оёқ товуши эшитилди. Кимнингдир қимтиниб, кўрқув аралаш берган жуда заиф овози келди:

– Жаноблари йў-ў-ўқлар...

Бу – аёл кишининг овози эди.

– Қаерда Қора Даванг жаноблари? – деди қоровул.

– Билмайма-анн... – деди аёл, кейин унинг йиғлагани эшитилди. – Мен бадбахт муштипар аёлдан нима истайсиз?

– Ҳеч нарса, – деди қоровул, – эшикни очинг.

– Ўзим келганда очасан деганлар...

Темурнинг сабри чидамади. “Аёл найранг ишлатаяп-

ти” деб ўйлади-ю, қоровулни нари суриб, ўзи эшикка борди.

– Очинг, хоним! Ҳозир отишма бошланади, ўзингизни нобуд қиласиз! – деди командир жаҳл билан.

– Нобуд қиламан? – деди аёл ваҳимали чинқириб. – Нега, қандай гуноҳим учун?

– Яшашни, озод бўлишни истасангиз, эшикни очинг!

– Озод дейсизми? – Қандайдир умид билан яна сўради аёл. – Чин сўзингизми?

– Чин сўзим! – Қатъий оҳангда деди Темур. – Тез очинг!

– Ҳозир очаман, – деди аёл хаяжон билан, – хо-о-зир...

Темур билан Васька аёлнинг хаяжон тўла гапидан кейин Қора Даванг ертўлада йўқлигига тўла ва аниқ ишонишди ва бир-бирига маъноли қараб олишди: “Қаёққа ғойиб бўлди экан? Аҳмад билан Ҳайитбой қувиб кетган қора шарпа – ўша кочоқ Қора Даванг экан-да? Афсус, бу қари шайтон билан юзма-юз бўлиб, кекирдагидан бўғишни анчадан буён юрагимга тугиб юрардим-а, минг афсус!”

Эшик очилди. Ичкарига киришди. Ертўла ўртасида, тўнтарилган челак устида шамчирок хира милтилларди. Бурчакда олтин тангалар тўлдирилган халталар териб қўйилган. Халталарга яқин, пастда иккита нимдош кўрпача тўшалган. Ертўла тўрида икки-учта хум, катта-катта бочкалар қорайиб кўринади, афтидан, бу ёғи бойнинг бисоти сақланаётган омбор бўлса керак. Иккита аскар қўлидаги милтиғини ўқталган қўйи ертўлани ағдар-тўнтар қилиб чиқди – Қора Даванг йўқ эди...

Мулла Қанд шамчирокнинг қуйиб қолган пилта учини қўли билан сидириб ташлаган эди, ертўла бир оз ёришди. Шундан кейин хамманинг назари юзининг ярмини рўмол билан ўраб, бурчакда қимтиниб турган аёлга тушди.

Темур жувонни кўриб, бир лаҳза хаяжонда қолди: “Бу, ўша – Наврўзоймикан?!”

– Сиз... сиз Наврўзой эмасмисиз?

Жувон “ялт” этиб унга қаради.

– Мени ганийсизми? – деди рўмолининг учини қўли билан тез-тез ёғимлаб туриб. – Ҳа, мен... мен Наврўзойман.

– Мен Сирож аканинг тутинган иниси – Темурман, –

деди йигит унга якин бориб. – Мендан чўчиманг, Наврўзой, ўз кишингизман.

Аёл рўмолининг учи билан кўзёшларини арта-арта, йиғи аралаш хиқиллаб-хиқиллаб гапирди:

– Парвардигор мен ожизани шу кўргиликларга дучор қилди. Нима қилай, бу кузғунлар панжасига тушмаслик учун кўп уриндим: ўлиб ўлолмадим, ёниб ёнолмадим, сувга тушиб чўколмадим! Нима қилай, бир муштипар аёл бўлсам...

– Ҳаммасидан хабардорман, ўксиманг, – деди Темур унинг гапини бўлиб, – дарёда чўкиб чўколмаганингизга сабабчи менман, Наврўзой! Хотиранингизда, ўзингизни Сарипул кўпригидан дарёга отганингизда, мен...

– Э-э... Ўша йигит сизмидингиз? – деди жувоннинг кўзлари ёниб. – Сизмидингиз, а? Вой, ўшанда канчалик ўлгим келганини билганингизда эди! Бегона эркак қўлига тушиб, Сирож акамнинг арвоҳини қакшатиб қўймай деб ўшанда ўлиб кетишга чандон рози эдим. Нима қилай, ҳатто ўлишни ҳам уддалай олмадим. Бундан чиқди, ўшанда раъйимга сиз кўндаланг бўлган экансиз-да?!

– Мен ўшанда кирғоққа тортаман, сиз бўлсангиз ўзингизни гирдобга отасиз. Ўлимга ташна одамни биринчи кўришим эди ўшанда.

Наврўзой кўзлари жавдираб Темурга якин келди. Бошидан рўмоли тушганини билмай, икки-уч кадам олдинга босди-да, Темурнинг оёғига йиқилиб, тиз чўқди.

– Сиз... сиз менинг халоскоримсиз!

Темур шошиб қолди.

– Туринг, Наврўзой, – деди у жувонниг елкасидан омонатгина тутиб, – туринг, бундай қилманг, яхши эмас, уят бўлади!...

Жувон охистагина оёққа қалқди. Рўмолини ердан олиб, бошига солди. Ичдан хўрлиги хуруж қилиб, ўксиб-ўксиб йиғлади...

– Йиғининг мавриди эмас, Наврўзой, – деди Темур ночор бир охангда. – Мен Қора Давангни топишим, унинг қаерга қойиб бўлганини билишим керак. Агар билсангиз, Наврўзой, у ҳозир биз учун амирдан ҳам хавфли. Тахт ағдарилгандан кейин навкарлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб тўрт тарафга тўзғиб кетди. Қора Даванг ана шу навкарларнинг бирор тўдасига учраб, уларни бу ёққа бошлаб келса борми... Кўп жойни қорат қилади, Наврўзой!

Жувон йиғидан тўхтаб, бир оз ҳушёр тортди.

– Уни топишингиз... жу-жуда зарурми? – деди тутти-либ.

– Жуда зарур, – деди Темур унга умидвор назар билан боқиб, – билсангиз айтнинг. Фақат ростини айтнинг.

– Билишга-ку, биламан, лекин...

Аёл икки ўт орасида қолган эди: “Нима қилай, ростини айтмайми, ё?.. Сирож акамнинг хотираси иккимизнинг ўртамизда турган бўлса... – Ўзича ўйлай бошлади аёл. – Сирож акамнинг тутинган инисиман, деяпти... Ўз халоскоримдан билиб турган нарсамни сир тутсам, инсофдан бўлмас, ахир?.. – Наврўзой Қора Даванг ҳақидаги бор гапни айтишга жазм қилган эди, лекин яна раъйдан қайтди. “Ахир, мен... мен шаърийми-ношаърийми, унинг хотиниман-ку?! Унинг хасмидаман...”

Темур жувоннинг иккиланаётганини дарров найқади. Пайқади-ю, бир томони, Қора Даванг изини тезроқ аниқлаш; иккинчидан, Сирож фожиасига Қора Даванг бош айбдор эканлигини Наврўзойга очиқ айтиш заруратидан, ҳозир унчалик мавриди бўлмаса-да, гапни амирга қилинган сохта суиқасддан бошлади:

– Очиқчасига гаплашиб олайлик: Наврўзой, Қора Даванг панжасига қандай қилиб тушиб қолганингизни ўзингиз биласизми, йўқми?

– Биламан, – деди аёл, – Сирож акам тўқайда амир хазратларига ўқ узганда, жаноб Қора Даванг амирга отилган ўққа ўз кўкрагини тутган. Шундан кейин амир хазратлари ўзларига пешкаш этилган мен ожизани жаноб Қора Давангга инъом этганлар.

– Ана, кўрдингизми, ўз қисматингизни ўзингиз билмайсиз, – деди Темур. – Сиз айтган бу гапларнинг ҳаммаси чўпчак, Наврўзой, билдингизми? Буни Қора Даванг тўқиб чиқарган. Мен сизга ростини айтмай, эшитинг: Қора Даванг Ойдинкўл шикори даврида амир ишончидан тамом маҳрум бўлиб қолган эди. У амир эътиборини қайта қозониш, саройдаги мавқеини қайта тиклаш учун йўл излаб юрган бир пайтда, Вобкент яйловида Сирож акамга ногаҳон учраб қолади. Сирож ака бутун қисматини гапириб бериб, сизни қутқариш учун ундан йўл-йўриқ сўрайди. Қора Даванг Сирож акага фақат битта қалтис йўлни тавсия этади: амирга ўқ узиш! Сирож ака сиз учун дўзах хиди бурқсиб турган шу қалтис йўлга ҳам рози бўлади. Суиқасднинг вақтини, жойини

Қора Даванг олдиндан белгилайди. Эртасига Сирож ака-нинг милтиғига иккита ўк жойлаб беришадди. Қора Даванг: “Бу ўклар захарланган”, деб айтади. Аслида бу ўкларга кўкнор уруги кўшиб, зарарсизлантириб кўйилган бўлади. Бу ишни Қора Давангнинг содиқ навқари Филай амалга оширади. Шунинг учун ҳам амир билан ёнма-ён келаётган Қора Даванг қўркмай ўз кўксини ўққа тутиб берган. Кейин сир очилиб қолмаслиги учун Сирож акани, содиқ навқари Филайни шартта отиб ташлаб, уларни тилсиз гувоҳга айлантирган.

– Вой, батто-олл! – деди Наврўзой беихтиёр юзини чангаллаб. – Вой, баттол! Эҳ, бу содда кўнглим ниманидир сезиб юрарди-я. Бу нокасинг ичига шунча маккорлик, шунча ситамкорлик сиққанини қаранг...

– Наврўзой, мен сизга бор гапни айтдим, – деди Темур. – Хоҳланг ишонинг, хоҳланг – ишонманг.

– Ишонаман, – деди жувон, – ишонаман, Қора Давангнинг шафқатсизлигини Абдурахимбойга ўтказган ситамларидан билган эдим. Сирож акамнинг қўлидаги милтиқ туфайли Қора Даванг бойнинг бошига шундай кунларни соддики... Ахийри, бой шаҳардаги уйини Қора Давангга ўз қўли билан топшириб, қишлоққа кочиб кетди. Қора Даванг: “Икки кундош бир ховлига эмас, бир гўрга ҳам сиғмайди”, деб мени бой ховлисига кўчириб ўтказди... Ҳарамдаги аёлларнинг бор мулки, зебу зийнати, олтин тангалари мана шу ертўладаги халталарда. Хали кўп фурсат ўтган эмас, Қора Даванг бир халтанинг оғзини очиб, қўйни-кўнжини тилло тангага тўлдирди, қолганини елкасига ортмоқлаб, эшик ёнига борди. Эшик тамбасини кўлимга бериб, тайинлади:

– Тангаларни Бурқи Сармастдаги эшон хужрасига элтиб, яшириб келаман. Бирор кунимизга ярар, замон бунақа алғов-далғов бўлиб турибди. Тез қайтамен. То мен келгунимча эшик тамбасини очмайсан, хотин. Уқдингми? – деди. Кейин ғойиб бўлди.

Шу пайт ертўла эшигидан сўкина-сўкина ичкари кирган мулла Қанд:

– Темур болам, аскарларинг мен бандаи мўминни тутгунча, анави ғаламис Қора Давангни тутсин эди, – деди куйиб-пишиб. – Бу баттол ҳаммамизни ғафлатда қолдирибди. Бадал бобонгнинг ховлисига туташ деворни ойболта билан чоғиб, одам сиғадиган қилиб тешибди, лаънати!

– Тўғри айтасиз, Қора Даванг хусусида гафлатда колдик, – деди Наби ҳам.

– Энди, ўртоқлар, бизни гафлатда колдирган одамни, – деди Васька, – гафлатда колдириб босишимиз керак!

– Тўғри, – деди Наврўзой ҳаммадан бурун, – эхтимол, бу ишга мен ҳам яраб коларман. Ўйлаб кўринглар, мен ҳаммасига тайёрман!

Темур Васькага, Васька Темурга қаради. Темур мулла Қанддан сўради:

– Бурки Сармастнинг эшони ким, танийсизми?

– Танийман, Абдуваккос эшон эди, – деди мулла Қанд юзига фотиҳа тортиб. – Жойи жаннатда бўлсин, бундан ўн беш кун олдин қазо қилди.

– Унда Қора Даванг энди ўзича йўл тутади, – деди Васька. – Отишма товушини эшитди. Келадиган бўлса ҳам энди келмайди у.

– Тўғри, – деб тасдиқлади Темур. – Ортидан кетган Ахмад билан Хайитбойдан ҳам бирор дарак бўлмади.

– Йигитлар изидан тезроқ йўлга тушиш керак, – деди Васька.

Наврўзой бошига рўмолини маҳкам танғиб, умидвор назар билан Темурга қаради.

– Мен ҳам бирга бораман. Битта ханжар берсангиз бўлди.

Аёлнинг раъйини қайтаришга ҳеч ким журъат этолмади.

Темур билан Наврўзой учун иккита от тайёрлашди...

ҚАЛЪА СУКУНАТИ

Ундаре тепалигидан бошланган ёлғизоёқ йўл машхур Кўхна Вардонзе қалъасига бориб тугайди, ундан нари сарҳадсиз чўл...

Чамаси беш километр узунликдаги сўқмоқ кета-кетгунча илон изи: гоҳ қалин тўқайзор оралаб ўтади, гоҳ кум барханларига бориб туташади.

Бир пайтлар Шарк дарвозаси деб доврўф таратган, Буюк Ипак йўли устидаги шаҳар бўлиб кекса тарих зарварақларида битилмиш қадимий Вардонзе сувсизлик жафоси, кумкўчди балосида топталиб, табиат хуружлари олдида тиз чўқди. Неча-неча асрлардан бери Вардонзе

харобаларигина ўтмишнинг соков шохиди каби мунгли сукут сақлаб ётибди.

Вардонзенинг кунгай томонида, пастликда Бурки Сармаст кадамжоси жойлашган. Қачонлардир бу ердан булоқ тошиб чиққан-у, яна қачонлардир сўқир кўздай битиб, ўрнини қамиш босиб кетган. Қишин-ёзин бу ерда шўрхоқ лой билкиллаб қайнаб туради. Лойни яра-чақага шифо деб билишади. Чашманинг ўнг томонида пачоккина хужра бор. Бурки Сармаст шайхи Абдуваққос эшон шу хужрада узоқ йил яшаб, яқинда оламдан кўз юмди.

Қора Даванг ярим тунда Мирсолибой қўрғонидан яширинча чиқиб, Абдуваққос эшон хужраси томон қора тортиб кетаётган эди. Унинг изига тушган кишлоқ ўсмирлари – Аҳмад билан Хайитбой эса қочокни кўздан қочирмай, жуда эҳтиёт бўлиб, ортидан пойлаб боришарди.

Тун зим-зиё. Қовжираб қолган қамиш шамолда шитирлайди. Яқин ўртада бўри улиди. Юлғун буталари орасида ёввойи мушуклар жонсарак бўлиб, бир-бирини қувиб, йўловчининг нақ оёғи остидан ўтиб кетади. Қора Даванг танасининг аллақасери жунжикди. Қўлида тўппонча, белида қилич, елкасида қўшоғиз; барибир қабристон ваҳми чўккан бу тўқайзор унинг учун қўрқинчли эди.

Қора Даванг бир йилча олдин бу сўқмоқдан отда, тепасида қуёш барқ уриб турган бир кунда ўтган эди. Ўшанда у оғир дардга чалиниб, шу дард зарурати билан бу ерга нажот излаб келгани хануз хотирасида турибди. Ўшанда бутун танасини нўхатдай-нўхатдай тошма босиб кетди. Бу касаллик ваҳми Қора Давангнинг қўнглига қўрқинчли ғулу солган эди. Чунки бу юқумли касаллик оқибатида унинг оёғи бир умр саройдан узилиб қолиши мумкин эди. Шунинг учун бир ҳафта амирнинг кўзига қўринмай, ҳатто саройнинг хос табибларига ҳам кўрсатмай, ўзини тезроқ даволатиш ташвишига тушди.

У Бурки Сармастдаги шўр булоқнинг шифобахш лойини эшитиб, Ундаре кишлоғидаги Мирсолибойникига келди. Бой унга мулла Қандни қўшиб, зудлик билан Абдуваққос эшон хузурига жўнатди.

Эшон Қора Давангни яланғоч қилиб, охори тўкилмаган бўйрага ётқизди. Бутун танасига Бурки Сармастнинг оппоқ, шўрхоқ лойидан суртди. У икки кун бўйрада ўзини офтобда товлаб, шўр лойнинг жазиллатиб қуйдиришларига чидаб ётди. Эшон унинг ёнидан бир қадам ҳам жилмай, Бурки Сармастнинг қароматлари-ю, шўрбу-

лоқнинг шифобахш лойи хақида кизиқ-кизиқ ривоятлар айтиб берди.

Қора Даванг хаёл суриб, Абдуваққос эшоннинг сохта кароматларига ишониб, Бурки Сармастнинг шўр лойидан ялаб, сасиган сувига чўмилганини хотирлаб, оқибатда танасини газак олдирганини ўкинч билан эслаб бораркан, йўқотиб қўйган сўқмоғини рўпарасидаги бархандан ошиб ўтгандан кейин яна топди. Пастда сўқмоқ бошланиб, иланг-биланг бўлиб, тўқай оралаб кетарди. У бир оз юриб, яна бир баланд барханга рўбарў бўлди. Тепани ёнлаб, айланиб ўтиш учун вақти зиқ, кўп юриши керак. У барханни ошиб ўтишга жазм қилди. Тиззасигача кумга ботиб, ҳарсиллаб тепадан ошди. Бу ердан Бурки Сармастдаги туғ кўзига ғира-шира кўринди:

– Ҳаммасига минг лаънат, ҳаммасига! – деди кўлини силтаб. – Амир ҳазратларининг хос табиблари бўлмаганида мохов бўлиб қолишим ҳеч гап эмас эди.

Қора Даванг эшон хужрасига яқин келиб, тақир супага чиқиб этигини қоқди, йўталиб қўйди. Бир оз кутди, ҳеч қандай сас чиқмади. Супанинг бир томони – ғира-шира ёруғ, иккинчи томони зим-зиё. Вардонзе қалъанинг баланд харобалари хужра билан супа устига қора кўланка ташлаб турибди. Хужра қалъа деворига тақаб қурилгани учун гўё кўланка остида пачоқ бўлиб кетгандай кўринади. Қора Даванг хужранинг бир тавақа эшигини милтиқнинг қўндоғи билан қоқиб, овоз берди. Эшонни чақирди, жавоб бўлмади. Елкасидаги халтани пойгак деворига суяб, қўшоғизнинг учини олдинга қилиб, тепки устига бармоғини қўйиб, хужрани бир бор қараб чиқди. Ичкари зим-зиё, ҳеч нарсани илғаб бўлмайди. Бир пайт икки мушук оёғи остидан чиқиб, ура қочиб қолди: Қора Даванг бир чўчиб тушди, беихтиёр тепкини босиб юборди. Ўқ рўпарадаги деворни тешиб ўтди, уй қора тутунга тўлди. У саросимада ташқарига отилиб чиқди. Қора Даванг супани, хужранинг чор атрофини ҳар эҳтимолга қарши кузатиб чиқди. Бу ерда одам яшаганидан далолат берувчи бирор белги тополмади. Қалъанинг кўланкаси тушиб турган супадан сал четроқда қудук; оғзига синган тегирмон тошининг ярим бўлаги, қудук ёнидаги кичкина сувохурга эса дастаси синган кетмон бостириб қўйилган. Бу яқин-орада сувга эҳтиёж туғилмабдими, демак, бу ердан одамзот оёғи узилган.

“Битта илинжим сен эдинг, эшон, – деб ўкинди Қора

Даванг, – нечун ҳамма ишим тескари кетяпти? Машо-йихлар демишларки, худо бандасига ситам ўтказмоқчи бўлса, аввал унинг омадини тескари қилармиш, кейин бошидан ақлини суғуриб олармиш. Ситамгар фалакнинг бу жабрларига бардошим-ку стар, лекин янги келган офат – большой билан Ёш бухороликлар ситами омадимдан ҳам, ақлимдан ҳам, хаётимдан ҳам жудо қилма-сайди деб қўрқамен!..”

У қудук устидаги синиқ тегирмон тошига келиб ўтирди. Олтин танга солинган халтани икки оёғи орасига олди. Қўндоғи ерга тираб қўйилган милтиқ учига икки кафтини босди, устидан манглайини тиради: “Нима қилсам экан? Тиллони қаерга яширсам бўлади? Хужранинг остини кавлаб саранжомласам... Йўқ, бўлмайди, бу ер оёқ таги. Тезда кетишим, тонг отмай ертўлада бўлишим керак. Пошшобибининг феълини биламан: у бу ишимни пайкаб қолса, амир хазратларига айттириб, нақ харом туқимгача битта қолдирмай юлдиради”.

У ўрнидан туриб, тилла солинган халтани яна елкасига олди. Эшон хужрасининг орқаси билан қалъанинг деворига қараб юрди: “Ўтмишнинг канчаки сир-асрорини асрлар оша сақлаб келаётган қўхна бу қалъа бағрига нахотки менинг шу ярим халтагина тиллоларим сифмайди!?” У рўпарасидаги нураган, етти пахса девор билан ўралган, ғалвирдай титилиб, ўрқачдай паст-баланд бўлиб кетган айланма қўрғонга бир оз қараб турди-да, орқасига қайтди. Қудук ёнидаги сувохур устидан дастаси синган кетмонни олиб, қалъа олдига яқинлашди. Бошига хайбатли бўрк кийиб, афсонавий пахлавондай сукут тугтиб турган “Минораи жарчи”нинг (Қалъа жарчиси шу минорада туриб одамларга қарата жар солган) тагига келиб чўкди. Дастаси синган кетмон билан чуқур казишга киришди...

Қўнжидаги олтинларни ҳам халтага бўшатиб, уни чуқурга ташлади, устидан тупроқ тортди. Кейин синиқ кетмонни қулочкашлаб отиб юборди. Кафтини, этагини қокди. Кетмонни отган томондан қулоғига аллақандай бир чинқириқ эшитилди-ю, тезда тинди. Яна жимжит сукунат чўкди. Қўкка қаради. Тун анча ёришиб қолган, осмон сутга чайилгандай беғубор, ошшоқ эди. Кечикмай деб шошилиб йўлга тушди. Қора Даванг тўрт-беш қадам ташлаб тўхтади, орқасига қайрилиб, олтин қўмилган жойга узоқ қараб турди. У худди кўксидан юрагини юлиб,

уни кора ер бағирлаб кўмгандай эди. Бутун танаси – тирноғининг учигача куйиб, ичи алангадан ловиллаб кетди...

* * *

Қора Даванг ўзи келган сўкмоқ билан изига қайтди. Икки бархан ошиб, учинчи тепага чиққан эди, рўпарасидан қарсиллаган милтиқ товуши эшитилди. У сергак тортиб, чор атрофга қулоқ солди: яна қарсиллади, яна... Охири, олатасир бўлиб кетди. Қора Даванг Ундареда, бойнинг ховлисида отишма бошланганини энди фахмлади: “Не сабабдан отишма бошланди экан? – ўзича сабаб излай бошлади у. – Хойнахой, Пошшобиби ертўладан хабар олгани ичкари ховлидан чиққан бўлса керак. Бор гапни хотиним айтиб берган. Кампир бутун навкарларни оёққа турғизган кўринади... Тўхта-тўхта, борди-ю, большовой аскарлари изимиздан қувиб, тўғри Мирсолибойнинг кўрғонига бостириб келган бўлса-чи?..”

Уни ваҳм босди. Тепада какқайиб тураверди.

Отишма қарийб ярим соат давом этди. Шу ярим соатда отилган жамик ўк гўё Қора Даванг кўксига келиб кадалгандай бўлди.

У бемажол, карахт: “Энди тамом, ҳаммаси тугади, – деб ўйлай бошлади. – Отишмани Пошшобиби бошлаганида ҳам, большовой аскарлари бошлаганида ҳам, барибир, менга энди у томонга йўл йўқ!..”

У аламиндан гўлдирай-гўлдирай ортига қайтди. Оёғи тортар-тортмас одимлар эди. Унинг бутун вужудини телба-тесқари мулоҳазалар, дахшатли хаёллар чулғаб олган эди: “Кечагача тахти олий амир ҳазратлари оёғи остида титрагувчи эди. Кўргилик экан. Тахт мана бугун ағдарилди. Қанча молу мулким, таноб-таноб асл мулк ерларим, шоҳона кошоналарим большовой оёғи остида топталиб, қолиб кетди. Биламен, энди тахтга қайтиш йўли берк ҳаммамизга – амирга ҳам, менга ҳам.

Айт десангиз, айтайин,

Дардим асли бедаво.

Амир тахтидан тушса,

Мулозим бўлгай гадо!

Бири боғдан, бири тоғдан келган бу айқаш-уйқаш байтлар унинг бошига қаердан келиб қолди, ўзи ҳам билмайди. Лекин унинг юрагидаги дардини шу совук

мисралар ифодалаётгандай эди. У байтни баланд товушда, беихтиёр тез-тез такрорларди: “Мулозим бўлмай гадо.. Мулозим бўлмай гадо... Хазрати олийлари ҳозир қаерда, қайси бир манзилни макон айлади экан? Эҳтимол, менга ўхшаб бирор ковакда жон ҳовучлаб ётгандир? – Ҳамон ўйлаб борарди у. – Фаҳми ожизимча, энди амирдан бирор рўшнолик кўриб бўлмас, уруш тугамай, тахти олийни ташлаб, афғон навкарларига суйкалиб кочди. Амир тахтада муқим турса эди, Бухорои шариф Шаҳристонининг деворларидаги хар бир кесак ёв бошига ажал бўлиб ёғиларди. Иккиламчи, кўксидан оқ сут берган она-сига, пушти камаридан бунёд топган зурриётларига қарамай қочган кимса ўзгаларга рўшнолик бахш эта биладими, бировларга пуштипаноҳ бўлиб биладими, эй нодон?! Каминанинг энди пуштипаноҳи, тахти ва бахти – калъа деворининг тагидаги олтин тангалар. Энди мен ўша тангаларга сиғинамен, унга қўл чўзган кимсанинг илкани чопамен!..”

У сўқмоқда кетаётиб, беихтиёр бир қўли билан шамширнинг дастасини, бир қўли билан елкасидаги милтикнинг тасмасини маҳкам чангаллаб олди. Анча юриб бориб, яна беихтиёр бўшашди, қилич дастасидан қўлини олди: “Қани энди шу олтин тангаларни ютиб бўлса, камина уларни бир йўла ютиб, боласини халтасига солиб юрадиган жонивордай юраверардим. Замона зайлича, сиртимни бўяб: “Гох худои расул, гох нағмаи усул” қилиб, бирор хилватда, ўз раъйимча яшардим. – Қора Даванг ўзидан-ўзи бирдан кулиб юборди. – Эшоннинг шу пачок хужрасида яшайсанми, эй нодон? Дунёнинг ишлари сенга шунчалик жўнми?.. Не қилай бўлмаса, уф, ҳаммасидан тамом бездим!.. Ўттиз йил салтанатда амиру амирзодаларнинг хизматини қилдим: оёғига ўрагани пайтава бўлдим, этиги остига бамисоли тагчарм бўлиб, эгилиб яшадим. Энди яна кимга эгилай, большевойгами? Йўқ, большевой дегани эгилганни ҳам чопади, тик турганни ҳам.. Тўхта-тўхта, Варахшадан ўтсам, сўнг Замон ота дашти, кейин у ёғи – чегара – хориж!..”

Қора Даванг эшон хужрасига етиб келганида, хужра устига ёпирилиб ётган бояги қора қўланка энди чекинган, теварак-атрофга, калъанинг етти пахса деворларига, “Минораи жарчи”нинг бўркнусха учига оппоқ нур югурган эди. У хужранинг тақир супасига етиб, атрофга аланглади. Кудук оғзига бостириб қўйилган тегирмон

тоши устида бир лаҳза ўтирди. Ўтирди-ю, яна учиб турди, шашт билан хужранинг орқасига ўтиб, “Миноран жарчи” тагига қараб югуриб кетди.

Қай кўз билан кўрсинки, миноранинг таги ковланган – боя у кўмиб кетган олтин тўла халта йўқ эди!

Қора даванг кўриб турган нарчасига ишонмай, кўзларини чиппа юмиб, яна очди: минора ости ковланган, олтин кўмилган жой коп-қора, аждар оғзидай очиқ эди...

Қора Даванг олтинларнинг йўқолганига, кимлардир унинг ортидан пойлаб, изма-из юриб, танга кўмилган жойдан воқиф бўлиб, халтани ўғирлаб кетганига аниқ ишонди. Муштини каттиқ тугиб, кўксига бир туширди. Оғрикни сезмади, лекин бош-кўзи айланиб, оға бошлади: “Бунини телбалик эмас – тадбиркорлик хал қилади!” – деди ўзини қўлга олишга тиришиб. Қора Даванг чуқур атрофидаги янгигина тортиб ташланган қумга разм солди: аллақандай қасанги оёқ излари..

“Миноран жарчи” ҳамон сукутда. Қора Даванг бошини чангаллаб, бир оз сукутга кетди. Шу бир лаҳзалик сукутда унинг ичидан бир замбил қиринди ўтгандай бўлди. Боя хаёлида ногаҳон кечган совуқ байтлар энди ғазаб ва хўрликка қорилиб, яна сиртига урилди:

*Амир тахтидан тушса,
Мулозим бўлмай гадо!*

Қора Даванг минорага тираб қўйган милтиғини апил-тапил қўлига олиб, олтин кўмилган чуқурга қараб уст-ма-уст ўқ узди. Кейин тўқайга қараб югурди, толиққанича чопди, сўнг яна минорагача югуриб келди-да, чуқурдан тортиб ташланган қумтепага чиқиб, бор овози билан кичкирди:

– Хо-о-хой, одамлар, бу ёққа келинглар, мана бу ерда тилло тангалар кўмилган. Хо-о-о-о, одамлар!

Ўзини чуқурга отди, гужанак бўлиб ётиб олди. Ётган жойида яна товуш берди:

– Хой, одамлар, бу ерда тилло кўмилган. Хо-о-о, одамлар...

Унинг телбаларча товушидан қалъа сукунати бузилиб, нураган кўхна деворлар анчагача акс-садо бериб турди.

Атрофга яна қалъа сукунати чўқди. У ётган жойидан бехос отилиб турди, шамширини яланғочлаб, чуқурга тиф урди...

ҚОРА ҚУЗҒУН

Икки отлик йўлга тушди. Наврўзой аввалига ўзини эгарда нокулай сизди, анчагача эгар қошига икки қўли билан чирмашиб, жиловни ҳам, отни ҳам бўш кўйиб кўйди. У кишлоқ йўлидан чиккунча қора терга ботиб, пишиб кетди. Даштга чиккандан сўнг у Темурнинг далдаси билан бир оз ўзига келди, хушёр тортди, от тизгинини кўлига олиб, Темур билан ёнма-ён от йўрттириб кетди.

Отликлар Вардонзе қалъасига етай деганда кутилмаганда бир лаҳза тўхтаб қолишди. Теза пастидан, қарийб юз кадамча наридан аллақандай инграган товуш келди. Темур ҳам, Наврўзой ҳам товушни аниқ эшитди. Темур от узангисида тик туриб, товуш келаётган томонга – шох-бутуқлари тарвақайлаб, бир-бирига чирмашиб кетган тўқайга разм солди. Нечукдир бирдан юлғун бутасининг ваҳимали шатир-шутири ҳам, инграган товуш ҳам тинди. Темур ўша томонга от солди. Ортидан Наврўзой етиб келди.

Ярим тунда, “Чопар операцияси”ни амалга ошириш арафасида Мирсолибой ҳовлисида қочиб чикқан қора шарпа изидан жўнатилган қишлоқ йигитлари Ҳайитбой билан Аҳмад юлғун бутаси ортида яшириниб ётишарди. Темур уларни кўриб ҳайрон қолди. Аҳмад ўқтин-ўқтин тўлғаниб финшир, дод солмоқчи бўлар, Ҳайитбой эса унинг оғзини қафти билан бекитиб: “Сасингни чиқарма, биров эшитиб қолмасин. Яна озгина чида, қишлоққа етиб келдик”, деб ялинар эди. Ҳайитбой кутилмаганда устига бостириб келган отликларга – йигитга, унинг ёнидаги хушсурат жувонга бир оз гарангсиб қараб турди-да, дурустроқ разм солиб, кейин Темурни таниди. У коматини ростлаб, аскарчасига ахборот бермоқчи бўлиб тараддудга тушган эди, Темур уни тўхтатди.

– Аскарчасига эмас, қишлоқчасига гапиравер, Ҳайитбой, – деди у. – Нима гап ўзи, гапир?

Ҳайитбой кўксини ерга бериб, “вой-вой”лаб ғужанак бўлиб ётган Аҳмадни кўрсатди.

– Аҳволи оғир, – деди.

– Нима бўлди?

Темур саволига жавоб ҳам кутмай, отдан чакқон тушди. Аҳмаднинг икки елкасидан тутиб, танасини секин ўнглади: унинг ўнг оёғини тиззасидан наст суяги синган, почасига зўрға илиниб шалвираб қолган эди.

Хайитбой Аҳмаднинг фожиасини Темурга қисқача гапириб берди:

– Қора қўланкани эски қалъагача – эшон хужрасигача изма-из қувиб бордик. Тўқайда бекиниб, уни кузатиб ётдик. Анча кутдик. Орамиз ўн кадамча чиқар-чикмас эди. Қора шарпа хужра супасидаги сувохур устидан дастаси синган кетмонни олиб, “Минораи жарчи” тагини обдан қовлади, кейин орқалаб келган тўрвасини чуқурга ташлаб, устига тупроқ тортди. Юлғун бутасидан икки-учтасини юлиб, худди шипиргидай қилиб дасталади-да, минора остини – оёқ изларини шипирди. Сўнг сопи синиқ кетмонни биз томонга қараб отиб юборди. Буни қарангки, падар лаънатининг отган кетмони Аҳмаднинг оёғига келиб тушса бўладими. Аҳмад бир чинкирди-ю, хушидан кетди.

– Ўзи қаёққа кетди?

– Эшоннинг хужрасидан ўтганини кўрдим, кейин қаёққадир ғойиб бўлди. Мен сопи синиқ кетмонни олиб минора тагини қавлаб, мана шу халтани олдим. Бир қўлимда халта, елкамда Аҳмад, пана-пастқам сўқмоқдан ўғринча келяпман, келяпман, ҳеч йўқки, қишлоққа етиб бўлса.

– Қора шарпага қайта йўлиқмадингларми? – деб сўради Темур. – Ишқилиб, уни танидингларми?.. Ие, танимадингларми? Шундай кадрдон одамни-я? Ойдинкўл шикорида оёғи тагига эшакларингни тутиб, бугунги кунда унинг тилло тўла халтасини ўмарибсизлар-у, ўзини танимайсизларми?

– Қора Даванг? – деди Аҳмад инграб. – Падарига лаънат!

Темур Аҳмаднинг устига энгашиб, унинг манглайини ушлади.

– Иситмаси баланд, куйиб кетяпти. Дўстингни эҳтиёт қил, Хайитбой. Мана бу отни мингин-да, Аҳмад билан халтани ортиб, қишлоққа жўна. Зудлик билан, ҳозирок жўна. Яхшиси, кел, сен отга мин, мен Аҳмадни елкангга мана бундай қилиб опичлатиб, секин миндириб қўяман. – Эҳтиёт қил. Мана, бу зорманда халтани ҳам ол. Оғзи маҳкам боғланганми, ишқилиб?

– Хавотир олманг. Сиз яёв кетасизми?

– Менга парво қилма. Наврўзой билан иккимизга битта от етади. Биз эшон хужрасигача бориб, тезда қайтамыз. Сенлар қувиб борган ўша Қора Давангнинг изидан кетяпмиз.

Темур йигитлар билан хайрлашиб, Наврўзой минган отнинг жигар ранг, ялтирок сағрисига бир сакраб, чакқон қўнди. Худди шу топда у қушдек енгил, боладай қувнок кайфиятда эди, димоғига гуп этиб урилган мушқи анбарга монанд – фақат аёлларгагина хос ажиб бир латофатли хиддан тамоман сархуш бўлганди. Жувоннинг қирмизи рўмоли шабадада сирғаниб, елкасига тушиб қолган, унинг мармардай оқ бўйни йигитнинг икки кўзи ўртасида турибди: майда, нафис соч толалари жингалак-жингалак, эндигина жамол кўрсатаётган куёш нури жувоннинг бўйнида бамисоли камалакдай товланади. Йўк-йўк, Темурнинг наздида, куёш пардоз-андозини шу жувоннинг мўъжазгина елкасида қилиб, энди аста-секин кўк сари хаволанаётгандай эди.

Темур Наврўзойнинг қўлтиғи тагидан қўлини ўтказиб, чакқонлик билан жилов тизгинини олди-да, оёғи билан отни ниқтади:

– Чу, жонивор!

Эшон хужрасига яқин қолганда Темур отдан тушди. “Минораи жарчи”гача от жиловидан тутиб, яёв келди.

Минора тагига келиб Темур ҳам, Наврўзой ҳам бир лаҳза анграйиб қолишди: минорага яқин жойда қўндоғи синган милтиқ, сопсиз қилич ва кемтик дастали кетмон; сал нарироқда – минора остида оғзи тандир оғзидек қилиб қазилган чуқурда Қора Даванг мук тушиб, панжалари билан ер тирнар, ховучидаги тупрокни елкасидан ошириб, тўрт томонга отар эди.

– Таксир, – деди Наврўзой минора тагига яқин бо-риб, – таксир!

У қарамади, чуқурни тирнаб, сикимидаги тупрокни елкасидан ошириб, сочиб юборди.

– Қора Даванг жаноблари, биз сизни излаб келдик, – деди Темур Қора Давангнинг елкаси узра энгашиб. – Мен Мирсолибойнинг қароли бўламан. Пошшобиби билан Мирсолибой сизга мунтазир туришибди. Ҳазрати олийларидан чопар келди, жанобларни.

У яна қарамади, чуқурни тирнашда давом этди. Темур билан Наврўзой овоз бериш бефойда эканлигини фаҳмлаб, уни жимгина кузатиб туришди.

Қора Даванг анчадан кейин оғзида чайнаб турган лой тупрокни тупурмоқчи бўлиб, ёнига ярим бурилганида, ногахон кўзи ортида турганларга тушди. Жойидан истар-истамас кўзгалди. Қонаб кетган панжаларини оғзига

яқинлатиб, икки лабидан оқаётган қоп-қора сўлақларини энги билан артди, сўнг қўлларини кўксига босиб, уларга қараб таъзим қилди:

– Ҳазрати олийларининг муборак қадамларига хасанот. Хуш кўрдик! – деди Темурга қараб.

Тақдир тақозосини қаранг, Темур Қора Даванг билан бетма-бет турибди: у чуқурда, бу ташқарида, ўртала-ридаги масофа бир қадамча ҳам чиқмайди, кўзлари бир-бирига шундоқ қадалиб турибди!

– Қадамларингизга хасанот! – деди Қора Даванг талмовсираб, кейин нигоҳини Темурдан тезгина олиб, Наврўзойга узоқ, аллақандай бегонасираб қараб турди.

– Кулбан вайронамизга сиз ҳам ташриф буюрдингизми, бегойим? Куллуқ, бош устига! – деди бош эгиб.

У узоқ бош эгиб турди. Кейин бирдан жазаваси тутиб, чуқур лабидаги қора тупроқдан ховучлаб олиб, уларга қараб сочаверди:

– Сизларга тилло керакми? Мана тилло, мана тилло!..


У ақлдан озган эди...

Наврўзойнинг вужуди жимирлаб кетди, зўрға “қилт” этиб ютинди-да, жимгина ортига қайтди. Орқасидан Темур отни етаклади. Эшон хужрасига етай деб қолганда, Темур билан Наврўзой бир лаҳза тўхтаб, “Минораи жарчи” остига яна ўгирилиб қарашди. Қора Даванг бояги жазавасидан тушиб, тиззаси ва қафтларини чуқур лабига босиб, отлиқлар ортидан хайрон бўлиб қараб турарди. У худди шу туришида хароба қалъа ковагидаги инидан қаёққадир учиб кетишга шайланаётган қора кузгунга ўхшаб кетар эди...

“Энди сен қалъа сукунати қаъридан ҳеч қаёққа учиб кетолмайсан, – ўйлади Темур унга тикилиб. – Чунки сен қанотсиз, мажруҳ кузгунсан!”

ОЛТИН СОПЛИ ҚИЛИЧ

Ичкари ховли – Мирсолибойнинг хотин-халажлари яшайдиган ҳарам қабалидаги уйлар қўрғоннинг қоқ ўртасида эди. Темур бу ховлининг ҳар битта ғиштини биларди. Ичкари ховлининг кунгурадор, рангли қуббалар қоқилган дарвозаси ташқари ховлининг ўттиз бир ёғочли, баланд дарвозахонасига рўпара қилиб қурилган. Икки дарвозани тош йўлакча бир-бирига туташтириб туради.



Темур Наврўзой билан Вардонзе қалъасидан қайт-
гандан кейин, йигитларни ана шу йўлакдан бошлаб бо-
риб, дарвоза қаршисида бир лаҳза тўхтади. Дарвоза
ичкаридан берк эди. Темур ёнидаги аскарнинг қулоғига
секин шипшиди: у бир ўртоғининг елкасига оёғини қўйиб,
деворга тирмашиб чиқди-да, ичкарига тушиб, дарвоза
зулфинини бўшатди. Ховлига киришди.

Ташқари ховлидаги барча тўполонлардан хабардор,
юз берган кўргиликлардан вокиф бўлган Пошшобиби бош-
лик хотин-халажлар, Мирсолибой пушти-панохлик қила-
ётган амирзодалар шу ичкари ховлида яшириниб, эшик
ва деразаларни маҳкам беркитиб, хосхоналарда жон
ховучлаб ётишарди.

Темур Васька билан хосхона ва ховлини синчиклаб
қараб чиқди. Ёнма-ён солинган уйларнинг бирида амир-
зодалар, иккинчисида хотин-халажлар жойлашган эди.
Темурнинг йигитлари амирзодалар хонасига кириб, улар-
ни тезда қуролсизлантиришди. Хотин-қизлар эса амир
Сарагул билан биринчи бор кўришган, деворида амир
сурати ва никоҳ хутбасида ишлатилган олтин сопли қилич
осиғлиқ турган уйда эди.

Амирзодалар ва Мирсолибой ховлига ҳайдаб чиқил-
гандан кейин хотинлар хонасида тўс-тўполон, қий-чув,
йиғи-сиғи авжига чиқди. Темур деразага яқин келиб,
ичкарига товуш берди:

– Ораларингда Сарагул борми?

Тўполон бир оз тинди-ю, лекин ҳеч ким жавоб қай-
тармади.

Темур бояги сўроғини қайта такрорлади. Бир лаҳза-
дан кейин Сарагулнинг ўзи жавоб қилди:

– Борман, – деди кўркув оханги аралашган бир то-
вушда. – Кимсан ўзи? Бу бемаҳалда бизни безовта қилиш-
га қандай ҳаддинг сиғди?!

– Бемаҳал эмас, бегойим, – деди Темур киноя ара-
лаш алам билан. – Қаранг, қуёш чиқяпти. Бунинг усти-
га, амирзодалар сизни ховлида мунтазир бўлиб кутиш-
япти. Мана, падари бузрукворингиз ҳам шу ердalar.

Сарагулни энди кўркув эмас, газаб жунбушга солди:

– Кимсан ўзинг, нобакор, товушинг танишга ўхшай-
ди?

– Темурман.

– Темур?!

– Нахотки шу пайтгача танимадингиз, бегойим? Ахир,

Ҳанифахонларнинг букри дарахтига арғимчофингизнинг арконини ўзим боғлаб берардим-ку?!

– Менда не юмушинг бор?

– Айтдим-ку, бегойим, тезроқ кийиниб чиқинг, амир-зодалар сизга мунтазир, шахарга жўнаймиз.

Бу даъфа Сарагулнинг товуши анча осойишта чиқди.

– Бундан чиқди, амир хазратлари тахти олийга қайтибдилар-да. Худога минг қатла шукур!

Шу пайт Мирсолибой деразага яқин келиб, дод солиб бақирди:

– Бадбахт бўлдик, кизим, ялангоёқлар ховлимизга бостириб кирди. Биздан ўша худобехабар Ҳанифанинг, Бадал кўсанинг қасосини олмоқчи! Дод, ялангоёқлар дастидан дод!!!

Бойнинг додига хотин-қизларнинг ҳам йиғиси қўшилиб, ичкари ҳовли ва хосхоналарни фиғон, фарёд босиб кетди.

Бойнинг бегуноҳ марҳумларга тил тегизиши Темурнинг жахлини кўзгади. У бойни деразадан нари итариб, пўписа қилиб, ташқари ховлига чиқариб юборди. Темур аёлларни хосхонадан тезроқ олиб чиқиш хусусида режа-лаб турган эди, ховлига Васька кирди. У ертўладаги бойлик ҳақида бир лаҳза маслаҳатлашиб олди.

– Буюриб келдим, халталарни араваларга ортишяпти, – деди Васька командирга ахборот бериб. – Ҳар бир аравага махсус соқчилар тайинладим. Бу олтинларни зудлик билан амир хазинасига қўшиб Москвага жўнатамиз. Аҳмаднинг жароҳатига қочоқлар билан қўшилиб келган хос табибнинг ўзи қараяпти.

– Яхши, – деди Темур дўстининг ишини маъқуллаб, – ҳозир ҳарамни бошлаб чиқсак, вассалом – кейин йўлга тушаверамиз!

– Темур, – деб чақирди шу маҳал Сарагул дераза ойнасига яқин келиб, – мен сени энди танидим.

Темур деразага яқин борди.

– Сиз доим шунақасиз, бегойим, – деди Темур арғимчок учаётганида Сарагул ўзини уни бўйнига отганини ижирғаниб эсларкан. – Мени доим кеч танийсиз ва.. кеч тушунасиз!

– Биздан Ҳанифанинг қасосини олмоқчи бўлибсанда!

– Асло. Агар билсангиз, ўша содир бўлган симоб

воқеаси – Ҳанифанинг амирга бўй бермай, унга қарши қилган жасорати мингта қасосдан устун туради!

– Амирнинг газабидан қўрқмай айтяпсанми шу гапларни?

– Қўрқасак, амир тахтини ағдарармидик, бегойим.

– Тахтни ағдардиларингми? Сен оёқяланглар-а?! – Сарагул анча вақт жим қолди. Кейин хотиржам овозда деди: – Сенда бир ўтинчим бор. Ичкари кир, фақат ўзингга айтадиган бир оғиз гапим бор. Фақат ўзингга, юзма-юз туриб...

– Ҳали ҳам юзма-юзмиз, айтаверинг, бегойим.

– Йўқ, уйга кирганингда айтаман. Йигит кишисан, мен муштипар бир аёлнинг ўтинчини қабул қилишдан чўчияпсанми?

– Асло чўчимайман.

Шу пайт аскарлар ичкаридан аёлларни бошлаб чиқишди. Пошшобиби олдинда, хотин-халажлар йиғи-сиғи қилиб, юзларини ўраб, битта-битта супага чиқишди.

– Хўш, менда не юмушингиз бор, бегойим? – яна сўради Темур.

Сарагул яна деразага яқин келди. Унинг бежирим бурни, оппоқ юзи дераза ойнасига тегай-тегай деб турарди.

– Ҳузуримга киришга журъат этолмадинг-а, – деди Сарагул Темурга писанда қилиб. – Айт-чи, сенинг наздингда мен кимман?

– Сизми, бегойим, бир қараганда, кўлда ясалган... қоғоз гулсиз, – деди Темур қулиб, кейин қиёфаси бирдан жиддий тус олди: – Иккинчи бир қараганда, сиз бамисоли мўлтонисиз. Беҳаё мана шу кўзларингизда минг битта ёсуманнинг макр-хийласи бор.

Сарагул ўз шаънига айтилган бу сўзлардан пинагини ҳам бузмади. Темур ойна орқасидан разм солиб, унинг авзойида, овозида бирор ўзгариш сезмади.

– Қандай макр-хийла хусусида сўзлаётирсан?

– Ҳанифага ишлатган макрингиз хусусида, бегойим.

– Битта аёлнинг макри минг эшакка юк бўлар, деган нақлдан беҳабармисен?

*Дарахти макри зан сад реша дорад,
Фалак аз дасти вай андиша дорад!*

¹ Аёл киши ишлатадиган макр-хийланинг юзта илдизи бор, шунинг учун фалак ундан андиша қилади.

Шунн билки, ўзгага бўлган хусумат – макр-хийлага хамнша йўл очади.

– Таажжуб, Ҳанифанинг бировда хусумат туғдирадиган нимаси бор эди. хайронман, бегойим?

– Хусуматим сенда эди, Темур!

– Нечун?

– Хотирангдами, Бадал бобонинг букри дарахтига арғимчоқ солиб берганинг?... Балле, хотиранг жойида экан. Ана ўшанда... Нега ўшанда мендай бокира кизнинг кайноқ эхтирослари қаршисида ўзингни муздай совуқ тутдинг?

– Таънангиз ўринли, бегойим, ўшанда сизнинг чўғдай ловиллаб турган бағрингиз ҳам, олов янглиғ лабларингиз ҳам менга татимасди, чунки...

– Чунки ўртамизда Ҳанифа бор эди. Мен уни сендан, сени ундан жудо қилиш учун, агар билсанг, шу макрга қўл урдим. Сабабки, муҳаббатини баланд тутувчиларни жинимдан ёмон кўраман. У сен билан яширинча юриб, яширинча ўпишиб, кейин ҳеч нарса кўрмагандай лабини артиб, севгисини мандан пинхон тутарди.

– Муҳаббат, аслида, юрак қаърида туради: гоҳида одам билади уни, гоҳида сезмай қолади...

– Меники очикда эди. Сен йигит бошинг билан менинг биринчи муҳаббатимдан юз ўгирдинг. Ҳа, билиб туриб билмасликка, сезиб туриб сезмасликка олдинг, мени таҳқирладинг!

– Сизники муҳаббат эмас, бегойим, қуруқ ҳавас эди.

– Ҳақорат қилма. Арғимчоқ устидан бағрингга ташланиб олган биринчи бўсамнинг мазаси хануз лабимда турибди.

– Аёллик ҳаёнгизни йўқотманг, бегойим. Малол келса ҳам айтиб қўяй, энди гапингизни эшитишни истамайман.

– Мен истасам-чи?

– Мен хохламайман.

– Мен хохласам-чи?

– Ҳаммаси беҳуда, бас қилинг!

– Шундайми? Унда сўнги ўтинчимни эшит: бир лаҳзага ҳузуримга кир, қулоғингга айтадиган бир оғиз гапим бор.

– Майли

Сарагул, дераза пардасини ташлаб, орқага чекинди. Темур хосхона эшигига қараб йўналди. Васька билан

Наби кўнгли бир нарсани сезгандай, хавотир тортиб унинг орқасидан эргашди.

Темур дахлизда бир дақиқа тўхтаб, орқасидан келаётган Васькага, Набига, улар ортида турган аскарларга қаради. “Бегойимнинг қулоққа айтадиган қанақа гаплари бор экан?” деган маънода уларга қараб бир кошени хиёл кўтарди, мулойим жилмайди. У хосхона остонасига энди қадам қўймоқчи бўлган эди... Наби унинг икки елкасидан маҳкам тутиб, тўхтатди:

– Тўхтаб тур, Темур, – деди уни орқага тортиб, – олдин мен кириб, бегойимдан бир хабар олиб чиқай, қани ичкарида нима гап?

Наби Темурнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, ўзини эшикка урди. У хосхона остонасига қадам қўйишга улгурди-ми-улгурмадими – бу ёғини Темур илғай олмай қолди: Сарагул ичкарида туриб, эшик пардаси ортидан Набига қилич солди. Қилич Набининг бўйни аралаш чап елкасига ботиб кетди. Унинг танаси остонада чайқалиб, “вох” деди-ю, дарров уни ўчди. Сарагул саросимада қилични унинг елкасидан суғуриб олди, нишони янглиш кетганини фаҳмлаб: “Эҳ, мўлжални хато олдим!” – деб ўкинч билан додлаб юборди, сўнг хосхонанинг аллақайси бурчига ғойиб бўлди.

Васька Набини қўлтиқлаб олди. Боши унинг елкасига “шилк” этиб тушди.

Йигитлар ичкарига ёпирилиб киришди. Темур Сарагулни уй тўридаги харир парда ортидан, амирнинг бўйи баробар қилиб чизилган сурати ёнидан топди: у қўлида қилич, танаси қалт-қалт титраб, деворга суянганича турарди. Темур тик бостириб борган эди, аёл сўнгги кучини тўплаб, ўзига қилич уриб, кейин қўлидаги қилични Темурнинг оёғи остига улоқтирди.

– Эҳ, мўлжалим хато кетди... Хато кетди, Темур!

Темур амирнинг олтин сопли қиличини оёғи билан босиб, аёлга яқиндан разм солди: у қилич санчилган кўксини чангаллаганича жон узмоқда эди...

Аскарлар Набини ташқарига олиб чиқишди. Супага, гулзор ёнига кўрпача тўшаб ётқизишди. У оғир, энтикиб-энтикиб нафас оларди. Темур дўстининг бошини бағрига олиб, нафасига нафасини улагудек бўлиб, унга энгашди-да:

– Кўзингни оч, Наби! – дея илтижо ила уни таталай

бошлади. – Кўзингни оч, Наби, кара, қуёш чикяпти, хозир йўлга тушамиз.

Наби хиёл кўзини очди. Бошида турган кадрдон дўсти Темурга, Васькага, оёқ томонида тизилган ғамгин, кўзлари “ғилт-ғилт” ёшли аскарларга бир-бир кўз югуртириб чиқди-да, ҳазин товушда пичирлади:

– Ўзимни асраёлмадим. Мен... мен кўролмаган, кўришга улгурмаган ях... ях-ши кунларни эн... эн-ди сизлар кў-ри-нг-лар... Ох-ир-ги ти-ла-гим, Темур, шуки... Мулла акамиз Қо-си-мм курьер билан Мажид отанинг қабри-ни-и мен учун ҳам зиёрат қил-гин...

Набининг вужуди ўқтин-ўқтин тўлганиб, лаблари илтижо ила пичирлади-ю, лекин товуши чиқмади, унинг танаси ногаҳон бир қалқиб чўзилди, кейин тинчиб, кўзлари барқ уриб чиқаётган қуёшга қадалиб, қотиб қолди...

Катта чошгоҳга яқин Васька ва Темур бошлиқ қизил аскарлар отряди тилло камарли амирзодалар ва хотин-халажлардан иборат қочоқлар қарвонини шаҳар томон олиб кетди...

Шофиркон. 1983–2006 йиллар.

БАДИЛАЛАР

ЮРТ ҲАВОСИ

Шайх Абдул Хамиднинг умри бир ҳисобда саёҳатда ўтган. Юртма-юрт кезган одамга масофа чўт эмас: мамлакатдан-мамлакатга ўтиб, ҳар бир янги юртга қадам босганида шайхнинг рухсоригина эмас, қалби, бутун вужуди ҳам ёришиб кетар эди. Қай бир мамлакатга қадам ранжида этса, у ўша юртнинг тилида сўзлар, биринчи галда учратган одамани узоқ дуо қиларди:

– Юртингдан гул ҳиди, кўнглингдан иймон нури, умрингдан баракаи нек ҳеч қачон аримасин!

Шайх жанобларининг танглайини энагаси гул билан кўтарган чоғи, у – ашаддий гулпараст эди. Ҳушфеъл бир алпоздаги суҳбати албатта гул билан бошланиб, гул билан тугарди.

Шайх ўзга юртлардан сараланган, ранг-баранг гул уруғи излар, учратган одамидан гул тухуми сўрар, ўрнига ўз кишлоғидан олиб борган уруғдан бир ховучгина бериб, уни тезроқ экишга ундар эди.

– Гул экинг, жумлаи жаҳонни гулга ўранг. Сиздан гулу гулзор қолсин, азизларим!

Шайх кишлоғида, юртидаги мачиту мадрасалар супасида хилма-хил гулзорлар бунёд этган эди. Ҳовлисининг шундоққина орқасидаги тепаликда 99 хил гул навидан “Аллоҳ – қалбимизда” дея битилган чўғдай ёник анвойи гуллар ўстирган эдики, уни кўрган одамнинг ақли лол қоларди...

Беайб Парвардигор деганларидай, шундай иймон-эътиқодли шайхдан эҳтиётсизлик оқибатида андак қусур – хатолик ўтди. Ҳа-ха, шайх буни густохлик деб атади: ўзга юртдан харид қилиб қайтган гул тухуми халтачаси ичидан бир жуфт чумоли чикса бўладими! Ё алҳазар! Буни кўриб шайхнинг капалаги учиб кетди:

– Сенларни ватангадо қилиб қўйибманку, – дея ичидан кўп ачинди, тоза куйинди у. – Билиб-билмай юртгадо қилиб қўйибман-ку, сен азизларни. Ҳеч бир жонзот ўз еридан айри тушмасин, юртнинг ҳавоси барчага тўтиё. Энди бу гуноҳи азимнинг зарбини қандоқ кўтарамен?! Ҳазрат Деҳлавий чин сўзламишлар:

– Агар чумолини фил эзгиласа,
Товонин филбондан сўрамоқ даркор...

“Густохлик мендан ўтди, мендан ўтди!..

Шайх Абдул Ҳамид чумолиларни тезроқ ўз ватанига кайтариш тараддудига тушиб қолди.

– Чекингга тушса, чекчайма. Юртгадо бу чумолиларни ўз маконига жўнатмасам бўлмас, — дея изтироб ичра ўйларди шайх, — бисёр уволга қолурмен. Ҳеч бир жонзот ўз юрти ҳавосидан бебаҳра қолмасин. Биламен, узоқ юрт, йўл азоби — гўр азоби, демишлар. Ёшим ҳам ўтиб қолди. Бориб-келишимга умрим вафо қилади-ми-йўкми, билмадим...”

Бундан қарийб минг йилча олдин айтилган ушбу ажиб ривоятда чумолилар ким орқали ўз юртига жўнатилгани, минг афсуски, аниқ эмас: уларни шайхнинг ўзи элтганми ёки бирор шогирдпешаси олиб борганми, бу ёғи энди фақат Тангрига аён...

СИНОВ

Қадим замонда айтар ҳар бир сўзи ҳикматга мойил, диёнатли бир подшоҳ ўтган. Унинг ақл-идрокли икки ўғли бўлиб, бири Йўлдош, бири Қўлдош экан. Ота иккала ўғлини ҳам меҳр билан севар, “Булар менинг кўз қароғларим” деб айтар экан.

Подшоҳ кексайгани сайин мамлакат, тахт қисмати уни чуқур ташвишга солиб қўйибди. Кун ва тун шу ҳақда хаёл сураркан: “Қай бир ўғлимни тахтга ворис қилиб тайинласам, адолатли иш қилган бўламен?”

Арқони давлат ила ўтказилган не-не машваратлар ҳам бу муаммо ечимини тополмай, қайроқи тугунлигича қолиб кетаверибди: маслаҳатчиларнинг бири тахтга Йўлдош муносиб деса, иккинчиси валиаҳдлик Қўлдошга насиб этгани маъқул деярмиш.

Хуллас, подшоҳ тахт ворисини танлашда ўйлай-ўйлай пинҳона бир йўл топиб: “Қай бир ўғлим шу синовдан ўтса, — дея қатъий қарорга келибди ҳукмдор, — келажакда ўша валиаҳд бўлади, гап тамом-вассалом!”

Мамлакат чегарасида содир этилган ногаҳоний босқинни ўта машаққат ила бартараф этиб, қон кечиб, силласи қуриб кайтаётган ўғилларига пешвоз чиққан подшоҳ уларни тунд бир кайфиятда кутиб олиб, ҳе йўқ-бе йўқ, сарой чеккасидаги хужрага қамаб қўйибди. Сўнг

сарой ховлисида ўйноқлаб юрган 5–6 болани шахзодалар ўтирган хонага киритиб юборибди. Ўзи нарвонга чиқиб, уй туйнугидан пойлабди. Муддао: ота фарзандларининг толиқиб, асаби қўзиб-жўшиб турганида ўзини кандай тутиши, болаларга қай тахлит муомала қилишини синовдан ўтказиш эди.

Подшоҳ туйнукдан узоқ кузатибди. Йўлдош чуғурлашиб кирган болаларни аччиғига эрк бериб жеркибди, хонадан ҳайдаб чиқармоққа чоғланибди:

– Бир ками сен жужуқлар эдинг. Қани, дарров жўнаб қолинглар бу ердан!

Қўлдош эса болаларни қўллаб, хонада тутиб қолибди, уларни бир-бири қучиб, манглайларида ўпибди, уларни узоқ гапга солибди. Қўлдош болалар билан овуниб, дадасининг жаҳлдан тезроқ тушишини умидвор кутибди.

Ота ўғилларидан айнан худди шу хислатни – сабрбардошли бўлишни, болаларга хамиша меҳр-шафқат ва мурувват кўрсатишни кутган эди...

Шундай қилиб, подшоҳ эртасига аркони давлат олдида Қўлдошни валиаҳд деб эълон қилибди. Ва сўзининг охирида тантанавор қўшиб қўйибди:

– Бир кунга бўлса-да, дунёни болаларга берайлик! Сарвари олам – жаноби Пайғамбаримиз болаларни жаннат чечаклари, биҳишт райхонлари деб атаганлар. Бу чечакларни севмаган, бу райхонларни севолмаган шахзода давлатни бошқаришга қодир эмас!

БИР СОАТЛИК АДОЛАТ

Нилий осмон остида одил бир подшоҳ яшар эди. Кўп умри мамлакатда адолат ўрнатиш ташвиши билан ўтарди. Фуқароларига қарата айтадиган ҳар икки гапининг бирида: “Савоб ишни ҳар куни қилинглар, адолат-пеша бўлинглар!” дея фатво бергувчи эди.

Кунлардан бир куни шу подшоҳ ҳаж сафарига отланиб қолди. Бундан воқиф бўлган фуқаро норози бўлиб, шох йўлига қўндаланг чикди:

– Олампадох, мамлакатни бегоналар илқиға топшириб кетасизми? Яшнаб турган шундай чаманистонни ўзгалар ихтиёрига қолдирсангиз, қайтиб келгунингизча мамлакат хароб бўлади. Бу раъингиздан қайтинг, шаҳаншоҳ!

Подшоҳ сусайди. Отдан тушди. Тўпланган фуқаролардан изн сўраб, сарой аъёнларига карата шундай деди:

— Камина аллақачондан бери хожилар қаторида бўлмоқни истаб юрибмен. Бу — ҳукмроннинг тилаги. Бу тилақдан мени ҳеч ким қайтаролмайди. Бироқ, тилагимни халойиқ тилагидан устун қўёлмасмен. Бунга ҳаққим ҳам йўқ. Лекин раъйимдан ҳам қайтмасмен. Ахир, мен ҳам қиёмат кунида хожилар қаторида бўлмоғим керак.

Бу муаммо тугунини ечмоқ осон кечмади. Ҳамма гангиб қолди. Халойиқ орасидан мункиллаган бир чол чиқиб, ҳукмрон мушкулини осон қилди.

— Хожилар қаторида бўлмоғингиз имкони бор, давлатпаноҳ. Яқинда сафардан қайтган бирор хожининг хаж савобини сотиб оласиз, вассалом!

Подшоҳ кўнди. Вазири аъзам бу ҳақда мамлакатга жар солди. Йигирма марта хажга бориб келган бир художўй хожини топиб, саройга бошлаб келдилар. Олампаноҳ бир марталик хаж савобини беришини сўраб, унга илтижо қилди:

— Тила тилагингни, эй бандаи мўмин. Ўн минг тилло сен азиз инсонга садақа бўлсин. Сўровим шуки, тилагимни рад қилма: бир ҳожилик савобини каминага сотгин.

Ҳожи ўта диёнатли инсон эди, тахт соҳиби пойига таъзим этиб:

— Эй, шаҳаншоҳ, тилло дегани нимаси?! Бир хаж на бўлгай? Йигирма ҳажнинг савобини сизга бағишлагумдир. Сиз менга фақат... фақат бир соатлик қилган адолатли ишингизнинг савобини берсангиз бас!

Алалхусус, мухтасар гап шуки, ҳукмдорнинг бир соатлик қилган адолати йигирма ҳажнинг савобига тенг экан.

ДЎСТЛИК

Ёмон қўшни — жон қозиги деганлар. Суярбой ана шунақа “жон қозик”лар дастидан чаманистондай қишлоғини ташлаб, чўлу биёбонга қўчиб кетди. Йиллар ўтиб, янги ховли-жой қурди, данғиллама қасрлар тиклади, яна беҳисоб мол-давлатга эришиб, “Аввалгиларга ўхшамас” деган ширин-шакар қўшиғини хиргойи қилиб яшайверди.

Бир куни тонгда Суярбой ташқари чикса, замин

замонни оппоқ қор қоплабди. Бундоқ разм солиб қараса, дарвоза остонасида уч жуфт улкан из қолган. Из соҳиблари негадир орқага қайтиб кетишган. Бой хижолат бўлди: “Ховлига нега қирмай кетишибди?”

Суярбой излар ортидан тушди. Тепалиқда уч ноташиш қимса қизғин баҳслашиб туришарди. Бой салом бериб, ўзини танитди. Уйга таклиф қилди. Ўз навбатида уч нотаниш ҳам исми шарифларини айтиб, ўзларини таништиришди: бири — Дўстлик, бири — Тинчлик, бири — Бойлик экан.

— Дарвозангдан қайтдик, бой, — деди улар Суярбойга. — Мана, танишиб ҳам олдик. Эй, азиз инсон, энди тила тилагингни: қай биримизни истасанг, ўшамиз сенга меҳмон бўламиз.

— Дарвозам очик, марҳамат, — дея илтифот кўрсатди бой, — ҳаммаларингиз сифасиз. Бизда туякашга дўст бўлсанг, дарвозангни катта қур, деган нақл бор. Марҳамат!

— Эй, азиз инсон, илтифотингга минг қуллук. Бирок сенда биттаимизни таклиф қилиш имкони бор. Тила тилагингни.

Суярбой хайрон бўлиб, чуқур ўйга толди: “Қай бирини таклиф этсам экан? Бири ўзини Дўстлик, бири — Тинчлик, бири — Бойлик деб атади. Булардан қай бирини танласам, тўғри иш қилган бўламан? Бойликни танласам, уйимда бойлигим беҳисоб текилиб ётибди; Тинчликни десам, ҳозирча хонадоним ҳам тинч-омон. Бирок дўст зотидан қуйганман, кел, яхшиси, Дўстликни таклиф қила қолай”.

Суярбой Дўстликка илтифот кўрсатиб, уни йўлга бошлаган эди, ё алҳазар, унинг ортидан Тинчлик билан Бойлик ҳам эрганиб келаверишди. Суярбой хайрон бўлиб турган эди, Дўстлик ортидан эргашиб келаётганлар унга изох беришди:

— Эй, азиз инсон, кўп хайрон бўлма. Биродаримиз Дўстлик қаерда бўлса, биз ҳам ўша ерда ҳозир у нозиримиз. Сен йўлни тўғри танладинг!

Суярбой қўштабақали дарвозасини кенг очиб, уларни ховлисига бошлаб кирди...

АРҚОН

Икки дугона узоқ чакчаклашиб ўтиришди.

— Агар айбга йўймасанг, — деди бири иккинчиси-га, — битта саволимга рўйирост жавоб бер.

— Мархамат.

— Ўз жонига қасд қилган одамни кўрганмисан?

— Йўқ, кўрмаганман. Бирок, жабрдийда бир аёлнинг шу ҳақдаги мақоласини газетада ўқиган эдим.

— Қандай, таъсирлими?

— Гапни қизиқ бир ривоятдан бошлаган.

— Илтимос қилсам, ўша ривоятни айтиб берасанми?

— Майли. Ёмонлардан безиган, ҳаётдан зада бўлган бир чўри қиз ўзини осмоқчи бўлиб, аркон харид қилгани дўконга киради.

— Арқонни нима қиласан, эй, нодон қиз? — дея сўрайди дўкондор.

— Ўзимни осмоқчиман, — дейди қиз. — Тўйдим бу дунё ситамларидан!

— Гапинг чин бўлса, дунёда битта бахтиқаро камаяркан-да?! — дебди дўкондорнинг кўнгли бузилиб, кўзига ёш айланибди. — Унда сенга туя жунидан тўқилган бакувват аркон керак-да!

— Шундай, соҳиб, — дебди чўри қиз — Бакувват аркон керак.

Қиз арқонни олиб, тўғри ўрмонга йўл олибди. Букри бир дарахтнинг шохини чўтлаб, унга аркон ташлабди ва ... ўзини осибди!

— Ўзини осибди? — дебди дугонаси хаприкиб, унга томон ярим хезланаркан. — Бечора қиз!

— Қиз бўйнига арқон солиб, оёғи тагидаги кундани нари туртиб юборган экан, ё алҳазар, арқон бирдан... узилиб кетибди!

Айтувчининг ҳам, тингловчининг ҳам шодликдан кўзлари порлаб кетибди:

— Хайрият, омон қолибди!

Қиз ётган жойида шохга ярим илиниб қолган арқонга қараб, дўкондор соҳибни роса қарғабди, обидийда қилибди. Шу пайт устига бир чўпон йигит келиб қолибди. Кейин тақдири шу йигит билан боғланиб, бахтли-саодатли бўлиб кетишибди. Бир куни ўғилчасини кўтариб эри билан шаҳар тушганида, арқон сотган ўша дўкондорга учрашибди.

— Мени танидингизми, соҳиб? — дебди жувон.
— Йўқ, танимадим, — дебди дўкондор.
— Ўзимни осмоқчи бўлиб сиздан арқон сотиб олган эдим. Эсладингизми, соҳиб?

— Арқон узилиб кетдимми? — деб кулибди соҳиб. — Бахтингга куя еган арқон тушибди-да, кизим!

Эр-хотин соҳибга қиматбаҳо сарполар ҳадя қилишибди...

— Яхши, — деди тингловчи киз ривоятдан қониқиш ҳосил қилиб, тили бийрон дугонасининг елкасидан маҳкам кучаркан. — Афсона бўлса ҳам мағзи тўқ, мохияти бутун экан. Яхшилик билан тугаган ривоятларни яхши кўраман. Яхшиликка не етсин!

ИСКАНДАРНИНГ ОЧИҚ КЕТГАН ҚЎЛЛАРИ

(“Қутадағу билиг” йўлида)

Эй одамзод, феъл-атворинг бунчалар чигал, бунчалар мураккаб — ечими топилмас қайроқи тугунга ўхшайди. Бор сир-асрорини ўз саҳифалари бағрида яширган, хали ўқилмаган, ҳатто қўл ҳам урилмаган китобга монандсан. Бобокалон юртдошимиз Аҳмад Дониш ҳазратлари демишлар: “Бу сирли китобни эринмай варақлаш, ўқиш ва уқиш керак...”

Биламан, агар тафаккур дарёсига чўмсанг, етти иклим сенга чўт эмас — бир лаҳзада бутун дунёни чулғаб оласан. Гар ғазабга минсанг, йўлбарсни хонаки мушукдай кафтингда ўйнатасан. Мехрибонлигинг тутса, чумолини кипригинг устида асрайсан, мабодо қабоғингда ин кураман деса, ўшанга ҳам рози бўласан. Гар бахиллигинг тутса борми, чигиртка лукмасига ҳам оғиз соласан. Такабурлигинг тутса, еру кўкка сизмай, кундузи қуёш нурини, кечаси ой шуъласини ҳеч кимга раво кўрмайсан. Ана шунақа феъл-атвори хилма-хил манзарали жонзотсан.

Эшитган бўлсанг, ўзбекона бир нақл бор: ёмонга эл беру, қўлига бел бер. Гар даражангни ошириб, раъйингга кўндаланг тўсиқ қўймасалар, на Тангри сўзини уқасан, на Сарвари олам ўғитига қулоқ тутасан. Қадимги Миср Фиръавнига ўхшаб, худолик даъво қилишдан ҳам тоймайсан.

Эй одамизод, кул ранг ер қаърига бир назар ташла,

у ерга канчадан-қанча асл одамлар кирдилар. Не-не сара — карчиғайдай али, келбатли йигитлар қайғу-алам билан ер бағирлаб ётибдилар, ханузки ер ўпкони тўлмай-дир.

Дунёнинг кўксига оёғини тираб, ўзига темирдан ша-хар, олтиндан қаср қурдириб, Азроилга қайсарлик қил-ган ўша қайсари олам — Шаддод ҳозир қаерда?

Кўкка нарвонсиз интилган, дунё тизгини хамиша тол-мас илкимда деб керилган Намруд қани? Худо шаънига маломат тошлари отиб, Парвардигор ғазабига учраб, ден-гиз қаърига фарк бўлган малъун Фиръавн қаерда?

Дунёга сифмас бойлик йиккан, йиккан шу бойлиги аламига замин қаърига кетган Қорун қани?

Қўлидаги хассаси илон бўлгучи, истаса, денгиз су-вини тескари юргизувчи оби-хаёт пайғамбари ҳазрат Мусо ҳозир қаерда?

Мархумларга чандон жон ато этиб, ўзининг азиз жо-нини пистирмада турган ажалга ногаҳон тутқазган Исо пайғамбар чормихда нечун ҳамон сукут тутиб ётибди?

Феъл-атвори гўзал, етти иқлим тизгини қўлида бўлган Сулаймон пайғамбар нечун ханузгача бош кўтармайди?

Одамлар илкига Куръони Каримни бериб, Ашриқдан Машриққача мусулмон дунёсига покиза дин ва диёнатни бахш этган Сарвари олам — Мухаммад с.а.в. қайси ман-зилни макон этдилар?

Бу бебако дунёга кимлар келиб, кимлар кетмади — яна келади, келаверади, яна кетади, кетаверади... Бу олам сарҳади ҳеч кимга торлик қилган эмас, бу қора ер ўпкони тўлмасди!

Шундай экан, эй, инсон, ўтган аждодлар руҳи пок-лари хаки хурмати шаштингдан андак тушгин. Тўғри, сарбаландлигинг менга ёқади, лекин такаббурлигинг, бой-ликка хирс кўйиб, беҳаловат елиб-югуришларинг камина ҳаловатига, илло-билло, шак келтирмоқда.

Кўз тўқлиги — бойликнинг боши. Борига қаноат қил-гучи киши дунёда энг бахтиёрдир. Кўзи суқ одам — бадбахт, унинг кўзи дунёга тўймайди. Уни фақат қора ер тўйғазади...

Сен мана бу ривоятдан ибрат олсанг бўларди, эй, одамзод, Искандар Зулкарнайн заминун замонни эгал-лаб, охири жон таслим этди. Жаҳон фотехи ўлими олди-дан ўз яқинларига шундай васият қилди:

— Мени тобутга ётқизган пайтингизда, ёқут тешиги-

дан ипни чиқариб қўйилгани каби, албатта қўлларимни тобутдан чиқариб қўйинглар. Токи халойиқ хайрат кўзи билан, йўқ-йўқ, ибрат кўзи билан бокиб: “Бу панжалар саф тортиб, бутун дунёдаги лаълу гавхарларни кафтларига киритиб олган эди. Мана энди бу қўллар шол кишининг қўлидай курук, чинорнинг япроксиз бутоғидай бу дунёдан бўм-бўш кетаётир, — десинлар. Бу одамлар учун бир ибрат мактаби бўлиб, дунёни эгаллаш машғулотидан қўлларини тортсинлар”.

Етти иклимни забт этган Искандар Зулқарнайн ўттиз уч ёшида ана шундай қайғули васиятни яқинларига айтиб бўлгач, ул боқий дунёни ҳам тезроқ олиш учун шошилди.

*Кимга вафо қилган асли бу дунё,
Кезинг, майли, ҳаёт йўлларин.
Ёдингиздан чиқарманг асло,
Искандарнинг очиқ қўлларин!*

МАНГУЛИК

*Белбоғига тугиб олди бир ҳовуч тупроқ,
Она юртни тарк этмоқдин
не бор мушкулроқ?!
(Тошпўлат ҲАМИД)*

Уни киндик кони томган заминда бадном этдилар.

Унинг тилло бошига сўқир малоамтнинг қора тошларини отдилар.

Уни она юртидан қувғин қилдилар. Бухоронинг дахрий-гуноҳкор деб айбланган гуноҳсиз фарзанди шаҳри азимдан эгик бош билан бош олиб кетди.

*Мен улуғ бўлганда аммо келди тор
шаҳри азим ҳам,
Қийматим ошганда топмай қолди
харидорим менинг...*

У кетди, лекин шу рутубатли кундан бошлаб Бухорои шарифнинг муқаддас замини ғариб ва беҳаловат бўлиб қолди.

У кетди, мотамсаро Бухоро ўксиб қолди, баҳор янглиғ яшнаб турувчи “Жўйи Мўлиён”¹ хазонрезликка юз

¹ Қадимги сўлим ғўна.

тутди. Шахристонга¹ об-хаёт олиб келадиган Шохруд бетоқат тўлоққа тушди, Бухоро кўксига қалқон бўлиб турган Кампирак² деворлари худди зилзилага йўлиққандай чок-чокидан дарз кетди.

Бу нохуш хабар Бухорони ранж-алам, ғуссага ботириб кетди...

Мана, Хусайн Бухорон шарифнинг сўнгги чегарасида турибди, яна бир қадам қўйса, у ёғи бегона юрт.

У тўхтади, ортига қайрилди, кўзлари жовдираб она юртига сук билан қаради. Ерга тик чўқди, бир лахза манглайини қора заминга беун босди: ерни хидлади, ўпди... Бир ховуч тупроқ олиб, жойидан бемажол турди. Бу сўнгги қадам уни қайларга олиб боради? Бу охирги одим, ким билади, бошига не-не кўргиликлар, не-не савдоларни солади?!

У охирги қадамини босишга раъйи келмай, яна чор атрофга қаради: қаршисида бағри тилиниб, баркашдай бўлиб Қуёш ботяпти. Қоқ чегара бошида пастаккина ғариб бир кулба шумшайиб турибди. Ховлидан иссиқ нон хиди анкиб кетди. Хусайн шу хиддан хушёр тортди. Шу бир лахзалик сергаклигида хуштаъм нон хидидан, шу она замин лаззатидан бир умрга маҳрум бўлиб кетаётганини билди. Ўзидан бағри куйиб, кўкси тилиниб ботаётган Қуёшга тавалло билан қаради:

— Сенга нима бўлди, эй она Қуёш, бағринг нечун кип-қизил қон?! — деб ўкинч билан пичирлади Хусайн. — Ё сен ҳам мендан андоза олдингми? Наҳотки, сенинг ҳам тақдиринг менинг тақдиримдай чигал бўлса? Ҳарҳолда, сенинг йўриғинг бошқа, биз одамларга қийин... Биласанми, эй, она Қуёш, мени жони-жаҳоним — Шахристонимдан айирдилар. Киндик қоним томган бу юрт Курраи Заминнинг гул тожиси эрур: унинг донидан бир бор тўйган парранда, унинг сувларига бир бор тўш уриб ўтган қуш қайта хумори тутиб, дунёнинг нари бурчидан чиркиллаб учиб келади. Менинг бу азиз юртим дунёнинг яхлит бир мўъжизаси. У ҳамиша ёник, рухсори нурга чулғанган, зебу зийнатга ороланган бетакрор Шахристон. Ана шу боисдан ҳам Сарвари олам — жаноб Пайғамбаримиз жонимга туташ бу она юртни фахр ва ифтихор ила Фохира деб атаганлар:

“Эй, Худо! Фохирага барокот бергин, — дея юзлари-

¹ Бухоронинг кўрғон ичи Шахристон деб аталган.

² Шахристоннинг халқа девори Кампирак девори деб аталган.

га фотиҳа тортиб. Тангрига илтижо қилганлар. — Унинг халқлари дилларини пок этгин, ишларини покиза қилгин ва уларни менинг умматимга марҳаматли қилгин!

Парвардигорнинг назари тушган, Пайғамбарнинг дуойи нафаси теккан, Хизр назар қилган мана шу жаннатмакон, олтин гўшамдан мени айирдилар, эй она Қуёш!

Ҳусайн уфққа тикилиб, Қуёш билан юзма-юз турибди. Мана, мотамсаро Қуёш ҳам ботди. Шу пайт Ҳусайн бегона юртга қадам босди; унинг кўксига бир олам умид, қачонлардир она Заминга қайтиш илинжи тугён уради; кўлида эса бир ховуч ҳароратли тупроқ, унинг бор-йўқ мулки — мана шу бир ховуч тупроқ!

Ватанни кўмсаганида шу бир сиким тупроқ сўнги нафасигача Ҳусайннинг жонига ора кирди: кафтидаги шу қора тупроққа қараб Ҳусайн Бухорои Шарифнинг латофатли рухсорини кўрди; шу хоки покка қараб афсонасифат Афшонани кўз олдига намоён эта билди; болалиги ўтган ўша қум кўчалар, шифобахш гиёҳлар териб юрган Варахша, Вардонзе ва Жилвон даштлари Ҳусайннинг кўз ўнгидан бир-бир ўтар, ялпиз ва райхон хиди анқиб, димоғини китиклаётгандай бўлар эди. У шу хиддан бегона юртда хамиша сармаст, соғинч дардига мубтало бўлиб юрди!

... У кетди. Киндик қони томган тупроқда уни бадном этдилар.

У кетди. Унинг тилло бошига сўкир маломатнинг қора тошларини отдилар.

У кетди. Йигирма беш ёшида қувғин қилинган ўспирин Ҳусайн роппа-роса минг ёшдан ошиб, бамисоли она Қуёшдай порлаб, мангулик тимсоли Буюк Абу Али ибн Сино бўлиб она юртига қайтиб келди!

*Неки хасталик бор тузатгум аён,
Шифо топажакман бари-барига.
Худойим, ўзинг айт, мен шўрлик, қолон,
Нечук даво топай соғинч дардига?!*

ВИДОЛАШУВ

Ўтган буюк устодлар томонидан гоҳ адолатли ҳукмрон, гоҳида золим подшоҳ тарзида тасвирланган Искандар Зулқарнайн бор-йўғи 33 йил умр кўриб, бу фоний дунё билан видолашадиган бўлди. Не илож, тақдиру азалнинг ҳукмидан чекиниб бўлмас!

Шоҳнинг фармонбардорлари кўзида ёш билан



ҳукмдорнинг ўлими олдидан айтар сўнги сўзини интиқ бўлиб кутишарди.

— Сизларга айтар сўзим шулки... — Алахлаб, пойманой гапира бошлади Искандар. — Эҳ, дилда тилагим қат-қат эди. Афсус, уларнинг кати бузилмай, ер қатида қолиб кетадиган бўлди-да. Кетар чоғимда сизларга айтар насихат ва васиятларим шулки... Билиб қўйингларки, марҳумлар насихатини бажармоқ тириклар учун ихтиёрий, бироқ васиятни адо этмоқ, бу ҳам фарз, ҳам қарзидир. Васиятим шулки, каминанинг жасадини одам кўмилмаган холироқ бир заминда ерлатингиз!

Искандар бир лаҳза тин олди. Фармон ижрочилари орасидан кимдир шивирлаб сўради:

— Бор эканми дунёда шунақа жой?

Искандар ҳам шивирлаб, мажолсизгина деди:

— Бор. Ҳу ана у денгизнинг сўл тарафидаги оролча. Ўша ерда дафн этингиз. Иккиламчи сўровим: ким мени сўроқлаб келса, айтингиз, ўша кимсасиз оролчага борсин мен билан видолашгани...

Дафн маросими тугагач, қабр хоки хали совумай, дунёнинг тўрт тарафидан Искандарнинг дўсту биродарлари, таниш-билишлари уни хотирлаб, қабрини тавоф этгани келаверишди, келаверишди.

— Биз сени соғиниб келдик, Искандар! — Улар қабр бошида ички бир тўлғоқ ила бўзлашарди. — Жавоб бер, Искандар, биз сени соғиниб келдик!

Шу пайт... Ё, алҳазар, овоз тингунча фурсат ўтмай, бу ерда содир бўлган мўъжизани тариф этмоқ учун эҳтимол ҳазрат Фирдавсийнинг қалами ҳам ожиз қолур. Оролчанинг ҳар ер-ҳар еридан марҳумлар дам-бадам бош кўтариб, замин у замонни вазмин акс-садо босиб кетибди:

— Лаббай, Искандармен, камина шу ердамен! Лаббай, Искандармен!

... Ривоят эрмак эмас, уни кимки тушунса, мағзи гиж-гиж ҳикмат. Айтар муддаони илғаган бўлсангиз, шу кифоя. Одамзот дафн этилмаган деб тахмин этилган кимсасиз бу оролчада, қадимий битикларда битилишича, Искандар дея аталмиш исму шарифли инсонларнинг ўзидан беҳисоб марҳумлар дафн этилган экан...

Қиссадан хисса: азал-азалдан инсониятга панохгоҳ бўлиб келган заминга қадамни билиб, авайлаб, ҳамиша пок тутиб босинг, бу она ернинг ҳар бир қаричида ИНСОН аталмиш буюк зотлар хоки туроб бўлиб ётибди...

ТАРИХ – БУЮК ДОНИШМАНД

(Сўнгсўз ўрнида)

I. “СОЧИ ОҚАРГАН БОЛА” ҲАЙРАТЛАРИ

Тарих ҳақида гапириш осон. Тарих лавҳаларини илмий мақола ёхуд рисола микёсида қайта ҳикоя қилиш ҳам у қадар кўп машаққат талаб этмайди. Аммо Ватан тарихини бадиий акс эттириш, кечмиш дардларни кечирилаётган дардлар билан уйғун ҳолда ҳис этиб, кечаги кун фожиаларидан бугунги кун учун муҳим сабоқлар чиқариш беҳад сермашаққат жараёнки, бу жараённинг қалб ва руҳни ларзага соладиган оғриқлари, озорлари ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ҳа, ҳа, насиб этавермайди. Зеро, тарих – буюк донишманд! Унга яқинлашганинг сари тафаккуринг микёслари кенгайверади, юрагинг қатталашаверади, дардинг улканлашаверади. Тарихини яхши билган миллат болалари хиёнат кўчасига кирмайдилар, омонат дунё ҳавасларига учмайдилар. Тарихини яхши билган халқ фарзандлари ўз манфаатларини ҳаргиз Ватан манфаатларидан устун қўймайдилар, кекса чинорларга қари кунда, кўҳна деворларга бойқуш макони дея қўлларини бигиз қилмайдилар.

Ўтмиш ҳақида ҳаммадан аввал ёши улуғ инсонлар гапиришга бурчли ва ҳақлидирлар. Эҳтимол, тарих минг йилликлари олдида бандасига насиб этган улуғ ёшлар жиддий аҳамият касб этмас, аммо истаймизми-йўқми, ёши улуғ инсонлар ўтмишга, демакки, ҳақиқатга биздан кўра яқинроқдирлар.

Кўҳна Пойканд ва Вобкент тарихи каби Шофиркон (Шопурком) тарихи ҳам нафақат “қуббатул ислом” – Бухорои шариф тарихининг, балки қадим Турон тарихининг нурли ва дардли саҳифаларини ташкил этади. Шофирконнинг қадим Вардонхудотларга маскан бўлган Вардонзе қўрғонида, жазирамаю бўронларига саҳро одамларигина дош бера оладиган барханлари бағрида, келиб чиқиши туркий, суғдий, форс, араб, мўғул халқлари тарихига боғланган бир-биридан кўҳна кентларида олис ва яқин мозийнинг мунгли нафаси кезади. Шофиркон бағ-



ридаги оташ гўша – Жилвон чўлидаги барханлар, хайбатли саксовуллар, чексиз тўқайзорлараро кезган инсон ҳазин кайфият асирига айланади. Бу гўшада не-не подшоҳлар, амиру амалдорлар оёғи остида топталган қадим тупроқ шивирини эшитасиз. Қаттол овчилар ўқиға учган жайрону тулкиларнинг авлодларини учратасиз. Уларнинг гўё ёш йилтираб турган нигоҳларида гоҳ қонли, гоҳ шонли кечмиш манзараларини кўргандек бўласиз. Эҳтимол, буларнинг бариси Сизга менинг шоир хаёлим шарпаси, шоирона кайфиятим сояси бўлиб туюлар. Аммо Жилвонга туташ Вардонзе кўрғонига борсангиз, тепалик устидаги қадим битиктош ёзувларига бармоқ теккизсангиз, кекса тарих билан юзма-юз бўлиб, менинг айтганларим нечоғлик ҳақ эканлигига имон келтирасиз.

Ўнлаб ҳикоя ва қиссалари, турғунлик даври фожиаларининг жонўртар манзараси ва аччиқ сабоқлари тасвирига бағишланган “Қайтар дунё” романи орқали илмий ва адабий жамоатчилик эътиборини, мухлислар эътирофини қозонган устоз адиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, носир ва журналист Аҳад Ҳасан ана шу қайноқ гўша тарихини ўз бадий солномаларига мангу муҳрлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган, ўтмишнинг қалбни ўртагувчи дардларини ўз дардларидан зиёда кўрган, миллатдошлари қувончу ташвишларига ҳамдам, ҳамнафас бўлиб яшашни қисмат билган забардаст истеъдод соҳибидир.

Она-Ватанга садоқат, киндик қони тўкилган тупроқ соғинчи, ундан фахр этиш туйғуси, эрк ва покиза муҳаббат учун кураш, одамийлик ва инсоний ғурур йўлидаги чексиз машаққатлар адиб ҳикоя ва қиссаларида энг кўп мурожаат этилган муаммолар ҳисобланади. Бу муаммоларнинг барчаси Бухоро ва бухороликлар қисмати мисолида кўрсатиб берилганлиги адиб ижодида Ватан қиёфасининг Бухоро тимсолида, унинг ажралмас бўлаги бўлган Шофиркон тимсолида намоён бўлишига замин яратган. Шу маънода, адиб асарлари Бухоро ва Шофиркон тарихининг бадий солномаси ўлароқ, бу заминда яшаган халқ кечмишини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Ёзувчининг “Дунё гўдак эмас”, “Муқаддас тупроқ”, “Сўнган юлдуз”, “Етти ёт бегона”, “Зарафшон тўлкинлари”, “Қорахат”, “Даврон бобо”, “Қайноқ қум” ҳикоялари, “Сочи оқарган бола”, “Тўлин ой”, “Юзма-

юз” киссалари, “Қайтар дунё” романи Бухоро халкининг олис ва яқин ўтмишига хос мунгли кўшиқлар янглиг таассурот уйғотади.

Баъзан айрим асарларнинг маърифий аҳамияти ҳақида соатлаб гапиришга уринамиз-у, афсус, ўша маърифий аҳамият нимадан иборат эканлигини топишга қийналамиз. Аҳад Ҳасан хикоя ва киссалари тарихнинг тирик суратлари, уларни ўқиган китобхон бобокалонлари дарига бориб келгандай бўлади, ўтмишнинг тирик тасвирларини тасавурида жонлантиришга муваффақ бўлади. Адиб асарлари туфайли ўзинг яшаб турган заминга боғлиқ ришталарингни излай бошлайсан, унга муносиблик даражанг ҳақида бош қотиришга киришиб кетасан. Юртдошларингга бошқача кўз билан – аллақандай меҳр билан қарай бошлайсан. Тилингда бугунги кун шукронаси муқаддас оят каби такрорлана бошлайди.

Устоз билан ғойибона танишувим, адиб асарларида тасвирланган мозий сарҳадларига ҳаёлий саёхатларим ўқувчилик йилларимда кечган. Ўша даврларда қалбимга чексиз ҳайрат ва ҳаяжон солган “Қайноқ қум”ни, бу сайланма китобдаги энг сара кисса – “Сочи оқарган бола”ни ўқиб бола қалбим ларзага келгани, анчагача унинг таъсиридан чиқолмай ўйчан бўлиб юрганим рост.

Қишлоғимизнинг юқори қисмида Қумбосди деган қишлоқ бор. Бу қишлоқ айнан “Сочи оқарган бола” киссасида тилга олинган кент эмас. Менинг қишлоғимга яқин Қумбосдида Жилвон чўлидаги қум бўронларидан қочиб жон сақлаган қумбосдиликларнинг авлодлари яшашади. Нотаниш манзилга қўнган мусофирлар ҳосилдор, суви мўл-кўл жой танлаб уй-жой қилишган, янги маконларини ота-боболари мангу ором олаётган, киндик қонлари томган қишлоқ номи билан аташган. Аммо мен ўшанда бундай ҳақиқатларни идрок ва эътироф этадиган ёшда эмас эдим. Қиссанинг мурғак қаҳрамони – Қаноатнинг аччиқ қисмати акс эттирилган саҳифаларни ўқигач, уйга сизмай уйимиз ортидаги боғчага ҳовлиққанча югурганман. Боғ этагидаги тепаликка чиқиб, Қумбосди қишлоғи томонга кўзим ёшланиб узок қараганман. Ўша томонга боргим, қум босган пастаккина кулбада, онаизори жасади устида қўлчаларини кўкка чўзганча нола қилиб, кўз ёш тўкаётган Қаноатни кутқаргим, ҳам букчайтирган елкаларини кучгим, кулфат оқартирган сочларини силагим келган. Қуилар совиб қолганига қарамай, кўкка тики-

либ қалдирғочларни излаганман, уларни сабрсизлик билан қутаётган Қаноатга хаёлан мурожаат этиб, озгина сабр қилишни сўраганман... Мен ўша кунларни болалигимнинг энг тотли онлари сифатида жон қадар, дил қадар қадрлайман, соғинаман. Шу бўлса керак, бир асарнинг муваффақияти?! Бир адиб ижодининг маърифий аҳамияти?!

Улуғ башоратгўй адиб Чингиз Айтматов надомат билан таъкидлаганидек, ўзидан одамхудолар яшаш бундан минг йиллар бурун ҳам, қисса қахрамонлари яшаган даврларда ҳам, ҳозир ҳам одамзоднинг ёқимли эрмаги бўлган, шундай бўлиб қолаётир. Қиссадаги мурғак ёшида жувонмарг бўлган Дудук, катталарнинг катта мақсадларига эргшиб Янги Бухорога келиб қолган, аммо жаҳолат қурбонига айланган мусофир болакай – Миша, тирикчиликнинг қаттиқ тоши тишини синдириб адо этган жадидтабиат Носир варанка, унинг не ҳасратда ёруф дунё билан видолашган муштипар аёли аслида ўзидан худолар яшашга ўч ғаддор одамлар зулми туфайли нобуд бўладилар. Зеро, ғарибнинг ошига “оёқ сукиш”дан ор қилмаган, халқнинг ихлосу эътиқодини тирикчилик манбаига айлантириб олган, илму амали уйғун бўлмаган, олди-орқасига қарамай нафснинг ноғорасига ўйнаган, шайтоннинг шохини тумор, думини дастрўмол қилган, жавони китоб, иймони офтоб қўрмаган, ўз қабиҳ мақсадлари йўлида ҳар қандай ваҳшийликка тайёр турган кимсалар ҳамма замон ва маконларда аҳли башарга бемисл ташвиш, жон офати бўлган...

Мухтарам китобхон! Ишонаманки, ўтмишнинг ёник парчаси янглиғ қалбга аланга соладиган қиссанинг янги нашрини юқорида саналган қатор маънавий-маърифий эҳтиёжлар заруратга айлантирганлигига асар мутолааси чоғида, албатта, амин бўласиз. Буюк донишманд – тарихнинг яна бир дардли ҳикояси Сизни чуқур ўйга толдиради!

II. ҚИСМАТ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Ҳар бир асар ҳақидаги чин ҳақиқатни, аввало, шу асарнинг ўзи айтади. Энг муҳими, мутолаа жараёнида асарнинг қалби қаерда жойлашганлигини аниқлаб олиш ва бу қалб нималар дея тепишини ҳис қила олиш керак. Бадиий асар ўқиётганингизда бутун вужудингиз кўзу

кулоққа айланиб, вокеалар гирдобига фарқ бўлиб, севимли қахрамонларингиз изидан кўз, сўзидан кулоқ узмай сеҳрланиб қолганмисиз?! Айни шу ҳолат асирига айланган пайтингизда ота-онангиз буюрган юмуш хотирангиздан кўтарилиб, танбехларга нишон бўлганмисиз?! Шундай вазиятларда “Бу ҳолга қандай тушиб қолдим ўзи?” дея “бошингиз қотгандир”? Асло хайрон бўлманг! Сиз ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган неъматга рўбарў бўлгансиз – асарнинг юрагини топгансиз, бу юрак не дея тепаётганлигини дил-дилдан хис қилгансиз! Илло, Сиз асарга меҳр қўя бошласангиз, қолган ишни унинг ўзи уддалай олади. Ўз ҳақиқатларини кўз олдингизда биринкетин гавдалантириб, Сизни жисмингиз макон тутган манзилдан ўзга, олис йиллар, ҳатто асрлар бағрига олиб кетади.

Сиз мутолаасини тугатган “Ўткан кунлардан қолган эртақлар” қиссаси ҳам анча-мунча ҳақиқатлар қалитини ўз бағрига жо этгани, шубҳасиз. Мутолаа жараёнида асар билан жуда кўп дардлашдим. Англадимки, инсон ҳаёти қулфатга эш, инсоният тарихи дардга ҳамроҳ. Мана, уларнинг айримлари:

Ойдинкўл шикоргоҳига кўнгилхушлик мақсадида отланган амир қум кўчиши туфайли бир кечада вайронга айланган қишлоқлар ва бу манзилгоҳларнинг жамият ва табиат зарбаларидан абгор бўлган аҳолисига рўпара келади... Бу ҳам майли. Шикор завқидан умидини узган амир қишлоқ волийси Мирсолибойниқида тунаб, бой қизини ўзиники қилади ва саройга жўнаётган янги бегойим – Сарагул қўшни дугона, Темурнинг суюқлиси Ҳанифани ҳам ҳарамга судрайди, ҳарам Ҳанифанинг умрига зомин бўлади. Бу ҳам ёмоннинг касофатими, ахир, азиз китобхон?!

Биз бу касофат қадамнинг касрини асарда яна бир бор кўрамыз: Вобкент туманида қурултой ўтказишга аҳд қилган амирга ялтоқланиш имконини излаб юрган туман қозиси ночор оилалардан бирининг қизи Наврўзойни жаноби олийга пешкаш қилиш учун бандилиқда сақлайди. Уни қутқариш умидида қуйиб-пишган, Қора Даванг “маслаҳати” туфайли амирга суиқасд қилган Наврўзойнинг севгилиси Сирож шафқатсиз ўлим топади, Наврўзой эса бесўнақай махлук Қора Даванг ҳарамига жўнатилади. Шу эмасми, касофат одамнинг қадами қуруқ келгани?!

“Бировга чоҳ қазсанг, унга ўзинг йиқиласан”, дейдилар. Халқ агар бу фикрини янада теранроқ ифода этмоқчи бўлса, бундан-да кескинроқ ҳукм эълон қилади: “Ким қилмагай, ким топмагай!”. Халқнинг бу шафқатсиз хулосасига ҳамоҳанг индаллога эга бўлган асарлар дунё адабиётида беҳад кўп. Аммо асар қаҳрамонлари тақдирини айни шу интиҳо сари олиб боришдаги ўзгачалик фикрлари уйғун бўлган қаламкашларнинг ўзига хосликларини келтириб чиқаради. Жумладан, “Ўткан кунлардан қолган эртақлар” қиссаси орқали ўртага қўйилган хулоса ҳам ўша азалий ҳукмга ҳамоҳанг. Бироқ унинг ифодасида муаллиф тутган йўл адиб ижодий тажрибалари асосида шаклланган ўзига хос йўл эканлиги яққол сезилади. Энг муҳими, муаллиф қисса қаҳрамонларини ўз ихтиёрига қўяди. Уларни ўз ортидан эргаштиришга эмас, улар ортидан эргшиб, саргузаштларини кузатиб боришга ҳаракат қилади. Натижада китобхон амир, Сарагул, Қора Даванг каби қаҳрамонларни шармандали рухий ва жисмоний мағлубият сари етаклаган тадрижий йўлни аниқ-тиниқ тасаввур эта олади.

Вобкент туманида ўтиши режалаштирилган қурултойга шошилаётган амир аламзада Сирожнинг “ўқиға дуч келади”. Гарчи суиқасд туфайли унинг бир тукига ҳам зарар етмаган бўлса-да, оддий фуқаронинг бу жунбуши уни хавотирга солмай қўймайди. Бироқ унинг қосир ақли бундай хатарларнинг илдиизи аслида қаерда эканлигини англаб етишга кифоя қилмайди. Унинг ўшандаги ўйини яна бир қарра ўқиб кўринг: “Бу қандай кўргиликки, етти кишварнинг назари тушган мамлакат ахли фуқаросининг олампаҳохи бўлсам-у, каминага бирор осуда дам бўлмаса?! ...Қадам боссам рақибим оёғим остидан чиқади, ишонган одамларим укувсиз, телба-тесқари. Саройда фиқу фасод, шикорға чиқсам хунрезлик. Бирор сафолик кун бўладими-йўқми ўзи, эй, парвардигор?! Магарам, тахти олийға бирор нопок ғаламис аралашдимми ё амирлик тахти кўзға кўринмас, нозик бирор еридан дарз кетган-у, бу фоний дунёдан каминанинг насибаси узилганми?!...” Ҳа, афсуски, “жаноби олий” омонат тахтининг қаеридандир дарз кетганлигини ҳис қилади-ю, бу ҳалокатға аслида ўзи замин яратаётганлигини англаб етмайди. Ханифа, Бадал бобо ва кампири, Сирож, Филай, Қосим қурьер, Мажид ака каби минглаб бегуноҳ одамларнинг хуни, Темур, Наби, Абдурахимбой, Қовунчи

бобо каби минглаб жабрдийдаларнинг қарғиши тутиши мумкинлигини ҳаёлига ҳам келтирмайди. Ахир, бундай ҳукмдорлар ўзлари учун қуриб олган манзили маконлар маишатдан ўзга нарсани бегона санарди. Улар қўнган шох ва бутоқлар заррин либослар, димоғу фироқ, кибру ҳаво юкидан қарс-қарс синарди. Уларнинг оёғи етган кент ва қишлоқлар, асарда тасвирлаганидек, худди Ундаре, Қумбосди, Қумушкент қишлоқлари каби ҳувиллаб, тағин афғору абгор ҳолга тушар эди. Улар борган манзиллардаги навнихол қизлар юзларига қорақуя суртиб, ўзларини тасқара қилиб кўрсатардилар, ота-оналар соқол-мўйлови сабза урмаган хушрўй ўғилларини дарҳол яширар эдилар... Амирнинг саройдаги фитналар сабабини излаганига нима дейсиз? Ақлдан озган Қора Давангнинг ўз забун аҳволини шарҳлашга уринганига-чи?!...

Азиз китобхон! Сиз қиссани асар “Юзма-юз” ва “Олтин камарли қочоқлар” номлари билан нашр этилганда ҳам ўқигансиз. Қиссанинг янги нашрини мутолаа қилиб туриб, унинг аввалги нусхаларидан фарқли томонларга эғалигини англадингиз, албатта. Асар янги вариантынинг ҳажми жиҳатдан камайгани адибнинг умидвор нигоҳи туфайли у қадар сезилмайди ҳам. Муаллиф ўзи тасвирлаган воқеликнинг эртаққа айланиб қолишини, жон қадар севган элининг эркин ва мағрур яшашини жуда-жуда истайди. Қиссани ич-ичидан нурлантириб турган куч ҳам ана шу ўлмас умид, ҳаётбахш истакдадир!

Шодмон СУЛАЙМОН,

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
филология фанлари номзоди.*

2007 йил 5 январь, Бухоро.

МУНДАРИЖА

СОЧИ ОҚАРГАН БОЛА

Биринчи қисм

Туйнук	3
Мулюшдаги уй	7
Илтижо	11
Тошбитикдаги жарнома	13
Жайхуна	18
Граф Толстой даъвати	21
Ёнғин	28
Бухорони титратган кун	32
Мутаваллининг қўлбола шайтонлари	36
Нажот туйнуги	44

Иккинчи қисм

Етим	50
Мутаваллининг қирк саккиз чўнтаги	57
Шафқатсиз мутавалли	61
Хашар	68
Қалдирғочлар қайтган кун	77
Хотима	83

ЎТКАН КУНЛАРДАН ҚОЛГАН ЭРТАКЛАР

Биринчи қисм

Зўраки никоҳ	84
Севгини яшириб бўладими?	96
Тақдир чоррахаси	99
Таваккал	109
Қасос	112
Гирдоб	118
Оғизга олиб бўлмайдиган гап	119
Туянинг думи ерга текканда	124
Бир қабрда икки мархума	132

Иккинчи қисм

Ғалати одам	140
Чапақай мулозим изидан	145
Олтин камарли қочоқлар	146

Кўприк остидаги марҳумлар	150
«Ҳарам қочоқлари» операцияси	154
Амирдан келган «чопар»	157
Васваса	164
Қалъа сукунати	170
Қора қузғун	177
Олтин соғли қилич	180

БАДИАЛАР

Юрт хавоси	187
Синов	188
Бир соатлик адолат	189
Дўстлик	190
Аркон	192
Искандарнинг очик кетган қўллари	193
Мангулик	195
Видолашув	197
Тарих — буюк донишманд (Ш.Сулаймон)	199

АҲАД ҲАСАН

КЎҲНА БУХОРО ҚИССАЛАРИ

Қиссалар, бадиалар

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош тахририяти
Тошкент — 2007

Мухаррирлар *И. Шоймардонов, Д. Исмоилова*
Бадий муҳаррир *Т. Қаноатов*
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*
Сахифаловчи *М. Атхамова*
Мусаххихлар *М. Зиямухамедова, Ж. Тоирова*

Теришга берилди 13.03.2007. Босишга рухсат этилди 16.04.2007.
Бичими 84x108¹/₃₂. «PeterburgUz» гарнитураси. Офсет босма. Шартли
босма табоғи 10,92. Нашриёт-хисоб табоғи 10,07. Адади 5000. Буюртма
№3541. Бахоси келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси 100083. Тошкент шаҳри Буюк Турон 41.**